

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

МАВЛЮДА АХМЕДШАЕВА

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДАВЛАТИ ВА
ҲУҚУҚИ НАЗАРИЯСИ
МУАММОЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ –2006

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна.
Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси
муаммолари. Ўқув қўлланма. Масъул муҳар-
рир: ю.ф.д. проф. З.М.Исломов. -Т.: ТДЮИ
нашриёти, 2006. -331 б.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тошкент Давлат юридик институти ўқув-услубий Кенгаши
қарорига кўра нашрга тавсия этилган. (2006 йил 29 июн, 12 -сонли
баённома)

Масъул муҳаррир: З.М.Исломов юридик фанлар доктори,
профессор

Тақризчилар: Г.М.Тансиқбоева юридик фанлар

номзоди, доцент

Л.Ф.Кашинская юридик фанлар

номзоди, доцент

Мазкур ўқув қўлланма ТДЮИ «Магистратура» босқичи
тингловчиларига ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси
муаммолари махсус курси мавзулари бўйича йўналиш бериш
мақсадида Ўзбекистон ва МДХ давлатларида чоп этилган янги илмий
адабиётлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланган. Қўлланмада махсус
курс дастурига мос ҳолда ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқининг
умумназарий масалалари ҳамда бу икки мураккаб ижтимоий
ҳодисани бугунги кун нуқтаи-назари ва реалликлари асосида
тушунишга оид масалалар ёритилган.

Ушбу ўқув қўлланма махсус курс бўйича дастур мавзуларини
қамраб олганлиги боис магистрантларга ҳозирги замон давлати ва
ҳуқуқи назарияси муаммоларини таҳлил этишда ёрдам бериши
мумкин.

© М.А.Ахмедшаева.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил

КИРИШ

Давлат ва ҳуқуқ ривожини узок давом этиб келаётган, мураккаб, баъзан зиддиятли кечган жараён сифатида кўз олдимиздан ўтади, бироқ бу ривожланишнинг бош йўналиши шунда ўринадики, унинг натижасида давлат ва ҳуқуқ тобора жамият ҳаётида, инсонлар турмушида муҳим ўрин эгаллайдиган ижтимоий - сиёсий ҳодисалар сифатида ўзини намоён этмоқда.

Шу муносабат билан давлат ва ҳуқуққа оид илмий изланишлар доимо долзарб бўлиб келган. Айниқса, давлат ва ҳуқуқнинг илғор, прогрессив, демократик шакллари таҳлил этиш ҳам илмий, ҳам амалий нуктаи-назардан ўзига хос долзарблик касб этади.

Ҳозирги замон шароитида, ер куррасининг барча ҳудудларида яшайдиган халқларнинг орзуси ва интилиши бир мақсадга – демократик адолатли ҳуқуқий давлат шароитида яшашга қаратилган.

Ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида пайдо бўлган мустақил давлатлар, яъни Шарқий Европа, Болтиқ бўйи давлатлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар халқлари барча эрксевар халқлар қатори, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаб, шу мақсадга эришиш йўлида саъй ҳаракат қилишмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятига шу ҳолат маълумки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш вазифаси, жуда мураккаб, кўп қиррали, кенг қамровли вазифа бўлиб, унинг рўёбга чиқиши муайян вақт ва тараққиёт даражасини тақозо этади. Бу жараён қатор муаммо ва қийинчиликлардан истисно бўлмаган даврдир.

Ҳуқуқий демократик давлат ғояси - ҳалқимизнинг асрлар давомида адолатли жамият, адолатли қонунлар, адолатли суд тўғрисидаги орзуларининг ифодасидир. Турон заминда адолатга, адолатли қонунларга асосланиб фаолият юритадиган давлат ҳақидаги фикрлар асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб келганлиги маълум. Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аجدодларимиз қонунга асосланган адолатли жамият ҳақида теран фикрлар илгари сурганлар.

Давлат ва ҳуқуқ ғояси ва назарияси доимо ривожланишда, ҳаракатда бўлган давлат-ҳуқуқий, сиёсий қарашларким, унинг янги-янги қирралари жамият тараққиёт этган сари тобора очила боради, демакки янада янги тадқиқотларга эҳтиёж шакллана боради.

Қўлланма ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқини ва уларнинг моҳиятини тушуниш масаласини ҳозирги кун, хусусан, ҳозирги Ўзбе-

кистон жамияти ижтимоий иқтисодий, сиёсий -маънавий реалликлари асносида ҳамда ҳозирги замон, айниқса, постсоциалистик давлатлар давлатчилиқ ва ҳуқуқий тартибга солиш амалиёти реалликлари асосида таҳлил этишга қаратилган.

Давлат ва ҳуқуқни тушуниш бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг муҳим масаласи ҳисобланади. Профессор З.М.Исломов таъкидлаганларидек, «...давлат феноменига бир мазмунда таъриф бериш - қийин ва бажарилиши гумон бўлган вазифа, чунки қамраб олиб бўлмайдиган нарсани қамраб олиб бўлмайди»¹.

Чунки, ҳозирги кунда ҳозирги замон давлати, жумладан, ҳуқуқий давлат тушунчаси ва унинг амалий ифодаси ҳақида олимлар ўртасида унчалик бирлик йўқ. Баъзи олимларнинг фикрича, ҳозирги кунда “фалон давлатда тўла ҳуқуқий давлат қурилган” деб биронта давлатни тўла ишонч билан кўрсатиш қийин. Бир қанча ривожланган, демократик давлатларнинг моҳият ва мазмуни ҳуқуқий давлат ғояларига мос ва монанд келади, шу маънода бу жамиятларда ҳуқуқий давлат шаклланган дейиш мумкин, бироқ, бу мамлакатларнинг давлат тузуми ҳам муайян ўзига хосликка эга.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон эркин фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий инсонпарвар давлат қуришдек мураккаб ва масъул вазифани амалга ошириш йўлидан қатъий одимламоқда. Бу йўл осон кечмаслиги давлатимиз раҳбарияти ва халқимизга жуда яхши маълум. Чунки, тарихда бирон-бир мамлакатда янги жамият осонликча шаклланиб қолмаган. Шу боис ҳам, олдимизда турган қийинчиликларга қарамай, халқимиз бу йўлдан оғишмай, ҳаракатда давом этмоқда.

Қўлланма махсус курс юзасидан дастлабки уринишлардан бири сифатида муайян камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин, кейинги нашрларда уларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Биз мазкур қўлланмадаги маъруза матнлари давлат ва ҳуқуқ назариясига доир илмий адабиётлар, дарсликлар асосида *тайёрланганлигини* алоҳида таъкидлаймиз.

«Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари» махсус курсининг мақсади ва вазифалари

«Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари» махсус курсининг мақсади ижтимоий башорат қилишнинг воситаси сифатидаги ҳуқуқ тўғрисида магистрантлар тасаввурини қайта кўриб чиқиш, қайта баҳолаш асосида уларда ҳуқуқий билимларни

¹ қар.: Исломов З.М. Общество.Государство. Право. –Т.: Адолат. 2001. С. 138.

чуқурлаштириш; ҳуқуқнинг магистрантлар томонидан маданий-маърифий ҳодиса қабул қилинишига эришиш; ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга инсонпарварлик ғояларини сингдиришдаги, шахс эркинлигини тан олиш ва мустаҳкамлашдаги ўрнини ва аҳамиятини кўрсатиш; ҳозирги замон, жумладан Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи олдида турган жамият ҳаётини янада либераллаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида турган давлат-ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида магистрантларда аниқ тасаввур ва кўникмалар шакллантиришдан иборатдир.

«Ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари» махсус курсининг вазифалари бўлиб, давлат ва ҳуқуқ умумий назариясининг энг муҳим жиҳатлари бўйича магистрлар билимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; махсус курснинг мунозарали муаммоларига нисбатан мустақил ёндашувни шакллантириш: таҳлилий тадқиқотга малакали ёндашувни тақозо этадиган масалалар устида мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги илк фикрлар қадимги дунё, ўрта асрлар ва Янги давр алломаларининг асарларида, фикрларида, қарашларида, хусусан, қадимги Юнонистон ва қадимги Рим сиёсий-ҳуқуқий фикри соҳиблари бўлган Арасту, Полибий, Сукрот, Платон, Цицерон, ўрта асрлар ва Янги давр мутафаккирлари бўлмиш Гроций, Дж.Локк, Ш.Монтескье, И.Кант, Гегель ва бошқаларнинг қарашлари, ғояларида ифодаланган ва улар ҳозирги замон давлат-ҳуқуқий фикри учун замин ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий давлат масаласида ўз фикрларини илгари суриб келган ва келаётган россиялик тадқиқотчи олимлардан В.С.Нерсисянц, С.С.Алексеев, М.Н. Марченко, Н.И.Матузов, А.В.Малько, В.Д.Перевалов ва бошқаларнинг давлат назариясининг постсоциалистик маконда ҳаётга тадбиқ этилиши, МДҲ давлатларида ҳозирги замон давлат қуриш масала ва муаммоларига бағишланган фикр ва қарашлари эътиборга олинган.

Ўзбекистон илмий юридик адабиётида қатор олимлар, хусусан, А.А.Азизхўжаев, Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, Х.Т.Одилқориев, А.Х.Саидов, У.Т.Тожиҳонов, Ж.Ў.Тошқулов, А.Т.Тўлаганов, О.Т.Хусанов, Ф. Хайдаров ва бошқа олимлар давлат ва ҳуқуқ назарияси масалалари бўйича самарали ижод қилиб келишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти ва аҳамияти, жамиятни янгилашдаги ўрни, жумладан эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришдаги

позитив ўрни ҳақидаги қимматли фикрлари, қарашлари «Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари» махсус курси қамраб олган мураккаб назарий масалаларни бугунги кун реалликлари асосида тушунтиришга имкон яратиб беради, услубий аҳамият касб этади.

Зотан И.А.Каримов асарларида Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнининг ҳозирги мураккаб босқичида давлат ва ҳуқуқ олдида турган вазифалар батафсил таҳлил етилган, ривожланиш истикболлари ва йўллари кўрсатилган.

Ўзбекистонда қурилажак ҳуқуқий давлат, ўзида ушбу масалада жаҳон халқлари эришган энг яхши ютуқ ва тажрибаларни ифодалагани ҳолда, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт хусусиятларидан келиб чиқадиган муайян ўзига хосликка эга бўлиши ҳам табиийдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи –назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

Давлатимиз ва халқимизнинг ушбу мақсадга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари қатъий ва орқага қайтмас жараён эканлиги ҳозирги кунда барчага маълум. Шу боис ҳам, 2005 йил 28 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги асосий вазифалар тўғрисидаги маърузаларида таъкидланганидек, «Бизнинг асосий ва узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади –бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»².

Шунга мувофиқ, мазкур махсус курснинг аҳамияти шундаки, уни ўрганиш магистрларга ижтимоий ҳаётнинг зиддиятлилигини, бир хилда эмаслигини, унинг қанчалик мураккаблигини чуқур англаб олишга ва жамиятнинг хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқ ва давлатнинг ролини кўрсатишга ёрдам беради. Бу курс, шунингдек,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон. 1992. 16-бет.

² Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январ куни бўлган қўшма мажлисида маъруза. // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь.

магистрларда Ўзбекистонда давлатчиликни шакллантириш муаммоларини, жумладан либераллаштириш ва модернизациялаш жараёнларининг назарий масалалари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиб, уларнинг мос ечими ҳақида мушоҳада қилишга ёрдам беради.

Махсус курснинг юридик ва бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси

Ушбу курс ўқув режасидаги давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий – ҳуқуқий таълимотлар тарихи, конституциявий ҳуқуқ, хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи ҳамда фалсафа, ҳуқуқ фалсафаси, сиёсатшунослик каби фанлар билан узвий боғлиқдир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бугунги кунда мавжуд бўлишининг энг муҳим ва умумий қонуниятларини ўрганади. Мазкур махсус курс эса ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммоларини ўрганади. Махсус курсни, таъбир жоиз бўлса, давлат ва ҳуқуқ назариясининг сифат жиҳатдан янги бир босқичи дейиш мумкин. У давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий қонуниятларига асосланган ҳолда ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи муаммоларини таҳлил этади.

Махсус курс сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан боғлиқ. Чунки ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи ҳақидаги қарашлар сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар доирасида шаклланиб келган, масалан, давлатнинг ҳуқуқ билан боғлиқлиги, адолатли, ҳуқуқий қонунлар ҳақидаги, ҳозирги замон давлати ўзида ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий давлатчиликнинг мураккаб уйғунлашуви ифодаси бўлиши ҳақидаги фикрлар ва ҳоказо.

Курс фалсафа, ҳуқуқ фалсафаси, сиёсатшунослик фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Чунки бу ижтимоий фанлар ҳам ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқини ўз нуктаи назаридан тадқиқ этади, шу боис улар ўзаро «фикр алмашадилар», бир-бирларини тўлдирадилар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари барча ижтимоий фанларга юридик фанлар «фалсафаси» сифатида ўзининг ижобий таъсирини ўтказади, уларни тегишли хулосалар, тушунчалар, умумлашмалар билан бойитади.

1-МАВЗУ: “Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари” махсус курсининг предмети ва методлари¹

РЕЖА:

1. “Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари” махсус курсини ўрганишнинг зарурлиги
2. “Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари” махсус курси предмети ва методининг умумийлиги ва ўзаро алоқадорлиги
3. Юридик методнинг хусусиятлари, функциялари
4. Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси ривожланишда ворисийлик ва янгилик
5. Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси юриспруденция тизимида

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003. 40 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ. 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон. 2002. 76 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январь.
5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
6. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т.: Адолат. 2001. 695 с.
7. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон. 2005. 264 б.
8. Ҳалимбой Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. 1-китоб. –Т.: Фан нашриёти. 2004. 295 б.
9. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832 с.

¹ Маъруза матнлари қатор манбалар асосида, жумладан, 1,2,5, мавзулар В.С.Нерсисянц умумий таҳрири асосида chop этилган «Проблемы общей теории права и государства» номли дарслик материаллари асосида тайёрланган. Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. –М.:Изд..групп. Норма-Инфра М. 2004. 832 с.

10. Проблемы теории государства и права: Учебное пособие. Г. Под ред. М.Н.Марченко. –М: Юрист,2004. 656 с.

11. В.С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

12. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория, философия. М: Статут. 1999.-810 с.

13. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

14. М.Х.Рустамбоев,С.О.Абдухолиқов. Ҳуқуқ методологияси: Ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1-китоб. Т.: 2005. 316 бет.

15.М.Х.Рустамбоев, С.О.Абдухолиқов. Тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: 2005. 404 бет.

1.“Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқ назарияси муаммолари” махсус курсини ўрганишнинг зарурлиги

Таъкидлаш жоизки, магистратуранинг 1-курси тингловчиларига “Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқ назарияси муаммолари” махсус курсини ўқитишни бошлаганда бу муаммовий махсус курснинг “Бакалаврият” босқичи 1-курсида ўтилган “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанидан фарқи нима, ўша ўқув предметидаги масалаларни яна қайта ўқишга тўғри келмайдими? –деган саволлар туғилиши табиий.

Фикримизча, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси»нинг муаммовий курс сифатида қайта ўтилиши зарурлигини белгиловчи бир неча ҳолатлар мавжуд:

-“Бакалаврият” босқичининг 1-курсида талабалар давлат-ҳуқуқий ҳодисаларни, улар тўғрисидаги тушунчаларни ҳамда давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ривожига ўзаро алоқадорлик қонуниятларини комплекс тарзда, ўзаро зиддиятчи бўлиқликда тушуниб, таҳлил этишга дунёқараши, айниқса ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий дунёқараши, ҳаётий тажрибаси ҳамда юридик борлик, жумладан юридик фанлар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида, юридик амалиёт бўйича тасаввурлари ҳозирги даражадан анча тор бўлганлиги аниқ. Ҳолбуки, давлат-ҳуқуқий ҳодисалар, уларнинг ривожланиш қонуниятлари, ўзаро алоқадорлиги жуда мураккаб ҳодисалар ва воқелиklar бўлиб, уларни тушуниш талабадан юқори даражада ҳуқуқий тафаккур ва таҳлилий ақл соҳиби бўлишни талаб этади. Бу объектив мазмунга эга бўлган ҳолатдир. Магистрантлар эса олий

юридик таълимнинг таянч босқичини тугатган ҳуқуқшунослардир. Шу боис улар давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг мазмунини, тушунчасини билиш билан чекланмай, балки улар ўртасидаги мураккаб, баъзан зиддиятли алоқадорликнинг моҳиятини, муаммоларини теран тушуна олишади, чунки уларда юридик фанлар тизимида давлат ва ҳуқуқ назариясининг тутган ўрни ҳақида фақат назарий билимлар мажмуаси бўлибгина қолмай, балки ўтган вақт давомида бошқа юридик фанларни ўрганиш ҳамда таътил давомида ўтаган амалиётлари жараёнида реал бу ҳақда тасаввурга эга бўлишган. Бундан ташқари, магистрантлар турли юридик институтлар фаолияти, умуман юридик амалиёт ҳақида муайян эмпирик билимларга ҳам эга. Шу муносабат билан улар давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятларини бугунги кун реалликлари асосида бутунлай янги сифат даражасида таҳлил этиш ва бу соҳалардаги муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилишга қодир.

-Ижтимоий фанлар мафкуралашган ва сиёсийлашган пайтлар биздан тобора узоқлашиб, у фан билан сиёсатнинг қўшилуви ноўрин, зарарли эканлиги ҳақида кейинги авлодларга гувоҳлик берувчи ва огоҳлантирувчи тарих саҳифаларига айланмоқда. Айни пайтда, фанда мумтоз мазмунга эга бўлган, вақт, макон танламайдиган ҳақиқат дурдоналари ҳисобланмиш, умумэътироф этилган билимлар ва материалларни ҳозирги замон давлат-ҳуқуқий илми ютуқлари билан оқиллона уйғунлаштириш муаммоси ҳам бугунги кунда долзарбдир. Масалан, инсон ҳуқуқларининг бирламчилиги, давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги, давлатнинг ҳуқуқ билан боғлиқлиги, боғланганлиги, ҳуқуқ нафақат ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида ҳаракат қилмай, балки у кишилик жамияти маърифий-маданий ривожланишининг ҳам муносиб маҳсули эканлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар доимо муҳим ва долзарбдир.

-XX асрнинг охири XXI аср бошлари бутун кишилик жамияти ривожига бурилиш йиллари бўлганлиги маълум. Коммунистик мафкурага асосланган социалистик тузумнинг деярли барҳам топиши ижтимоий фикр ривожига катта ўзгаришларни тақозо этди. Шунга боғлиқ ҳолда постсоциалистик маконда ташкил топган давлатларда давлат-ҳуқуқий қарашлар тубдан қайта шакллана бошлади.

Таъкидлаш жоизки, эски қарашлардан воз кечиш ва янгиларини қабул қилиш ҳамда ўз қимматини йўқотмайдиган, умумэътироф этилган қарашлар ва қоидаларни моҳиятини бугунги кун назари орқали қайта мушоҳада этиш жараёни осонликча кечмоқда, дейиш

қийин. Давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар ва қоидаларнинг айримларини инкор этиш, айримларини қайта қараб чиқиш, айримларини эса янгитдан қабул қилиш ҳар бир тадқиқотчидан илмийлик ва объективлик тамойилларига асосланиб иш юритишни талаб этади. Масалан, қатор ижтимоий фанларнинг давлат, ҳуқуқга фақат синфий ёндашув асосида қаралганлиги, аслида эса улар ўзида қатор ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омилларнинг ҳамда жамият тараққиётининг муайян даражасида давлат олдида турган мақсад ва вазифаларнинг ифодалаши билан тавсифланади;

Ёинки, ҳуқуқий давлат, ҳокимиятлар бўлиниши, хусусий мулк, кўппартиявийлик, мафкуралар хилма-хиллиги, ҳуқуқнинг оммавий ва хусусийга бўлиниши каби институтлар ва ҳодисаларга бир пайтлар салбий қаралган бўлса, бугунги кунда уларга муносабат тубдан ўзгарган.

Бундай позитив жараёнлар Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳам кечмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади»¹.

-Давлат ва ҳуқуқга муносабат, бу икки ҳодисага нисбатан қарашлар ҳар бир даврда ўзига хос эканлигини эътироф этиш зарур. Шунга мувофиқ, «ҳар бир даврнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақида ўз қарашлари бор» деб айтиш мумкин. Айни пайтда ҳар бир ҳуқуқшунос олим ва тадқиқотчи давлат ва ҳуқуқ ҳақида ўз тасаввурига эғалигини ҳам назарда тутиш керак. Шу муносабат билан давлат ва ҳуқуқга берилган ҳар қандай таърифда маълум маънода субъектив элемент мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Шу ўринда Л. Гумпловичнинг «Дунёда қанча давлатшунос ва файласуфлар мавжуд бўлган бўлса, шунча давлатнинг таърифи ҳам мавжуд бўлган», деган фикрини эслаш ўринли². Дарҳақиқат, ҳар бир олим давлатга таъриф беришда ўз дунёқараши, юридик борлиқни тушуниши даражаси ва сифатига

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муҳаддасдир. 3-том. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 19-20 бетлар

² Гумплович Л.Общее учение о государстве.СПб.,1910.С.36./ Ҳавола олинди: Проблемы теории государства и права. /Под.ред. д.ю.н.проф.М.Н.Марченко. М.:Юрист.2004. С.74.

асосланган ва ўзи яшаган давр хусусиятларини ўзида ифодалаган ҳолда бу ишни амалга оширади. Форобийнинг давлат ва одил ҳукмдор ҳақидаги фикрлари қандай бўлишидан қатъи-назар ўша давр ва ўша макон учун илғор қараш бўлганлиги аниқ.

-Давлат-ҳуқуқий ҳодисаларнинг мураккаблиги, кўпқирралиги, баъзан зиддиятли эканлиги бу масалаларни чуқур мушоҳада этишни тақозо этади. Шундай қилиб, юқорида қайд этилган ва бошқа шу каби омиллар мазкур муаммовий курсни ўрганиш зарурлигини белгилаб беради. Ҳозирги замон ҳуқуқшуноси давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги энг янги билимлар билан қуролланган бўлиши қаторида, бу соҳадаги муаммоларнинг ечими ҳақида ҳам ўз ёндашувига эга бўла олиши керак. Ҳозирги жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш шароитида ҳуқуқшунос кадрлардан юксак ҳуқуқий тафаккур, амалий йўналтирилган чуқур билимларга эга бўлишни талаб этилади.

2. “Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммо-лари” махсус курсининг предмети ва методининг умумийлиги ва ўзаро алоқадорлиги

“Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари” махсус курсининг предмети ҳақида гапиришдан олдин, умуман “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани ҳақида гапириш зарур. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани юридик фанлар ичида ўзининг умумназарий, умумуслубий характери билан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда юридик фанлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шунингдек, ғарб университетлари дастурларида шу номдаги фанга асосланадиган ўқув предмети учратиш қийин. Бу фан кўпинча “Юриспруденция” деб номланадиган фанга яқин туради. Шу боис, аввало давлат ва ҳуқуқ назариясининг “Юриспруденция” деб номланган фан билан ўзаро муносабати ва нисбатини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Даставвал, фан ва ўқув предмети сифатидаги давлат ва ҳуқуқ назариясининг номланишига эътибор қаратайлик.

-Фаннинг номидан кўриниб турибдики, бу фан назарий характерга эга. Маълумки, назария бу умумлашган билимлар тизими, тадқиқ этилаётган ҳодисанинг турли қирраларини тушунтириб бериш демакдир. Бу фан давлат-ҳуқуқий борлиқ ва унинг ривожланиш қонуниятлари, муҳим ўзаро алоқалари ҳақида яхлит тасаввур беради;

-гарчи бу фан назарий характерда бўлса-да, шу билан бир қаторда у абстракт, мавҳум назария бўлмай, балки аниқ давлат-

ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги умумлашган, йиғилган ва тизимлаштирилган билимлар мажмуидир;

-давлат ҳуқуқий ҳодисалар ва муассасалар бир-биридан ажралган, узилган ҳолда ўрганилмай, балки ўзаро боғлиқликда, ўзаро алоқадорликда, бир-бирини тўлдирган ҳолда ўрганилади;

-давлат ва ҳуқуқ ўзаро боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисалар бўлиб, уларнинг иккиси ҳам бутун жамиятга мансуб, дахлдор ҳодисалардир;

Таъкидлаш ўринлики, давлатни ижтимоий-сиёсий ҳодиса деб эътироф этиш кенг тарқалган, айтиш пайтда ҳуқуқ эса юридик ҳодиса ҳисобланади, бундан хулоса қилиш мумкинки, давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси – сиёсий-ҳуқуқий характердаги фандир;

Маълумки, фаннинг турлича номлари мавжуд:

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари”, “Ҳуқуқ ва давлат умумий назарияси муаммолари” ва шу каби бошқа номланишлари мавжуд. М.Н.Марченконинг ёзишича, бу фан Россияда дастлаб “Ҳуқуқ энциклопедияси” сифатида шаклланиб, вақт ўтиши билан мазмунан “Ҳуқуқ назарияси” фанига ўта бошлаган. “Ҳуқуқ назарияси” фани билан бир қаторда ғарбда аста-секин ушбу фан таъсири остида ҳозирги замон юриспруденцияси предмети шакллана борган¹. Юриспруденция бу инсон эркинлигининг умумий ва зарурий шакллари сифатидаги ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги илмий билимларнинг махсус тушунчавий-ҳуқуқий тизимидир².

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётда юриспруденциянинг предмети ва методи ҳақида турли фикрлар мавжуд. Айтиш пайтда юриспруденция билан давлат ва ҳуқуқ назарияси предмети ўртасида жиддий ўхшашлик мавжудлигини эътироф этиш зарур. Шу боис, фаннинг номидан кўра, унинг предмети ва мазмунига, яъни бу фан нима билан шуғулланади, унинг предмети ва мазмунини нималар ташкил этишига асосланиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, баъзи олимлар, жумладан В. С. Нерсисянц юриспруденция билан давлат ва ҳуқуқ умумий назариясини бир-бирига яқинлигини таъкидлашган.

¹ Бу ҳақда қаранг: Проблемы теории государства и права. / Под ред. М.Н.Марченко. М.: Юрист. 2004. С. 14.

² Қаранг: Нерсисянц В.С. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. – М.: Норма. 2000. С. 2.

Давлат ва ҳуқуқ умумназарияси юридик фанлар тизимида фундаментал ўрин эгаллайди, қисқароқ қилиб, бу фанни «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» деб атайдилар.

Ушбу фан ўз вазифалари, функциялари, предмети ва методига кўра бутун юриспруденция учун умумий аҳамият касб этади. Унда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги илмий назарий фикрнинг энг муҳим ютуқлари, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги билимлар мажмуининг энг муҳим ва аҳамиятли барча назарий жиҳатлари жамланади.

Алоҳида олинган юридик фанларнинг илмий ва назарий аҳамияти уларнинг юридик фан умумий тизимида, бир бутун яхлит юридик-назарий билимлар тизимида тутган ўрни ва функциялари билан белгиланади. Бунда айнан яхлит бутуннинг илмий жиҳатларини, уларнинг предмети ва методини, илмий билиш мақомини белгилаб беради. Юридик назарий билим соҳасида тизимли-структуравий муносабатлар мантиғи бўйича яхлит бутуннинг хусусиятлари принцип жиҳатидаги уларнинг ташкил этувчи юридик фанлар хусусиятлари йиғиндисидан иборат эмас.

Жамланган кўринишда илмий-назарий яхлит бутуннинг бу хусусиятлари юридик билишнинг предмет ва методини белгилаб берувчи ҳуқуқ тушунчасида ифодаланади.

Бундан, бутун юридик фаннинг ягона предмети ва методи бир вақтнинг ўзида ҳар бир юридик фаннинг ҳам предмети ва методи эканлиги келиб чиқади. Чунки, бир бутун яхлит олинган юридик фан барча тизимнинг таркибий элементлари сифатида алоҳида олинган юридик фанлар фақат ягона бўлган ҳуқуқ тушунчасининг турли шаклий кўринишлари, яъни ўша биргина юридик предмет ва юридик методнинг турли аспектлари бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат ва ҳуқуқ умумназарияси предметининг ўзига хослиги мазкур фаннинг илмий билиш имкониятлари ва мақсадлари, уларнинг юридик фан тизимидаги умум илмий вазифалари ва функциялари, юридик фаннинг бутун ижтимоий ва бошқа фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти билан белгиланади¹.

Демак, давлат ва ҳуқуқ умумназариясининг предмети бу ягона мустақил, тизимли яхлит фан сифатида бутун юриспруденциянинг умумий назарияси ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ умумназариясининг предмети бу бутун юриспруденциянинг умумилмий асослари, унинг предмети ва методологияси, тизими ва структураси, унинг онтологияси, гносеологияси ва аксиологиясидир.

¹ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. /Под. ред. Нерсисянца В.С. М.: Норма-Инфра М.2004.

Давлат ва ҳуқуқ умумназариясининг бундай умумилмий мақоми ва ролини эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, давлат ва ҳуқуқ умумназариясининг предмети ва методи- бу бутунича барча юридик фанининг предмети ва методологиясини илмий-назарий асослаш ҳисобланади.

Шу сабабли бундан кейин юриспруденциянинг умумилмий асосларини ёритиб бориш (унинг предмети, методологияси, тизими ва ҳ.з.) бир вақтнинг ўзида давлат ва ҳуқуқ умумназариясининг предмети ва методи муаммоларини мазмунан тадқиқ қилиш ва баён қилиш билан айнан тенг бўлади.

Юриспруденция объектларининг дуализми ва предметининг бирлиги. Ҳар қайси фан ўзининг ўрганадиган объектлари ҳақидаги билимларни ишлаб чиқиши ва ташкил қилишнинг муайян усулидир. Бу маънода юридик фан юридик билимларни, яъни давлат ва ҳуқуқ каби объектлар ҳақидаги илмий билимларни ишлаб чиқишнинг муайян усули ҳисобланади.

Илмий ўрганиш объекти фан предметидан фарқланади. Айнан бир объект турли фанлар томонидан ўрганилиш мумкин, бироқ бунда ҳар бир фан мазкур объектни ўзининг махсус предмети ва методи позициясидан ўрганади.

Объект- бу тегишли фаннинг билиш усуллари ва воситалари ёрдамида илмий тадқиқ қилиниши лозим бўлган нарса. Илмий ўрганиш жараёнида объект ҳақидаги бошланғич эмпирик билимлар назарий билимлар, яъни ўрганилаётган объектнинг асосий моҳиятий хусусиятлари, белгилари ва характерлари ҳақидаги тушунчалар тизими, унинг генезиси, амал қилиш, ривожланиш қонуниятлари билан тўлдирилади.

Объектнинг талаб қилинган моҳиятий хусусиятлари тегишли фаннинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Содда қилиб айтганда, фан объекти- бу бирон бир ҳодиса, жараён, нарсани уни илмий ўргангунча қадар бўлган ҳолати, предмет эса – бу ўрганилган объект, яъни илмий билишдан сўнг ҳодиса ҳақида шаклланган билимлар. Гап бу ерда ўрганилмоқчи бўлган объектлар билан ўрганиб бўлинган объект ҳақидаги ғояларни фарқи ҳақида боради.

Фан объекти ва предмети ҳақида келтирилган қоидалар юридик фанга ҳам тааллуқли. Шу сабабли умумий кўринишда айтиш мумкинки, юридик фан объектлари бўлиб, давлат ва ҳуқуқ, унинг предмети бўлиб, давлат ва ҳуқуқнинг асосий моҳиятий хусусиятлари

ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, юридик фаннинг предмети ҳуқуқ тушунчаси ва давлат тушунчаси ҳисобланади, чунки объектнинг моҳиятий хусусиятлари илмий билиш талабларига мувофиқ фақат олий билиш шакли бўлган тушунча орқалигина адекват тарзда ифодаланиши мумкин.

Бироқ, юридик фан предметининг бундай дастлабки тавсифи кейин ҳам аниқлаштирилишга эҳтиёж сезади.

Гарчи юридик фан икки объект (давлат ва ҳуқуқ)ни ўргансада, бироқ, у ҳар қандай фан сингари фақат бир предметга эга бўлади. Бу аслида турлича бўлган икки объект (давлат ва ҳуқуқ)нинг юридик фан доирасида ва позициясида мазкур фан ягона бир предметининг иккита зарурий компонентлари (таркибий қисмлари) сифатида ўрганилиш ва тадқиқ қилинишини англатади.

Юридик фанни давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ягона фан сифатида тан олиш унинг объектлари дуализмини унинг предмети даражасида бартараф этишни (тақозо этади), яъни назарий-тушунча даражасида – бу икки объект ҳақида унинг асосий моҳиятий хусусиятларини ифода қилувчи битта тушунча шаклида ифода этишни тақозо қилади.

Тушунчалар дуализми (давлат тушунчаси ва ҳуқуқ тушунчаси) илмий предметлар дуализмини англатиб, давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги битта юридик фаннинг инкор этишини англатади. Бу икки турли фанларнинг ҳар бири ўзининг қатор илмий фанлар тизимида эга бўлиши мумкин: ҳуқуқ ҳақидаги фан доирасида ўзининг ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ тарихи, тармоқ ва махсус ҳуқуқ фанлари, давлат ҳақидаги фанда эса тегишлича ўзининг давлат назарияси, давлат тарихи, давлат муаммолари махсус фанлар.

Тушунчаларнинг ушбу дуализмини олиб ташлаш ва фан предметининг зарур бирлигига эришиш учун ҳуқуқ тушунчасидан ёки давлат тушунчасидан келиб чиқиш керак. Демак, бу тушунчалардан бири мантиқан бирламчи, белгиловчи, предмет ташкил қилувчи, иккинчиси иккиламчи бўлиши керак.

Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ягона фаннинг предмети давлатнинг ҳуқуқий тушунчаси (яъни давлат ҳақидаги ҳуқуқий таълимот, давлатнинг юридик назарияси) ёки ҳуқуқ тушунчасини ўз ичига олган давлат тушунчаси (яъни ҳуқуқ ҳақида давлат таълимоти, ҳуқуқнинг давлат назарияси) бўлиши мумкин. Бошқача айтганда бу икки тушунчалардан бирининг мантиқий бирламчилигисиз ягона фан ҳақида фикр юритишимиз ўринсиздир.

Юридик фан предмети –ҳуқуқ тушунчаси ва тегишлича давлатнинг ҳуқуқий тушунчаси бўлган юриспруденция сифатида вужудга келган, ривожланган ва ривожланмоқда.

Ҳуқуқ ва давлат ҳақида ягона юридик фан бўлган юриспруденция назарияси ва тарихи мазкур фан доирасида ҳуқуқ тушунчаси билан давлат тушунчасининг дуализмини айнан давлатининг ҳуқуқий тушунчасини, яъни давлатнинг моҳиятий ҳуқуқий жиҳатларини ўз ичига олган ҳуқуқининг муайян тушунчаси асосида ва позициясидагина барҳам топиши ва зарур бўлган тушунча предмет бирлигига эришилишини кўрсатади.

Бунда ҳуқуқни тушунишнинг икки асосий типига (юридик ва легистик) юриспруденциянинг типологик жиҳатдан фарқланувчи икки концепцияси мос келади.

Ҳуқуқ билан қонуннинг (позитив ҳуқуқ) фарқланишидан келиб чиқувчи ва юридик (антилегистик, антипозитивистик) тушунишга ҳамда ҳуқуқнинг юридик тушунчасига (ўз ичига давлатнинг тегишли юридик тушунчасини олувчи) асосланувчи юриспруденция ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимотнинг юридик типига киради.

Ўз навбатида ҳуқуқ билан қонун (позитив ҳуқуқ)ни тенглаштирувчи ва легистик (позитив ва этатик) ҳуқуқ тушуниш ҳамда ҳуқуқнинг легистик тушунчасига (ўз ичига давлатнинг муайян легистик тушунчасини қамраб олувчи) таянувчи юриспруденция ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги таълимотнинг легистик типига киради.

Ҳуқуқни тушуниш ва юриспруденциянинг юридик типи (доирасида) ҳуқуқнинг либертар-юридик тушунчасига асосланади ва ҳуқуқ эркин индивидларнинг формал тенглиги, яъни инсонлар эркинлигининг умумий ва зарурий шакли сифатида изоҳланади. Ҳуқуқнинг бу умумий тушунчаси билан юриспруденция юридик-либертар концепциясининг ягона парадигмасида унинг иккала объекти-эркинликнинг норматив шакли сифатида позитив ҳуқуқ (ҳуқуқий қонун шароитида) ва айнан шу эркинликнинг институционал шакли сифатида давлат қамраб олинади.

Шундай қилиб либертар-юридик концепцияга кўра, юриспруденция- бу эркинлик ҳақидаги фандир.

Юриспруденция предмети бирлигининг муаммоси легист (позитивист)лар томонидан бошқача ҳал этилади.

Бир томондан Кельзен учун ва барча легистлар учун ҳуқуқ- бу ҳокимият буйруғи, мажбурий қоида ва давлат маҳсули- бир сўз билан айтганда «мажбурий тартиб». Бошқа томондан, улар формал-норма-

логик метод ёрдамида ҳуқуқни бажарилиши лозим бўлган нормалар тизими сифатида тушунтиради ва шу позициядан ҳар қандай давлатни «ҳуқуқий тартибият», «ҳуқуқий давлат» сифатида тушунтиради. Бунда Кельзен «ҳуқуқий давлат деганда» позитив-ҳуқуқий (легистик) давлатни назарда тутди ва умумий маънодаги «ҳуқуқий давлатни» инкор этади, унингча бундай давлат сохта табиий-ҳуқуқий тасаввурлардан келиб чиқади.

Давлатни бундай позитив-ҳуқуқий тушуниш Кельзеннинг фикрича, «давлат ва ҳуқуқнинг анъанавий дуализмини» барҳам топтиришга ва юриспруденция предметининг бирлигига (нопозитивистик версияда) эришишга имкон беради: «Билиш предмети – бу фақат ҳуқуқдир». Бунда ҳуқуқ деганда айнан позитив ҳуқуқ, яъни давлатнинг ҳар қандай (ихтиёрий ва) мажбурий қондасини тушуниш керак.

Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги икки радикал таълимоти сифатида юриспруденциянинг юридик концепцияси ва кельзенча легистик концепцияни қиёслаб шуни айтиш мумкинки, иккала ҳолатда гарчи принципно турли йўллар ва турли асосларда юриспруденция тегишли концепциясининг тушунчавий –ҳуқуқий бирлигига эришилган бўлсада: ҳуқуқнинг ягона тушунчаси (либертар- юридик ва норматив-легистик) илмий билишнинг икки объекти (ҳуқуқ ва давлат)ни қамраб олади ва улар учун умумий ва ягона ҳисобланади. Тафовут шундаки, биринчи ёндошувда гап ҳуқуқ давлат ва юриспруденциянинг соф юридик концепцияси ҳақида, кельзенча ёндошувда эса, ҳуқуқ, давлат ва юриспруденциянинг соф легистик концепцияси ҳақида боради.

Ҳуқуқ, давлат ва юриспруденциянинг бу икки концепцияси бутун юриспруденциянинг у ёки бу даврда у ёки бу мамлакатда реал мавжудлигидан кўра идеал (кам-кўстсиз) концепциялар ҳисобланади. Ҳуқуқий фикрлар ва юриспруденциянинг умуман реал ривожланиши учун аксинча, ҳуқуқий тушунишнинг бу икки чекка қутблари ўртасида кураши ва плюрализми хос.

Буларнинг барчаси фан сифатида юриспруденция ва ҳуқуқни тушуниш типологиясининг назарий аҳамиятини камайтиради.

Чунки охир оқибатда айнан ҳуқуқни тушунишнинг муайян типи ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги ягона ва яхлит фан сифатида юриспруденция методи сифатида ҳам, предмет бирлигининг ҳам назарий маъноси ва мазмунини белгилаб беради.

Ҳуқуқ ва давлат ҳақидаги юридик билим ва юридик билиш жиҳатдан ҳуқуқ тушунчаси бошланғич ва предмет ҳосил қилувчи

асос сифатида, шунингдек, бу тушунчага мувофиқ келувчи давлатнинг ҳуқуқий тушунчасини ҳам белгилаб беради, айтилганни ҳисобга олиб, юридик фан предмети бўлиб ҳуқуқ тушунчаси деб ҳисоблаш мумкин. Бунда албатта ҳуқуқнинг бундай тушунчаси назарий-концептуал шаклда ҳуқуқ ва давлатнинг моҳиятий хусусиятлари тўғрисидаги мажмуавий юридик билимлар мазмунини қамраб олиши ва ифодаланишини эсдан чиқармаслик керак.

Юқорида айтилганлар юридик фан предметининг ўз назарий мазмунига кўра бир хил бўлган таърифларини шакллантишига имкон беради.

Энг қисқа таъриф: «Юридик фан предмети –бу ҳуқуқ тушунчаси».

Предметни бундай тушунишни яна бошқача қилиб шундай таърифлаш мумкин: «Юридик фан предмети –бу ҳуқуқ тушунчаси ва давлатнинг ҳуқуқий тушунчасидир».

Айнан маънони бошқача қилиб ҳам бериш мумкин: «Юридик фан предмети –бу ўз ичига давлатнинг ҳам ҳуқуқий тушунчасини олган ва ҳуқуқ билан давлатнинг моҳиятий хусусиятларини ифодалаган ҳуқуқнинг тушунчасидир».

Хулоса қилиб айтганда, «Юридик фан предмети –бу муайян тушунчаларда ифодаланган ҳуқуқ ва давлатнинг моҳиятий хусусиятларидир».

Либертар-юридик концепцияга кўра, давлат ва ҳуқуқ индивидлар, улар бирлашмалари, иттифоқлари, ташкилотлари эркинлиги мавжудлигининг ва амалга оширилишининг умумий ва зарурий шакллариدير. Бу либертар –юридик таърифга кўра юриспруденция предмети эркинлик ҳисобланишини англатади. Шу сабабли юриспруденция эркинлик ҳақидаги фан –эркинликнинг умумий ва зарурий ҳуқуқий (давлат –ҳуқуқий) шакли ҳақидаги фан деб ҳисоблаш керак.

3. Юридик методнинг хусусиятлари, функциялари

Юридик билиш предмети ва методининг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги юридик фан предметини либертар тушуниш давлат ва ҳуқуқ умум назариясининг хусусиятини, вазифалари ва мақсадларини акс эттиради.

Юридик фан предмети хусусиятида унинг методининг хусусиятлари ифодаланган. Бу ҳолат билимлар илмий тизимининг

предмети ва методи мантиқий, назарий бирлиги умумилмий талабига мос келади.

Юридик метод (юридик фан методи) – бу юридик билиш йўлидир. Юридик билим объекти – бу объектив борлиқнинг таркибий қисми сифатида давлат ва ҳуқуқдир.

Ҳар қандай метод каби юридик метод – бу объектдан предметга давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги дастлабки (ҳиссий,эмпирик) билимлардан бу объектлар ҳақидаги назарий, илмий юридик билимларга томон бўлган юридик билиш йўлидир.

Билиш йўли сифатида юридик метод бу давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг чексиз йўли, бу объектлар ҳақидаги жамланган билимлардаги уларни бойитиш ва ривожлантириш, билимларнинг эмпирик даражасидан назарий даражасига, қуйи даражадаги назариядан юқори даражадаги назарияга, назарий жиҳатдан мазмунли ва бой тушунчасига қараб бўладиган тўхтовсиз ҳаракатдир. Ҳар қандай метод каби юридик методнинг билиш йўли деб саналишига асос шундаки, у ҳам ҳаракатдаги, шаклланишдаги, ўзгаришдаги, ривожланишидаги юридик билимдир.

Ўз навбатида ҳар қандай назария давлат ва ҳуқуқни билиш юридик методининг тизимли ва тузилмавий ифодаси ҳисобланади, шу боис ҳар қандай юридик назария метод функциясига ҳам эга.

Юридик фан методи – бу юридик билимларни ҳосил қилиш, юридик билиш усулидан иборат юридик методдир.

Юридик метод ҳуқуқ тушунчасидан келиб чиқиб борлиқни акс эттириш ва юридик билиш усули ҳисобланади.

Юридик методнинг ўзига хослиги шундаки, у ўз маъноси ва табиатига кўра –ўрганилаётган борлиқни ҳуқуқий моделлаштириш, ҳуқуқ тушунчаси доирасида ва позициясида борлиқни англаш усулидир.

Юридик метод учун дунёга ҳуқуқий қараш, борлиқни ҳуқуқий кўриш хосдир. Юридик жиҳатдан ўрганилган борлиқ юридик борлиқ сифатида намоён бўлади.

Юридик фан ва юридик метод учун юридик борлиқ –бу юридик билиш дунёсининг аниқланган моҳияти ва ахтарилаётган ҳақиқатидир. Агар пифагорчилар математика позициясида туриб дунёнинг моҳияти –сонларда деб билсалар, юристлар шундай асосда дунёнинг моҳияти – бу ҳуқуқдир деб ҳисоблайдилар. Уларнинг ҳар

бири ўзи ўрганадиган ва биладиган дунёни назарда тутати: математик –сонлар дунёсини, юрист – ҳуқуқ дунёсини.

Худди шу тарзда физиклар, химиклар, биологлар ўзлари ўрганадиган дунёнинг тегишли формуласини қидирадилар.

Юридик дунё формуласи – бу ҳуқуқ тушунчаси ҳисобланади.

Бу турли дунёларнинг турли формулалари моҳияти бўйича – бу объектив дунёнинг умумий қонунларидан бошқа нарса эмас.

Шу маънода юридик фанни қизиқтирадиган ҳақиқат ва предмет бўлиб, ҳуқуқий борлиқ нормаси, қоида, принципи сифатидаги ҳуқуқ ҳисобланади.

Юридик формула сифатида ҳуқуқ тушунчаси борлиқ ҳуқуқий тартиботининг принципи бўлиб, унинг асосида юридик метод ҳаракат қилади ва унга кўра ўрганилаётган объектив борлиқнинг юридиклашуви (юридик логарифмлаш) амалга оширилади.

Юридик методнинг ўзига хослиги ва асосий функциялари.

Юридик метод ёрдамида юридик фан предмети (ҳуқуқ тушунчаси) конкретлаштирилади ва юридик назария сифатига эга бўлади.

Юридик метод воситасида янги юридик назариянинг шаклланиши ўз ичига ўзаро боғлиқ 2 босқични олади:

1) бутун аввалги юридик билимни ҳуқуқни янги тушунчаси асосида сифат жиҳатидан қайта ўзгартириш

2) янги юридик назария йўналишида кесиб қўйилган юридик билимлар ўсишини давом эттириш.

Юридик метод –бу юридик фаннинг ўзига хос умум илмий методидир.

Борлиқни юридик билишнинг махсус методи сифатида у 2 асосий функцияни бажаради: 1)юридик билимларни ҳосил қилиш; 2)юридик билимларнинг назарий (илмий) тизимини шакллантириш.

Биринчи функцияни амалга оширишда юридик метод борлиқни махсус юридик тадбиқ қилишнинг методи сифатида чиқиб, бунда юридик билим ҳосил қилинади, кўпаяди, ривожланади. Бу билимнинг юридик характери борлиқни тушуниш, ўзлаштириш, тушунтириш ҳуқуқ тушунчаси чегарасида, позициясида ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан амалга оширилиши билан белгиланади.

Юридик методнинг бу икки функцияси (юридик билимларни ишлаб чиқариш усули ва юридик билимларни илмий ташкил қилиш усули сифатида)нинг ички бирлиги шунга асосланадики, улар ягона

ҳуқуқ тушунчасининг турли ўзаро боғлиқ жиҳатларини ифода қилади.

4. Давлат ва ҳуқуқ умумназарияси ривожланишида янгилик ва ворислик.

Давлат ва ҳуқуқ умумназариясининг ва бутун юридик билимнинг ривожланиш жараёнига миқдорий ва сифат ўзгаришлар хос.

Юридик билимнинг миқдорий ўзгаришлари (унинг кўпайиши, аниқлаштирилиши, конкретлаштирилиши, унинг ҳажмини ортиши) юриспруденция муайян концепциясининг асосида ётувчи ҳуқуқни у ёки бу тушуниши доирасида юз беради.

Юридик билимнинг сифат ўзгаришлари янги метод ва янги предметга эга янги юридик назариянинг шаклланиши, ҳуқуқнинг аввалги тушунчасидан ҳуқуқни янги тушунчасига ўтиш билан боғлиқ.

Ҳуқуқнинг янги тушунчаси юридик фан объектлари ҳақидаги эмпирик маълумотлар ва тўпланган назарий билимларни (нисбатан) ўрганишга, тушунишга ва изоҳлашга нисбатан тегишли янгича ёндашувни англатади.

Ҳуқуқнинг янгича тушунчаси юридик билишда сифат ўзгариши ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ривожда янгилик ворислик билан узвий боғлиқ. Янгилик (ҳуқуқни янгича тушуниш, янги назария ва ҳуқуқ)давлат ва ҳуқуқни тушунишнинг янада чуқур, мазмунли ва адекват шакли сифатида эски, аввалги юридик билимларнинг бутун мажмуи негизида вужудга келади. Ҳуқуқнинг янги тушунчаси ҳуқуқни аввалги тушунчасини ва унга мос назариясини ўчириб ташламайди, балки, уларни диалектик тарзда олиб ташлайди, яъни аввалги тушунчани чекланган билиш имкониятлари ва чегараларини барҳам топтиради ва шу билан бирга уларнинг назарий-билиш маъносини ва натижасини сақлаб қолади. Бу билиш ҳуқуқнинг янги тушунчаси аввалги юридик фикрнинг илмий аҳамиятли натижаларини сақлаб қолади ва юридик билишнинг янги, юқори даражасида янада чуқур назарий позицияда ривожлантиради.

5. Давлат ва ҳуқуқ умумназарияси фани юриспруденция тизимида

Юридик фан алоҳида юридик фанлар мажмуидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат ва ҳуқуқнинг муайян жиҳатларини ўрганади.

Одатда юридик фан тизимида фанларни қуйидагича гуруҳларга бўлиш қабул қилинган:

1. Тарихий –назарий юридик фанлар
2. Тармоқ юридик фанлар
3. Махсус амалий юридик фанлар
4. Халқаро юридик фанлар.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси юридик фанларнинг биринчи гуруҳига мансуб бўлиб, у гуруҳдош фанлар ҳамда бошқа гуруҳга кирувчи фанлар билан тегишлича боғлиқлик ва улар билан амалий ҳамкорликда ҳаракат қилади.

6. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқаси.

Юридик фаннинг бошқа фанлар билан бўлган муносабати ва алоқаларини англаш ва ривожлантириш мазкур фаннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлат ва ҳуқуқнинг бошқа юридик фанлар ҳам ўрганиш юриспруденция учун алоҳида қизиқиш туғдиради.

Юридик фанлар бу объектларни ўз предмети ва методининг ўзига хос позициясидан, нуқтаи назаридан ўрганади. Масалан, фалсафа давлат ва ҳуқуқни борлиқ умумий қонуниятларини ўрганиш жиҳатидан тадқиқ қилади. Давлат ва ҳуқуқни ўрганиш фалсафа таълимоти ва фалсафий тафаккур позициясидан туриб унинг маъносини англашга йўналтирилган.

Давлат ва ҳуқуқни тарих, социология, политология, иқтисод фани ҳам ўрганади.

Бироқ юридик фан ҳар қандай фан каби бошқа фанларнинг билимларини тўғридан-тўғри ва бевосита қўллай олмайди, балки билвосита шаклда юридик билим ва юридик метод таркибий элементларида ўзгартириб, ўз предмети ва методини ўзига хос нуқтаи назардан улардан фойдаланади. Бошқа фанлар методларини ва натижаларини ўзлаштириш давлат ва ҳуқуқ назарияси ва бутун юридик фан ривожланишининг муҳим йўналиши ва асосий манбаи ҳисобланади. Юриспруденция учун аҳамиятли бирон бошқа фанлар

ютуқларини бундай назарий юридик ўзлаштиришни икки асосий шаклда бўлиши мумкин:

1. Бошқа фанлар методларини юридиклаштириш;
2. Юриспруденциянинг бошқа қўшни фанлар билан кесишувида янги фанларнинг шаклланиши.

Юридик фанда бошқа фанлар методлари фақат айнан юридик билиш усуллари ва йўллари сифатида фойдаланиши мумкин ва лозим. Бошқа фанлар методларининг бундай юридиклашуви юридик фаннинг софлиги ва методологик, предмет бирлигининг зарур шарти ҳисобланади.

Юридик фанда фалсафий ва умумилмий методлар (диалектика, тизимли ва функционал методлар, анализ ва синтез, моделлаштириш ва бошқалар) муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Юриспруденцияда тадқиқотнинг бундай методлари, усуллари, йўллари самарали фойдаланиш уларнинг назарий-билим потенциали ва имкониятларининг лозим даражадаги юридиклашувига боғлиқ бу эса ўз навбатида юридик билиш мақсад ва вазифалари, юридик метод мазмуни ва талабларидан келиб чиқади.

Янги юридик фанларнинг пайдо бўлиши юриспруденциянинг қўшни фанлар билан аввалги фанлараро алоқани (улардаги тадқиқот усуллари ва йўллари, баъзи назарий қоидаларидан фойдаланиш, ўзлаштириш) юридик фаннинг назарий билиш эҳтиёжларини қониқтирмаётганлигини ва янги мустақил юридик фан доирасига тегишли муаммоларни систематик ишлаб чиқишга эҳтиёж сезаётганини кўрсатади.

Юриспруденция доирасида мазкур янги фанлар умумилмий характердаги юридик фанлар ҳисобланади. Бу юридик билим ва юридик билимлар тизими томонидан амалга оширилаётган умумилмий назарий-билим функциялари билан белгиланади.

Янги юридик фанлар ва янги йўналишларнинг шаклланиш жараёнининг ўзи юриспруденцияни замонавийлаштириш (модернизация)нинг табиий ва самарали йўналиши, унинг умумилмий ютуқларини ҳозирги замон даражасига мос келиш кўрсаткичи унинг янада ривожланиш қобилиятига эғалигини англатади.

Бу йўналишда юридик фан кўп ишларни амалга ошириши керак. Бунда албатта, юриспруденциянинг постсовет босқичдаги ўзига хос илмий вазифалари ва хусусиятларини ҳамда хорижий мамлакатлардаги юридик фан ривожланиш тажрибаси ва тенденцияларини ҳисобга олиш керак.

Юриспруденциянинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасининг ривожланиши бу қўшни фанлардан тайёр билимларни оддий ўзлаштириш ва юридик характерда улардан бевосита фойдаланишни англатмайди, балки уларнинг тажрибаси ва ютуқларини эътиборга олган ҳолда махсус юридик билимларни чуқурлаштириш ва такомиллаштиришнинг ижодий жараёни ҳисобланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммоларини Магистратура босқичида ўтилишининг зарурлигини белгиловчи ҳолатларни кўрсатинг

2. Махсус курснинг предмети ва методлари хусусиятларини тавсифланг

3. Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммоларининг объекти ва предмети ўртасидаги нисбатни аниқланг

4. Юридик метод тушунчаси

5. Юридик методнинг хусусиятлари ва функцияларини тавсифланг.

6. Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари ривожигаги ворисийлик ва янгилик

7. Махсус курснинг бошқа ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрнини аниқланг

8. Махсус курснинг бошқа юридик фанлар билан алоқасини тавсифланг

2-МАВЗУ: ДАВЛАТНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТУШУНИШ МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Давлат феномени ва уни тушуниш муаммолари
2. Оммавий-сиёсий ҳокимият
3. Давлатнинг социологик концепцияси
4. Давлатнинг легистик концепцияси
5. Давлатнинг либертар концепцияси
6. Давлатнинг субстанциявий, ҳудудий ва институциявий элементлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон».1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.:Ўзбекистон. 1992. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.—Т.: 1996.-44-б.
3. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. —Т.: «Ўзбекистон», 1996, 53-бетлар
4. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон.2005.74-б.
5. Каримов И.А.Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.Т.:Ўзбекистон.2005.70-бет.
6. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва манфаатлари —энг олий қадриятдир. Халқ сўзи.2005 йил 8 декабр.
7. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайти. Халқ сўзи. 2005 йил, 17 феврал.
8. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. с.
9. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.Т.:Ўзбекистон.2005.264 б.
10. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. —М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
11. Проблемы теории государств и права Учебное пособие. ғ Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.
12. Нерсисянц В.С. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

13. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия.М: Статут. 1999.-810 с.

14. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

15. Кольев А.Н.Нация и государство. Теория консервативной реконструкции.М.:Логос,2005.-800 с.

16. М.Ҳ.Рустамбоев. С.О.Абдухолиқов. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1-китоб. Т,:2005. 316 б.

17. М.Ҳ.Руыстамбоев.С.О. Абдухолиқов. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари.2-китоб. Т,:2005. 404 б.

1.Давлат феномени

Кишилиқ жамияти тарихида давлат пайдо бўлиши билан унинг ҳақида мунозаралар ҳам бошланиб, олиму-алломалар «давлатнинг ўзи нима?», «унинг моҳияти нимада?» каби саволларга жавоб беришга ҳанузгача уриниб келишмоқда. Бироқ, мутлоқ мураккаб (бўлган) ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлган давлатга таъриф бериш, унинг моҳиятини чуқур англаш осон кечмаган.

Дарҳақиқат, давлатга таъриф бериш мураккаб вазифа бўлиб, бир неча юз йилликлар давомида инсонлар давлат нима, у нима учун керак, нега мавжуд, каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиб келишмоқда. Бундан ташқари давлат қай тариқа вужудга келади, унинг моҳияти, жамият ва одамлар ҳаётига аралашиш чегараси қандай деган масалалар юзасидан мунозаралар ҳар янги авлод тадқиқотчилари, яъни давлатшунос олимлар олдида муқаррар равишда туради.

Давлат масаласига қадимги мутафаккирлар, хусусан Шарқ мутафаккирлари ҳам катта қизиқиш билан қараганлар.

Давлатни тушунишда, унга бўлган катта қизиқишга қарамасдан, - ҳамон яқдиллик йўқ. Хўш, бундай ҳолатнинг сабаби нима?

- Аввало, давлатни тушунишдаги ҳилма-хиллик, давлатга оид қарашларни шакллантирган давр билан боғлиқдир, бошқача қилиб айтганда, жамият тараққиёти, унинг онгги ва тафаккури даражаси билан боғлиқ.

- Айни пайтда, давлатнинг тушунчасини аниқлашдаги плюрализм, бир жиҳатдан одамларнинг давлатни ўзига – ҳар хил

тушуниши билан, иккинчи томондан эса, давлатнинг ўзининг ижтимоий ҳодиса сифатида мураккаблиги билан тавсифланади.

- Бундан ташқари, давлат атамаси турли маъноларда ҳам ишлатилади ва бу ҳолат уни тушунишдаги турличаликни келтириб чиқаради.

Йирик австралиялик ҳуқуқшунос Ганс Кельзен (легистик ёндашув вакили) нинг ўринли таъкидича, давлат сўзи кўпинча жамиятни ифодалайди, баъзан миллат ёки ҳудудни белгилаб ҳам айтилади. Давлат тўғрисидаги назариянинг етарли эмаслигига сабаб, кўпинча тадқиқотчилар турли ататмаларни бир маънода ва аксинча бир хил маънодаги атамаларни турли мазмунда қўллашлари ҳамдир.

Кельзеннинг фикрича давлат тушунчаси қўйидаги маъноларда қўлланиши мумкин:

1. Давлат аввало соф юридик ёндашув, нуқтаи-назар орқали қараб чиқилмоғи лозим. У юридик шахс, «ҳуқуқий феномен», ўзига ҳос корпорация сифатида намоён бўлиши мумкин. Давлат миллат миқёсидаги ҳуқуқий тартибдир. Юридик феномен сифатидаги давлат билан ҳуқуқ ўртасидаги муносабат ҳудди ҳуқуқ билан индивидуум ўртасидаги муносабат тарзида қаралмоғи керак.

Кельзеннинг фикрича, давлат ҳуқуқни ўрнатиши ёки санкциялашдан қатъи-назар, ҳудди индивиддек бўлиши, яъни ўз хатти ҳаракатида ҳуқуқ билан боғлиқ бўлиши керак.

2. Давлат тушунчаси социологик маънода ҳам ишлатилиши мумкин. Бу тарзда қараганда давлат қандайдир «социологик бирлик», ҳуқуқий тартиб ва ҳуқуқий реалликдан мустақил мавжуд бўлган «социал реаллик» сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Социологик нуқтаи-назардан қаралган давлат учун ҳос бўлган жиҳат – унинг жамиятни бошқариш юзасидан ваколатларнинг бир қанча органларга берилганлиги, бир қатор органлар қўлида тўпланганлигидир. Шу боис жамиятда бир неча ҳокимий ваколатга эга бўлган тузилмалар мавжуд бўлади.

3. Давлат тушунчаси жонли, табиий организм сифатида ҳам белгиланиши мумкин. Бу ёндошувга асосланган ҳолда, давлат «социал биология шакли» сифатида намоён бўлади. Кельзеннинг бу қарашлари давлатнинг пайдо бўлиш тўғрисидаги органик назария тарафдорлари томонидан қўлланилган.

4. Кельзен ва унинг тарафдорлари давлатни «нормалар тизими», «норматив тартиб», «сиёсий ташкилланган жамият» «давлат-ҳокимият» деб белгилашган, таърифлашган.

Кельзеннинг фикрича, давлат сиёсий характерга эга, ва у аввало сиёсий ташкилот сифатида намоён бўлади, чунки у «куч, мажбурлов ишлатиш тартибини» белгилайди, зеро у «куч ишлатишга бўлган монопол ҳуқуқга эга»¹.

Шундай қилиб, давлатнинг ходиса сифатида мураккаблиги, уни турфа талқини, унинг тушунчасининг турличалигини белгилайди. Шу боис турли даврларда давлатни турлича тушуниш мавжуд.

Давлатни таърифлашда совет даври юридик фикри синфийлик нуктаи-назари билан характерланади. У «синфий жамиятнинг сиёсий ташкилоти» сифатида талқин этилган.

1980 йилнинг ўрталаридан бошлаб, давлатни таърифлашда умумижтимоий жиҳатни кўрсатиш томон силжиш бошланди ва синфийликка берилган урғу аста-секин умумижтимоий жиҳат томонга сурила борди.

Кейинги пайтларда давлатга қуйидаги таърифга яқин таъриф бериш анча кенг тарғалган: «давлат бу жамиятнинг ягона сиёсий ташкилоти бўлиб, у бутун ҳокимиятни мамлакатнинг барча ҳудудига ва аҳолисига тарқатади ва шу мақсадда махсус бошқарув аппаратига эга, ҳамма учун мажбурий амрлар чиқаради ва суверенитетга эга».

Таъкидлаш лозимки, давлатга таъриф беришда ё синфий, ёки умумижтимоий жиҳатига кескин урғу бериш мақсадга мувофиқ келмайди. Зеро реал ҳаётда соф синфий, ёки соф умуминсоний давлат институтлари йўқ, демак мос келадиган давлат таърифи ҳам йўқ.

Давлатни маъмурий ҳуқуқ нуктаи-назарида қараш ҳам мавжуд, унга кўра давлат – «маъмурий давлат» сифатида қаралади. Баъзи муаллифларнинг фикрича, глобаллашув жараёни аста-секин давлатнинг табиати ва характерининг ўзгаришига олиб келади, унинг функциялари ҳам глобаллашади ва аста-секин унинг суверенитети камаяди.

Ғарб нашрларида таъкидланишича, капитализмнинг кучайиши натижасида, транснационал компаниялар шундай қудратли иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий институтларни шакллантирмоқдаки, улар ўз имкониятига кўра баъзи давлатлардан ошиб тушади ва аслида «турли миллат ва давлатлар устида туради».

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳам институт, ҳам ташкилот сифатида бошқа тузилмалар ичида, сўзсиз ажралиб туради.

Давлатнинг бош жиҳатлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

1. давлат-ижтимоий ходиса

¹ Қаранг: Проблемы теории государства и права. Под.ред. проф.М.Н.Марченко. М.:Юрист.2004.С.74.

2. давлат-сиёсий ҳодиса

3. давлат- муайян вазифаларни ҳал этишга қаратилган ўз таркиби ва тузилмасига эга.

Давлатни тушуниш учун аввало унинг ибтидоий жамиятдаги ижтимоий ҳокимиятдан ва бошқа сиёсий ташкилотлардан фарқини тушуниб олишимиз керак бўлади.

Давлатнинг ибтидоий тузумдаги ижтимоий ҳокимиятдан фарқ қилувчи белгилари:

1.Оммавий ҳокимият белгиси. Аслида ҳар қандай ҳокимият ҳам оммавий, яъни ижтимоийдир, бироқ, бу жойда ушбу атамага махсус маъно берилмоқда, зеро давлат, субъект, яъни ҳокимият соҳиби сифатида ўз объектидан, яъни жамиятдан ажратилган. Бу ҳолат ўзининг ифодасини алоҳида давлат аппарати мавжудлигида топади. Ибтидоий жамият органлари эса ўзини-ўзи бошқариш принципи асосида қурилган ва жамиятнинг ичида бўлган, яъни объект ва субъект ўзаро мос келган.

Шундай қилиб, давлатнинг энг муҳим белгиси шуки, у оммавий ҳокимиятнинг аппарати ҳисобланади. Шу белгига боғлиқ ҳолда, давлат оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ташкилотчиси сифатида тавсифланади.

2.Худудий принцип. Уруғ жамоасида одамлар қон-қариндошлик асосида бирлашган ва бошқарилган; давлат ҳокимияти эса худудий принципга қараб белгиланади.

3.Давлат хазинасининг мавжудлиги, солиқларнинг жорий этилиши – давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Солиқ-давлат хазинасининг тўлдириш усулидир.

Давлат бошқа сиёсий ташкилотлардан, энг асосан, суверенлиги билан фарқланади.

Суверенитет қуйидагиларни англатади:

А) давлатнинг ташқарида мустақиллиги;

Б) давлатнинг мамлакат ичкарисида олийлиги.

Давлат суверенитетидан уни бошқа сиёсий ташкилотлардан ажратиб турадиган бошқа белгилари келиб чиқади:

- давлат ўз ҳокимиятини давлат чегараси билан белгиланган мамлакатнинг бутун ҳудудига тарқатади;

- давлат аҳоли билан барқарор юридик боғлиқлик, алоқага эга;

- фақат давлат умуммажбурий характердаги қоидаларни чиқаради;

- фақат давлат аҳолига нисбатан куч ишлатиш ҳуқуқига эга;

- фақат давлатда бошқа ҳеч бир сиёсий ташкилотда бўлмаган таъсир воситалари мавжуд (армия, полиция, ҳавфсизлик органлари, қамоқхона ва б).

Баъзан давлатнинг белгиси сифатида ҳуқуқни кўрсатишади. Ҳуқуқ давлатнинг белгиси бўлолмайди, ҳудди шунингдек давлат ҳам ҳуқуқнинг белгиси бўлолмайди. Ҳуқуқ давлатнинг мавжудлиги белгиси бўлиши мумкин (В.Н.Протасов).

Давлатнинг моҳияти тўғрисида ҳам турли фикрлар айтилган, бунда кимдир давлатнинг синфий моҳиятига, бошқалари эса умумижтимоий моҳиятига урғу беришган. Шунинг аниқ айтиш мумкинки, давлат жамият тараққиётининг маълум босқичида — жамият ҳаётини ташкил этишнинг зарур воситаси сифатида, жамият мавжудлигининг ажралмас шарт сифатида вужудга келган.

Ҳозирги замон нуқтаи-назаридан давлат «инсон манфаатлари йўлида жамият ҳаётини ташкил этувчи ҳокимий тизим» сифатида намоён бўлиши керак. Давлат ҳар қандай тизим сифатида ҳокимий-ташкилий жиҳатдан ва ҳуқуқ жиҳатидан ҳам яхлит бўлмоғи лозим;

Давлатни тушунишда турли ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаган эдик. Шу ўринда давлат феномени ўзи нима? — деган саволга жавоб беришимиз лозим.

Умуман давлат ҳодисасига турлича «яқинлашиш» мумкин.

Агар, биз давлат ҳодисасига «ташқаридан» халқаро ҳуқуқ нуқтаи-назаридан яқинлашсак, давлат бизга муайян ҳудудда яшайдиган, оммавий-сиёсий ҳокимият остида бирлашган аҳоли тарзида намоён бўлади. Бунда биз давлатнинг аҳолиси, ҳудуди ва давлат ҳокимияти ташкилоти каби йирик элементларини кўрамиз.

Иккинчи «яқинлашувимизни» биз «ичкаридан» олиб борамиз ва бунда давлат бизга «оммавий — ҳокимий уюшма» сифатида намоён бўлади.

Давлатни бу тарзда қараб чиқиш воситасида, биз давлатнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг жамиятдаги вазифасини, жамият сиёсий тизимининг бошқа элементлари билан муносабатини англаб олишимиз мумкин.

Давлат ҳодисасига учинчи бор «яқинлашувда» биз давлат ҳокимияти аппаратини, яъни унинг тизимини-тузилмасини, давлат органлари ўртасидаги муносабатни кўриб чиқиш имкониятига эга бўламиз.

Шундай қилиб, «давлат» атамаси уч хил маънода:

- 1) давлатли — ташкиллашган ҳамжамят маъносида;

- 2) давлат ҳокимияти маъносида;
- 3) давлат органлари тизими маъносида.

Бу уч ҳолатда ҳам, давлат ҳокимияти сифатидаги оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ташкил этиш ва амал қилиш ҳақида, бироқ унинг турли жабҳалари (аспект) ҳақидаги гап кетмоқда. Давлат тушунчаси мана шу уч жиҳатни ўз ичига олади.

Давлат тушунчаси доимо оммавий-сиёсий ҳокимият тушунчаси орқали тушунтирилади.

Шундай қилиб, давлат – бу муайян ҳудудда яшайдиган аҳолига ўз ҳокимий таъсирини ўтказадиган оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг алоҳида органи бўлиб, у ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш учун махсус аппаратига таянади. Давлат – бу алоҳида сиёсий тузилма бўлиб, у бутун жамият номидан иш юритади, жамиятнинг бирлаштириб, уни бошқаради ҳамда турли гуруҳлар манфаати мувозанатини сақлаб туради.

Бундан ташқари давлат тушунчасини турли маъноларда тушуниш ҳоллари мавжудлигини таъкидлаб ўтган эдик. Жумладан, давлат тушунчаси 2 хил маънода ишлатилиши мумкин:

1. тор маънода, яъни махсус сиёсий ташкилот сифатида, оммавий ҳокимият аппарати сифатида;

2. кенг маънода – муайян ҳудудда жойлашган, давлатли – ташкиллашган ижтимоий бирлик, бу тушунча мамлакат тушунчасига яқин.

Яна давлатнинг таркиби ва тузилмаси мавжуд; одамлар – бу давлат аппарати таркибини ташкил этади; яна давлатнинг тузилмаси мавжуд, у давлатни ташкилотга айлантиради. Давлат тузилмаси нисбатан мустақил, одамлар таркиби ўзгариб туриш мумкин.

2. Оммавий-сиёсий ҳокимият тушунчаси

Маълумки, жамиятда ҳокимиятнинг турлари кўп, хусусан, оиладаги оила бошлиғининг ҳокимияти, хўжайиннинг хизматкори устидан ҳокимияти, мулкдорнинг иқтисодий ҳокимияти, гуруҳдаги сардор ҳокимияти, диний ҳокимият ва бошқалар. Бироқ бу ҳокимият кўринишларининг биронтаси ҳам бутун жамиятга тарқалмайди, халқ номидан иш юритмайди, яъни оммавий характерга эга эмас.

Оммавий ҳокимият ҳудудий принципга биноан тарқалади, унга таалуқли ҳудуддаги барча аҳоли бўйсунди.

Сиёсий ҳокимият – жамиятнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида халқни бошқаришни амалга оширадиган ҳокимият. Оммавий ҳокимият махсус одамлар табақаси – мутахассислар томонидан амалга оширилади ва у солиқлар ҳисобига фаолият юргизади.

Оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг белгилари:

- ўз ҳокимияти таъсиридаги аҳолини бирлаштиради;
- махсус аппарат томонидан амалга оширилади;
- суверенитет ва қонун ижод этиш ҳуқуқига эга;

Оммавий-сиёсий ҳокимиятни ўз мазмунига кўра турлича бўлиши мумкин;

- оммавий-сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий типи (бунда ҳокимият фуқароларнинг эркинлиги билан чекланган бўлади);

- кучга асосланган тип (эски деспотиядан то ҳозирги тоталитаризмгача).

Айтиш жоизки, ҳозирги замон фанида давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги умум эътироф этилади, давлат ҳокимияти ҳуқуқий асосларда фаолият юргизиш зарурати таъкидланади.

3. Давлатнинг социологик концепцияси

Давлат ва ҳуқуқни тушунишнинг типларига мувофиқ ҳолда турлича концепциялар шаклланган, хусусан, позитивистик тип доирасида социологик ва легистик, ҳуқуқни тушунишнинг неопозитивистик юридик типи доирасида эса либертар концепция шаклланган.

Давлатнинг ушбу концепциясида шаклидан ва мазмунидан қатъи назар ҳар қандай оммавий-сиёсий ҳокимият ташкилоти давлат деб аталади.

Социологик концепциянинг барча кўринишлари учун умумий жиҳат бўлиб, давлатнинг юридик табиатини инкор этиш, унинг кучга таяниш жиҳатини эса мутлоқлаштириш ҳисобланади. Бу кучга урғу берадиган концепциядир. Давлатнинг моҳияти бунда ташкилий куч, сиёсий куч сифатида талқин этилади. Унга кўра, бу сиёсий-ташкилий куч ҳуқуқ билан чекланмайдиган ва эркинлик ўлчовини (мера) ўз хоҳишича белгилайди. Давлатни бундай тушунишда сиёсий эркисизликка йўл қўйилиши, сиёсий ҳокимиятнинг чекланмаслигига олиб келиши мумкин.

Бу назариянинг давлатга таърифи қуйидагича: давлат бу муайян ҳудудда яшайдиган аҳолига нисбатан энг маъқул (энг кучли, олий, суверен) ҳокимият ташкилоти.

Давлатнинг бу концепцияси классик легистик позитивизм Д.Н.Остин, Г.Ф.Шершеневич, Л.Гумпловичлар томонидан фойдаланилган. Уларнинг талқинича «ҳуқуқ – бу давлатнинг, олий ҳокимиятнинг, сувереннинг буйруғи».

Ҳуқуқни бундай тушунишда, давлат куч сифатида бирламчи, «ҳуқуқ» эса – иккиламчи, давлат – бу қонун чиқарадиган кучга монополияси бўлган ташкилот. Шу боис ҳокимиятнинг қонуний шакли, унинг бор ёки йўқлиги бу концепция учун потенциал аҳамиятга эга эмас. Олий ҳокимият қонунга биноан, ёки қонунга зид ҳолда амалга оширилиши мумкин, чунки бу ҳокимият олий ҳокимият!? Қонун (ҳуқуқ) бу шу нарсаси, олий ҳокимият нимани хоҳласа, суверен ҳокимиятнинг амри-иродаси қандай бўлса-ҳуқуқ шундай бўлади.

Шу боис социологик концепция давлат ҳокимиятининг ваколати қонун билан тартибга солиниши мумкинлиги айтилади, бироқ қонун давлат ҳокимияти учун мажбурий эмас деб таъкидлайди.

Бу концепциянинг қарашича, давлат бу ҳокимият тўғрисидаги қонунларда битилган расмий қоидалар эмас, балки ҳокимиятдаги фактик, амалдаги буйсундириш, бўйсунуш муносабатлари, ҳокимиятнинг амалда ташкил этилиши ва фаолияти деб тушунилади. Давлат ижтимоий куч сифатида ҳокимиятни амалга оширишнинг қонуний шаклига риоя этиши ёки этмаслиги ҳам мумкин.

Социологик концепциянинг бир кўриниши бўлиб, давлатнинг марксча-ленинча концепцияси ҳисобланади. Бунда давлатнинг моҳияти синфий ҳукмронлик ва синфий мажбурлов орқали тушунтирилади.

Большевиклар партиясининг раҳбари Лениннинг таърифича, давлатнинг моҳияти-бу диктатурадир, ҳукмрон синфнинг бошқа синфларни бостириш учун мажбурловидир.

И.В.Сталиннинг талқинида-давлат ҳукмрон синф қўлида ўзининг синфий душманларини бостириш машинаси. Муайян бир синф диктатураси ҳокимиятнинг ҳеч қандай қонунлар билан чекланмаганлиги боғлиқ эмаслигини англатади. Ленин айтганидек, диктатура- бу бирон бир қонунлар билан боғлиқ бўлмаган, бевосита кучга асосланган ҳокимиятдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, марксизм-ленинизм давлатни «хатто қонун билан ҳам чекланмайдиган табиатли оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ғайри-ҳуқуқий ташкилоти» сифатида талқин этган.

Маълумки, қадимданок сиёсий фикр сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим жиҳатларини кўрсатган:

- мақсадга эришиш воситаси сифатида ташкилий зўрлик (ташкиллашган мажбурлов);

- умумий вазифаларни бажариш, ҳокимиятнинг мақсади сифатида ижтимоий фаровонликка эришиш.

Тарихий тараққиёт натижасида муайян гуруҳ, муайян синф манфаати йўлидан ташкилий мажбурлов сиёсий ҳаётда борган сари кейинги ўринларга ўтиб бормоқда, давлатнинг умумијтимоий фаолияти эса биринчи ўринларни эгалламоқда.

Ҳозирги кунда, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожланган давлатларда ижтимоий зиддиятлар борган сари бартараф этилмоқда ва улар ўзининг танглигини йўқотмоқда, натижада катта ижтимоий гуруҳларга нисбатан сиёсий мажбурлов ўтказиш эҳтиёжи ҳам йўқолмоқда.

Марксизмнинг «фарзанди» бўлган синфлар ҳам йўқ. Ҳозирги замон демократик давлатларида сиёсий ҳокимият ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги бўлиши мумкин бўлган низоларни ҳал этишнинг цивилизациявий тартиботини, самарали механизмини ишлаб чиққан ва ундан ўринли фойдаланади. Айни пайтда жамият аъзоларининг фуқаролик иноқликка бўлган умумий интилишларини йўллаб, нафақат ижтимоий жиҳатдан кучлиларнинггина эмас, балки ижтимоий кучсизларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади ва кафолатлайди, миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали кучли ва кучсизлар ўртасида мувозанатни таъминлайди.

Шундай қилиб, зўравонлик назарияси ҳозирги замон ривожланган давлатларига мос келмайди. Шунинг билан социологик концепция вакиллари ҳокимиятнинг синфий, диктаторлик, деспотик характери давлатнинг айрим тарихий шаклларида хос, айниқса, аҳоли учун умумий бўлган ишларни асосан мажбурлов воситасида ҳал этиш тарихий ривожланмаган давлатларга хос, ҳозирги замон давлати учун эса-ҳокимиятнинг ижтимоий келишувга, компромиссга интилиши хос, деган фикрларни ҳам илгари суришмоқда.

Социологик концепциянинг яна бир нозик жиҳати-давлат билан деспотияни фарқламаслигидир. Бу назариянинг талқинида давлатга

оид ҳодисаларнинг моҳияти, ҳатто зўрловгача бориб етадиган ташкилий мажбурловда тушунилади ва (бунга боғлиқ ҳолда) шу боис, фуқароларнинг эркинлиги билан чекланмаган «давлат» ҳокимияти бўлиши назарда тутилади. Шу билан «давлат» атамаси билан белгиланадиган сиёсий ҳодиса ва муносабатларнинг доираси асоссиз кенгайтирилади-демак давлат либерал, демократик, диктаторлик, деспотик, тоталитар ва шунга ўхшаш бўлиши мумкин, барча ҳолда ҳам у давлат бўлаверади. Ҳокимият яхши ёки ёмон, адолатли ёки адолатсиз ва ш.ў. бўлиши мумкин, бироқ бу баҳолаш социологик концепциядаги давлат тушунчасига алоқаси йуқ. Қисқаси, бу назариянинг моҳиятидан шу нарса келиб чиқадики, ҳар қандай ўз-ўзича мажбурловни амалга оширувчи исталган ташкилот, агарда у муайян ҳудуддаги муайян халқда энг кучли ташкилот бўлса давлат бўлиши мумкин,

Шу муносабат билан, V асрда яшаб ўтган «черков оталари» дан бири бўлмиш Августиннинг ушбу масаладаги риторик саволини эслаш ўринли, у давлатли-ташкиллашган ҳамжамият- (*civitas*) адолатга асосланади, деспотик подшоҳликларни эса (*regnu*) давлат деб бўлмайди-қабилда исботлашга уриниб, «Адолатга асосланмайдиган подшоҳликнинг моҳияти-талончилар тўдасидан нимаси билан фарқланади?» деган эди. Ушбу христиан мутафаккирининг тасаввурида қолоқ халқлардаги (язўчников) подшоҳликда давлат-ҳуқуқий мулоқот ва муносабатлар йуқ, уларда битта йўлбошчининг ҳокимиятигина мавжуд ва унинг бу ҳокимиятига ҳеч ким тажовуз қила олмайди, бор «ҳуқуқ» эса топилган ўлжани белгиланган одатга кўра бўлишдан иборатдир. Мана шу «ҳокимият» уларда «давлат» ҳисобланади. Бу муҳим саволга бир ярим минг йилдан сўнг, Г.Кельзен социологик концепция нуқтаи-назаридан жавоб берган: «Талончилар тўдасини шунинг учун ҳам давлат деб бўлмайди-ки, ушбу тўда ҳаракат қиладиган ҳудудда талончилар тўдасидан кучли ва қудратли бўлган ижтимоий куч, ҳокимият мавжуд. Ана шу ҳокимият-айнан давлатдир».

Шу боис, кўчадаги босқинчиларнинг буйруғини давлатнинг қонун-қоидалари билан тенглаштириб бўлмайди. Бироқ, босқинчилар бандаси томонидан муайян ҳудудда ўрнатилган тартибот энг кучли ва самарали бўлса, уни ҳуқуқий тартибот деб, ва бу ҳуқуқий тартибот доирасида шаклланган социумни эса давлат деб ҳисоблаш керак. Ўз фикрини исботлаш учун Келзен XVI-XIX асрларда Африканинг шимолий қирғоқларида шаклланган қароқчи давлатларни, яъни

Жазоир, Тунис, Триполи ва большевикларнинг тоталитар режимини мисол қилиб келтиради. Кельзеннинг таъкидлашича АҚШ судлари большевиклар режимининг актларини давлат-ҳуқуқий актлар сифатида даставвал тан олмаган, чунки бу режимни ганстерлар тўдаси деб ҳисоблашган, кейинчалик эса, бу режимнинг тугамаганлигини, балки барқарор, СССР ҳудудидаги исталган ҳокимиятга кўра самарали эканлигини кўриб, бу режимни давлат-ҳуқуқий режим сифатида тан олган.

Социологик концепция инсоннинг табиий ҳуқуқларини ва ҳуқуқий давлат тушунчасини инкор этади. Барча субъектив ҳуқуқларни давлат томонидан берилган, октраирланган (инъом этилган), конун чиқарувчининг иродасидан келиб чиққан деб, ҳисоблайди.

Бу концепцияда «ҳуқуқ» олий ҳокимиятнинг буйруғи деб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари эса-ҳокимий конун ижодкорлигининг маҳсули сифатида қаралади. Бу ҳолатда давлат ҳуқуқ билан эмас, балки, аксинча, ҳуқуқ-бу давлатнинг ихтиёрида тўлалигича бўладиган ҳодиса. Шу боис, бу концепция «ҳуқуқий давлат» қоясига салбий муносабатда бўлади. Давлат деспотик бўлиши мумкин, бироқ у ҳуқуқий бўла олмайди. Ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг эркинлиги билан ҳокимият чекланган бўлади; ҳеч бир куч давлатни чеклай олмайди чунки давлат ўша ҳудуддаги энг кучли ҳокимият ташкилоти, мабодо бошқа ижтимоий сиёсий куч давлатни чеклай олса-қандайдир «ҳуқуқ» билан, бундай вазиятда давлат деб, фаолиятини чеклаш мумкин бўлган сиёсий ҳокимиятни эмас, балки бошқаларни чеклайдиган, бироқ ўзи чекланмаган ҳолда, тўла ҳокимиятли қоладиган кучни давлат дейиш керак. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мазкур концепция доирасида конституциявий ва халқаро ҳуқуқни тушунтириш амримаҳол.

Умуман, агар давлатнинг моҳиятини, табиатини кучга асосланган ҳокимият ташкилоти деб талқин этиладиган бўлса, бу ҳолда ҳуқуқий давлат тушунчасини на ғносеологик, ё на мантиқан англаш қийин.

Социологик концепция вакиллари замонга мослашишга ҳаракат қилиб, ўз қарашлари ва ҳуқуқий давлат тушунчасини ҳозирги кун талабларига мослаб уйғунлаштиришга интилмоқдалар. Бироқ давлатни кучга асосланади деб тушуниш замирида ҳокимиятнинг ҳуқуқга бўйсунилишини, ёки ҳуқуқ ҳукмронлигини қандай тушунтириш мумкин?! Бундай тушунишда ҳуқуқ билан конун тенглаштирилади ва

ҳуқуқ ҳукмронлиги тушунчаси қонуннинг устуворлиги тушунчаси билан алмаштирилади.

Бу концепция учун ҳуқуқий давлат тушунчаси тушунарсиз бўлиб қолмоқда. У «қонунийлик (ёки қонунчилик) давлати» деган тушунчани қабул қилиб, унга кўра, давлат ўзини ўз қонунлари билан чекловчи, яъни ҳокимият қонун билан боғланган, бироқ, айти пайтда у бу қонунларни ўз ҳоҳишича ўзгартириши мумкин. Демак, бунда давлат бевосита ўзининг истаги (произвол) билангина боғланган. Бу ҳолда диктатурага айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Кельзенча давлатни тушунишнинг моҳияти мана шуларда ифодаланади.

4. Давлатнинг легистик концепцияси

Ушбу концепция XIX-асрнинг иккинчи ярмида Германияда вужудга келган ва XX-асрда Г.Кельзен томонидан назария сифатида мантиқан яқунланган.

Бу концепциянинг мазмунида давлат феномени оммавий-сиёсий ҳокимият тўғрисидаги қонунлар мазмуни билан тенглаштирилади.

Давлатнинг легистик концепцияси давлат деганда сиёсий ҳокимиятнинг қонунлар билан расмийлаштирилган апаратини, унинг қонунга мувофиқ ташкил этилишини ва амал қилишини, ҳокимият органларининг қонуний компетенциясини тушунади. Бу назария давлатни аслида амалда конституциявий ва маъмурий қонунчилик қоидалари, суд тузилишига ва бошқа давлат органларига оид қонунчилик қоидаларига тенглаштиради. Демак, бу назария ёндошувича – монарх, президент, ҳукумат, суд, прокуратура, полиция ва ҳокимиятнинг бошқа институтлари ҳамда мансабдор шахслар тўғрисида қонунларда нима дейилган бўлса, ўша давлат, бунда қонунларда юқоридаги органлар тўғрисида нима дейилганлиги эътиборга олинмайди, гарчи бу қонунларнинг мазмуни турлича бўлиши мумкин. Давлат ҳокимиятнинг қонуний шакли орқали белгиланади, бироқ қонунларнинг мазмуни орқали эмас.

Юқорида кўриб чиққанимиздек, давлатнинг социологик концепцияси давлатнинг элементлари сифатида ҳокимият остидаги ҳудудни, ҳокимият остидаги аҳолини ва суверен ҳокимиятни кўрсатади. Легистик концепцияда эса давлатнинг бу элементлари ўзининг қонунчилик талқинини топади, яъни давлат ҳудуди – бу «қонунларнинг маконда ҳаракат қилиш соҳаси» деб, давлат аҳолисини эса «мамлакат қонунларининг шахсларга нисбатан ҳаракат соҳаси» деб, давлат ҳокимиятини эса – муайян маконда ва муайян

доирадаги шахсларга нисбатан ҳаракат қиладиган қонунлардаги қоидалар деб талқин этади.

Позитивизм йўналишидаги фан давлат соф «юридик» нуқтаи-назаридан қарашга интилиши легистик концепциянинг кенг тарқалишига замин яратган: зеро социологлар ва политологлар реал ҳокимият муносабатларини ўрганадилар, файласуфлар идеал, фозил давлат тўғрисида ўй сурадилар, юрист-қонуншунослар эса ҳаракатдаги қонунларни ўрганишлари керак, демак, давлат қонуншунослар учун ҳокимият тўғрисидаги қонунлар мазмуни сифатида касбий қизиқиш уйғотади.

Умуман олганда давлат ҳокимиятининг ажралмас хусусияти — бу унинг қонуний шаклидир, чунки қонунлар давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва фаолияти асосларини, уларнинг компетенциялари доираларини белгилаб беради. Шу боис, агар фактик, реал ҳокимий муносабатлар давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунлар мазмунига мос келса, бу ҳолда қонунларни ўрганиш билан кифояланиш мумкин. Бироқ қонунда мустаҳкамланган муносабатлар ҳам давлатни ифодалай олмайди, қонунларни қонун чиқарувчи ҳокимият ўрнатади, шу боис оммавий-сиёсий ҳокимият, аслида доимо қонунда мустаҳкамлангандек бўлавермайди.

Ушбу концепцияга кўра, қонунларни давлат вужудга келтирмай, балки қонунлар давлат ҳокимиятини вужудга келтиради.

Шу ўринда социологик ва легистик концепцияларнинг фарқи яққол кўзга ташланади: социологик концепция ҳокимиятнинг (ҳокимий муносабатларнинг) фақат фактик муносабатларигагина урғу берса ва ҳокимиятнинг қонуний шаклини эътибордан четда қолдирса, легистик концепция, аксинча, фактик сиёсий муносабатлардан узоқлашиб, давлатни у ҳақдаги қонун ҳужжатлари қоидалари билан тенглаштиришади, ҳокимият қонунда белгилангандан бошқача тарзда фаолият юргизиши мумкинлиги бу назария томонидан ҳисобга олинмайди.

Легистик назария ҳокимият тўғрисидаги қонунлар, фактик ҳокимий муносабатлар билан мос келадиган давлатларда анча илдиз отган, чунки бу давлатларда ҳокимият тўғрисида қонунларда кўрсатилган қоидалар ҳаётга мос келади, лекин бу ҳол барча давлатларга хос эмас. Сохта конституцияли давлатларга легистик давлат назарияси мос келмайди, гарчи легистлар учун ҳокимиятнинг қонуний шаклидан ташқари реал шакли ҳудди йўқдек кўринса-да. Легизм учун қонун ҳужжатлари бирламчи, фактик ҳокимий

муносабатлар иккиламчи ҳисобланади, яъни «қонунда нима дейилган бўлса, реал ҳаётда ҳам шундай» деган ёндошувга асосланилади. Қонун билан ижтимоий ҳаёт ўртасидаги муносабатни бундай тасаввур этиш, «юридик идиотизм» ёки «юридик кретинизм» га яқинлашиб қолишдир.

Социологик концепция ҳам, легистик концепция ҳам давлат билан деспотияни фарқламайди. Агар легистик ёндошувга асосланиб, давлат бу қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган қоидалар деб тушунилса, унда деспотик, мажбурловга асосланган тартиботни ҳам давлатий тартибот дейиш мумкин, чунки у ҳам қонунларда мустаҳкамланган ахир?!

Легистик концепция нуқтаи назаридан туриб, ҳуқуқий давлат тушунчасини англаш ҳам қийин. Қонунларда ҳокимият қандай мустаҳкамланганлигига қараб бу давлатлар демократик, республикавий, тоталитар, фашистик деб аталиши мумкин. Бу ҳолда «ҳуқуқий давлат» атамаси бемаъно тушунчага айланиб қолади, ҳуқуқий давлат атамаси эса плеонизм (ортиқча, кераксиз сўз)га айланади. Зеро, легистлар учун ҳар қандай мазмундаги қонунлар – «ҳуқуқ» ҳисобланади, давлат эса – қонунда нималар мустаҳкамланган бўлса, ўша, демак барча давлатлар аввалданоқ ҳуқуқий ҳисобланади, чунки улар қонунда мустаҳкамланган. Ҳокимиятни ташкил этишнинг ҳар қандай кучга асосланган, ўзбошимча шакллари ҳам ҳуқуқий деб тушуниш мумкин, зеро у қонунда мустаҳкамланган.

Гносеологик жиҳатдан ҳам легистик назария тўғри эмас. Чунки, бир томондан ҳозирги замон ривожланган давлат-ҳуқуқий маданияти шароитида оммавий-сиёсий ҳокимият, албатта, қонуний шаклда амал қилади. Ҳудди шунингдек, яна бир талаб, яъни норматив-қонунчилик талаби ҳам ўринли, чунки давлат ҳокимияти қатъий равишда қонунга мувофиқ ташкил этилиши амал қилиши лозим. Бироқ, шуниси аниқки, барча давлатларнинг мазмун ва моҳиятини қонун ҳужжатлари мазмунини билиш орқали англаб бўлмайди, шу боис давлат тушунчасини қонунлардаги нормалар мазмуни билан чегаралаб бўлмайди.

Иккинчи томондан эса ҳозирги замон юридик фанида давлат назарияси давлатни оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ҳуқуқий ташкилоти сифатида, ҳуқуқий қонунлар билан чекланган ҳокимият сифатида талқин этади ва давлатга сиёсий ҳокимиятнинг ғайри ҳуқуқий кучга асосланган ташкилотини қарама-қарши қўяди. Шу ўринда айтиш мумкинки, давлат кучини ҳуқуқ билан чеклашдан

ташқарида мавжуд бўлмайди. Бу ҳолатда легистик концепциянинг «давлат – бу позитив ҳуқуққа асосланадиган ҳокимият» деган қонидаси қонунларнинг, ҳамда давлатнинг ҳуқуқийлигини белгиловчи мезонларини кўрсатмайди. Легистик концепцияга кўра, позитив ҳуқуқ – бу ҳокимият қонунларида ўрнатган қоидалар, эҳтимол ҳокимият – бу қонунларни ўзбошимчалик билан ҳам ўрнатган бўлиши мумкин, бу жиҳат легизм учун аҳамиятсиз ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг янги конструкцияси «қонунчилик (законнический) давлати» келиб чиқаяпти.

Социологик концепияда, ҳокимият ўз хохишича қонунда давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг доирасини, чегарасини белгилаш ёки белгиламаслиги ҳам мумкин, мабодо белгиланган бўлмаса ҳам давлат ҳокимияти ўзининг давлат эканлиги йўқотмайди. Легистик концепцияда эса ҳокимият қонун билан боғланган бўлмаса у давлат ҳокимияти деб ҳисобланмайди, бироқ, бунда қонунларнинг характери тўғрисида аниқ фикр айтилмайди, қонунлар ўзбошимчалик характерига эга бўлиши мумкин деган фикрга келиши мумкин. Бошқача айтганда, легистик концепцияда давлат ҳокимияти ўзини қандай тарзда қонунларда кўрсатса, шундай шакли назарда тутилади.

Шундай қилиб, легистик концепцияда давлатнинг характери, мазмуни, қонун ҳужжатларидаги ҳокимият тўғрисидаги қоидаларга тенглаштирилади, бироқ, оддий талаба ҳам қонун бошқа, ҳаёт бошқа бўлиши мумкинлигини билади, шу боис фақат ҳуқуқий қонунларда ифодаланган ҳокимият реал ҳокимиятга мос келсагина, шунда том маънодаги давлат ҳақида ҳулоса қилиш мумкин. Бироқ бу концепция қонунларни ҳуқуқий, ёки ноқонунийга ажратмайди, яъни қонун билан ҳуқуқни тенглаштиради.

Концепциянинг номақбул жиҳати шундаки, унда ғайри демократик режимли давлатлар ҳам ҳақиқий давлат деб тушунилади, зеро улар ҳам қонуний шаклда амал қилади. Концепция қонунларни характерини аниқлаш, аниқ мезонлар олдинга суриш каби вазифалардан ўзини олиб қочади.

Ҳозирги кунда фақат ҳуқуқий қонунларда ўзининг ифодасини топган, қонуний шаклда амал қилаётган ва реал фактик ҳокимий муносабатлар қонун қоидаларга мос келган сиёсий ҳокимият ташкилотини, давлат дейиш мумкин.

5. Давлатнинг либертар концепциялари

Давлат – ҳокимиятнинг ҳуқуқий шакли сифатида. Давлатни юридик жиҳатдан тушуниш, давлатни куч билан ҳуқуқнинг бирлашуви ёки ҳокимиятни ҳуқуқий қонунлар билан чеклаш, давлатга деспотияни қарши қўйиш каби фикрлар қадимдан маълум – қадимги Юнон сиёсий фикриданок улар бошланган.

Фанда позитивизм ҳукмронлик қилган даврларда социологик ва легистик концепциялар кенг тарқалган, бироқ, XX асрнинг 2-ярмида давлатни юридик тушуниш фанда ўзининг йўқотилган нуфузини анча тиклаб олди.

Давлатни юридик тушуниш, илмий адабиётда, хусусан, Владик Сумбатович Нерсисянц томонидан қўйидагича белгиланади: давлат – бу оммавий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг амал қилишининг ҳуқуқий шакли (ҳуқуқ типи)дир. Кўриниб турибдики, бу ўринда ҳуқуқий деган ибора қонун билан ҳуқуқни бир-биридан фарқлашга асосланган, акс ҳолда, қонун билан ҳуқуқ тенглаштирилса, бу ҳолда «давлат – бу ҳокимиятнинг ҳуқуқий ташкилоти, ҳокимиятни ҳуқуқий ташкил этишдир» деган ибора беманилик – тавтологияга яқинлашиб қолади, яъни давлат ҳокимияти-қонун тушунчаси орқали, яъни ҳокимий фаолиятнинг ўзининг бевосита натижаси бўлиши-қонун орқали талқин этилади.

Бироқ, бу ҳозирги замон давлатига ҳуқуқий қонунчилик кўзгуси орқали, давлат ҳокимиятига оид қонунлар нормалари орқали қараш керак эмас, деган маънони англатмайди. Ҳозирги замон либертар назарияси давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларни фуқароларнинг эркинлигини таъминлашнинг зарурий шакли сифатида тушунтиради ва қонунларни ўзининг асл вазифаси бўлган, фуқароларнинг эркинлиги, ҳафсизлиги, мулкани таъминлашни қандай амалга ошираётганлигига боғлиқ ҳолда баҳолайди.

Агар ҳокимият ҳақидаги қонунлар фуқароларнинг эркинлигини инкор этса, бу ҳолда бундай қонунлар, юридик жиҳатдан давлатга эмас, деспотияга мос келади. Давлат- бу инсонларнинг ижтимоий ҳаётларида эркинликларини амалга оширишнинг ва таъминлашнинг институтциявий мавжудлиги (борлиғи) шаклидир.

Шундай қилиб, давлат тушунчаси оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ташкилотини назарда тутаяди, бироқ, албатта, фақатгина ҳуқуқий типда ташкил этилган ҳокимиятни тақозо қилади. Бунинг маъноси шуки, бир томондан, давлат ҳокимиятининг ташқи белгилари бўлиб, ҳокимиятга бўйсунувчи аҳоли, ҳокимият

тарқаладиган ҳудуд ва суверен ҳокимият ҳисобланади. Бироқ, бошқа томондан эса, давлатнинг бу белгиларига, элементларига юридик талқин берилади, хусусан, либертар назарияга кўра, давлат ҳокимияти олий ҳокимият ҳисобланади, бироқ, ҳар томонлама кучайган ҳокимият (всесильная) эмас. Давлат ҳокимияти бу шундай оммавий-сиёсий ҳокимиятки, у ҳуқуқий рамкага солинган, фуқароларнинг эркинлиги билан ҳеч бўлмаса, минимал даражада чекланган бўлиши шарт. Бу сиёсий ҳукмронликнинг шундай механизмики, у албатта, у ёки бу тарзда ҳуқуқ билан боғлиқ, ўз-ўзича эмас, балки ваколатлар доирасида амал қилади. «Ҳеч бўлмаганда», «минимал даражада», «у ёки бу тарзда» деган ибораларнинг ишлатилиши боиси шундаки, ҳар бир давлат ҳуқуқ билан ўзининг цивилизациявийлик даражаси, ҳар бир халқда ҳуқуқнинг ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланганлигига қараб боғлиқ бўлади. Давлатнинг ҳуқуқ билан боғланганлик даражаси давлатлар тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлганлиги табиийдир. Ҳозирги кунда ҳуқуқий давлат андозаларига ҳамма давлат ҳам мос келавермайди. Бироқ, мабода ҳокимият ҳеч бўлмаса, муайян қисм фуқароларнинг муайян ҳуқуқлари билан маълум даражада чекланган бўлса, бу ҳолда ҳар қандай давлатни давлат дейиш мумкин,

Шу ўринда «давлат» «*stato*» атамаси этимологиясига озроқ тўхталиш зарур. Умуман, бу атамани илмий муомалага XVI-асрда буюк итальян сиёсий мутафаккири Н.Макиавелли киритган. Албатта русча «государство» сўзларида либертар давлатни тушуниш унчалик ифодааланмаган. Давлат сўзи мулк маъносини ҳам англатиши маълум даражада рамзий маънога эга, эслаб кўрайлик осийча пайдо бўлган давлатларда ҳокимиятга эгалик, ўз навбатида, тегишлича мулкка эгаликка олиб келган, хусусан, монарх энг катта мулк эгаси ҳам ҳисобланган, шу боис бўлса керак, давлат сўзи икки маънода – оммавий-сиёсий ҳокимият ташкилоти бўлган давлат маъносида ва яна мол-мулк бойлик маъносида ҳам ишлатилади. Русча «государство» сўзи го- суд-арь, яъни суд сўзига яқин, бироқ, ҳозирги кун тушунчасига биноан давлат ҳам «государство» моҳиятан юнонча *polis*, *politeia*, лотинча *civitas*, *respublica* сўзининг маъносини англатади. Кейинчалик лотин тили асосида роман ва герман тилларида *status* (*stato*, *state*, *staat*, *etat* ва бошқалар) каби терминлар шаклланиб, уларнинг бари – жамият оммавий-ҳокимий ва оммавий-ҳуқуқий ҳолатини ифодааланган. Макиавелли *stato* атамасини XVI-асрда илмий адабиётга киритгунга қадар, сиёсий тилда «республика»,

«бошқарув», «империя», «князлик» каби атамалар ишлатилиб, европалик алломалар умумэтироф этилган давлат атамасини билишмаган ҳам ва ҳар бир давлатнинг конкрет шаклидан фойдаланишган: республика, подшолик ва бошқалар.

Stato сўзи италия тилида «ҳолат», «табақа», «мақом» маъноларини англатган, на инглизча state, на немисча staat этимологик жиҳатдан подшо, ҳукмдор маъноларини англатмаган, бу маънони улар янги даврда касб этган.

Ҳозирги замон либертар назарияси давлат билан деспотияни бир-биридан ажратиб фарқлайди. Шу муносабат билан цивилизациянинг икки шакли олға сурилади,

-персонацентрик

-системацентрик

Персонацентрик цивилизацияда шахс системадан нисбатан мустақил бўлади, унинг акси эса – системацентрик цивилизация бўлиб, унда индивиднинг манфаатига совуққонлик билан қаралади.

Ҳозирги замон Европа цивилизацияси персонацентрик ҳисобланади, бироқ, ҳозирда ҳам системацентрик режимлар мавжуд, тоталитар тузумда системацентризм ҳукмронлик қилади.

Либертар назарияга кўра исталган, нисбатан ривожланган цивилизацияларда оммавий-сиёсий ҳокимият мавжуд, бироқ, бу ҳокимият персонацентрик ва системацентрик цивилизацияларда ҳар хилдир, типан бир-бирига қарама-қаршидир. Персонацентрик цивилизациядаги сиёсий ҳокимиятни давлат деб атасак, системацентрик цивилизациядаги сиёсий ҳокимиятни ғайри давлат деб атаймиз.

Айнан, персонацентрик цивилизацияда ҳокимият жамиятга нисбатан иккиламчи, системацентрик цивилизацияда эса – ҳокимият бирламчи, биринчи ўринда туради. Инсонни бутунлай ижтимоий тузулма ихтиёрига берадиган унинг меҳнат тақсимоотида тутадиган ўрнини, қайси табақа ва қатламга мансублигини белгилайдиган оммавий-сиёсий ҳокимият системацентрик цивилизацияни шакллантиради, унинг ижтимоий, иқтисодий тизимини, маънавий оламини вужудга келтиради. Бу цивилизацияда бутун ижтимоий борлиқ сиёсийлашган, инсон доимо ҳокимий амр – бўйсунуш муносабатлари доирасида мавжуд бўлади. Бу деспотиядир.

Персонацентрик цивилизацияда –муайян ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий оламда амал қиладиган инсонлар, умумий вазифаларни бажариш учун оммавий -сиёсий ҳокимиятнинг тегишли

институтларини вужудга келтиради ва бу институтлар, ўз навбатида, шаклланиб бўлган жамиятга нисбатан хизмат вазифасини ўтайди.

Демак, давлат – бу жамиятнинг бирлигини, яхлитлигини таъминлайдиган, давлат механизми орқали жамият ишларини бошқарадиган, суверен оммавий-сиёсий ҳокимиятни амалга оширадиган, ҳуқуққа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кафолатловчи умуммажбурийлик мақомини берадиган жамиятнинг сиёсий ташкилотидир.

6. Давлатнинг субстанциявий, ҳудудий ва институциявий элементлари

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги замон давлати кўп қиррали ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, уни тавсифлашда турфа қарашлар ва ёндашувлар, назария ва концепциялар мавжуд. Бундай ҳолатнинг сабабларидан бири – дунёдаги барча давлатлар ривожига ва амал қилишида умумий жиҳатлар бўлиши билан бирга, айтиш мумкинки ҳар бир давлат ўзига хос ва мосдир. Айтиш мумкинки ҳар бир давлат ўзига хос уникумдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон бўлмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Ҳар бир давлат - бетакрор ижтимоий ҳодиса»¹.

Жаҳонда кечаётган глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари давлат ҳақидаги классик қарашларга ўзининг айрим тузатишларини киритмоқда. Ҳар бир давлат борган сари халқаро ҳамжамятга боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу объектив жараён. Шу билан бир қаторда, давлатни давлат эканлигини таъминлаб турадиган шундай элементлар борки, уларсиз давлат тўла қонли бўлаолмайди. Бу давлатнинг аҳолиси, ҳудуди ва давлат органларидир.

Дарҳақиқат, давлат ўз қўлида тўпланган давлат ҳокимиятини аниқ белгиланган ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолига қаратади.

Шунга боғлиқ ҳолда давлатнинг:

-давлат аҳолиси,

- давлат ҳудуди,

-давлат ҳокимиятини амалга оширадиган давлат органлари тизими – мавжуд бўлади².

¹ Каримов И.А.Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т.:Ўзбекистон. 1995. 8-бет.

² Ушбу параграф В.А.Четвернининг «Элементы государства» номли параграфи асосида тайёрланган.Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. М.: Инфра Норма М.2004. С.541.

Давлатнинг субстанциявий элементи

Кишилик жамияти тарихига назар ташлаб, давлатларнинг пайдо бўлиши жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар қандай давлатнинг муайян халқ (этнос) томонидан шаклланганлигини кўрамиз. Муайян халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши жараёнида ва унинг натижасида миллат шаклланади. Шунга кўра миллат – давлатнинг субстанциявий элементини ташкил этади.

Айни пайтда давлатнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши табиий – тарихий жараён бўлмай, балки ижтимоий-тарихий жараёндир. Шу боис, муайян халқда давлатчиликнинг пайдо бўлиши бевосита миллатнинг шаклланиши натижаси бўлмай, балки бу жараён кечган ижтимоий муҳит ҳисобланади³.

Бундан ҳар қандай давлат бир миллатни ёки халқни ўз ичига олади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, албатта. Кўп миллатли давлат умумий ҳокимият остида бирлашган кўп этнослар томонидан ташкил этилмайди. Масалан, империялар (асосий) титул миллат сифатидаги бир халқ ёки миллат томонидан ташкил этилиб, бошқа миллат ва элатлар унинг таркибида «давлатни ташкил этувчи» сифатида мавжуд бўлади⁴.

Этнос бу –сиёсий, маданий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш табиий ҳуқуқларига эга бўлган инсонлар ҳамжамиятидир¹.

Этносни ижтимоий ҳодиса сифатида қарайдиган бўлсак, у-муайян ҳудудда тарихан вужудга келган тили, маданияти, дини ва бошқа ижтимоий белги ва хусусиятларининг умумийлигига асосланган инсонларнинг уюшмасидир. Бошқа ижтимоий белгилар сирасига, агарда муайян этнос давлатли-ташкиллашган жамиятда истиқомат қилаётган бўлса, давлат ҳокимиятининг умумийлиги ҳам кириди.

Этногенез назариясига кўра этнос инсонларнинг табиий тарзда шаклланган ҳамжамияти сифатида қаралса-да, айни пайтда антропологик белгини жуда мутлоқлаштириш тўғри бўлмайди. Холбуки, этнослар турли хил аҳоли таркиби асосида вужудга келади, бир неча ирқларни ҳам ўз ичига олиши мумкин².

³ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. М.: Инфра Норма М.2004. С.541.

Проблемы общей теории права и государства. М.: Инфра Норма М.2004. С.543.

⁴ Давлат ва миллат ўртасидаги муносабат ҳақда батафсил қаранг: А.Н.Кольев. Нация и государство. Теория консервативной реконструкции.М.Логос.2005. с. 359-983

¹ Проблемы общей теории права и государства. М.: Инфра Норма М.2004. С.544.

² Батафсил қаранг:Гумилев Л.Н.Этносфера:история людей и история природѹ.М.:1993. С,54-55, 538-539.

Демак, этнос бу- уни ташкил этган таркибий қисмларнинг антропологик турличалигига йўл қўядиган инсонлар ҳамжамияти. Шу ўринда этнос бу ижтимоий ва биологик ҳодисадир дейиш мумкин. Этнос нафақат табиий, балки ижтимоий-маданий умумлашма бўлиб, бу уни ташкил этувчи аҳолининг тили, дини моддий маданияти ва бошқа жиҳатлари умумийлигига асосланади.

Бу белгиларнинг этносни белгилашдаги аҳамияти салмоқли эканлигини эътироф этган ҳолда, айтиш пайтда улар этносни тўла тавсифлашга етарли бўлмай қолиши мумкинлигини таъкидлашга тўғри келади. Масалан, тил белгисини оладиган бўлсак, битта тил бир неча этносга мансуб бўлиши мумкин. Муҳими бундай исботларни этносни тавсифловчи бошқа ижтимоий-маданий белгиларга нисбатан ҳам кўрсатиш мумкин. Юқоридагилар асосида ижтимоий-маданий белгиларнинг бирламчи характерга эга эмасликларини эътироф этишга тўғри келади.

Л.Н.Гумилевнинг фикрича, муайян этносга мансуб эканлигини ҳис этиш инсонлар ўртасидаги тизимли алоқанинг бир кўриниши бўлиб, у мавжуд объектив бирликни ўзида ифода этади. Этнослар ўзига хос хулқ-атвор, юриш-туриш стереотиплари билан бир-биридан фарқланади¹.

Шу тариқа ижтимоий тузилмаларнинг тарихий ривожланиши сари этносларнинг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўз тақдирини ўзи белгилаши, бошқа этнослардан сиёсий-ҳуқуқий алоҳидалашуви содир бўла боради, ундан кейин этнос сиёсий ҳокимий ташкилотга эга бўлишга интилади.

Бу ҳолат ҳозирги халқаро ҳуқуқда халқларнинг сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган табиий ҳуқуқи деб эътироф этилади.

Этнос ҳар доим муайян бир ҳудудда шаклланади, шу боис унинг мазкур ҳудуд билан узвий боғлиқлиги вужудга келади. Бундай жўғрофий ҳудуд мазкур этносга Ватан ҳисобланади, ва ушбу ҳуқуқ билан боғлиқлик этноснинг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир этнос ҳудудий ўз тақдирини ўзи белгилашга, ёки Ватанга эга бўлишга, яъни ўзи шаклланган ҳудудда оммавий -сиёсий ташкилот тузишга ҳақли.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, этнос бу муайян ҳудудда шаклланган, ижтимоий-маданий хусусиятларга эга бўлган ва бошқа худди шундай бирликларга нисбатан сиёсий жиҳатдан алоҳида

¹ Гумилев Л.Н.Этносфера:история людей и история природѣ.М.:1993. С,23-25, 39-77, 540-541.

бўлишга интиладиган, умумий этник мансублик ҳисси билан бирлашган инсонлар уюшмасидир¹.

Этнос тушунчасидан кейин бевосита миллат тушунчасини тушунишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида миллат тушунчаси икки хил маънода ишлатилишини таъкидлаш зарур. Аввало «этнос» атамасининг синоними сифатида, сўнгра халқаро ҳуқуқда давлат атамасининг синоними сифатида қўлланилади. Айни пайтда «миллат» муайян давлатга мансублик, фуқаролик сифатида англанилади. Бундай ёндашув давлатни инсонлар ҳамжамияти сифатида тушуниш билан боғлиқ ҳолда шаклланган бўлса керак. Дарвоқе халқаро ҳуқуқ нуқтаи назарича «миллат» бу – «давлат ташкил этувчи» халқдир, бу халқнинг таркибига этник жиҳатидан қатъи назар барча аҳоли киради. Бу ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бирлашган этнослар ташкилоти бўлмай, балки Бирлашган Давлатлар Ташкилотидир, худди шунингдек, халқаро ҳуқуқ, этнослараро ҳуқуқ бўлмай, давлатлараро ҳуқуқдир.

Қисқаси халқаро ҳуқуқдаги Миллат атамаси орқали мавжуд бир давлат англашилади.

Халқнинг ташқи сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, бутун дунё бўйича тарқалиб кетмаган ҳолда муайян ҳудудда зич жойлашиб, истиқомат қилаётган ҳар қандай халқ бўлиши мумкин. Миллат эса шундай ҳуқуқини амалга оширган халқ ҳисобланади.

Халқнинг ташқи сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи икки йўл билан амалга ошиши мумкин:

-ўзининг мустақил алоҳида суверен давлатини ташкил этиш йўли билан;

-ёки алоҳида давлат ташкил этмай, бирон-бир мавжуд давлат таркибига кириш.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига кўра ҳар бир халқ ўз давлатчилигига эга бўлиши мумкин, бироқ бу ҳуқуқни амалга ошириш бошқа халқларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини, тинчлигини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак.

Шу ўринда «титул миллат» ва «этник(миллий) камчилик» тушунчаларини ажратиш зарур. «Титул миллат» бу –ўзининг мустақил давлатини тузган, ташкил топган давлатга ўз номини, тилини берадиган халқдир. Бироқ давлат таркибига «титул миллат»дан бошқа ҳам

¹ Проблемы общей теории права и государства. М.: Инфра Норма М.2004. С.546.

миллат ва элатлар киради. Улар ҳам ўз навбатида икки типга ажралади:

Биринчи типга ўзининг асл ватанида яшайдиган, бироқ мазкур давлат ҳудудидан ташқарида ўз давлатига эга бўлмаган этнослар ёки этноснинг бир қисми киради. Мазкур этник камчиликлар бошқа этнослар каби ташқи сиёсий ўз тақдирини ўзи белгилашга ҳақли. Этник камчиликка нисбатан бу ҳуқуқ унинг давлатдан ажралиб чиқиб, ўз миллий давлатини тузиш ёки бошқа бир давлатга, унинг розилиги билан қўшилиш ҳуқуқини англатади.

Иккинчи типга эса муайян давлат ҳудудида яшайдиган ва ушбу давлат ҳудудидан ташқарида ўз сиёсий давлатчилигига эга бўлган, ҳамда ўша давлатда мазкур этнос камчиликни ташкил этадиган этнослар киради.

Башарти бундай этник камчиликнинг яшаб турган ҳудуди унинг асл тарихий ватани бўлса, бу ҳолда у ташқи сиёсий ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Башарти яшаб турган ҳудуд мазкур этнос учун тарихий ватан ҳисобланмай, балки «титул миллат» учун ватан ҳисобланса, бу ҳолда у бундай ҳуқуқга даъво қила олмайди. Айни пайтда барча этник камчилик ички ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга.

Этник камчиликнинг ўз миллий давлатини тузишга бўлган ҳуқуқи мазкур этник камчилик истиқомат қиладиган давлат суверенитети билан чекланади. Оқибатда муайян коллизия ҳолати юзага келади. Этник камчилик томонидан ташқи сиёсий ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи маълум бир давлатдан унинг муайян бир қисмининг чиқиб кетиши —**сецессия**ни англатади.

Аслида сецессия умумий қоидага кўра, мазкур суверен давлатнинг розилигисиз мумкин эмас. Жумладан, федерация субъекти федерация розилигисиз ундан чиқиб кетиши мумкин эмас.

Шу боис, давлат ичида этник камчиликнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши варианты ҳозирги замонда кўпроқ мақсадга мувофиқ.

Этник камчиликнинг давлат ичида сецессиясиз ўз сиёсий тақдирини ўзи белгилашининг мақсади — мавжуд давлат ҳудуди доирасида ўзини ўзи бошқаришга эга бўлишидир. Бу ҳолда этник камчилик зич яшайдиган ҳудудда марказий органлар билан муносабатларда мустақил бўлган давлат ҳокимияти органларини ташкил этишни англатади. Бундай мустақилликка марказий ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни конституциявий чегаралаш орқали эришилади.

Унитар давлатда миллий камчиликнинг ўзини ўзи бошқариши шакли бу этноҳудудий автономия, яъни муайян маъмурий-ҳудудий бирликларга этник принципга кўра мустақиллик беришдир.

Муаммонинг бошқа ечими –федератив давлат тузилиши бўлиб, унинг доирасида этник камчилик томонидан федерация субъектлари тузилади. Айни пайтда федерациянинг бошқа субъектлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. РФ мана шундай аралашган, яъни ҳудудий-этник принципга асосланган ҳолда тузилган.

Шу тариқа этник камчиликнинг ички ўз тақдирини белгилаши унитар давлатда автономия, федератив давлатда федерация субъекти ташкил этиш орқали амалга оширилади.

В.А.Четверниннинг таъкидлашича, давлат сецессияга қарши туриши мумкин, бироқ ички ўз тақдирини ўзи белгилашни рад эта олмайди, зеро бунда мазкур давлатнинг суверенитетига дахл қилинмайди. Фақат бу ҳолда суверен давлатнинг розилиги талаб этилади.

Этник камчиликнинг давлат ичида ўз тақдирини ўзи белгилашини амалга оширишда икк шартга риоя этиш керак бўлади:

- инсоннинг индивидуал ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмаслиги керак;
- бошқа этник гуруҳларнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги керак.

Мабода этник камчилик аҳолининг оз қисмини ташкил этадиган бўлса, бу ҳолда суверен давлат ички сиёсий ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқига эътироз билдириши мумкин. Бу ҳолда этник камчилик ноҳудудий этномаданий автономия шаклида ўз тақдирини ўзи белгилаши мумкин. Бу шаклда давлат ҳокимиятининг марказий, минтақавий органларида вакиллик кафолатланади.

Шундай қилиб, давлатнинг субстанциявий элементи – миллат, яъни сиёсий-ҳуқуқий умумлашма-бирлик бўлиб, у ташқи сиёсий ўз тақдирини белгилаш натижасида вужудга келади ва унинг доирасида этник гуруҳларнинг ички ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг ҳудудий элементи

Давлат ҳокимияти муайян ҳудудга эмас, балки ушбу ҳудудда жойлашган аҳолига ўз ҳокимий таъсирини ўтказди. Давлатнинг ҳудудий элементи бу муайян макон бўлиб, унинг доирасида маълум бир давлатнинг ҳокимияти ҳаракатда бўлади, бу маконни ушбу ҳокимият фуқароларнинг ҳаётий макони сифатида ҳимоя қилади.

Давлатнинг ҳудудий элементи унинг субстанциявий элементи билан узвий боғлиқдир. Давлатнинг ҳудудий элементи бу муайян ҳудуд бўлиб, унга нисбатан давлатни ташкил этган тегишли этнос ватанга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

Давлат ҳудудини ўзгартириш ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи шакллангунига қадар фақат куч йўли билан содир бўлган. Шу муносабат билан оккупация, аннексия, цессия ва адъюдикация каби тушунчаларни қараб чиқишга зарурат бор.

Оккупация (лот. *occupatio*- эгаллаб олиш, эгаллаш)- бирон-бир бошқа давлатга тегишли бўлмаган (гўёки эгасиз ҳисобланувчи) ҳудудни эгаллаб олишдир. Колонистлар европа миллатига мансуб бўлмаган аборигенлар жойлашган ҳудудларни «ҳеч кимники» деб ҳисоблаб, узоқ вақт давомида амалда эгаллаб турганлиги боис, европа давлатига «оккупация» йўли билан қўшиб олинишини тўғри йўл ҳисоблашган.

Таъкидлаш жоизки, бундай йўл бугунги кунда халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган тушунчалар *occupatio bellosa* ва *occupatio pacifica* билан ҳеч қанақа алоқаси йўқ. *Occupatio pacifica* бу муайян бир давлат томонидан бошқа давлат ҳудудини ўз ҳудуди таркибига расман киритмаган ҳолда босиб олишини англатади.

Аннексия (лот.*annexio* -қўшиб олиш) – бу шартномага асосланмаган ҳолда бир давлат томонидан бошқа давлат ҳудудини ўзига қўшиб олишдир. Ҳозирги замонда оккупация ва аннексия ҳолатлари ҳақида гап кетганда, бирон-бир давлат ҳудудининг амалда *de facto* кенгайиши назарда тутилади, чунки бу икки ҳолатда бошқа давлат ҳудудини ўзига қўшиб олиш учун юридик асос етарли эмас, зеро бу масала сўзсиз тегишли ҳудудда яшаётган аҳолининг сиёсий ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи орқали амалга оширилади.

Бир давлат ҳудудининг иккинчисига шартнома асосида ўтиши цессия (лот. *Cessio*-расмий ён босиш, бошқа шахсга ўз ҳуқуқини ўтказиш) ҳисобланади. Кўпинча цессия икки давлат ўртасидаги уруш тинчлик шартномаси билан тугаши натижасида юз бериши мумкин. Маълумки, бу ҳолда аҳолининг давлатга мансублиги ўзгариши мумкин, шу боис аҳолига фуқаролик танлаш ҳуқуқи – оптация имкони берилади.

Адъюдикация (лот.*adjudicatio*- бериш, тақдирлаш) бунда низоли ҳудуд ваколатли халқаро суд қарорига мувофиқ тегишли давлатга ўтказилади. Бундай ёндашув бугунги халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келмайди. Демак, давлат ҳудуди ўзгаришининг икки йўли -куч

орқали ва ҳуқуқ асосидаги йўллар бўлиб, уларни ажратиш мезони мунозарали ҳудуд аҳолисининг сиёсий иродаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, давлатнинг ҳудудий элементи давлатни белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатнинг институциявий элементи

Давлат бу эркинликнинг институциялашган шакли ёки давлат бу сиёсий институциядир. Жамият ривожланган сари давлатнинг институциявий-ҳуқуқий табиати янада намоён бўла боради.

Давлат суверенитетининг ҳозирги замон тушунчаси бу ҳуқуқга бўйсунган давлат ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги, давлат ваколатлари доирасида куч ишлатишга бўлган монопол ҳуқуқи ҳамда халқаро ҳуқуқий тартибот доирасида унинг мустақиллигидир.

Ички давлат суверенитети бу-давлатнинг бошқа ҳуқуқ субъектларига нисбатан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва риоя этиш мажбурияти билан чекланган мажбурлов қўллаш ҳуқуқи ҳисобланади.

Инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари доктринасига кўра ҳозирги замон жамиятида индивидлар эркинлиги давлат ҳокимиятига нисбатан бирламчи бўлиб ҳисобланади ва инсон эркинлигидан давлат ҳокимиятининг ваколатлари келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари борасида халқаро умумэътироф этилган тамойилларга содиқ Ўзбекистоннинг Асосий қонунида «биринчи навбатда шахс манфаатларининг давлат манфаатидан устун этиб белгиланганлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳраб қўйилганлиги»ни кўрсатиш зарур¹.

Шундай қилиб, давлатнинг институциявий элементи муайян давлатда олий ҳокимиятнинг ташкил этилишини англатади ва у фақат давлат суверенитетини эътироф этади(В.Четвернин).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1.Ижтимоий сиёсий ҳодиса сифатидаги давлат (феномени)
- 2.Оммавий-сиёсий ҳокимият ва давлат
- 3.Давлатнинг социологик концепциясини тавсифланг
4. Давлатнинг легистик концепциясини тавсифланг
- 5.Давлатнинг либертар концепцияси моҳиятини ёритинг

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият.// Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабрь.

6. Персонацентрик цивилизациянинг моҳияти
7. Системацентрик цивилизацияда давлат ва шахс
8. Давлатнинг субстанциявий, ҳудудий ва институциявий элементлари.

3-МАВЗУ: ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ МУАММОЛАРИ

Р Е Ж А:

1. Давлат механизмини тушуниш муаммолари
2. Давлат механизми ва давлат аппарати ўртасидаги нисбат масаласи
3. Ҳокимиятлар бўлиниши принципи – давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли сифатида
4. Давлат механизмида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари
5. Ўзбекистон республикаси давлат механизмини ислоҳ этиш муаммолари

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.–Т.: Шарқ.1998. 31 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002.76 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
4. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
9. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. с.
10. Исламов З.М.Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность.Т.:ТГЮИ.2003. –245.
9. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.Т.:Ўзбекистон.2005.264 б.
10. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
11. Проблемы теории государств и права Учебное пособие. ғ Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.

10. Э.Х.Халилов. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. –Т.: Ўзбекистон. 197- 289 б.

5. В.С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

13. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства.М.: Юрайт.1999. С. 240

14. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

1. ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИНИ ТУШУНИШ МУАММОЛАРИ

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизмини тушуниш масаласи давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ўзига хос ўрин эгаллайди, айтини пайтда бу масалада мутахассислар ўртасида унчалик яқдиллик йўқ.

Илмий адабиётда давлатга бир ташкилот сифатида қараш ҳам бир неча йўналишларни ўз ичига олади. Кенг маънода, давлат бу - муайян давлатнинг бутун аҳолисини қамраб оладиган иерархик-поғонавий ташкилот, ва бунда аҳоли давлатнинг субстанционал унсурини ташкил этади. Бу аҳолидан иборат бўлган ташкилотда бошқарувчи махсус аппарат ҳам мавжуд.

Шу жойда фақат бир ҳолатни, бу ҳам бўлса юқорида айтилган аппаратнинг ўзи ҳам бир ташкилот, ташкилий шакл сифатида намоён бўлишини таъкидлаш лозим, Бундан хулоса шуки, давлатнинг институциявий унсури, бу - давлат ҳокимиятини амалга оширадиган поғонавий ташкилот ёки тор маънодаги ҳокимият ташкилотидир. Мана шу тор маънода тушуниладиган, яъни давлат ҳокимиятини амалга оширадиган ташкилот “давлат ҳокимияти аппарати”, “давлат аппарати” ёки давлат ҳокимияти механизми”, “давлат механизми” каби тушунчалар орқали ифодаланади¹.

Бироқ, айрим олимларнинг фикрича “Давлат механизми” тушунчаси “давлат аппарати” тушунчасидан кенгроқ, аниқроғи, давлат аппарати асосан, ўз ичига фақат давлат органлари тизимини олса, давлат механизми эса ўз ичига давлат органларидан ташқари, яна куч ишлатишга ваколатли махсус тузилмаларни, мажбурлов аппаратини, давлат ҳокимиятининг моддий воситаларини ҳам олади.

¹ Проблемы общей теории права и государства. М.:Инфра. 1999. 565 с.; Исламов З. Общество.Государство. Право. Т.: Адолат. 2001. 248 б.

В.Лазарев таҳрири остида нашр қилинган «Давлат ва ҳуқуқ назарияси (рус тилида) китобида худди шундай ёндошув баён этилган, яъни “Давлат механизми - бу жамиятни бошқаришни ва давлат фаолиятининг асосий йўналишларини амалга оширадиган органлар тизимидир.

Давлат механизмига қонун чиқарувчи органлар, ижро органлари, суд ва бошқа органлар, ҳамда зарур ҳолларда мажбурлов қўллашга ваколатли тузилмалар (армия, ички қўшинлар, турмалар ва шунга ўхшаш) киради”¹.

Бизнинг фикримизча, мана шундай ёндошув самарали, зеро давлат механизми, ҳар ҳолда структуравий жиҳатдан давлат аппаратидан кенг, шу боис бу тушунча давлат аппарати тушунчасидан ҳам кенгрокдир.

Таъкидлаш керакки, илмий адабиётда давлат механизмига одатда қуйидагича типик таъриф беришади: Давлат механизми бу- давлат ҳокимиятини амалга оширадиган, давлатнинг функцияларининг бажарилишини таъминлайдиган давлат органлари тизимидир. Бошқа таърифлар ҳам шаклан фарқ қилса-да мазмунан ушбу таърифга яқин туради.

Давлат механизми - бу давлат ҳокимиятини, унинг вазифа ва функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик (поғонавий) тизимидир.

Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми яхлит бир тизим бўлиб, у қатор характерли белигиларга эгадир:

1. Давлат механизми бу давлат органлари ва муассасаларининг яхлит иерархик (поғонавий) тизимидир. Давлат механизмининг яхлитлиги уни ташкил этиш ва фаолиятининг принциплари, фаолиятининг мақсад ва вазифалари муштараклиги, умумийлиги орқали таъминланади;

2. Давлат механизмининг бирламчи таркибий элементлари бўлиб, давлат органлари ва давлат муассасалари ҳисобланади ва уларда махсус маълумотга эга бўлган ходимлар - давлат хизматчилари ишлашади. Давлат органлари ўзаро бўйсунуш муносабатлари билан боғлангандир;

3. Давлат механизми ўз олдида қўйган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган воситалар - қуроли отрядлар, турма ва бошқа куч ишлатувчи тузилмалар билан таъминланган, чунки уларсиз ҳеч бир давлат нормал фаолият юргиза олмайди;

¹ Қаранг: Теория государства и права. В.Лазарев таҳрири остида. М.:Юристь. 1994. 37 с.

4. Давлат механизми орқали бевосита давлат ҳокимияти амалга оширилади, давлатнинг вазифа ва функцияларининг бажарилиши таъминланади¹.

В.А.Четвернин ва З.Исломовларнинг умумий фикрларига кўра, давлат механизми деганда ҳам, ёки давлат аппарати деганда, кўриниб турганидек, бир нарса ҳақида, яъни давлатнинг институциявий элементи ҳақида гап кетмоқда. Аппарат ёки механизм деганда, барибир, гап асосан давлат ҳокимияти органи ҳақида кетади. Шу боис бу икки олимнинг фикрича, “давлат аппарати” ва

“ давлат механизми” синонимлар сифатида эътироф этилади.

Юқорида номлари қайд этилган икки олимнинг фикрига кўра, бу тушунчалар ўз ичига куч ишлатувчи тузилмаларни ҳам олгани ҳолда, давлат органлари тизимини англатади. Айни пайтда, давлат аппарати билан давлат муассасаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Давлат муассасалари, жумладан, хўжалик бирликлари, коммуникациялар тизими, оммавий ахборот воситалари, транспорт, илмий, маърифий, тиббий ва бошқа ижтимоий-маданий муассасалар бевосита давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этишмайди, бироқ, давлатнинг вазифалари бажарилишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

“Механизм” атамаси давлат ҳокимиятини амалга оширишга нисбатан алоҳида бир мазмун кашф этади.”Механизм” - бу доимо бирор субъектга функционал жиҳатдан, яъни унинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда баҳо беришдир. Шу боис ҳам “механизм” атамаси давлат органларининг тузилмавий тизимини ифодалаш учун эмас, балки давлат аппарати ва унинг таркибий элементларининг функционал хусусиятларини тавсифлаш учун асқотиши мумкин². Шу маънода, демак, давлат ҳокимиятини амалга ошириш ёки давлатнинг амал қилиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

М.И.Байтиннинг фикрича, давлат механизми барча давлат органларини камраб олгани ҳолда, бевосита давлатни намоён этади, унинг реал ифодаси сифатида майдонга чиқади. Мазкур олимнинг таъкидлашича, давлат механизмининг тушунчаси унинг характерли хусусиятлари ва белгилари орқали ифодаланади, ва шу тариқа у жамиятдаги бошқа нодавлат тузилмалардан фарқланади.

¹ Теория государства и права. М.Норма. 2002. 157 с.

² Проблемы общей теории права и государства. М.:Инфра. 1999. 567 с.; Исламов З. Общество.Государство. Право. Т.: Адолат. 2001. 249 б.

Айтиш керакки, давлатнинг функциялари билан унинг механизми, яъни давлат ҳокимиятини амалга оширувчи ташкилий тузилмалар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Давлат функцияларига, албатта, бунда ҳал қилувчи роль ажратилади. Чунки янги давлат функциясининг шаклланиши, уни амалга оширишга масъул бўлган ташкилий шаклнинг, яъни тегишли давлат тузилмасининг вужудга келишига, ёки мавжуд давлат органларининг ваколат доиралари ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Давлат органлари ва давлат муассасалари янги пайдо бўлган функцияларга мослашиши тақозо этилади. Масалан, Ўзбекистон мустақил бўлгач, аввал унда бўлмаган қатор функцияларнинг вужудга келиш, тегишлича давлат органлари ташкил этишни талаб этди: солиқ, божхона, чегара, хусусийлаштиришга масъул давлат органлар тизими ташкил этилди ва ҳоказо.

Давлат механизми мураккаб тузилма бўлиб, у қатор таркибий қисмлардан иборат. Давлат механизмининг таркибий элементлари ўртасида ўзаро иерархик бўйсунуш мавжуд, масалан, давлат органлари тизимидаги бўғинларнинг ўринлари ҳар хил, бир - бири билан субординация (бўйсунуш) ва координация муносабатларига киришишади.

Давлат механизми таркибига қиравчи тузилмалар таркиби турли вақтларда, турли даврларда турлича бўлади. Давлат механизми давлат пайдо бўлибдиким, мавжуддир. Бироқ улар қадимги даврдан то ҳозирга қадар жуда узоқ ва мураккаб тарихий тараққиёт даврини бошдан кечирганлар. Дастлаб давлат механизми, содда, примитив, тузилмавий жиҳатдан унча мураккаб бўлмаган бўлса, жамият ривожланиши билан давлат аппарати ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб, такомиллашиб, ҳозирги кунда у кенг шаҳобчали ва сертузилма бир тизимни ташкил этади.

Борган сари, давлат механизми такомиллашиб, унинг таркибида ихтисослашган органлар кўпая борган. Ҳозирги замон давлатларидаги давлат механизми жуда мураккаб тузилмалар, турли ва хилма-хил орган ва идоралардан иборат бўлиб, уларда миллионлаб давлат хизматчилари фаолият кўрсатишади.

Агар бир давлатнинг механизмини, йирик бир тизим деб оладиган бўлсак, бу тизим, ўз навбатида, ўз ичига бир неча кичик тизимларни олади. Масалан Ўзбекистоннинг давлат механизми йирик бир тизим бўлса, унинг таркибига қиравчи кичик тизим сифатида давлатнинг юқори органларини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистон

давлатининг юқори органларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси каби органларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқ тартибот, суд, прокуратура ва куч ишлатишга ваколатли бошқа тузилмалар бирлашиб яна бир тизимни ташкил этишади. Давлатнинг юқори органлари фаолияти бутун жамоатчилик, катта ҳалқаро ҳамжамият диққати марказида туради.

Куч ишлатишга ваколатли тузилмалар, масалан, армия, ички қўшинлар, турмалар ва бошқа тегишли тузилмалар давлат органининг қарорига асосан ҳаракат қилишади, яъни муайян мажбурлов чораларини амалга оширишади, масалан қўшин ва полиция (милиция) зарур ҳолларда, энг қаттиқ чораларни, қонунда белгиланган тартибда қўллашга ҳақли¹.

Профессор З.М.Исламовнинг фикрича, давлат аппарати билан давлат муассасаларини бир-биридан фарқлаган маъқул. Давлат муассасалари давлат аппаратига бўйсунди, улар гарчи давлат ҳокимиятини амалга оширишмаса-да, бироқ бу вазифанинг амалга оширилишига ёрдам беради².

Яна бир ҳуқуқшунос В.Н.Протасовнинг фикрича, кенг маънодаги давлат аппарати тушунчаси барча давлат органлари ва мансабдор шахсларни ўз ичига олади. Шу маънода давлат аппарати илмий адабиётда кенг тарқалган давлат механизми тушунчасига мос келади. Бу олимнинг фикрига кўра, ҳар ҳолда давлатнинг бутун органлари ва барча мансабдор шахсларини белгилаш учун давлат механизми атамаси, анча кенг тарқалганлигига қарамасдан, унчалик мос келмайди, чунки, механизм бу - у ёки бу ҳодисанинг амал қилиши ёки ривожланишини белгилаб берувчи динамик қонуниятлар мажмуидир. Шу боис бу атама кўпроқ давлатнинг ривожланиш динамикасини тавсифлаш учун кўпроқ мос келади.

В.Н.Протасов тор маънодаги давлат аппарати деганда эса давлат бошқаруви органлари тизимига кирувчи тизимларни тушунади, яъни ижро-этувчи - фармойиш берувчи (касбий-бошқариш, "амалдорлар") аппарат тушунилади³

Юқорида номи қайд этилган олимнинг таъкидлашича, илмий адабиётда давлат бошқаруви органлари билан бир қаторда, яъни

¹ Корельский В.М. Механизм государства. // Теория государства и права. М.:Норма- Инфра. 2002. 158 с.

² Исламов З. Общество.Государство. Право. Т.:Адолат. 2001. 249 б.

³ Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства.М.:Юрайт. 77 с.

ижроия давлат ҳокимияти органлари билан бирга яна давлат органлари тизимида қонун чиқарувчи, суд органлари, прокуратура органлари ажратилади. Баъзан эса куч ишлатишга ҳақли бўлган органлар, жумладан, армия, полиция, хавфсизлик органлари ва шунга ўхшаш органларни кўрсатишади. Уларни давлат бошқарув органлари таркибига киритиш тўғрироқ. Бироқ, давлат бу фақат давлат органлари тизими билан чекланиб қолмайди. Умуман олганда давлат турли давлат ташкилотларидан иборат бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. давлат органлари;
2. давлат муассасалари;
3. давлат корхоналари.

Давлат корхоналари ва давлат муассасалари давлатнинг мустақил бўлинмалари сифатида амал қилади. Бироқ, бу ҳолда ушбу корхона ва муассасаларнинг маъмурияти давлат органлари умумий тизимига киради¹.

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш керак, бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида кўпгина корхоналарда мулкка эгаликнинг хусусий, кўпинча аралаш шакллари жорий этилмоқда, шу боис давлат корхоналарининг сони камайиши табиий, худди шунингдек, мулкнинг нодавлат шаклига асосланган корхона ва муассасаларнинг сони эса тегишлича кўпайиб бормоқда.

Давлат органлари билан бир қаторда, давлатнинг механизмига кирадиган мансабдор шахс тушунчасини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Мансабдор шахс, бу қандайдир бир жисмоний шахс бўлмасдан, балки у давлатнинг амалдори, давлатнинг индивидуал элементи, ўзига хос давлат органи бўлиб, у давлат органлари тизимида ўзининг муайян ўрнига, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасига эга. Демак, давлатнинг мансабдор шахси, муайян сифат жиҳатларига жавоб берадиган ва давлатнинг маълум бир лавозимини эгаллаган, хатти-ҳаракатлари юридик оқибат вужудга келтирадиган шахсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти -Ўзбекистон давлатининг энг олий мансабдор шахси ҳисобланади, Тошкент шаҳар ҳокими эса пойтахт шаҳрининг энг юқори лавозимли шахси ҳисобланади ва шунга ўхшаш.

Шундай қилиб, биз ушбу саволда давлат механизми тушунчаси, бу тушунчанинг давлат аппарати тушунчаси билан ўзаро нисбати,

¹ Протасов В.Н. Указ. кн. 77 с.

давлат механизмининг таркибий элементлари, уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқдик.

2. Давлат аппарати ва унинг таркибий тузилиши

Биз юқорида давлат механизми тушунчаси, унинг таркибини таҳлил қилган эдик. Энди эса давлат механизмининг таркибини ташкил этадиган давлат органи, унинг тушунчаси, белгилари, турлари ҳақида фикр юритамиз.

Ҳар бир мамлакатдаги мавжуд давлат механизми фаолиятининг қанчалик самарадорлиги, унинг давлатнинг олдида турган вазифаларни амалга оширишни қанчалик уддалаши, кўп жиҳатдан давлат органларига, уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ эканлиги аниқдир.

Ҳар бир давлат органи, бевосита давлатнинг маълум бир функциясини амалга оширади, масалан, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва унинг тизими Ўзбекистонда аҳолининг соғлиғини сақлаш функциясини, Таълим соҳасидаги вазирликлар эса мамлакатда аҳолининг таълим олиш ҳуқуқини амалга оширади ва ҳоказо. Демак, ҳар бир давлат органининг самарали ишлаш ёки ишламаслигидан, умуман давлат механизмининг фаолияти боғлиқ бўлади, демакки, умуман давлатнинг жамиятни бошқариш, унинг бир маромда фаолият олиб боришини таъминлаш вазифаси ҳам шунга боғлиқ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, давлатнинг вазифа ва функциялари унинг механизми фаолияти орқали амалга ошади, яъни давлат ўзини ўз органлари фаолияти орқали кўрсатади. Давлат органи бу давлат механизмининг бир бўғини бўлиб, у муайян хусусиятларга эга.

Давлат органи бу - давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга оширадиган давлат аппаратининг таркибий бўғинидир. Давлат органи қуйидаги характерли белгиларга эга:

1. Давлат аппаратининг таркибий бўғини бўлган давлат органи давлат - ҳокимий ваколатларга эгадир, яъни амалдаги қонунчиликда мустаҳкамланган давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат номидан юридик аҳамиятга молик қарорлар қабул қилиш ва бу қарорларнинг бажарилишини таъминлаш имкониятига эга.

Давлат органини жамиятдаги бошқа ташкилот ва тузилмалардан асосий фарқ қилувчи жиҳати бўлиб, унинг давлат-ҳокимий характердаги ваколатларга эга эканлиги ҳисобланади. Илмий адабиётда давлат - ҳокимий ваколатнинг мазмуни ўритилган.

Масалан, М.И.Байтиннинг фикрича, давлат - ҳуқуқий ваколат ўз ичига қўйидагиларни олади:

- давлат органининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, унинг ички тузилмаси, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси, яъни компетенцияси ҳуқуқ нормалари орқали мустаҳкамланган бўлади;

- давлат органи ўзида умумий ва индивидуал қоидаларни ифодалаган юридик актлар чиқариш ҳуқуқига эга;

- юридик актлар орқали ўрнатилган қоидалар асосан, ишонтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш чоралари орқали таъминланади, ва улар айти пайтда давлатнинг мажбурлов кучини қўллаш имкониятини бузишдан қўриқланади;

- давлат органи ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш учун давлат бюджетидан маълум ҳажмдаги маблағларни олиб ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади¹.

Демак, давлат органининг энг муҳим белгиси - бу унинг давлат-ҳокимий ваколатга эга эканлигидир.

2. Давлат органи муайян иқтисодий ва ташкилий алоҳидалик ва мустақиллик билан тавсифланади. Демак, ҳар бир орган учун, унинг ўз олдига қўйган вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳажмда давлатнинг маблағи ажратилади ва у бу маблағни қонунда белгиланган тартиб ва доирада ишлатади.

3. Ҳар бир давлат органи ўз компетенциясига мувофиқ тарзда юклатилган функция ва вазифаларни адо этади, шу тариқа бевосита давлатнинг ҳам вазифа ва функциялари амалга оширилади. чунки давлат ўз органлари орқали вазифаларини амалга оширади, ҳар бир алоҳида органнинг функциялари йиғиндисидан, умуман давлатнинг функциялари шаклланади.

Масалан, Мудофаа Вазирлиги ўзининг олдига турган вазифаларини тўла адо эта борса, демакки давлатнинг мудофаа функцияси ҳам самарали амалга ошяпти, дейиш мумкин.

4. Давлат органлари ўзларининг олдига қўйган мақсадларига эришиши учун. тегишли моддий воситаларга, яъни “ашёвий қўшимчаларга” эга бўлади, булар сирасига турли характердаги моддий қийматликларни ва турли ташкилот, корхона ва муассасаларни киритиш мумкин, улар жорий давлат ишларини амалга оширишади, бироқ ўзлари давлат органи ҳисобланмайди.

5. Давлат органининг жисмоний ифодаси бўлиб, унда ишлайдиган инсонлар ҳисобланади. Давлат органи алоҳида шахсдан,

¹ Байтин М.И. Механизм государства. // Теория государства и права. М.:Юрист. 1997. 95 с.

бир гуруҳ одамлардан ёки жамоадан иборат бўлиши мумкин. Бироқ давлат органида ишлайдиган одамлар оддий одамлар бўлмай, балки давлат хизматчиларидир. Давлат хизматчилари - бу ушбу давлатнинг фуқаролари бўлган, тегишли қонунда белгиланган тартибга мувофиқ, белгиланган ҳақ эвазига давлат хизмати мажбуриятини бажараётган шахслардир.

Шундай қилиб, **давлат органи бу - давлат механизмининг юридик жиҳатдан расмийлашган, давлат-ҳуқуқий ваколатларга эга бўлган ва давлат хизматчиларидан ташкил топган, давлатнинг муайян вазифа ва функцияларини ўз компетенцияси доирасида амалга ошириш учун моддий воситаларга эга бўлган ҳамда ташкилий ва ҳўжалик жиҳатидан алоҳида бўлган қисмидир¹.**

Давлат органлари, давлат фаолиятининг кўп қирралигига боғлиқ ҳолда турлича ва кўп сонли бўлиб шаклланган. Шу боис ҳам, давлат органлари турлича асос ва мезонлар бўйича турли гуруҳларга ажралади.

Илмий ва ўқув адабиётда давлат органлари қуйидаги мезонлар асосида таснифланади:

1. ташкил этилиш усулига қараб.
2. ҳокимий ваколатларининг ҳажмига қараб.
3. компетенцияларнинг кенглигига қараб.
4. ҳокимиятлар бўлиниши принципига қараб.
5. Қарорларни қабул қилиш тартибига қараб ва бошқалар.

Давлат органлари ташкил этилиш тартибига қараб,

-бирламчи,

- ҳосила, яъни иккиламчи

органларга ажралади. Бирламчи давлат органлари деб шундай давлат органларига айтиладики, улар бошқа биронта орган томонидан ташкил этилмайди, улар ё мерос қолдириш тартиби бўйича, масалан меросий монархия, ёки белгиланган тартибга кўра сайлаб қўйилади ва ўз ваколатларини бевосита сайловчилардан олишади.

Давлат органларининг ҳосила, яъни иккиламчи турига шундай органлар кирадики, улар бирламчи органлар томонидан ташкил этилади ва давлат-ҳокимий ваколатлар берилади. Улар сирасига ижро этувчи-фармойиш берувчи органларни, прокуратура органларини киритиш мумкин.

¹ Байтин М.И. Указ. кн. 97 с.

Давлат органлари ўзларига тегишли бўлган ҳокимий ваколатлар ҳажмига қараб, юқори ва маҳаллий органларга бўлинади. Давлатнинг юқори оргалари фаолиятида бевосита давлат ҳокимиятини ўзларида ифода этишади ва ўз ҳокимиятини бутун мамлакат миқёсида амалга оширади, маҳаллий органлар эса, одатда маъмурий ҳудудий бўлинмаларда ташкил этилиб, ўз фаолиятларини аниқ бир маҳаллий ҳудудга тарқатади, холос.

Давлат органлари компетенцияларининг кенглигига қараб,

- умумий компетенцияли давлат органлари,

- махсус компетенцияли давлат органларига

бўлинадилар. Умумий компетенцияга эга бўлган давлат органлари кенг масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишади, масалан Ўзбекистон Республикаси Парламенти давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалалри бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилиш ваколатига эга бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси - Ҳукумат эса қонунларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнида, деярли барча давлат функцияларини амалга оширишда қатнашади.

Давлат органларининг махсус компетенцияга эга бўлган қисми эса муайян бир тармоқ, ёки муайян бир масала юзасидан, аниқроғи давлатнинг маълум бир функциясини амалга оширишга ихтисослашади: масалан, Таълим, маданият, меҳнат ва ижтимоий таъминот, мудофаа вазирликлари давлатнинг тегишлича, маърифий, маданий, ижтимоий ҳимоя, мудофаа функцияларини амалга оширишга ўз фаолиятини қаратган.

Бундан ташқари давлат органларини яна сайлаб қўйиладиган ва тайинладиган давлат органларига ажратса бўлади. Сайлаб қўйиладиган Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари жумласига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси - Парламенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларини киритиш мумкин.

Давлат органларини ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ,

- қонун чиқарувчи давлат органлари,
- ижро этувчи давлат органлари,
- суд ҳокимияти органлари ҳам ажратилади¹.

¹ Ҳокимиятлар бўлиниш ва ҳокимиятнинг уч тармоғи тўғрисида кейинги параграфда батафсил сўз юритилиши боис, бу жойда улар ҳақида кенг таҳлил олиб борилмайди.

Давлат органларини яна қандай маконда, ҳудудда ҳаракат қилишларига қараб, марказий ва маҳаллий органларга ажратиш ҳам мавжуд, бунда суд, прокуратура, қуролли кучлар доимо марказий органлар таркибига киради.

Давлат органларини ҳаракати давомийлигига қараб, доимий ва муваққат органларга бўлиш мумкин. Албатта Ўзбекистон давлатининг асосий давлат органлари доимий асосда амал қилади, бироқ маълум бир фавқулодда ҳолатлар таъсири остида муайян муваққат органлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Бундан ташқари, давлат органлари жамоавий ва яккабош давлат органларига ҳам ажратилади. Кўпинча, ўзи давлат органлари жамоавий таркибда бўлишади, масалан Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Суд ва бошқалар. Бироқ бир шахс орқалигина ифодаланган давлат органлари ҳам мавжуд, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош ҳарбий қўмондони, Ўзбекистон Республикаси Бош Санитария врачлари ва ҳоказо.

Демак, турли давлат органларини таснифлашнинг умумий асоси бўлиб, уларнинг давлат механизмида тутган ўрни, роли ва вазифалари ҳисобланар экан.

Шундай қилиб, давлат органи бу давлат механизмининг таркибий бир мустақил бўғини бўлиб, унинг фаолияти орқали давлатнинг маълум бир функцияси амалга оширилади.

Ҳар бир давлат органи қонунда белгиланган тартиб ва асосларда, тегишли ваколатлар мажмуасига, яъни компетенциясига эга, ва шу компетенция доирасида у фаолият олиб боради ва давлат номидан иш юргизади, ўзига юклатилган функцияларни адо этади.

3. Ҳокимиятлар бўлиниши – давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли сифатида

Ўзбекистон, ёш мустақил давлатнинг ҳокимият органларини янгитдан ташкил этишда, жаҳонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали воситаси бўлган ҳокимиятлар бўлиниши принципини асос қилиб олди. Ҳокимият бўлиниши принципининг дастлабки ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунининг 5- моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда «Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд

ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади» дейилган. Бу қоида ўзининг кейинги ифодасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида топган бўлиб, унда «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги кунда жаҳондаги барча демократик давлатлар ҳокимиятлар бўлиниши назариясини эътироф этишиб, уни давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асоси сифатида қабул қилишган.

Ҳокимиятлар бўлиниши ўз манбасига кўра яхлит ва ягона бўлган давлат ҳокимиятининг уч мустақил тармоққа - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига – бўлинишини, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқалардан мустақил ҳолда фаолият юргизишини тақозо этади. Айни пайтда, ҳокимиятлар бўлиниши, ҳар бир ҳокимият тармоғи бошқасинининг ўз ваколат доирасидан чиқмаслигини, бошқа тармоқ ваколоти доирасига ўтиб кетмаслигини назорат қилиб туради, шу тариқа ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишини олди олинади.

Ҳокимиятлар бўлиниши чинакам бўлиши учун, унда «бир-бирини тийиб туриш ва ўзаро мувозанатда ушлаб туриш» тизими амал қилиши керак. Бу тизим нафақат ҳокимиятлар бўлинишини, балки, уларнинг бир-бирини ўзаро тийиб туришини ва бир бирининг фаолият доирасига дахл қилмаслигини таъминлайди.

Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг мазмун моҳиятини тўла тушуниш учун, албатта, унинг шаклланиши тарихига бир назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳокимиятлар бўлиниши назарияси узоқ давом этган тараққиёт йўлини босиб ўтган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги дастлабки фикрлар қадимга бориб тақалади.

Давлат ва давлат ҳокимияти шароитида яшаган одамлар аста - секин давлат, салтанатнинг кучи, унинг жамиятда, инсонлар ҳаётида тутадиган ўрни ҳақида таҳлилий фикр юритиб, давлат ҳокимиятининг бир ҳукмдор, ёки биронта орган қўлида бутунлай тўпланиб қолиши - жамият тараққиёти, халқ учун хавфли эканлигини, бу ҳолат муқаррар равишда ҳокимиятни суиистеъмол қилинишига олиб келишини чуқур англаб етганлар.

Ўша даврнинг илғор кишилари бундай ҳолатнинг олдини олишга қаратилган механизм ишлаб чиқиш зарурлигини тушуниб, бу борада айрим қарашларни илгари сурганлар.

Анъанавий тарзда ҳокимиятлар бўлиниши ғоясининг илк замини сифатида қадимги Юнонистон ва қадимги Рим қайд этилади. Платон, Арасту ва бошқа антик олам мутафаккирлари ўзлари яшаб турган давлат тузилмалари сиёсий тузилиши ва бошқарув шакллари ҳар томонлама таҳлил этиш асосида муайян назарий, амалий хулосаларни шакллантирганлар.

Ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги қарашлар кейинчалик инглиз файласуфи Джон Локк томонидан назарий жиҳатдан ривожлантирилган. Локк ҳокимиятлар тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрнини гарчи, мутлоқлаштирмаган бўлса-да, бироқ бошқаларидан устун қўйган.

Локкнинг қарашларини Шарл Луи Монтескье ҳар томонлама ривожлантириб, уни тугал, классик бир назария даражасига кўтарган. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг ривожига, айниқса унинг «бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш» тизимининг бойитилишига, бу назариянинг ҳозирги замон кўринишидаги шаклининг ишлаб чиқилишига Т.Пейн, Т.Джефферсон, А.Гамильтон, Д.Мэдисон, Д. Джеейлар ҳал қилувчи ҳисса қўшишган.

Ҳокимият тармоқларининг “бир -бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш” принципини назарий жиҳатдан янада ривожлантирган ва уни амалиётга тадбиқ этишга катта ҳисса қўшган давлат арбоби, икки марта АҚШ Президенти бўлган Джеймс Медисон (1751 - 1836) ҳисобланади.

Медисоннинг хизмати шундаки, у бир-бирини тийиб ва мувозанатда ушлаб туриш тизимининг шундай бир механизмини ишлаб чиққанки. унга кўра ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи нисбатан тенг ҳисобланади. Медисонча бир-бирини тийиш ва мувозанатда бўлиш принципи ҳокимият уч тармоғи ваколатларининг қисман бир -бирига мос келишини тақозо этади.

Ҳозирги кунда ҳокимиятлар бўлиниши принципи демократик ҳуқуқий ривожланиш йўлидан кетаётган давлатларда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эътироф этилган, ҳамда давлатчилик тизимида амалга оширилиб келинмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ҳақиқий амалга ошиши учун унда «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» тизимининг мавжудлиги ва реал ишлаши муҳим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «бир-

бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» тизимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятлар бўлиниши принципи шунда кўринадикки, мамлакатда қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.(76-модда); Ўзбекистон Республикаси Президенти бошлиғи ҳисобланадиган ижро ҳокимияти Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади; Суд ҳокимияти – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси хўжалик Суди бошчилик қиладиган тегишли судлар тизими томонидан амалга оширилади.

Ҳокимият тармоқларининг ўзаро бир –бирини тийиб туриши механизми ҳақида гапириладиган бўлса, даставвал, қонун чиқарувчи ҳокимиятга нисбатан қандай тийиб туриш чора-воситалари борлигини кўрсатиш лозим, албатта.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни «тийиб турувчи ва мувозанатда ушлаб турувчи» ҳуқуқий чоралар сирасига, аввало Конституциявий Суд томонидан қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мослигини текшириш ваколатини кўрсатиш жоиз (конституциявий контроль). (108-модда). Суд ҳокимиятининг тизимига кирадиган ушбу суд қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларининг конституция асосида, унинг доирасидан чиқмаган ҳолда ҳужжатлар қабул қилинишини текширади, ва шу тариқа бу ҳокимиятни «тийиб» туради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис қонунларига нисбатан нисбий «вето» ҳуқуқини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг қонунларига ўз эътирозларини билдириб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.(93-модданинг 17 банди). Ўзбекистон Республикаси Президенти ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳам бўлганлиги боис, бу ҳолатни ҳам, қонун чиқарувчи ҳокимиятни тийиб туришнинг бир ҳуқуқий шакли сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айти пайтда, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади. Президентнинг ушбу ваколати ҳам мазмунан ҳокимият

¹ Маълумки, Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Олий Мажлис сайловлари натижаларига мувофиқ кучга киритилди.

тармоқларининг бир бирини тийиб, мувозанатда ушлаш механизми мажмуига киради.

«Бир –бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» механизмидаги муҳим воситалардан бири, Конституциянинг 95-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, «қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин». Бу ташкилий чора, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ноконституциявий ва юқори вакиллик органи шаънига мос келмайдиган фаолиятининг олдини олишга қаратилган.

83-моддада мустаҳкамланган қонунчилик ташаббуси субъектлари қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқига эга. Бу қоида ҳам қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатини ижро ва суд ҳокимияти томонидан мувозанатда ушлаб туришнинг бир воситасини ўзида жамлаган, дейиш мумкин, яъни қонун чиқарувчи ҳокимият қайси масалага доир қонунни қабул қилиш масаласини ҳал этишнинг якка соҳиби бўлмай, балки Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган субъектлар томонидан ҳам тақдим этиладиган қонун лойиҳалари устида иш олиб боради.

Ижро ҳокимияти томонидан Конституция, қонунлар ва Президент Фармонлари, қарорлари ва фармойишларини ижро этиш юзасидан, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидага барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқарилиши (98-модданинг 4-банди), маълум даражада, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатга таъсир этади, деб эътироф этиш мумкин.

Вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлар ўзида ҳам вакиллик, ҳам ижроия ҳокимиятини мужассам этганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан вилоят ҳокимларининг

тайинлаш ваколатига, вилоятларда вакиллик, ижро ҳамда суд органлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг бир воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ижро ҳокимияти таркибини шакллантиришга доир ваколатларини моҳиятан, ҳокимият тармоқлари ўртасида «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» механизми элементлари сирасига киритиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари мавжуд, эндиги муҳим вазифа – ҳокимиятлар бўлиниши принципини реал, том маънода амалга оширишни таъминлашдир. Суд ҳокимиятининг ислоҳ этиш борасидаги саъй ҳаракатлар давлатимизнинг бу мақсадга эришиш йўлидан қатъий кетаётганлигидан далолат бериб турибди, зеро мустақил суд ҳокимияти – ҳуқуқий тараққиёт белгиси, ҳуқуқий давлат куришнинг муҳим шартларидан биридир.

Айтиш жоизки, умуман, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ва унинг ҳақиқийлигини таъминловчи «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаш» механизмнинг реал амал қилиши, олимлар таъкидлаганидек, жуда кўп сиёсий, иқтисодий, маданий, ташкилий омилларга боғлиқ, бироқ бир ҳолат аниқки, ҳокимиятлар бўлиниши принципи демократиянинг ажралмас бир жиҳати, унинг ҳуқуқий шаклидир, зеро қаерда ҳақиқий демократия мавжуд бўлса, ўша жойда ҳақиқий ҳокимиятлар бўлиниши мавжуд бўлади.

4. Давлат механизмида қонун чиқарувчи, ижро ва назорат ҳамда судлов фаолиятини амалга оширувчи органлар

Ҳар қандай давлат механизмида қонун чиқарувчи органлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Қонун чиқариш фаолияти, одатда, ҳар бир давлатда, вакиллик органларига тааллуқли бўлади. Қонун чиқарувчи органлар умумий ном “парламент” атамаси орқали номланади. Англия, Канада ва Ҳиндистонда қонун чиқарувчи органлар, айнан шу ном билан аталади, бошқа давлатларда эса бошқача номланади, масалан- Ўзбекистонда - Олий Мажлис, Америка Қўшма Штатларида - Конгресс, Польша ва Литвада- Сейм, Россияда - Федерал Собрание (Мажлис), Украинада - Рада, Исроилда - Кнессет, Туркманистонда - Межлис ва шу каби.

Парламентнинг тарихан таркиб топган функциялари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Конституция ва қонунларни қабул қилиш;
- бюджетни тасдиқлаш;
- ҳукумат устидан назорат;
- ишонч ва ишончсизлик вотумини эълон қилиш ва бошқалар¹.

Парламентнинг бу функциялари, парламентаризм ривожланган пайтда, яъни буржуа давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши пайтига тўғри келган.

Таъкидлаш лозимки, дунёдаги мавжуд парламентларнинг кўпчилиги икки палатали ғисобланади, юқори палата, анча демократик характерга эга бўлган қуйи палатага нисбатан ўзига хос бастма-бас турувчи тузилма ролини ўтайди. Ўзбекистонда ўтказилган парламент ислохотлари ҳам қонунларнинг сифатини яхшилаш ва минтақаларнинг манфаатини тўла ҳисобга олиш манфаатларини назарда тутди.

Гарчи жаҳон давлатлари парламентларида вазифалари, тузилиши, иш юритиш тартиби бўйича умумийлик мавжуд бўлса-да, бироқ шунга қарамасдан, ҳар бир давлат парламенти муайян хусусиятларга эга. Масалан, Буюк Британия Парламенти ўз ичига давлат бошлиғи - монархни, Лордлар палатаси ва Умумий палатани олади.

Буюк Британия парламенти юқори палатаси қуйи палата қонун лойиҳаларига нисбатан камдан-кам вето ҳуқуқини қўллайди, қўллаган тақдирда ҳам, бундай вето қуйи палатанинг оддий кўпчилик овози билан бартараф этиш мумкин. Мураккаб жиҳати шундаки, парламент сессиясининг йилига бир марта чақирилишини назарда тутсак, вето қўлланилган қонун лойиҳанинг кучга киришини бир йилга чўзилиши мумкин.

Монарх Буюк Британия Парламенти қабул қилган барча қонунларни, амал қиладиган конституциявий одатга кўра, ўз имзоси билан тасдиқлайди, бироқ сал кам уч юз йил давомида бирон марта вето ҳуқуқини қўлламаган.

Қизиғи шундаки, конституциявий доктринага кўра, давлат бошлиғи Парламентнинг бир таркибий қисми ҳисобланса-да, бироқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолият йўналишлари ҳақида қаранг: Э.Х.Халилов. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: Ўзбекистон. 197- 289 б.

шокимиятлар бўлиниши концепциясига кўра, у ижро ҳокимияти таркибига киради.

Буюк Британия Парламенти қонун қабул қилиш функциясидан ташқари, молиявий функцияларга ҳам эга. Аниқроғи, даставвал, Умумий палата бюджет ҳақидаги қонунни қабул қилади, уни ҳукумат киритади ва депутатлар айрим ўзгартиришлар киритмоқчи бўлишса, тегишли вазир билан келишиб иш тутишлари керак. Таъкидлаш зарурки, бюджет масаласида қуйи палатанинг ваколатлари жудаям кенг эмас, улар ҳукумат фойдасига чекланган.

Буюк Британия Парламентининг яна назорат функцияси ҳам мавжуд бўлиб, у ҳукумат фаолияти устидан, бошқарув устидан олиб борилади¹.

Мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – Парламенти фаолияти орқали амалга оширилади. Олий Мажлис қонун чиқарувчи вакиллик органи бўлиб, у Конституция, қонунлар ва қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижроси устидан назорат ҳам олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат. Депутатлар сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан қонунга мувофиқ умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенатнинг беш йил муддатга сайланадиган аъзоларидан ташкил топган. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланадилар.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат

¹ Бу ҳақда кенгрок қаранг: В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. -М.: Юристь.2000.387-388 с.

кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, Ўзбекистонда ижро ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади ва у етти йил муддатга сайланади. Президентнинг ваколат муддати тугаб, истеъфога чиққач, у умрбод Сенат аъзоси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилишига доир ваколатлари жумласига, унинг ижро этувчи ҳокимиятни тузиш ва унга раҳбарлик қилиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ва тугатиш, ушбу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритиш, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш ва лавозимидан озод этиш, вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари кенгаши тасдиғига киритиш, қонунда белгиланган ҳолларда туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этиш, республика давлат бошқарув органлари, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиш, бекор қилиш каби ваколатларини кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтадаи, бекор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимиятини амалга оширадиган орган ҳисобланади. Вазирлар маҳкамасининг таркиби – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Вазирлар, Давлат қўмиталарининг раисларидан, ҳамда ўз лавозими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бош вазиридан иборат.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Халқ сўзи. 2003 йил 21 май; Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. // Халқ сўзи. 2003 йил

Мамлакатимизда суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди, Ҳарбий судлар тизими томонидан амалга оширилади.

Ҳукукий давлат куришда ва ҳукукий давлатнинг фаолиятида қонун устиворлиги, қонунларнинг тўла ижро этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу вазифани бажаришда прокуратура органларининг фаолияти муҳим ўрин тутади. Прокуратура органлари барча ҳукуқ субъектлари, яъни давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг тўлиқ ва аниқ, бир хилда бажарилиши устидан назорат қилади.

Шу муносабат билан прокуратура органларининг давлат органлари тизимида тутган ўрни ҳақида фикр юргизиш аҳамиятга моликдир. Боиси, МДҲ давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятлар бўлинишига асосланиб, фаолият юргиза бошлаганлиги муносабати билан, прокуратура органлари ҳокимиятнинг қайси тармоғига киради? – деган масала аҳамиятга молик. Бундан ташқари, илмий ва ўқув адабиётида, олим ва мутахассислар ўртасида ҳам бу масалада умумий фикр кузатилмайди.

Бу масаланинг мунозарага сабаб бўлишининг яна бир сабаби, Конституцияда, Прокуратура ҳақидаги қонунда ҳам прокуратура органларининг қайси ҳокимият тармоғига кириши ҳақида қоида мустаҳкамланмаган. Айни пайтда, бундай ҳолат нафақат бизнинг қонунчилигимиз, балки кўпчилик МДҲ давлатлари қонунчилиги учун ҳам хос эканлигини таъкидлаш зарур¹.

Шу муносабат билан, Марказий Осиё мамлакатлари Конституцияларида прокуратура органлари ва уларнинг давлат механизмида тутган ўрни масаласига бироз тўхташ жоиз, чунки бу давлатлар ривожланишида муайян яқинлик ва ўхшашликлар мавжуд, албатта, бизнингча. Жумладан, Тожикистон Конституциясида, суд ҳокимиятига бағишланган 8-бобдан сўнг «Прокуратура» деб номланган 9-бобда прокуратура органларига доир қоидалар гарчи алоҳида мустаҳкамланган бўлса-да, бироқ бу органларнинг бирон-бир ҳокимият тармоғига кириш-кирмаслиги ҳақида қоидалар йўқ;

¹ Кенгрок бу ҳақда қаранг: Б.А. Миренский «Место органов прокуратуры в системе государственной власти»./Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат ва жамият ислохотининг ҳукукий асоси. Тўплам. ТДЮИ. 2002. 107- 115 бетлар: З.Исламов. К какой власти отнести прокуратуру» // Народное слово, апрел. 2003 йил.

Туркменистон Конституциясида ҳам 7-бўлим прокуратура органларига махсус бағишланган бўлиб, бироқ, унда бу органнинг ҳокимият тизимида тутган ўрни масаласи очик қолганлигини кузатиш мумкин; қозоғистон Конституциясида прокуратура ҳақидаги қоидалар суд ҳокимиятига бағишланган бобда берилган бўлса-да, бироқ прокуратура органининг мустақил давлат органи тизими эканлиги қатъий белгилаб қўйилган, унда, ҳатто, прокуратура анъанавий функцияларидан ташқари яна, давлат номидан, мамлакат ҳудудида қонун ва қонуности актларининг *аниқ қўлланиши устидан ҳам назорат олиб бориши* мустаҳкамланган. Фақат Қирғизистон қонунчилигида, аниқроғи Қирғизистоннинг Прокуратура тўғрисидаги қонунининг 1-моддасида бу масалада аниқликни кўриш мумкин: унда «Қирғизистон Республикаси Прокуратураси – ижро ҳокимияти тизимидаги давлат органидир», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Қозоғистонда прокуратура органларига ҳуқуқ қўллаш фаолияти устидан ҳам назорат функцияси берилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокуратуранинг қайси давлат ҳокимияти тармоғига мансублиги масаласида қардош республикаларда ҳам аниқлик кузатилмайди.

Прокуратурада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориши функцияси бор ёки йўқлиги, бу жойда, бизнингча аҳамиятли, чунки, шу функция прокуратура органларида бўлмаса, бу ҳолда унинг бирон-бир ҳокимият тармоғига яқин туришини эътироф этиш мумкин бўлар эди. Шу боис, МДҲ давлатлари ичида Грузия Конституцияси бу масалада янгича ёндошган дейиш мумкин, унинг 92- моддасида «прокуратура – суд ҳокимияти идораси (ажратиб кўрсатиш биз томондан –М.А.) бўлиб, у жиной-ҳуқуқий таъқиб, суриштирувни ва жазоларни ижро этиш устидан назоратни, шунингдек, судда давлат қораловини амалга ошириши» мустаҳкамланган. Демак, Грузия прокуратурасида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан прокуратуранинг умумий назорати функцияси йўқ, шу боис уни суд ҳокимияти таркибига киритиш мумкин бўлган, дейиш мумкин.

Айни пайтда, кўпгина давлатларда прокуратура органлари суд ва ижро ҳокимиятининг ўртасида турадиган тузилма мақомига эга.(Италия, Польша ва б.)

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаш зарур. Прокуратура органларининг вазифалари, ваколатлари, давлат ҳокимиятида тутган ўрни турли давлатларда турлича, масалан, АҚШда Адлия вазири бош

прокурор вазифасини ўтайди, Италия, Испания ва Бельгияда эса прокуратура судлар ҳузурида амал қилади, баъзи давлатларда, жумладан, Буюк Британияда прокуратура институти мавжуд эмас унинг функциялари тегишлича адвокатлар корпуси аъзолари томонидан, муҳим ишлар юзасидан эса оммавий таъқиб директори томонидан амалга оширилади.

5.Ўзбекистон Республикасида давлат механизмини ислох этиш муаммолари

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва улар фаолиятини янада демократиялаштириш соҳасида катта ишлар амалга оширилди ва оширилиб келинмоқда. Бу соҳадаги энг муҳим ютуқлардан бири, бу - демократик аснода шакллантирилган қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шакллантирилганлиги ва унинг самарали амал қилиб турганлигидир.

Таъкидлаш жоизки, парламент ҳозирги даражага еткунча, муайян тараққиёт босқичларини бошдан кечирди. Конституция қабул қилингунга қадар бўлган даврда парламент Олий Кенгаш номи билан амал қила бошлаган. Бироқ Конституцияда қонун чиқарувчи ҳокимият номи Олий Мажлис деб белгиланди ва унинг асосий вазифа ва функциялари белгилаб берилди. Конституцияга биноан шаклланган янги парламент – Олий Мажлис ўзигача бўлган Олий Кенгашдан айрим муҳим жиҳатлари, жумладан, мамлакатимиз тарихида илк бора депутатлар кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида шакллантирилганлиги ҳамда депутатларнинг маълум қисми бундан буён доимий шаклда ишлашининг белгилаб қўйилиши, шунингдек мустақил ташқи парламенлараро сиёсат олиб бориш ваколатига эга эканлиги билан ажралиб туради.¹

Айни пайтда, парламент фаолиятини жамиятимиз тараққиётининг шиддаткор вазифаларига монанд ҳолда ҳамда мустақиллик йиллари тажрибалари асосида, янада такомиллаштиришни тараққиёт эҳтиёжлари ва манфаатлари тақозо эта бошлади. Шу муносабат билан парламентни икки палатали тартибда ислох этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Ҳалқимиз бу масалага ижобий ёндошганлигини 2002 йил 27 январда ўтказилган Референдум натижалари орқали ифода этди.

¹ Бу ҳақда қаранг: Э.Х.Халилов.Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Т.: 2001. Ўзбекистон; Х.Одилқориев. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.:Ўзбекистон. 2002. З.Исломов. Проблема власти. Т.:ТДЮИ нашри. 2003.

Икки палатали парламент қонунчилик фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва парламентнинг жамият ва давлат ҳаётида ўйнайдиган ролини янада кучайтиришга, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга қаратилганлиги билан муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисидаги янги қонунлар парламент ислоҳотининг ҳуқуқий базасини ташкил этади.¹

Ўзбекистон Парламенти янги таркибда, янги мазмун ва янги вазифалар асосида ўз фаолиятини бошлаганига иккинчи йил бўлмоқда. Янги парламент мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш вазифасини ва қонунчилик жараёнини янги сифат даражасига кўтаришини жамиятимиз катта ишонч ва умид билан кутмоқда.

Давлат ҳокимияти тизимидаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим йўналиши - ижро ҳокимияти тизимини ва унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ижро ҳокимияти тизимига кирувчи органлар, яъни давлат бошқарув органлари тизими мустақиллик йилларида тубдан ўзгартирилди. Чунки, давлат аппаратини ташкил этган бошқарув органлари янги давр вазифаларига хизмат қила олмас эди, зотан, бу органларнинг фаолияти мафкуралашган ва сиёсийлашган ҳамда нодемократик аснода ташкил этилган ва мулкнинг якка ҳукмрон шакли бўлган – давлат мулкчилигига асосланган иқтисодий тизим шароитида амал қилган, ва ҳажман «тарвақайлаб» кетган давлат органлари мажмуидан иборат эди.

Бу органлар ўзининг ташкил топиш тартиби билан ҳам янги жамият барпо этиш мақсадларига хизмат қила олмас эди, чунки бу тизим ҳокимиятлар бўлиниши принципини тан олмас эди. Мазкур тизимни молиялаштириш тартиби бозор муносабатлари талабларига жавоб бера олмас эди, зотан бозор муносабатлари мулкнинг турли шакллари бирдек амал қилиниши ва ҳимояланишини, муҳими бошқарув тузилмалари ҳажмини ва уларга сарфланадиган ҳаражатларни кескин қисқартиришни тақозо этади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар эски бошқарув тизимини ва унинг молиялаштириш тартибини бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, тубдан қайта ташкил этилишини тақозо этарди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. Халқ сўзи. 2002 йил 27 декабрь. Ўз Р Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. Халқ сўзи. 2002 йил 28 декабрь.

Ўтган давр ичида вазирликларнинг сони кескин қисқартирилди, бозор муносабатлари хусусиятларига мос келадиган ташкилий-ҳуқуқий янги шакллар ташкил этила бошланди. Кўплаб вазирликлар аралаш мулк шаклига асосланган компания, концерн, уюшма (ассоциация), агентлик каби тузилмаларга айлантирилди ва ва бу жараён давом этмоқда. «Маъмурий ислоҳот жараёнида 20га яқин давлат бошқаруви органи қайта ташкил этилди ва 40 мингдан ортиқ штат бирлиги тугатилди ёки бошқарув ходимлари сони 22 фоизга қисқартирилди».¹ Натижада бошқарув ҳаражатлари сезиларли даражада камайиб, айти пайтда, бошқарувнинг самарадорлиги анча ошди.

Давлат ҳокимияти тизими ислоҳотларининг яна бир муҳим йўналиши – ҳокимиятнинг муҳим тармоғи бўлган суд ҳокимияти тизимидаги ислоҳотлардир, бу ислоҳотлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифасини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Зотан, ҳуқуқий давлатда нуфузли ва мустақил суд ҳокимиятининг шаклланган бўлишини шарт. Шу боис давлатимиз бу соҳада катта ислоҳий ишларни амалга оширмоқда.

Суд – ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг бош йўналиши судлар фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кескин қаратилишини таъминлашдир. Шу мақсадда судларнинг мустақиллигини янада кенгайтириш, прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, прокуратура органларининг баъзи ҳуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу ҳуқуқларнинг аксариятини суд органларига бериш масалаларига аниқлик киритилди.

Суд тизимидаги ислоҳотлар қисқа бир давр ичида тезгина амалга ошириладиган тадбир бўлмай, балки суд тизимини такомиллаштиришга қаратилан ва давр талабларидан келиб чиққан динамик жараёндир.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим бир йўналиши - бу шахснинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя этишни талаб этиб, судга мурожаат қилиши ҳуқуқини кафолатлашни кучайтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг; 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат

¹ Қаранг:Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.:Ўзбекистон.2005.74-б.

бирлашмаларининг ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизнинг бу моддаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар руҳига мувофиқдир. Масалан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида «Ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга»¹ деб, мустаҳкамланган.

Шахснинг одил судга бемалол ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши юзасидан мурожаат қилиши ва одил судловга эришиши жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг диққат марказида турган долзарб, айти пайтда жуда масъул муаммодир.

Башарти, фуқарога Конституция ва қонунчиликда мустаҳкамланган суд ҳимояси функциясидан реал фойдаланиш мушкул бўлса, бу ҳуқуқ амалда кафолатланмаган бўлса, унда шу мамлакатда чинакам суд ҳокимият ҳали шаклланмаган экан, деган ҳулосага келиш мумкин бўлади. Россиялик ҳуқуқшунос Ю.И. Стецовский таъкидлаганидек, «Фуқароларнинг судга ҳимоя истаб мурожаат қилиши башарти суд бузилган ҳуқуқни ҳақиқатан ҳам тиклашга қодир бўлганидагина у бир маъно ва мазмунга эга бўлади».

Фуқароларнинг бу ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунида² ўзининг батафсил ифодасини топган.

Ҳар қандай ҳуқуқи бузилган шахснинг шахсан ўзи, ёки адвокати ёхуд қонуний вакили орқали, бузилган ҳуқуқнинг мазмунига мувофиқ равишда, уни ҳимоя қилиш тегишлича конституциявий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий, жиноят суд ишларини юритишга доир процессуал нормалар асосида амалга оширади.

Инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилиши ҳолати номақбул ҳодиса, бироқ шахснинг бевосита конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши, шахсга нисбатан мажбурлов чораларининг но-қонуний қўлланиши кўринишидаги инсон ҳуқуқларининг бузилиши жуда оғир ҳисобланади, шу боис давлат органлари томонидан шахсга

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.: Адолат.2004. 32-б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. 9- сон.183- м.

тегишли ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чораларнинг қўлланиши алоҳида бир тартиб, яъни фақат суд қарори билангина амалга оширилиши мутлақо муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, гарчи бундай конституциявий қоида мавжуд бўлса-да амалда суриштирув ва дастлабки тергов органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга бевосита шикоят қилишга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 358-моддасида мустаҳкаланган «Терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят тергов бўлинмаси бошлиқига ва ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган прокурорга берилади.

Прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят устидан шикоят юқори турувчи прокурорга берилади» деб мустаҳкамланган қоиданинг мавжудлиги, юқоридаги ҳуқуқдан фойдаланишда муайян ноаниқликларни келтириб чиқарар эди.

Шу муносабат билан, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим бир йўналиши суд назоратини, суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялашдаги роли ва ўрнини, ваколатларини кенгайтиришга қаратилгандир.

Ушбу масаланинг муҳимлиги ва долзарблигига давлатимиз раҳбари катта эътибор бериб келмоқда. И.А.Каримов ўз маърузаларида «Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўлла а ш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак»¹ лигини таъкидлаб ўтгандилар.

Шу соҳада олиб борилаётган ишларнинг гултожиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 7 августда қабул қилган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақида»ги Фармони² ҳисобланади. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши - бу масаланинг ҳал этилишида катта бурилиш бўлиши, шубҳасиздир. Фармонга

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислоқ этишдир. Т.:Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. 49-50 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга олиб бериш тўғрисида»ги 2005 йил 7 август Фармони.// Халқ сўзи. 2005 йил 8 август.

биноан 2008 йилнинг 1 январидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади.

Санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд органларининг мустақиллигини жиддий мустаҳкамлаши, суриштирув ва тергов фаолиятида инсон ҳуқуқларининг таъминланишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

«Ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақат қонунга бўйсунлигини кучайтириш борасида моҳият- эътиборига кўра мутлақо янги қадам қўйилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди»¹. Ўзбекистонда суд назорати институтининг кучайтиришда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ эҳтиёт чоралари ичида энг қаттиқ ҳисобланган қамоққа олиш устидан суд назоратининг ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Кейинчалик, давлат раҳбари И.А.Каримов кўрсатиб ўтганларидек, суднинг санкция бериш ҳуқуқи бошқа процессуал мажбурий чораларга ҳам жорий этилиши суд-ҳуқуқ ислохотларининг яқин келажақтаги вазифалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд ислохотларидан «асосий мақсад шуки, биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки аввало инсоннинг ҳақ - ҳуқуқларини ҳимоя этувчи идора деб қарашига эришмоғимиз керак».²

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи умумжаҳон аҳамиятга молик масала бўлиб, унинг таъминланиши фақат давлатга, унинг органлари ва мансабдор шахсларига боғлиқ десак, тўғри фикр юритган бўлмаймиз. Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятига, аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонунда белгиланган асос ва тартибларда ҳимояланишини талаб қилишга қодирлиги ва шунга бўлган интилиши билан ҳам белгиланади.

Таъкидлаш лозимки мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотлар ўзининг ривожланиш босқичига ўтмоқда. Айни пайтда, ҳокимиятнинг барча тармоқлари тизимида ҳал қилиниши керак бўлган масала ва муаммолар анчагина. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун ва моҳияти, суръатлари ва натижалари ҳақида айрим хулосаларни қайд этишни лозим ҳисоблаймиз:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: «Ўзбекистон».2002. 12-13 б.

² Каримов И.А. Ўша асар. 13 б.

-Истиқлолнинг дастлабки даврида танланган, халқимизнинг тарихий-маънавий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан тараққиёт модели, ҳозирги кунда ўзининг ҳар томондан ижобий характерга эга эканлигини жаҳонга намоёниш этмоқда;

- Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотлар, муқаррар ва мунтазамлик тусини олиб, у Ўзбекистон жамияти тараққиётининг стратегик мақсадларига бутунлай монанддир;

- Амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий ислохотлар маълум бир даврга мўлжалланган, спонтан чора-тадбирлар мажмуаси бўлмай, балки янги жамият қуриш манфаатларидан келиб чиққан ва муайян вақт давомида амалга ошириладиган, жамият ва давлатимиз олдида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишнинг мураккаб динамик жараёнидир;

- Эркин фуқаролик жамиятни шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси ўта мураккаб ва машаққатли вазифа бўлиб, уни амалга ошириш мутлақо осон эмаслигини ривожланган давлатлар ва МДХ давлатларининг энг янги тарихлари яққол турибди;

-Давлатимиз олдида турган мураккаб ислоҳий вазифаларни амалга оширишнинг кафолати —мамлакатимиздаги барқарорлик, ижтимоий иноқлик, бағри кенглик, давлатимизнинг ижтимоий сиёсати ва халқимизнинг янги ҳаёт қуришга бўлган шижоатидир.

Шундай қилиб, биз давлат механизми ва унинг таркибий элементлари ўртасидаги муносабат ва нисбат масалаласини кўриб чиқдик.

Давлат механизми, унинг тушунчаси, таркибий элементлари, давлат органи, давлат органининг хусусиятлари, давлат аппарати ишини ташкил этишнинг ташкилий принципи сифатида ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва унинг амалиёти ҳамда давлат механизмнинг амал қилиш амалиётига таянган ҳолда, таъкидлаш лозимки, давлат механизми жамият тараққиётидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларнинг инъикоси сифатида жамият тараққиётига монанд ҳолда, ҳам шаклан, ҳам функционал ўзгариб боради.

Давлатнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва функцияларининг ўзгариши адекват тарзда давлат механизмида ҳам тегишли ўзгаришларни тақозо этади. Давлат механизми ривожда икки тенденция: давлат аппаратининг борган сари ҳажман кўпайиши ва бошқарувни ихчамлаштириш зарурати ўртасидаги кураш ўзаро зиддиятли бирликда амал қилади.

Ижтимоий муносабатларнинг ривожини бу муносабатларни бошқарадиган тузилмаларнинг ихтисослашувини, демакки давлат органлари, давлат хизмати ва давлат хизматчилигининг ҳам ихтисослашувининг кучайиши тенденциясини тақозо этади.

Давлат хизмати ва давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомининг ноаниқлиги ҳамда давлат хизматининг самарадорлигини ошириш, давлат хизматида суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида Давлат хизмати тўғрисида махсус қонун қабул қилиш зарур. Давлат органлари тизими ва тузилмаси, алоҳида бошқарув органларининг тушунчаси (масалан, концерн, компания, уюшма ва бошқалар) илмий адабиётда ноаниқлиги муносабати билан Вазирликлар, Концерн, Компания, Ассоциация, Агентлик ва бошқа органлар тўғрисида махсус Низом ишлаб чиқиш зарур.

Давлат механизми фаолиятида ошкоралик, юқори лавозимли мансабдор шахсларнинг даромадларининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида, уларнинг даромадлари, мулклари ҳақида мунтазам ахборотлар бериб бориш тартибини жорий этиш керак деб ҳисоблайман;

Юқори давлат органларига виждонли, малакали, кенг гуманистик дунёқарашга эга бўлган, қалби пок, сара инсонлар келишини таъминлаш учун, уларга қўйиладиган талаблар тизими, ва уларнинг эгалламоқчи бўлган лавозимларига мувофиқлигини текширишнинг шакл ва усуллари бутунлай қайтадан, янги аснода ишлаб чиқиш керак. давлат органларининг рацбар ходимлари (вазирлар, ҳокимлар ва ш.к.) фаолияти устидан парламент ва жамоат назоратини кучайтиришнинг самарали шаклини жорий этиш керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Давлат ва давлат механизми ўртасидаги муносабат
2. Давлат механизми таркибида давлат аппарати
3. Давлат органлари ва уларнинг таснифи
4. Давлат ҳокимиятининг ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципи
5. Ҳозирги замонда қонун чиқарувчи органларнинг давлат механизмида тутган ўрни
6. Ижро ҳокимияти ва унинг органларини тавсифланг
7. Давлат механизмида суд органларининг тутган ўрни
8. Ўзбекистонда давлат механизмини такомиллаштириш жараёни тавсифи

4-МАВЗУ: ДАВЛАТНИНГ ШАКЛИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ МУАММОЛАРИ

РЕЖА

1. Давлат шаклини тушуниш муаммолари ва ривожланиш тенденциялари
2. Ҳозирги замон давлатлари бошқарув шакли
3. Ҳозирги замон кўп миллатли давлат шароитида давлат тузилиши шакллари муаммолари
4. Ҳозирги замон давлати сиёсий режими ва унинг кўринишлари. Тоталитаризм
5. Ҳозирги замон давлати функциялари. Ўзбекистоннинг ҳозирги замондаги вазифалари.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон».1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.:Ўзбекистон. 1992. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.—Т.: 1996.-44-б.
4. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 53-бетлар
5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.—Т.: Ўзбекистон.2002. 76 б.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
7. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
8. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. 695 с.
9. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.Т.:Ўзбекистон.2005.264 б.
10. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.

11. Проблемы теории государство право: Учебное пособие. Под ред. М.Н. Марченко. — М.: Юрист, 2004. 656 с.
12. Нерсисянц В.С.. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.
13. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория, философия. М: Статут. 1999-810 с.
14. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.
15. Бобоев Х. Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т. Адолат. 2001.
16. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления. Курс лекций. М., 1997.
17. Чиркин В.Е. Современное федеративное государство. М., 1997.
18. Федерация в зарубежных странах. М., 1993.
19. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М., «Новый юрист»-1999. 240 с.
20. Кольев А.Н. Нация и государство. Теория консервативной реконструкции. М.: «Логос». 2005. 800 с.

1. Давлат шаклини тушуниш муаммолари ва ривожланиш тенденциялари

Давлатнинг моҳияти ва мазмуни бевосита унинг шакли орқали ифодаланади ва намоён бўлади.

Давлатни унинг моҳияти нуқтаи назаридан ўрганилганда давлатда ҳокимиятнинг кимга мансублиги, унинг субъекти (эгаси) ким эканлиги, давлат биринчи навбатда жамиятнинг қайси табақаси, гуруҳи, синфининг эркини ифодалаб, манфаатини ҳимоя қилиши аниқланади. Давлатни унинг шакли нуқтаи назаридан ўрганиш эса, - бу унинг тузилиши, унинг асосий таркибий қисмлари, ички тузилиши, давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий услубларини аниқлашга имкон беради, яъни муайян давлатда ҳокимият қандай ташкил этилган, қайси органлар томонидан амалга оширилган, бу органларнинг ташкил этилиш тартиби ва ваколатлари нималардан иборат – каби саволларга жавоб беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ўтмишда ва ҳозирда қандай давлат шакллари бўлган, қайси халққа қандай давлат шакли мос келади каби масалаларни доимо ўрганиб келган.

Давлат шакли тўғрисидаги масала нафақат назарий, айти пайтда амалий-сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

Зеро, давлат ҳокимиятининг қандай ташкил этилганлиги ва қай тарзда амалга оширилганлиги давлат раҳбарлигининг самарадорлиги, ҳукуматнинг барқарорлиги ва салоҳиятини белгилайди.

Юридик адабиётда «давлат шакли» тушунчасига турлича нуқтаи назар билан қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ муаллифлар уни тор маънода тушунадилар, уларнинг фикрича, давлат шакли бу фақат бошқарув шаклидир. Кенг маънода тушунувчи муаллифлар эса, бу тушунчага бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклининг мажмуи сифатида баҳо берадилар.

Яна бир бошқа муаллифлар давлатнинг ички ва ташқи шакллари фарқлайдилар. Давлатнинг ички шаклида сиёсий режимнинг бир тури сифатида демократияни, ташқи шакли деганда давлатнинг бошқарув ва тузилиш шаклини тушунадилар (масалан, Д.А.Керимов).

Шунга қарамасдан юридик адабиётда «давлат шакли тушунчаси»га берилган анъанавий таъриф мавжуд бўлиб, уни олимларнинг кўпчилиги маъқуллайдилар.

Шундай қилиб, давлат шакли бу давлатдаги сиёсий ҳокимиятни ташкил этилиши бўлиб, у ўзида давлатни бошқарув шаклини, давлат тузилиши шаклини ва сиёсий режимни мужассамлаштиради.

Бунда бошқарув шакли: олий давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг юқори органларини ташкил этиш ва тузишнинг муайян тартибидан;

Давлат тузилиш шакли: давлатнинг ҳудудий тузилиши, марказий, ҳудудий ва маҳаллий ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг муайян тартибидан;

Сиёсий (давлат) режими: давлат (сиёсий) ҳокимиятни амалга ошириш услублари ва йўлларида иборат.

Давлат шакли тушунчаси ўз ичига қўйдагиларни олади:

А) олий давлат ҳокимиятини ташкил этишни, олий давлат ҳокимияти манбаларини, ҳамда олий давлат органларининг ўзаро ва аҳоли билан ўзаро муносабати принципларини;

Б) давлат ҳокимиятининг ҳудудий ташкил этилишини, яхлит тузилма сифатидаги давлатнинг ўз таркибий қисмлари билан ўзаро алоқасини;

В) давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг усул ва методларини.

1. Давлат шаклига таъсир этувчи омиллар:

- давлатнинг моҳияти;
- давлатнинг типиди;
- сиёсий кучлар нисбати;
- аҳолининг миллий таркиби;
- тарихий анъаналар;
- мамлакатнинг ҳудудий сатҳи.

Таниқли рус юристи ва файласуфи И.А.Ильиннинг таъкидича «аҳолининг кўп миллатли таркиби давлат шаклига нисбатан қатор талаблар қўяди. У давлатнинг тарқаб кетишига омил бўлиши ва ҳалокатли фуқаролик урушларига олиб келиши мумкин»¹.

Ушбу фикрнинг исботи тариқасида Югославия, Чеченистон воқеаларини келтиришимиз мумкин.

И.А.Ильиннинг ушбу фикри давлатларга огоҳланиришдек туюлади: ҳар бир халқнинг ўзига ҳос, ўзига мос алоҳида индивидуал давлат шакли ва фақат унинг ўзигагина мос келадиган конституцияси бўлиши шарт. Дунёда бир ҳил халқлар бўлмагани каби, бир ҳил шакл ва Конституция ҳам бўлмайди. Бошқа давлатлар шакли ва Конституциясини кўр-кўрона кўчириш ва уларга тақлид этиш бемаънолик бўлиб, у хавфли ва ҳалокатга олиб келиши мумкин.

а) XX-аср(нинг охири) ва XXI аср давлат шакли масаласига ўз коррективларини киритмоқда. Давлат шакли, хусусан бошқарув шаклининг турли кўринишлари ўртасида ўзаро яқинлашув жараёнлари содир бўлиб, натижада «аралаш», «гибрид» шакллар вужудга келмоқда. Бундай ҳолат ҳозирги замон сиёсий тараққиётида янги тенденцияларнинг ифодаси сифатида намоён бўлмоқда ва у, яъни давлат шаклидаги бундай ўзгаришлар давлатнинг бошқарилувчанлигини ошириш, ижро ҳокимияти органларига кенг мустақиллик бериш ва барқарор этиш заруратидан келиб чиқмоқда.

Бундай ҳолат, маълум даражада объектив характерга эга. Чунки, давлат шакли, худди унинг моҳияти каби, ҳеч қачон ўзгармайдиган, узил-кесил белгилаб қўйилган бўлмайди ҳам. Давлат шакли кўплаб иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ғоявий ва бошқа омиллар таъсири остида доимий ривожланиш ва ўзгариш жараёнини бошдан кечириб келмоқда.

Л.Гумпловичнинг ўринли таъкидича, «давлатнинг фарқланиши ёки давлат шакллариининг хилма-хиллиги ҳақидаги таълимот, худди

¹ Ильин И.А. О государственной форме.//Современное государство и право. 1991 г. №11.с136

давлат тушунчасининг таърифи каби аниқ белгиланмаган ва ўзгарувчандир»¹.

Демак, давлат шакли ҳақида аниқ таълимотнинг йўқлиги объектив тусга эга бўлиб, бу ҳолат давлат шаклининг турли омиллар таъсири остида доимо ўзгариб туриши билан ҳам боғлиқ.

Масалан, бошқарув шаклининг бир кўринишдан иккинчисига ўтиш ҳоллари кўп кузатилмоқда. РФ, хусусан президентлик республикаси ҳисоблансада, унда бошқарув шаклининг бошқа кўринишларига хос бўлган ҳолатлар мавжуд: ҳукуматни Президент назорат қилиши президентлик республикасига хос жиҳат бўлгани ҳолда, парламентнинг қуйи палатаси ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин, гарчи бу ҳолатда ҳукумат тақдирини Президент ҳал этса-да.

в) Тузилиш шакли – давлатнинг тузилиш шаклида миллий аспект катта аҳамиятга эга, кўп миллатли давлат шароитида ҳар бир миллатнинг хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Кўп миллатли давлатда давлат тузилиш шаклининг мақбул кўриниши бўлиб, миллий давлат федерацияси ҳисобланади.

Сиёсий-ҳуқуқий (атама, ҳодиса) ҳисобланган «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» ҳуқуқи мазмунида ҳам ўзгариш бўлмоқда, масалан, ҳозирги кунда «инсон ҳуқуқларининг миллат, халқ ҳуқуқидан устуворлиги» принципи ёйилмоқда. Айни пайтда биронтиям давлат Конституциясида федерация таркибидан чиқиш ҳуқуқи мустаҳкамланмаган.

Кўп миллатли давлатлар давлат тузилишида автономия шаклини қўллайдилар. Автономиянинг:

- **миллий-худудий**
- **миллий-маданий**

}

кўринишлари мавжуд.

Миллий-худудий автономия – ўзига хос миллий давлатлар шаклида бўлиб, улар ўз Конституцияси, қонунчилиги, ҳукумати, олий суд органи, фуқаролигига эга бўлишган.

Миллий-маданий автономия – бу алоҳида этник гуруҳларни махсус мақоми тушунилиб, у кўп миллатли давлатда учрайдиган зиддиятларни ҳал этишнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Миллий-маданий автономиянинг ғоялари XX аср бошларида Австро-Венгрия учун Австрия социал-демократлари лидерлари Карл Реннер, Отто Бауэр ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

¹ Общее учение о государстве. СПб., 1910, с.221

Давлатлараро ҳамкорликнинг ҳозирги замон ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Давлатлараро интеграциянинг янги шакллари вужудга келмоқда, улар «уюшма, давлатлараро иттифоқ, ҳамжамият» каби атамалар билан номланмоқда.

Давлатлараро бирлашма – давлатлараро шартнома асосида барпо этилган ва қатнашувчи давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий интеграциясини ўз олдига мақсад қилиб қўядиган давлатлар иттифоқидир.

Давлатлараро бирлашмаларга мисол қилиб, қуйидагиларни келтириш мумкин¹.

1. Миллатларнинг Британ ҳамдўстлиги – 1946 йилгача, ҳозирда эса Ҳамдўстлик деб номланади;

2. Европа Иттифоқи – 1993 йилгача – Европа Иқтисодий ҳамжамияти деб номланади;

3. Европа Кенгаши;

4. МДҲ:(1991 йил 10 декабрда ташкил этилган).

5. Белоруссия ва Россия Иттифоқ давлати – 1997 йилда шакллана бошлаган ва б.

2. Ҳозирги замон давлат бошқарув шакли хусусиятлари

Давлатнинг бошқарув шакли деганда - давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ва марказий органлари, уларни ташкил топиш тартиби ва тузилиши компетенцияси, бу органларнинг ўзаро муносабати, давлат олий ҳокимият органларини шакллантиришда аҳолининг иштироки кабилар тушунилади

Муайян жамиятда давлат ҳокимияти ким томонидан ва қай йўсинда амалга оширилиши масаласи инсониятни қадим замондан қизиқтириб келган. Ўз замонасининг йирик мутафаккирлари Арасту ва Платонлар қадимги дунёда давлат ҳокимиятини ташкил топиши ва амалга оширилишининг турли шакллари ўрганиб, бу давлатларда ким ва қандай тарзда ҳукмронлик қилишига, яъни бошқарув шакллари мезонига қараб уларни таснифлашга уринганлар.

Августин, Гоббс, Монтескье, Локк, Руссо, Радиҳев ва бошқаларнинг асарларида давлат бошқарув шакллари ҳақидаги билимларни умумлаштиришга ва тизимлаштиришга ҳаракат қилинган. XX асрга келиб марксча назария вакиллари давлат

¹ Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М.: «Новый юрист.». 1999. С.167.

бошқарув шаклини давлат типи, унинг синфий тузилиши, жамиятнинг иқтисодий базиси билан боғлиқликда қараганлар.

Давлат бошқарув шаклига бошқа омиллар ҳам таъсир этади: тарихий анъаналар, миллий руҳият, диний онг, маданий муҳит, жамиятнинг мафкуравий ва сиёсий даражаси, экология ва ҳ.

Шундай қилиб, **давлат бошқарув шакли - бу муайян давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этиш услублари йиғиндисидир.** Бу таъриф кенгроқ баён қилинса, бу олий ҳокимиятни, унинг олий ва марказий органларини ташкил этиш, уларнинг структураси, компетенцияси, бу органларнинг ташкил топиш тартиби, бу органлар ваколатларининг муддатлари, халқнинг бу ишлардаги иштироки даражасини аниқлатади.

Давлат бошқарувининг асосий шакллари: **монархия** ва **республика** ҳисобланади.

«Монархия» атамаси юнонча бўлиб, («монос» - якка, «архе» - ҳокимият), «яккаҳокимлик», «яккаҳуқумронлик»ни аниқлатади.

Бошқарув шакли сифатида монархияга аниқ юридик хусусиятлар хос. Давлат монарх шахсида намоён бўлади, ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи, халқ вакили, миллатнинг «отаси», фуқароларни давлатга бирлаштирувчи шахс бўлиб чиқади.

Монархга ҳокимият тўлалигича тегишлидир. Унинг ҳокимияти олий ва суверен ҳисобланади. У давлатда олий ҳокимият тимсолидир, қоида бўйича унинг ҳокимияти дин ҳимоясига олиниб, муқаддас саналган.

Монархиянинг белгилари:

- 1) монарх ҳокимияти мерос тариқасида авлоддан авлодга ўтган;
- 2) ҳокимиятнинг бир шахс қўлидан бошқасига ўтишида халқнинг иштироки талаб қилинмайди;
- 3) монархнинг ҳокимият тепасида туриши муддатсиз ва умрбод бўлган;
- 4) у ҳар қандай жавобгарликдан озод бўлган, яъни у ўз бошқарувининг оқибатлари учун бирон юридик ёки сиёсий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган.

Монархиянинг ўзи ҳам икки кўринишда бўлади: **мутлақ (чекланмаган) монархия** ва **чекланган монархия**.

Мутлақ монархиянинг асосий жиҳати шундаки, монархнинг тўла ҳокимиятини ҳеч бир давлат органи чеклай олмайди, унга тазйиқ ва таъсир эта олмайди.

Мутлақ монархияда монарх давлатнинг ягона, бирдан-бир олий ҳокимият органи ҳисобланади. У қонун чиқариш функциясини бажарган, чунки монархнинг эрки ҳуқуқ ва қонун манбаи ҳисобланган, ижро ҳокимияти органларини бошқарган, одилсудовни назорат қилган, яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари монарх қўлида тўпланган. Масалан, XVII-XVIII асрлардаги Россия, 1789 йилги революцияга қадар бўлган Франция. Бироқ, мутлақ монархияларнинг амал қилиш муддатлари ўзоққа чўзилмаган, феодал тарқоқлигига муқобил-альтернатив сифатида вужудга келиб, маълум вақт ўтиши билан улар ё шаклан ўзгарган ёки чекланган монархияга айланганлар ёхуд буржуа революциялари натижасида ўз ўрнини бошқарувнинг бошқа шаклига бўшатиб берган (Австрия, Россия, Польша, Франция).

Чекланган монархияда монарх ҳокимияти сайлаб қўйиладиган орган - парламент ёки махсус ҳуқуқий акт - Конституция билан чекланган бўлади. Шу билан бирга кўпгина чекланган монархия давлатларида ҳам парламент, ҳам конституция воситаси билан монарх ҳокимияти чекланган бўлади.

Чекланган монархия ҳам иккига бўлинади: дуалистик ва парламентлик монархияси.

Парламентлик монархия давлатлари (ҳозирги Англия, Канада, Бельгия, Норвегия, Дания, Нидерландия, Швеция)да қирол монарх вазифасини ўтасада, мамлакатни тўла маънода бошқара олмайди. Давлат бошлиғи - монарх томонидан тайинланган вазирлар парламентнинг ишонч вотумига боғлиқ бўлади, монарх “кейинга қолдириш” - вето ҳуқуқига ҳамда қонунда белгиланган ҳолда парламентни тарқатиш ҳуқуқига эга. Ҳукумат парламент томонидан сайловларда кўп овоз олган муайян партиялар вакилларида иборат қилиб шакллантирилади. Энг кўп депутатлик мандатларига эга бўлган партия раҳбари ҳукумат бошлиғи бўлади. Қонун ҳужжатлари парламент томонидан қабул қилиниб, расман монарх томонидан имзоланади. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти соҳаларида монарх ҳокимияти рамзий маънога эга. Парламент ҳатто монархнинг шахсий ҳаётини ҳам тартибга солиб туради (никоҳ, сарой хизмати масалаларида).

XXI аср бўсағасида ҳам монархия бошқарув шакли ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. 1975 йилда Испания халқи монархия ўрнатилиши тарафдори бўлган. Россия, Руминия, Украинада монархия тикланиши эҳтимоли ҳақида фикрлар айтилди. Бу

давлатларда монархиянинг сақланиши - анъанага ҳурмат тарзидадир. Айни пайтда, монарх сифатидаги давлат бошлиғи - лавозимининг сақланиши - бу давлатлардаги барқарорликнинг сақланиши, уларнинг ўз тарихий ўтмишларига ва ўз давлатчиликларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромларини англатади. Айни вақтда шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон давлатларида монархиянинг мавжуд бўлиши учун кучли тарихий анъана ва халқнинг бунга руҳий жиҳатдан тайёр эканлиги муҳим ҳисобланади.

Дуалистик монархия (ўтмишда Пруссия, Австрия, Италия, Руминия, ҳозирда - Марокко, Иордания ва б.)да бутун ижро ҳокимияти монарх қўлида тўпланган бўлади, у ҳукуматни шакллантиради, вазирларни тайинлайди, алмаштиради, «вето» ва парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқидан кенг фойдаланади. Монарх чекланмаган миқдорда фармонлар чиқариш ҳуқуқига эга, бу фармонларнинг кучи қонунга тенг, баъзан эса ундан юқори бўлади.

Теократик монархия - бунда монарх давлатни бошқаришдан ташқари, уни диний жиҳатдан бошқаришни ҳам ўз қўлига олган бўлади (масалан, Саудия Арабистони).

Бошқаришнинг республика шакли - бунда олий ҳокимият - давлат ҳокимиятининг муайян муддатга сайлаб қўйилган органларга тегишли бўлишини англатади.

Бошқарувнинг ҳозирги замон республика шакли учта турга бўлинади: а) парламентлик республикаси;

б) президентлик республикаси;

в) аралаш (ярим президентлик) республикаси.

Парламент республикасида қатъий белгиланган муддатга олий вакиллик қонун чиқарувчи орган сайланади. Парламентга олий давлат ҳокимияти мансуб бўлади ва фақат олий қонун чиқарувчи орган бўлибгина қолмасдан, ўз ҳокимиятининг вакиллик характериға асосланган ҳолда ижро ҳокимияти органларини тузади, яъни президентни сайлайди, ҳукуматни шакллантиради. Бундай тузилишдаги давлатда ижро ҳокимиятининг аҳволи парламент қарорига боғлиқ бўлади.

Ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятга боғлиқлиги яна шунда кўринадики, парламент ҳукумат таркибини белгилайди, у қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатади, ҳукумат таркибида ўрин алмаштиришлар, қайта жойлаштиришларни амалга оширади, ҳукуматни тўла тартибда ёки унинг бир қисмини ёхуд баъзи аъзоларини истеъфога чиқаради. Айни пайтда парламентнинг

тарқатиб юборилиши ёки ундаги сиёсий-партиявий кўпчилик ва камчилик ўзаро нисбатининг ўзгариши – бевосита, автоматик равишда партиявий кўпчилик принципи бўйича шаклланган ҳукуматнинг истеъфога чиқишига олиб келади. Агар парламентда бир сиёсий партия томонидан аниқ кўпчилик бўлмаса, коалицион ҳукумат тузилади.

Парламент қўлида ҳокимиятнинг тўпланиб қолиши мамлакатдаги мавжуд кўп партиявийлик орқали мувозанат қилиб турилади, яъни парламентда, ҳукуматда турли сиёсий партиялар вакиллари иштирок этишади, улар бир-бирларининг фаолиятини танқидий таҳлил эта бориб, охирида маълум бир мувозанатли қарор қабул қилишга келишадилар, одатда бундай қарорлар, нисбатан кўпчиликнинг манфаатига мос келадиган бўлади.

Шу боис, парламент республикасининг энг муҳим шарти бўлиб, ривожланган кўп партиялик тизимнинг мавжудлигидир.

Ижобий томони: олий ҳокимият шаҳобчаларининг бирлиги, яъни ижро ҳокимияти парламент томонидан шакллантирилади.

Камчилиги: ҳукуматнинг парламентдаги кучлар нисбатига боғлиқлиги ва шу боис унинг нобарқарорлиги, партия тизими унча ривожланмаган ҳолларда, парламент, ҳукумат таркибига ҳатто экстремистик гуруҳларнинг кириб қолиши мумкинлиги;

- парламентдаги оддий кўпчиликнинг устуворлик ҳолатини суистеъмол қилиниш хавфи.

Парламент республикаларида президентнинг мавқеи (ҳолати) асосан формал-шаклий тусдадир, реал ҳокимият ҳукумат бошлиғи - премьер-министрга мансубдир. Соф парламентлик республикалари ҳозирги кунда кўп эмас: ГФР, Италия, Ҳиндистон.

Президентлик республикаси - бунда аҳоли фақат олий вакиллик қонун чиқарувчи органинигина сайлаб қолмай, балки давлат бошлиғи - Президентни ҳам сайлайди ва у айна пайтда ижро ҳокимиятининг ҳам бошлиғи ҳисобланади. Бундай республикаларда Президент парламент республикасига қараганда кенгроқ ҳуқуққа, мустақилликка эга бўлади.

Президент ўз ваколатларини суистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида, Конституцияда “ўзаро бир-бирини тийиб туриш” мувозанатни сақлашга қаратилган мураккаб тадбири чоралар мустаҳкамланиб қўйилган. Бу Президентнинг «вето» ҳуқуқи, президент импичменти, яъни муддатидан олдин лавозимидан воз кечиш ва ҳ. Президент республикасида ҳокимият турлари бир-

биридан мустақилдир, ижро ҳокимияти парламент олдида жавобгар бўлмайди.

Аралаш (ярим президентлик) республикасида ҳам президентлик, ҳам парламентлик республикасига хос хусусиятлар уйғунлашган ҳолда, айти пайтда уларга умуман хос бўлмаган янги жиҳатлар мавжудлиги билан тавсифланади. Чунончи, ҳукумат ва президент ўртасида тўғридан-тўғри юридик алоқанинг йўқлиги характерлидир.

Бир қатор давлатларда халқ томонидан сайланган президент формал-юридик маънода ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилмайди, конституцияга кўра, унга раҳбарлик ҳукуматга юклатилган (РФ), аммо Президентнинг ҳукуматни шакллантиришига парламентнинг қуйи палатаси ишонч билдириши конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин.

Аралаш тип бошқарувли республикаларга (Франция, Португалия, Руминия, Туркия, Финляндия, Хорватия, Яман ва б.) тегишли бўлган белгилардан бири - бу президентнинг, парламент ёки унинг қуйи палатасини, ижро ҳокимияти билан енгиб бўлмайдиган низо пайдо бўлиб қолиши муносабати билан, тарқатиб юбориш ҳукукидир.

Республика шаклида аҳолининг давлатни бошқаришда қатнашуви энг кўп таъминланади.

Империя – мураккаб кўп миллатли давлат бўлиб, у қўшни давлатларни забт этиш ва куч билан ўз таркибида ушлаб туриш йўли билан пайдо бўлади ва қудратли деспотик давлатга айланади, масалан, ЖАР, ўн йиллар давомида ўз таркибида Намибияни ушлаб турган.

Бошқаришнинг республика шакли тўғрисида сўз юритган-да советча тип республикалари тўғрисида айтмасликнинг иложи йўқ. Таъкидлаш лозимки, бошқаришнинг бу шакли социалистик тип давлатларининг бир нечасигагина тегишли бўлса-да, ва улар ҳозирги кунда худди «мутлақ монархия» каби анахронизмга айланиб қолсада, барибир ҳам улар давлатчилик тарихида ўрин эгаллайди, шу боис уларга ҳозирги кун нуқтаи назаридан баҳо беришга муайян зарурат мавжуд.

Бу бошқарув шаклининг муҳим хусусиятларидан бири - унда ҳокимиятлар бўлинишининг йўқлигидир. Бундан ташқари, вакиллик органи бўлган Советлар формал-шаклан бутун, тўла ҳокимиятли бўлиб, у синфий ёки бошқа нодемократик принцип бўйича сайланар эди. Советлар - давлат ҳокимиятининг вертикал бир-бирига

бўйсунувчи органлари ягона пирамидасини ташкил этар ва шу тарзда компартия раҳбар органларининг бутун ҳокимиятлилигини ниқоблаб кўрсатар эди.

Партиявий-бюрократик раҳбарликнинг мавжудлиги Советлар фаолиятининг непрофессионал характери билан белгиланган эди.

Оддий мисол, Советлар депутатлари асосий иш жойларидан деярли ажралмаган ҳолда фаолият юргизган, шунингдек, Советлар вақти-вақти билан мажлисга чақирилиб турилган, доимий ишлашмаган. Сиёсий режимнинг нодемократик характердалиги республика давлат бошқарув шаклининг мазмунини, обрўсини кўтаришга хизмат қила олмаган.

Социалистик республиканинг уч шакли фарқланади: Париж Коммунаси, Совет республикаси ва халқ демократик республикаси, буларнинг асосида пролетариат диктатураси принципи ётган.

Қизиғи шундаки, республика тўғрисида гап кетганда, баъзан бу шаклнинг амалда монархия шакли каби мазмун касб этган ҳолларига тарих гувоҳлик беради, чунки республика шаклидаги тоталитар тузумда монархиянинг белгилари пайдо бўлган: давлат раҳбарининг умрбод ўзгармаслиги (масалан, Индонезияда - Сукарно, Югославияда - И.Б.Тито, ЖАР президенти Бокассонинг император бўлганлиги факти ва б.).

Исроил - ҳокимиятнинг ўзига хос тизимига эга бўлган парламент республикасидир. 1996 йилдан бошлаб, бу мамлакат жаҳондаги ягона давлат бўлиб, унда Президент парламент (Книссет) томонидан, премьер-министр - бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Исроил алоҳида ҳуқуқий акт сифатидаги Конституцияга эга эмас.

Қисқаси, ҳаёт, ижтимоий ва демократик ривожланиш давлат бошқарув шаклининг айрим жиҳатларини синовдан ўтказиб, муайян хулоса бериши табиийдир.

3. Ҳозирги замон кўп миллатли давлатлари шароитида давлат тузилиши шакллари муаммолари

Давлатнинг тузилиш шакли деганда давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий ташкил этилишини, давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги, давлатнинг алоҳида бўлаклари ўртасидаги, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро муносабат характерини тушунамиз.

Давлатнинг тузилиш шакли фақат оммавий ҳокимият билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки давлатнинг яна бир муҳим хусусияти, яъни аҳолининг ҳудудий ташкил этилиши билан ҳам боғлиқдир.

Гарчи давлатнинг тузилиш шакли кўринишидан мавҳум нарсага ўхшаса-да, аслида у фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳажмига бевосита боғлиқдир.

Чунончи ўз вақтида ва тўғри ҳал этилган давлат тузилиши масаласи давлатнинг барқарорлигини, унинг самарали аҳамиятини маълум даражада таъминлайди, ёки аксинча, давлатнинг характери ва вазифаларига мос бўлмаган тузилиш шакли давлатнинг тарқалиб кетишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, ҳар қандай давлат муайян чегараланган ҳудудда жойлашган ва ўз фаолиятини, турли функцияларини амалга ошириш учун, марказдан туриб бошқаришни енгиллаштириш мақсадида ўз ҳудудини муайян бўлақларга бўлиб, уларда маҳаллий ўз органларини таъсис этишга мажбур бўлади. Шу аснода марказий ва маҳаллий органлар ўртасида ваколатни бўлишга тўғри келади, иккинчи томондан давлат аҳолиси кўп миллатли бўлиши мумкин, чунки ҳар бир халқ, миллатнинг ўз анъаналари, давлатчилигининг тарихий тажрибаси мавжуд, маданий, тил ва бошқа маънавий эҳтиёжларга эга. Бундан ташқари, субъектив, тасодифий омиллар ҳам роль ўйнаши мумкин (ўзлаштириб олиш, мустамлакачилик таъсири, сиёсий манфаатлар ва б.)

Давлат тузилишининг асосан икки шакли мавжуд: унитар ва федератив.

Унитар (ягона, латинча «унус» - битта, французча «unitaire» - ягона, яхлит) давлат оддий тузилишга эга яхлит давлат бўлиб, тўла сиёсий бирлиги билан фарқланади, у вертикал бўйсуниб бўйича қурилган давлат ҳокимиятининг ягона органларига эга. Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-ҳудудий бўлинишга эга: туманлар, вилоятлар, кантонлар. Бироқ бу маъмурий тузилмалар мустақил бўлмай, марказий ҳокимият органларига бўйсунди, унитар давлат бўлинмасдир.

Айни пайтда, унитар давлат таркибида, агар у кўп миллатли бўлса, алоҳида маъмурий-ҳудудий бўлинмалар - автономия (мустақил мухторият)ларни ташкил этиш мумкин.

Автономия(грекча «autonomia» - ўзим - қонун) - давлатнинг шундай бир бўлагики, у ўз ички масалаларини ўзи ечиш ҳуқуқига эга,

у бир давлат таркибида яшовчи халқларнинг сони ва ривожланишидаги нотекислик натижасида вужудга келган. Автономия унитар давлатдан ташқари федератив давлат таркибида ҳам тузилиши мумкин (масалан, Италияда - автоном вилоятлар, РФда - автономиялар: округлар, вилоятлар, ўлкалар).

Автоном тузилмаларда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи бошқа аҳолига қараганда кенгроқ бўлади. Бироқ, автономиялар мустақиллиги марказий ҳокимият белгилаган доирадагина йўл қўйилади.

Унитар давлатдаги автономияда ваколат марказдан қуйига берилса, федерацияда, аксинча, субъектлардан федерацияга берилади ва федерация субъектлари тенг ҳуқуқлидир.

Унитар давлатлар: Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам Социалистик Республикаси, Греция, Грузия, Дания, Доминикан республикаси, Миср араб республикаси, Исроил, Индонезия, Иордания, Ироқ, Эрон, Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Йемен, Қозоғистон, ХХР, Колумбия, КНДР, Корея Республикаси, Коста-Рика, Куба, Ливан, Ливия, Люсембург, Македония, Мальта, Марокко, Монголия, Мьянма, Нидерландия, Янги Зеландия ва б. Жанубий Африка республикаси – федерализм элементларига эга унитар давлатдир, 9та провинцияси кенг ваколатларга эга, шу жумладан, қонун чиқариш автономиясига ҳам.

Федератив давлат(лотинча «federatio» - иттифоқ, бирлашиш) - мураккаб тузилма бўлиб, у ўз таркибида маъмурий-ҳудудий ёки миллий тузилмаларга - федерация аъзолари (субъектлари)га эга бўлади ва улар муайян даражада мустақилликка эга бўладилар(АҚШда - штатлар, ГФРда - ерлар, Швейцарияда - кантонлар).

Федерацияда бутун федерация учун умумий бўлган олий ҳокимият ва бошқарув органи тузилади, айти пайтда федерация субъектларида ҳам ўз олий ҳокимият ва бошқарув органи сақланади, баъзан ўз қонунчилиги, солиқлар тизими, суд органларига ҳам эга бўлиши мумкин. Федерация аъзоларининг манфаатини ифода этиш учун умумдават микёсида икки палатали парламент тузилади(АҚШ, Швейцария, РФ).

Унитар давлат кўп миллатли, федератив давлат эса асосан якка миллатли ҳам бўлиши мумкин, масалан, Болгария - кўп миллатли унитар давлат, АҚШ эса, бир миллатли федератив давлат.

Бу икки давлат тузилиши шакли ўртасидаги асосий фарқ - ҳудудларининг бўлиниш шакли ва давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш тизимидадир.

Айни пайтда аҳолининг миллий таркиби давлат тузилиши шаклига таъсир этмай қолмайди, шу боис федератив давлатларни маъмурий федерация (АҚШ, ГФР, Мексика, Бразилия ва б.) ва миллий федерация (ЮСФСР, ЧСФР, СССР, РФ ва б.)га бўлиш мумкин. Маъмурий федерацияда ҳудудларнинг бўлиниши асосига объектив мезонлар: жойларнинг рельефи, тузилиши, иқлимий шароитлар, фойдали қазилмаларнинг жойлашуви, аҳоли зичлиги, мавжуд хўжалик-иқтисодий алоқалар, тарихий анъаналар ва б. Қўйилади.

Миллий федерацияда эса, ҳудудий бўлинишга асос қилиб, субъектив омил бўлган аҳолининг миллий таркиби олинган. Шу сабабли миллий федерациялар давлат тузилишининг мустақил шаклига айлана олмайди, Югославия, Чехословакия, СССР федерациялари тақдири бунга мисолдир, айни пайтда РФда ҳам федерал ҳокимият билан субъектлар ўртасидаги муносабат (масалан, Чеченистон билан) унчалик барқарор эмаслиги аён.

Конституциялар дунёдаги барча федерацияларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади, унга ўзгартириш киритиш федерал органларнинг ваколатига тааллуқлидир. Баъзан федерация ва унинг субъектлари ўртасидаги муносабат шартнома асосида ҳам қурилиши мумкин, яъни шартномали федерациялар. РФ аралаш, яъни конституцион-шартномали федерация ҳисобланади.

Федератив тузилиш қуйидаги асосларда тузилади:

1) икки ёки ундан кўп мустақил шаклланган давлатларнинг мавжудлиги;

2) бирлашмоқчи бўлган давлатларнинг нисбатан унча катта бўлмаслиги, чунки бирлашгач, ягона давлат сифатида мавжуд бўла олиши керак ҳам ҳаётий, ҳам сиёсий жиҳатдан;

3) бирлашаётган давлатлар ҳақиқатан ҳам бир-бирига аниқ муҳтож бўлиши – ҳам стратегик, ҳам иқтисодий жиҳатдан;

4) халқнинг бу нарсага тайёр бўлишлик хусусияти, яъни мажбуриятларни бажаришга тайёргарлик, «буюклик» маниясининг йўқлиги ва б.

Федерацияга мисоллар: **Канада**- 10 та провинция; **Ҳиндистон** - 25та штат; **ГФР** -16та ер; **Венесуэла** - 20 та штат, 1та Каракас федерал округи, 2та федерал ҳудуд ва 72 та ороллардаги федерал ерлар;

Малайзия - 13та штат ва 2та федерал территория(Куала-Лумпур ва Лабуан ороли); **Мексика** - 31та штат ва 1та пойтахт федерал округи; **Нигерия** - 30та штат ва Абуджа федерал пойтахт ҳудуди; **Покистон** - 4та провинция ва Исломобод федерал пойтахт округи; **РФ** - 88 та тенг ҳуқуқли субъекти: 21та республика, 5та ўлка, 49та вилоят, федерал аҳамиятидаги 2та шаҳар, 1та автоном вилоят, 10та автоном округ; **АҚШ** - 50та штат ва Колумбия федерал округи; **Танзания** - 2та субъекти бор: мамлакатнинг материк қисми - Танганьика ва орол қисми - Занжибар; **Швейцария** - 23та кантон ва 3та ярим кантон; **Эфиопия федератив демократик республикаси** - 9та штат; **Югославия Иттифоқ республикаси** - Сербия ва Черногориялардан иборат.

Конфедерация - бу суверен давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий вазифаларни биргаликда ечиш учун тузилган иттифоқидир (лотинча «конфедерацио» - ҳамжамият).

Конфедерация федерациядан фарқ қилиб, у муайян, чекланган мақсадларга эришиш учун муайян тарихий давр доирасида тузилади. Конфедерацияни тузган давлатлар суверен бўлиб қолаверади, халқаро муносабатлар субъекти бўлаверади, ўз фуқаролигини, ҳокимият органлари ва бошқарув тизимларини, судлов тизимини сақлаб қолади.

Таъкидлаш лозимки, конфедерация кам учрайдиган ва унча барқарор бўлмаган тузилма, шу боис кўзланган мақсадларга эришгач, тарқалиб кетади (масалан, Миср ва Сирия араб-исроил низоси вақтида Бирлашган Араб Республикасини тузган эдилар, у Яқин Шарқда аҳвол нормаллашгач, тарқалиб кетган) ёки баъзан федератив давлатга айланган, масалан, Швейцария федерацияси 1848 йилгача конфедерация шаклида мавжуд бўлган.

Конфедерация доирасида қабул қилинган актлар, аъзоларнинг олий ҳокимият органи томонидан маъқулланиши лозим. Конфедерация аъзолари ўзларининг мустақил даромад манбаларига эга бўлиб, уларнинг маълум қисмини конфедерация бюджетига ўтказишади. Армия ҳам аъзо давлатлар ҳарбий қисмларидан иборат бўлиб, у умумий қўмондонлик ихтиёрига умумий қарорга кўра жўнатилади.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги - МДХни ҳам ўзига хос конфедерация шакли деган фикрлар илмий адабиётда учраб турмоқда, чунки у бир пайт ягона бўлган давлат - СССРнинг тарқалиб кетиши натижасида пайдо бўлади, шу боис унда иқтисодий,

сиёсий, ҳарбий мақсадлар билан бир қаторда, ушбу давлатлар халқи ўртасида тарихий, этник, маданий бирликни мустаҳкамлаш, уни йўқотмаслик каби вазифалар турибди. Бундай бирлик бу иттифоқнинг тезда тўлақонли бўлишига хизмат қилмоғи лозим эди, аммо амалда у ҳали шаклланиш босқичини ўтмоқда

Кейинги пайтларда қитъанинг 25 давлатини бирлаштирган Европа Иттифоқи конфедератив бирлашувга мисол бўла олади, деган фикр илмий адабиётларда учраб турибди. Фикримизча, бу масала мунозарали бўлиб, у кенг илмий жамоатчиликнинг эътирофига муҳтож.

4. Ҳозирги замон давлати сиёсий режими ва унинг кўринишлари. Тоталитаризм.

Давлатлар у ёки бу тарихий типга тегишлилиги, шунингдек, муайян давлат бошқарув шакли ва давлат тузилиш шаклига эга бўлишларидан ташқари бир-бирларидан ўз сиёсий режимлари билан ҳам фарқланадилар. **Сиёсий режим (давлат режими)** деганда ҳокимият тепасида турган гуруҳлар, синф ёки қатламларнинг давлат ҳокимиятини амалга ошириш услублари йиғиндиси тушунилади.

Сиёсий (давлат) режим давлат шаклининг энг ҳаракатчан (динамик) қисми бўлиб, у атрофдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муҳитда содир бўладиган энг муҳим жараёнлар ва ўзгаришларга, хусусан, ижтимоий-сиёсий кучлар нисбатига сезгирлик билан эътибор беради.

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётда сиёсий режимнинг тор ва кенг маънодаги талқини мавжуд. Тор маънода у давлат раҳбарлигининг усул ва воситалари йиғиндиси деб деб тушунилса, кенг маънода эса, у - шахснинг демократик ҳуқуқ ва сиёсий эркинлигининг кафолатланганлик даражасини, расмий конституциявий ва ҳуқуқий шаклларнинг сиёсий амалиётга мувофиқ келиш даражаси, ҳокимият тузилмаларининг давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларига нисбатан бўлган муносабатини англатади.

Сиёсий (давлат) режими – бу давлат ҳокимиятининг амалга оширишда ҳокимият субъектлари томонидан қўлланиладиган усул ва воситалар мажмуидир.

Давлат режими ҳам бошқариш ва тузилиш шакли каби бевосита ҳокимият билан алоқадир, бироқ бу боғлиқлик ўзига хосдир. Сиёсий режим тўғридан тўғри давлат органлари тизими, ёки давлатнинг

худудий бўлинмалари билан бевосита боғлиқ бўлмай, балки, умуман, давлатнинг амал қилиши, ҳокимиятнинг ташкилий-расмий ифодаси сифатида намоён бўлади.

Сиёсий режимнинг тушунчаси тўғрисида юрист-олимлар орасида фикрлар хилма-хиллиги мавжуд. Юқоридаги таъриф кенг тарқалгани ҳисобланади. Шу билан бир қаторда сиёсий режимни «давлат ҳокимиятнинг ташкил этилиш шакли, ифодаси бўлиб, у жамиятдаги демократиянинг (характери) ва сиёсий эркинликнинг характери ва ҳолатида, аҳволида ифодаланадиган» категория сифатида ҳам тушуниш мавжуд (В.С.Петров).

Яна бир ёндашувга кўра, сиёсий режим давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг усул ва воситалари йиғиндиси бўлиб, улар орқали давлат ҳокимияти ўзининг мавжудлигини ва фаолиятини легитимлаштиради. Легитимлаш деганда, ҳокимият моҳиятининг халқнинг адолат тўғрисидаги тасаввурларига мос келиши тушунилади.

Сиёсий режимни бутунлай бошқача тушунувчи ёндашувлар ҳам мавжуд: М.Орниу (Основы публичного права. М., 1929) сиёсий режимни ҳокимиятнинг давлатий ва нодавлатий ҳолати сифатида тавсифлайди. У маъмурий ва конституциявий режимларни ҳам ажратади, қисқаси у сиёсий режим тушунчасини давлат тузуми билан, конституциявий режимни ижтимоий тузум билан чеклаштиради.

Сиёсий режим давлат шаклининг энг динамик, ҳаракатчан таркибий қисми бўлиб, у жамиятдаги ўзгаришларга жуда сезувчандир. Давлат режимини анламасдан туриб, давлатнинг моҳият ва мазмунини англаш қийин. (Масалан, нима учун монархия бошқаруви бўлсада, баъзи давлатларда демократия кучлироқ, баъзи республика шаклидаги давлатларда эса аксинча ва ҳ.к.).

Давлат режими ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмасдан, балки қатор объектив ва субъектив факторлар таъсири остида таркиб топади.

Сиёсий режим моҳиятини англашда давлат ҳокимиятининг аҳоли билан ўзаро таъсири қандай йўллар ва усуллар билан амалга оширилиши, сиёсий соҳада ижтимоий қатламларнинг ҳақиқий муносабати қандай намоён бўлади, турли жамоат ташкилотларининг сиёсий мавқеи қандай, аҳолини бошқариш бўйича давлат органлари аслида қандай рол ўйнайдилар каби саволларга жавоб топиш мумкин.

Сиёсий режимларнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд. Муайян сиёсий режимнинг шаклланишига жуда кўп омиллар, чунончи, давлат

моҳияти ва шакли, қонунчилик характери, давлат органларининг реал ваколатлари ва улар фаолиятининг ҳуқуқий шакли, ижтимоий-сиёсий кучлар нисбати, ҳаёт даражаси ва стандартлари, иқтисодий аҳвол, синфлараро муносабат, мамлакатнинг тарихий анъаналари, ижтимоий-сиёсий муҳит, халқаро аҳвол таъсир ўтказади.

Муайян сиёсий режимнинг шаклланишига таъсир этувчи **объектив омиллар** қуйидагилардир:

1) иқтисоднинг характери: унинг марказлашуви ёки номарказлашуви, режалаштирилганлиги ёки бозор иқтисодиётининг амал қилиши;

2) жамиятнинг ривожланиш даражаси;

3) жамиятнинг умумий, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти;

4) давлат типи ва шакли;

5) жамиятда ижтимоий-синфий кучлар нисбати;

6) тарихий, миллий, диний ва маданий анъаналар;

7) жамият тепасида турган сиёсий элитанинг хусусияти.

Сиёсий режимга таъсир этувчи **субъектив омиллар**:

- халқ руҳи ва иродаси

Халқ сиёсий режимга ўзининг суст, заиф, бефарқ муносабати билан салбий ҳамда фаол, мақсадга йўналтирилган муносабати билан ижобий таъсир этиши мумкин.

Сиёсий режимнинг таркибий қисми сифатидаги давлат режимини тавсифловчи жиҳатлар қуйидагилардир:

1. Давлат ҳокимияти органларини шакллантириш усули ва тартиби;

2. Давлат органлари ўртасида ваколатлар тақсимооти тартиби ва ўзаро муносабати;

3. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлик даражаси;

4. Ҳуқуқнинг жамият ва давлат ишларини ҳал этишдаги роли;

5. Давлат механизмида армия, полиция, разведка ва бошқа махсус хизматларнинг ўрни;

6. Фуқаролар ва улар бирлашмаларининг жамият ва давлатни бошқаришда реал иштироки;

7. Жамиятда юзага келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этишнинг асосий воситалари.

Турли тарихий даврларда турлича режимлар шаклланган, масалан, қулдорчилик тузумига деспотик, теократик монархия, аристократик олигархия, қулдорлик демократияси режимлари мансуб

бўлган бўлса, феодализм даврида мутлақ, «феодал демократия-си»нинг ўзига хос режимлари:клерикал-феодал, ҳарбий-полиция, «маърифатли абсолютизм» режимлари бўлган, капиталистик тузумда эса либерал, буржуа-демократик ёки конституцион, бонапартча, ҳарбий-полиция, фашистик, шунингдек, «фашистсимон», масалан, корпоратив ёки ирқчи-миллатчи, яна диктатор-монопол, кўғирчоқ, баъзи ислом давлатларида клерикал-фундаментал сиёсий режимлар амал қилган.

Сиёсий режимларнинг турличалигига қарамай уларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- демократик сиёсий режим;
- ғайридемократик сиёсий режим.

Демократик сиёсий режим - бу давлат ҳокимиятини озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi ва озчиликнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида амалга ошириш услублари йиғиндиси.

қадимги демократия сиёсий режими кулдорларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берган, кулларни эса барча ҳуқуқлардан маҳрум этган. Бундай режим **аристократик режим** деб номланган.

Бунга яқин турган сиёсий режим бу **олигархия** (озчилик ҳокимияти) - бир гуруҳ эксплуататорлар ҳукмронлигидир. Унинг бир тури бўлган молиявий олигархияда аристократик режимдан фарқ қилиб, ҳокимият мерос тариқасида ўтмай, балки энг бой одамлар ҳокимияти бўлган. Жамият ривожлана борган сари бу сиёсий режимлар уларга нисбатан демократик бўлган режимлар билан алмашган.

«Демократия» сўзи “ҳалқ ҳокимияти” деган маънони англатади - унда ҳокимият халқ томонидан сайлаб қўйилган коллегиял орган томонидан амалга оширилади. Айни пайтда демократик сиёсий режим турли давлатларда ҳар хил бўлади, бу аҳолининг сайлаб қўйиладиган органда вакиллиги даражаси, халқнинг давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинишида бевосита таъсири имкониятларига боғлиқ бўлади. Шу боис бевосита ва вакиллик демократиялари фарқланади. Бевосита демократияда аҳолининг давлат ва жамоат ҳаётига оид масалаларни ҳал этишда референдум, манифестация, забастовка, митинглар йўли билан қатнашиши тушунилади.

Вакиллик демократиясида эса, халқ ўзи шакллантирган давлат органига - парламент, президент, таъсис мажлисларига ўзига тегишли

ҳокимиятнинг маълум қисмини беради. Демократик давлат мана шу бевосита ва вакиллик демократиясини қўшиб олиб борилишига асосланиб қурилади.

Ғайридемократик сиёсий давлат режими - бу давлат ҳокимиятини кўпчилик ёки озчиликнинг ҳам фикрини ҳисобга олмасдан ўзбошимчалик асосида амалга ошириш услублари йиғиндисидир.

Айни бир сиёсий режим давлат турли бошқарув шаклларида мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, бошқарув шаклига кўра Англия - чекланган монархия, Германия ва Италия - парламент республикалари, АҚШ - президентлик республикаси, Франция - аралаш республика, бироқ бу мамлакатларда буржуа демократияси режими мавжуд, ва аксинча, давлат бошқарув шакли бир хил бўлган мамлакатларда сиёсий режим турлича бўлиши мумкин. Масалан, бошқарувнинг парламентлик республика шакли жорий қилинган кўпчилик мамлакатларда давлат режимлари турлича: демократиядан то фашистик режимгача.

Демак, сиёсий (давлат) режим давлат шакли каби етарли даражада мустақил намоён бўлади. Унинг ёрдамида ҳукмрон синфлар давлат бошқаруви ва тузилишининг формал асосларини бўзмай, давлат шаклини мамлакатдаги ўзгарувчан сиёсий вазиятга мослаштиришлари мумкин. Давлат режими мамлакатдаги вазиятга энг берилувчан барометрдир. У ўзининг моҳиятини ўзгартирмасдан туриб, давлатнинг у ёки бу ривожланиш босқичида турли жиҳатлари билан намоён бўлади ва доимий тарзда давлат тузилишига, бошқарув шаклига, давлат аппаратининг тузилмасига таъсир кўрсатади.

Давлат сиёсий режимига хос бўлган қонуният шундан иборатки, жамиятда умумий ёки хусусий манфаатларнинг муайян нисбати давлат режимининг ўзгаришига олиб келади ва, аксинча давлат шаклининг ўзгариши сиёсий режимни ўзгаришига олиб келади.

Демократик сиёсий режимнинг хусусиятлари:

1) фуқаролар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларининг эълон қилиниши ва амалга оширилиши;

2) бир қатор, шу жумладан, мухолифатчи партияларнинг мавжудлиги;

3) давлат ҳокимияти марказий ва маҳаллий органларининг алмашилиб туриши ва сайлаб қўйилиши;

4) конституциявийлик ва қонунийлик принипининг расмий тан олиниши;

5) ҳокимиятлар бўлиниши принципи;

6) вакиллик ва бевосита демократия институтларининг мавжудлиги;

7) демократик қонунчиликнинг мавжудлиги.

Тарихда демократик режимларнинг турли шакллари мавжуд бўлган.

Демократик сиёсий режимнинг бир кўриниши - бу **социал демократик режим**дир. У жамиятда ҳали ўрта синф узил-кесил шаклланмаган давлатлар учун хос. Бу режимнинг хусусиятлари:

а) **сиёсий соҳада:**

- кенг сиёсий демократия;
- давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг демократик ва ҳуқуқий методлари;
- шошма-шошарликсиз амалга ошириладиган ислохотлар;
- жамият ривожланишининг эволюцион йўли.

б) **ижтимоий-иқтисодий соҳада:**

- кўп укладли иқтисодиёт;
- кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш;
- прогрессив солиққа тортиш тизими;
- ижтимоий йўнлтирилган бозор;
- ижтимоий дастурлар мавжудлиги.

Ҳозирги кунда энг кенг тарқалган демократик режим – **парламент демократияси** ҳисобланади, бунда бутун халқ томонидан умумий, тенг сайлов ҳуқуқи орқали сайланадиган парламентга ҳокимият берилади.

Парламент демократиясининг кўринишларидан бири – **либерал демократик режим** бўлиб, унинг асосий хусусиятлари – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг фуқаролар шахсий ҳаётига аралашувни чеклаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳисобланади.

Ғайридемократик режим – давлат ҳокимиятининг якка шахс қўлида (диктатор) ёки бир гуруҳ шахслар (хунта) қўлида тўпланишига асосланади. Бундай режимлар автократик (юнонча «autokratus» - ўз ҳокимияти) ёки авторитар (лот. «autoritas» - шахсий ҳокимият) шаклларида бўлиши мумкин.

Деспотия (юнонча – чекланмаган ҳокимият) режими – бу мутлақ монархия давлатлари учун хос бўлиб, у бир шахс томонидан амалга оширилган ва аҳолини қўрқувда ушлаб туришга асосланган. Ўрта Ер денгизи, Яқин Шарқ, Африка ва Жанубий Америка давлатларида, яъни Осиёча пайдо бўлган давлатларда учраган.

Тираниянинг деспотиядан фарқи: ҳокимият истило, зўрлик орқали ёки қонуний ҳокимиятни ағдариш орқали ўрнатилиб, ўзбошимчалик, қўрқитишга асосланади (қадимги Юнонистон полисларида, ўрта аср шаҳар-давлатларида).

Нодемократик сиёсий режим хусусиятлари:

- 1) фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг бекор қилиниши ёки анча чекланиши;
- 2) мухолифатчи ва бошқа партиялар фаолиятининг тақиқланиши;
- 3) сайлаб қўйиладиган давлат органлари мавқеининг чекланганлиги (пастлиги);
- 4) ижро органларининг кучайиши;
- 5) давлат бошлиғи ёки ҳукумат бошлиғи қўлида жуда катта ваколатларнинг тўпланиши;
- 6) парламент ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг оддий формал институтлар ҳолатига олиб келиб қўйилиши.

Тоталитар режим бу XX аср ҳодисаси бўлиб, у авторитар режимнинг энг қўпол шакли ҳисобланади.

«Тоталитаризм» атамаси лотинча «totalis» - “яхлит”, “бутунлай”, “тўла” маъноларини англатади. Уни сиёсий муомалага биринчи марта Бенито Муссолини 1923 йили киритган. Тоталитаризм назарияси XX асрнинг 40-50-йилларида шаклланган, асосий хусусияти - фуқаролар ҳаётига аралашувнинг жуда кенг кўлам касб этиши бўлиб, у ҳаётнинг ҳамма соҳаларига кириб боради, ҳамма нарсани назорат қилади. Унинг хусусиятлари:

- ҳокимият монизми (плюрализмнинг йўқлиги);
- тоталитар ҳақиқатга бўлган монопол ҳуқуқ;
- коллектив-механистик дунёқараш (давлат-машина, инсон-винт);
- ижтимоий ҳаётнинг мафкуралашганлиги (давлат миқёсида ягона мафкуранинг жорий этилиши);
- ҳар қандай бошқа фикрга ўта тоқатсизлик, ҳар қандай бошқа мафкуранинг ман этилиши;
- ахборот тарқатишга монопол давлат ҳуқуқи;
- ОАВ устидан тўлиқ контрол;
- фуқаролик жамиятининг тугатилиши, хусусий ҳаётнинг йўқлиги;

- инсоннинг ўзига хослигини йўқотувчи тенглаштириш принципи;

- ўз аҳолисига нисбатан оммавий террор;
- ҳуқуқ, Конституция билан ниқобланиш;
- давлат аппаратининг партия томонидан эгалланиши;
- бутун ҳокимиятнинг ягона партия аппаратига мансублиги;
- ҳокимиятнинг қаттиқ марказлашганлиги
- доҳийга сиғиниш.

Тоталитаризмнинг асосий кўринишлари:

- **коммунистик тоталитаризм** (собиқ СССРда XX аср 20-йилларининг охирида шаклланиб, то 50 йилгача давом этган);
- **фашизм** (биринчи марта 1922 йилда Италияда ўрнатилган);
- **национал-социализм** (1933 йили Германияда).

Нодемократик сиёсий режимнинг энг хавфли кўриниши **фашизмдир**. Демократик услублар билан бошқара олмаган ҳокимият зўрлик усулига ўтади.

Фашистик режим хусусиятлари:

- бошқарувнинг репрессив усуллари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ижтимоий ва сиёсий демагогиянинг уйғунлашуви;

-ОАВ орқали сингдирилган антисемитизм ва бошқача фикрловчиларни таъқиб қилиш;

-халққа қарши сиёсатни «халқ ҳақида ғамхўрлик» шиорлари билан хаспўшлаш;

-фашистик йўлбошчилар сиёсатига қўшилмаганларни доимий равишда давлат даражасида овлаш;

-ҳукмдор элитанинг армия, полиция ва бошқа репрессив органларга таяниши;

-доҳийнинг улкан ҳокимиятга эгалиги (фюрер, дуче ва ҳ.);

-ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мутлақ устунлиги, диктатураси;

-парламент тузилмаларининг «фалажлиги» ва сиёсий таъсирининг йўқолиши;

-вакиллик ҳокимиятининг сиёсатбозлар ҳокимияти билан алмашинуви;

-парламентнинг ўз ваколати – қонун ижод этишдан маҳрум этилиши (Германияда 1933 йил 24 мартдаги «Халқ ва давлатнинг ҳалокатли ҳолатини тугатиш тўғрисида»ги қонунга кўра қонун чиқариш ваколати ҳукуматга берилган. Бу қонунлар Конституцияга

мос келмаслиги ҳам мумкин бўлган, халқаро шартномалар парламент ратификациясига муҳтож бўлмаган).

Авторитар режим: Конго, Малайзия, Перу, Сирия, Танзания(баъзи демократик тенденциялари бор), Иордания, Ирок, Яман.

Либерал режим: Мексика (демократия ва бюрократик авторитаризм элементлари билан), Шри-Ланка.

Нобарқарор сиёсий режим: Покистонда чекланган ислом демократияси ҳарбий диктатура билан даврий равишда алмашиб туради.

Эронда **креликал-авторитар режим**, Конституция ва 1981 йилги қонунга кўра сиёсий партиялар ва ноислом ташкилотлар фаолияти таъқиқланган.

Корея ХДРда сиёсий режим хусусияти мамлакат доҳийси Ким Ир Сен (1918-1944) ва унинг расмий меросхўри Ким Чен Ир шахсига сиғинишда кўринади.

6. Ҳозирги замон давлати функциялари хусусиятлари

Давлатнинг функциялари моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатни, аниқроғи давлатнинг фуқаролик жамияти ишларига таъсир этиши доирасини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. Давлат оммавий-сиёсий институт сифатида фуқаролик жамиятига нисбатан бошқарувчи тизим сифатида ўзини намоён этади. Фуқаролик жамияти ўзини-ўзи бошқарадиган тизим бўлиб, у давлатнинг таъсир этиш даражасини ҳам ўзи белгилайди.

Фуқаролик жамиятининг ўзини ўзи тартибга солишнинг асосий механизмлари сирасига эркин бозор(иқтисодий механизм), сиёсий эркинлик ва мустақил одил судловдан бемалол фойдаланиш (юримдик механизм) киради.

Давлатнинг функциялари бу унинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан фаолиятининг асосий йўналишлари. Илмий адабиётда «давлатнинг бош(генерал) функцияси» атамасидан фойдаланилади. Давлатнинг бош функцияси - унинг жамиятга, фуқаролик жамиятига нисбатан тутган ўрнини белгилаб беради.

Либертар назарияга мувофиқ давлатнинг минимал функциялари ажратилади. Ҳар қандай давлатнинг олдига ҳар қандай даврда икки вазифани амалга ошириш масаласи туради, яъни либертар назарияга кўра, давлатнинг икки минимал функцияси мавжуд:

а) фуқароларнинг эркинлиги, хавфсизлиги ва мулкини таъминлаш;

б) коммуникациялар тизимини шакллантириш (транспорт, алоқа).

Почта, темир йўллар доимо давлат қўлида бўлиши керак, чунки хусусий қўлга ўтиши уларнинг бир маромда фаолият кўрсатишини таъминлай олмаслиги мумкин.

Давлатнинг фуқаролик жамиятига аралашув даражаси масаласида икки ёндошув мавжуд:

а) либерал ёндошув, унинг вакиллари Джон Локк, Адам Смит.

Бу ёндошувга кўра, давлат фуқаролик жамиятининг ишларига қанчалик кам аралашса, шунчалик халқ учун яхши.

б) этатистик ёндошув – бу ёндошувнинг таъкидлашича, давлат жамият ишларига қанчалик кўп аралашса, жамият учун фойдали, бироқ, бу аралашув, албатта оқилона доирада бўлиши керак.

Либерализм назариясига кўра давлат «тунги қоровул» вазифасинигина ўташи керак, яъни давлат жамиятга нисбатан минимал функцияларгагина эга (XIX асрдаги монопол гуруҳлар) деган фикрни илгари суради.

Этатизмнинг икки кўриниши мавжуд:

-авторитар,

-демократик тартибга солиш.

Авторитаризм фуқаролик жамиятини, ўз-ўзини бошқаришни йўқотиб юбормайди, бироқ унинг ҳаракатига, ривожланиш даражасига таъсир этади, мас., тоталитар жамиятларда.

Демократик этатизм – «Умумфаровонлик давлати» ёки ижтимоий ҳуқуқий давлатларда мавжуд бўлади», бунда давлатнинг фуқаролик жамиятига аралашув даражаси фуқаролик жамияти эҳтиёжлари билан белгиланади.

Минимал (либерал)давлат – индустриал ривожланган давлатларда эркин рақобат даврида шаклланган. Давлат ўзининг ҳуқуқий вазифасини бажариш ва коммуникациялар тизимини барпо этиш учунгина фуқаролик жамиятига аралашади.

6.Ҳозирги кунда фуқаролик жамиятига давлат аралашувининг икки шакли мавжуд:

а) мўътадил (умеренный) этатизм,

в) неолиберализм.

Бу шакллар социал –ҳуқуқий давлатда мавжуд, яъни ҳозирги кўпчилик ривожланган давлатларда амал қилади.

7.Социал (ижтимоий) давлатнинг патерналистик функциялари мавжуд бўлиб, бу функциялар минимал функциялар доирасидан чиқадиган функциялардир.

Социал давлатнинг патерналистик функциялари:

а) ижтимоий иқтисодий вазифа – бунда давлат эркин рақобатни таъминлаган ҳолда миллий даромадни қайта тақсимлаш орқали аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам беради;

б) маданиятнинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш функцияси – бунда давлат бевосита ижод жараёнига аралашмай, маданият ва санъатнинг ривожланиши учун тегишли шароитларни таъминлайди;

в) экологик вазифа – бу вазифани амалга оширишда хусусий ташаббуслар таннархи қимматга тушиб кетади, шу боис бу вазифа асосан давлат зиммасида.

Ҳозирги замон давлати ва глобал муаммолар

Ҳозирги замон давлати функцияларининг мазмуни жаҳонда мавжуд глобал муаммолар билан муайян даражада боғлиқдир¹. Шу ўринда глобал атамасининг мазмунини аниқлаб олишимиз лозим бўлади. Глобал сўзи французча Global-умумий, умумжаҳон, латинча globus-шар маъноларини англатиб, бутун ер шарига, бутун дунёга нисбатан ишлатилади.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичи бутун дунёга, яъни бир ёки бир неча давлат доирасидан ташқарига чиқадиган ва умумжаҳон мазмун кашф этадиган муаммолар кўпайиши билан тавсифланади.

В.Н. Протасовнинг фикрича, кишилиқ жамияти глобал муаммоларини икки турга ажратиш мумкин.

Биринчисига инсоният тараққиётининг маромий ривожланиши маҳсули ҳисобланган, бироқ умумжаҳон аҳамиятига эгаллиги боис, бутун кишилиқ жамиятининг кучи ва саъй ҳаракатларини талаб этадиган муаммолар, мас., жаҳон масштабида ахборот тизимини вужудга келтириш ва ш.к.

Иккинчи тур глобал муаммолар ўз мазмунига кўра жаҳон цивилизациясини йўқ қилиб юбориш таҳдидини ўзида ифодалайди, улар сирасига экологик ҳалокатлар, ядро технологиясидан фойдаланиш асоратлари, демографик, хом ашё ва энергия соҳасидаги инқирозларни киртиш мумкин.

¹ Ҳозирги замон давлати ва глобал муаммолар параграфи В.Н.Протасовнинг «Глобальные Проблемы и функции современного государства» параграфи асосида тайёрланган. В.Н.Протасов. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства.М.:Новый юрист.1999.

Кишилиқ жамияти олдида глобал муаммоларнинг мавжудлиги давлатларнинг глобал функциялари пайдо бўлишига олиб келади. Бундай функциялар барча давлат кучларини бирлаштиришни, умумлаштиришни талаб этади.

Маълумки, давлат функциялари таснифига оид илмий манбаларда давлат функцияларини ички ва ташқи давлат функцияларига ажратиш кенг тарқалган. Глобал функцияларнинг мавжудлиги давлат функцияларини бундай таснифлашнинг мазмунини заифлаштириб юборади. Масалан, Орол муаммоси бугунги кунда нафақат минтақавий, балки умумжаҳон аҳамиятга молик муаммо ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳозирги замон давлатнинг глобал характердаги функциялари сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш,
- экологик ҳалокатларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини тугатиш,
- демографик, хомашё ва энергия масаласига оид муаммолари,
- халқаро жинойтчиликка қарши кураш ва умумжаҳон ҳуқуқий тартиботини ўрнатиш,
- космосни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик,
- умумпланета ахборот-информациявий тизимини ташкил этиш,
- ва бошқа функциялар.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги давлат функциялари барча ривожланган давлатлар учун хос бўлган функциялардан иборат.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Давлат шаклини тушунишдаги плюрализм
2. Ҳозирги замон давлатлари шакли ривожланиши тенденциялари
3. Бошқарув шакли ривожланиш хусусиятлари
4. Кўп миллатли давлатлар шароитида давлат тузилиш шакли хусусиятлари
5. Ҳозирги замон давлати сиёсий режими ва унинг кўринишлари
6. Ҳозирги замон давлати демократик режими белгилари
7. Тоталитаризм ва унинг белгилари
8. Ҳозирги замон давлати функциялари ва глобаллашув жараёнлари
9. Модернизациялаш шароитида Ўзбекистон давлати функциялари.

5- МАВЗУ: ҲУҚУҚНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ҚИЙМАТИ

Режа:

1. Ҳуқуқни тушунишдаги плюрализм.
2. Легизм ва унинг моҳияти.
3. Юснатурализм ва унинг мазмуни.
4. Юридик либертаризм.
5. Ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш
6. Юридик онтология, гносеология ва аксиология
7. Либертар ҳуқуқни тушуниш шароитида ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари

АДАБИЁТЛАР:

- 1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2003.
- 2 Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ. 1998.
- 3 Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002.. 76 б.
- 4 Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
- 5 Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
- 6 Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабр.
- 7 Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. С.
- 8 Исламов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма.Т.:ТДЮИ нашри.2004.139 б.
- 9 Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.:ТДЮИ нашри. 2005. 188 б.
- 10 Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Қисқача ўқув қўлланма. Мас. муҳ. Ю.ф.д.,проф. А.Х.Саидов. Т.:Адолат. 2003. 280 б.
- 11 Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.

4. Проблемы теории государство право: Учебное пособие. Под ред. М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.

13 .С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

14 Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия. М: Статут. 1999.-810 с.

15 Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

16. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М., «Новый юрист»-1999.240 с.

17. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О. 1-китоб. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар.Т.:ТДЮИ нашри.2005. 316 б.

18. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О.Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: ТДЮИ нашри.2005. 404 б.

1.Ҳуқуқни тушунишдаги плюрализм

Давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги фан сифатида юриспруденция учун унинг негизида ётувчи ҳуқуқни тушуниш (ҳуқуқ тушунчаси)нинг у ёки бу типи бош ва асосий аҳамият касб этади. Айнан ҳуқуқни тушунишнинг типи юридик билишнинг парадигмаси, принципи ва намунаси (мазмун модели)ни, хусусан юриспруденция тегишли концепциясининг илмий-ҳуқуқий мазмунини, предмет ва методини белгилаб беради.

Бу ҳар қандай изчил, тизимли асослантирилган, ривожланган ва ташкиллашган назария доирасида (хусусан юридик назария доирасида ҳам) тушунчанинг илмий билиш мақоми ва аҳамияти билан белгиланади. Ҳуқуқ тушунчасида илмий-мавҳум (концентрациялашган ва ихчам) кўринишда муайян юридик назария, юриспруденция муайян концепциясининг назарий-ҳуқуқий маъноси ва мазмуни акс этади. Агар ҳуқуқ тушунчаси - бу ихчам (сиқик) ҳолдаги юридик назария бўлса, юридик назария эса, - бу ҳуқуқнинг ёйик (кенгайтирилган) тушунчасидир. Яхлит юридик фан эса (ҳуқуқ ҳақидаги мажмуавий назарий фан сифатида) ҳуқуқ тушунчасини муайян назария кўринишида изчил ва тўла очиб беришдан иборат.

Юридик адабиётда ҳуқуқни тушунишнинг турли типлари мавжуд, аниқроғи ҳуқуқий фикр тарихида ва юриспруденция

назариясида ҳуқуқни тушунишнинг асосан икки типлари ўзаро ҳақиқатга даъво қилиб келишади:

- 1) юридик (*ius* – ҳуқуқ);
- 2) легистик (*lex* – қонун).

Ҳуқуқни тушунишнинг ушбу икки типлари ўртасидаги фарқ қуйидагича. Легистик ёндошувга кўра, ҳуқуқ - бу давлат(унинг ҳокимияти, эрки-хоҳиши, ихтиёри)нинг ижоди, маҳсули бўлиб, у расмий ҳокимиятнинг амри (мажбурий кўрсатмаси, қоидаси, нормаси, ҳужжати, акти). Бунда ҳуқуқ давлатнинг расмий, мажбурлов қоидаларига тенглаштирилади, яъни позитив ҳуқуқнинг формал манбаларига, яъни мазкур вақтда ва мазкур жойда қонуний кучга эга бўлган йиғма маънодаги қонунга олиб келинади, ҳуқуқ билан қонун тенглаштирилади.

Ҳуқуқ билан қонун (позитив ҳуқуқ)ни бундай легистик тенглаштириш моҳиятига кўра айнан легистик позитивизм бўлган “юридик позитивизм”нинг принципи ва маъноси ҳисобланади.

Легистик (позитивистик) ҳуқуқ тушуниш ҳуқуққа нисбатан турли этатистик, авторитар, деспотик, диктаторлик, тоталитар ҳуқуққа ёндошувларга хос.

Легизм - ҳуқуқни давлат амри, мажбурий қоидалар деб тушунишдир. Легизм ҳуқуқни авторитар тушунишнинг норматив ифодасидир (Гоббс ва б.) Улар ҳуқуқ ва қонунни тенглаштирадилар, ўз эътиборини амалдаги (позитив) ҳуқуққа қаратадилар.

Легистлар ҳуқуқнинг моҳияти, ғояси, қиймати каби тушунчаларни хом хаёл, қуруқ гап деб инкор қиладилар. Табиий ҳуқуқ назарияси уларнинг энг аччиқ танқиди доимий объекти ҳисобланади.

Ҳуқуқни тушунишнинг юридик типи учун, аксинча, ҳуқуқ ва қонун(позитив ҳуқуқ)ни фарқлашнинг у ёки бу варианты характерли ҳисобланади. Бунда ҳуқуқ деганда қонун ўрнатувчи (давлат) ҳокимиятининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган объектив ҳодиса тушунилиб, бу ҳодиса бошқа ижтимоий ҳодисалардан ўзининг объектив табиати ва хусусияти, ўз моҳияти, фарқловчи тамойили (алоҳида ижтимоий регулятор сифатида) билан фарқланади.

Ҳуқуқни тушунишнинг юридик (антилегистик) типи доирасида икки турли ёндошув фарқланади:

1. позитив ҳуқуққа қарама-қарши қўйилувчи табиий ҳуқуқни тан олишга асосланган табиий-ҳуқуқий ёндошув - *юснатурализм (антипозитив)*;

2. ҳуқуқ билан қонун(позитив ҳуқуқ)ни фарқлашга асосланувчи ва ҳуқуқ деганда табиий ҳуқуқни эмас, балки (ҳуқуқнинг моҳияти ва фарқловчи принципи сифатида) формал тенглик принципининг мавжудлиги ва норматив ифодасини назарда тутувчи (ҳуқуқни тушуниш умумий назарияси позициясидан ривожлантирилувчи) либертар-юримдик ёндошув - *юримдик либертаризм*.

Бунда формал тенглик принципи ҳуқуқий шакл (ҳуқуқий муносабатлар шакли сифатида)нинг ягона мазмунини ташкил этувчи 3 элементнинг бирлиги сифатида намоён бўлади:

1) норма ва тенглик ўлчовининг мавҳум-формал умумийлиги (норма ва ўлчовнинг ҳамма учун тенглиги);

2) эркинлик;

3) адолат.

Муносабатлар шакли сифатида ҳуқуқни бундай муносабатларнинг фактик мазмуни билан аралаштириб юбориш мумкин эмас. Айтиш муҳимки, мазкур элементлар нафақат бир-бирларини тўлдирадилар, шу билан бирга бир-бирларини тақозо этадилар ва назарда тутадилар, чунки улар ягона ҳуқуқий асос - формал тенглик принципи (шу билан бирга муносабатларнинг ҳуқуқий шакли) нинг турли жиҳатларидирлар.

Ҳуқуқни тушуниш умумий назарияси нуқтаи назаридан табиий-ҳуқуқий ёндошув ва либертар формал-юримдик ёндошув юримдик ҳуқуқни тушунишнинг турли шакллари сифатида ҳуқуққа нисбатан назарий ёндошув, назарий-ҳуқуқий фикр соҳасида тараққиётнинг вужудга келиши, чуқурлашуви ва ривожланишининг босқичлари ва даражаларини англатади.

Либертар ёндошув ҳуқуқ билан қонун нисбати ва фарқланишининг барча шакллари - улар ўртасидаги қарама-қаршилиқдан (ҳуқуққа зид, ҳуқуқни бузувчи қонун ҳолатида) то уларнинг мос келишигача (ҳуқуқий қонун ҳолатида) бўлган шакллари ўз ичига олади.

Либертар-юримдик ҳуқуқни тушунишга кўра, ҳуқуқ - бу ҳуқуқ субъектларининг формал тенглиги принципи билан белгиланувчи тенглик, эркинлик ва адолат муносабатларининг шаклидир. Қаерда формал тенглик принципи (ва уни конкретлаштирувчи норма) мавжуд бўлса, ўша ерда ҳуқуқ, муносабатларнинг ҳуқуқий шакли ҳам мавжуд. Ҳуқуқ принципи сифатида формал тенглик ҳуқуқнинг фарқлантирувчи хусусияти ва ўзига хос белгиси, ҳуқуқий асос ҳамдир. Ҳуқуқда формал тенглик принципи унинг моҳиятий жиҳати

ҳисобланади. Ушбу принципдан ташқарига чиқувчи ва унга қарама-қарши бўлган ҳамма нарса ноҳуқуқий ва ҳуқуққа зид ҳисобланади.

Табиий ҳуқуқ ғоялари тарафдорлари учун табиий ҳуқуқ - бу объектив борлиқ - худо ёки инсон табиатига боғлиқ ягона, ҳақиқий, бошланғич ҳуқуқдир, у ўзида одиллик, ахлоқийлик, адолат ғояларини мужассам этади. Улар позитив ҳуқуққа табиий ҳуқуқдан четга чиқувчи, баъзида уни инкор этувчи инсонлар томонидан ўзбошимчалик билан ёки янглишиб, сунъий тарзда ўрнатилган ҳуқуқ деб қарайдилар. Бундай ёндошувга кўра, ҳуқуқ ҳақиқий маънода бу айнан ва фақат табиий ҳуқуқдир.

Табиий ҳуқуқий ёндошувнинг баъзи ижобий томонлари (назарий жиҳатдан англашилмаган ҳолда юридик ҳуқуқни тушунишнинг баъзи жиҳатлари) ва камчиликлари (ҳуқуқни ҳуқуқий бўлмаган ҳодисалар – ахлоқ, маънавият, дин билан аралаштириб юбориш, ҳуқуқни барча ноҳуқуқий нарсадан фарқлашнинг қатъий мезони йўқлиги, тенглик, эркинлик ва адолатни формал-ҳуқуқий тушунчалар, хусусиятлар сифатида эмас, балки ахлоқ феномени ёки аралаш- ҳуқуқий ҳодиса сифатида тушуниш)ни кўрсатиш ўринли.

Ҳуқуқни формал-юридик тушунишда формал ва фактик жиҳатларни фарқлашнинг принципиал аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Қоида бўйича фақат формал нарсагина умумийлик касб этади, фактик мазмун эса, умумий эмас ва ҳар қандай фактик жиҳат хусусийдан бошқа нарса эмас. Шу сабабли фақат формал предмет (ўзига хос шакл, алоҳида формаллик) бўлгандагина ҳуқуқ умумийлик хусусиятига эга бўлади, муносабатларнинг мавҳум-умумий шакли бўла олади.

Формал-юридик ёндошувда муносабатларнинг ҳуқуқий шакли (муносабатлар шакли сифатида бутун ҳуқуқ)ни ноформал, ҳар қандай фактик, фактик-мазмуний жиҳатдан изчил фарқлаймиз ва “тозалаймиз”. Бундай ҳуқуқни тушунишда табиий-ҳуқуқий ёндошувдаги муҳим камчилик - ҳуқуқни ноҳуқуқий ҳодисалар билан, ҳуқуқий шакл билан фактик мазмун, формал билан фактик, формал-ҳуқуқий ва фактик-мазмуний жиҳатларни аралаштириб юбориш йўқотилади.

Позитивистлардан фарқли равишда ҳуқуқ билан қонунни фарқлаш маъносида ҳуқуқий шаклни (ҳуқуқ шакл сифатида) ҳар қандай ихтиёрий мазмун (норматив ва фактик) учун яроқли бўлган бўш шакл сифатида эмас, балки ҳуқуқни ноҳуқуқий нарсадан, ҳуқуқий шаклни ноҳуқуқий шаклдан фарқловчи алоҳида формаллаштирилган хусусиятларга эга махсус шакл сифатида тушуниш керак.

Бошқача айтганда, формал-юримдик ёндошув - бу ҳуқуқни мазмуний тушуниш, аниқлаш ва изоҳлаш, бироқ у формал-мазмунийдир, фактик-мазмуний эмас.

Ҳуқуқ (ҳуқуқий шакл, формал тенглик принципи)ни бундай тушунишда у формал-умумий тенглик ўлчови, эркинлик, адолат каби формал-мазмуний хусусиятларга эга бўлади. Формал тенглик принципини англатувчи ушбу формал-мазмуний хусусиятларга кўра шакл ўзининг ҳуқуқий хусусиятини касб этади, бошқа ҳар қандай шаклдан, муносабатларнинг ахлоқий, диний шаклларида ёки мажбурий-буйруқ характердаги муносабатлардан фарқ қилувчи ҳуқуқий шаклнинг ўзига хос сифатига эга бўлади.

Бундай формал-юримдик ихтисослашган ва малакавий шакл муносабатларнинг ҳуқуқий типи ва тартибга солишнинг ҳуқуқий усулининг моҳияти ва ўзига хослигини ифодалайди. Шундай қилиб, ҳуқуқий шакл (бутун ҳуқуқ ҳам) легистларда бўлгани каби ҳар қандай фактик мазмунга йўл қўювчи бўш шакл, буйруқ ва лозим бўлишликнинг шунчаки шакли эмас, балки ҳуқуқнинг хусусиятлари ва талабларини ифодаловчи ва ҳуқуққа зид ҳамма нарсани инкор этувчи юримдик белгиланган шаклдир.

Ҳуқуқ билан қонунни фарқловчи ва тегишлича ҳуқуқни тушунишнинг либертар-юримдик назарияси легизм ва юснатурализм ўртасидаги қарама-қаршилиқдан ҳоли ва ўз ичига икки ёндошувнинг ижобий жиҳатларини олади. Бу назария ҳуқуқ билан қонунни легистик тенглаштиришни ҳам, ҳуқуқни табиий ва позитивга бўлишни ҳам инкор этиб, шу билан бирга ҳуқуқ ва қонун ҳақидаги позитивистик ва табиий-ҳуқуқий таълимотлардаги аҳамиятли хулосалар ва қоидаларни эътиборга олади.

Либертар назария ҳуқуқ билан қонунни фарқлашни улар нисбатининг маъносини, оқибат натижада уларни ҳуқуқий қонуннинг зарурий шаклидаги(яъни ҳуқуқнинг объектив мазмуни ва принципи мос келувчи позитив ҳуқуқдаги) лозим синтезини адекват тушуниш учун зарурий асос сифатида изоҳлайди.

2. Легизм

Ҳуқуқни легистик тушуниш асосида ҳуқуқни давлатнинг буйруғи, мажбурий қоидалари, расмий ҳокимият томонидан ўрнатилган мажбурий нормалар тизими сифатида тушуниш ётади.

Легизм ва юримдик позитивизм учун инсон ва фуқаро ҳуқуқларини менсимаслик хос. Бу маънода легизм авторитар ҳуқуқ

тушунишнинг норматив ифодаланиши ҳисобланади. Легизмнинг мақсади - барчани ҳокимият қоидаларига ва кўрсатмаларига бўйсундиришдир. Бу ерда инсонга эркин субъект сифатида эмас, балки ҳокимиятнинг тобе объекти сифатида қараш ҳукмронлик қилади.

Гоббс ўзининг қудратли давлат концепциясида ҳуқуқни ҳокимият буйруғи деб изоҳлайди. У “қонуннинг ҳуқуқий кучи унинг суверен буйруғи бўлганлигида” деб таъкидлайди. “қонун” бу бутун ҳаракатдаги (позитив) ҳуқуқ. Кейинчалик ҳуқуқни бундай тушуниш легизм турли йўналишларининг вакиллари томонидан ўзлаштирилган.

Юридик позитивизмнинг қарор топиши ва ривожланиши буржуа тузумининг ғалабаси ва мустақамланиши, давлат ролининг ортиши ва бундай шароитларда ҳуқуқ манбалари тизимида давлат меъёрий ҳужжатларининг аҳамияти ва салмоғининг ошиб бориши билан боғлиқ.

Ғоявий жиҳатдан “юридик позитивизм” қонунда ўзининг ҳуқуқий талабларини “табиий”, “лозимлик”, “идеал”, “оқилона”, “адолат” ҳақидаги ҳар қандай танқидий ва оппозицион (нопозитив) талаблар ва тасаввурларга қарши расмий, қонуний тартиботни ҳимояловчи мафкуранинг расмий тан олинисига эришган ғолиб буржуа синфининг ўзгарган юридик дунёқарашини ифодалайди.

“Юридик позитивизм”нинг асосий ғоялари ва хулосалари ҳуқуқни ҳокимиятнинг ижоди сифатида, ҳокимият мажбурловини оқибат натижада ҳуқуқнинг ягона фарқлантирувчи хусусияти сифатида талқин қилишни, ҳуқуқни таҳлил қилишнинг формал-мантикий ва юридик-догматик методларини, ҳуқуқни ижтимоий муносабатлардан, юриспруденцияни эса, ҳуқуқнинг моҳияти, қиймати, сабаблари, табиати ҳақидаги “метафизик” қоидалардан ажратиш ва “тозалаш”ни англатади. Бундай қарашлар XIX асрда Англияда Д.Остин, Ш.Амос, Германияда Б.Виндшайд, К.Гербер, К.Бергбом, П.Лабанд, А.Цительман, Францияда Кабанту, Россияда Е.В.Васьковский, А.Х.Гольмстен, Д.Д.Гримм, С.В.Пахман, Г.Ф.Шершеневич ва бошқалар томонидан ривожлантирилган. XX асрда бу ёндошув “юридик позитивизм”даги В.Д.Катковнинг “умумий тилшунослик билан ислоҳ қилинган юриспруденция”, Г.Кельзеннинг “ҳуқуқ ҳақидаги соф таълимот”, Г.Хартнинг “ҳуқуқ концепцияси” каби йўналишларда ўз ифодасини топган.

Масалан, Д.Остин ҳуқуқни “сиёсий раҳбар ёки суверен томонидан ўрнатилган қоидалар агрегати” деб характерлаган ва “Ҳар

қандай ҳуқуқ бу команда, буйруқ” деб таъкидлаган. Ш.Амоснинг фикрича, “ҳуқуқ бу мазкур ҳамжамиятдаги шахслар ҳаракатини контрол қилиш мақсадида давлат олий сиёсий ҳокимияти томонидан чиқарилган буйруқдир”. Г.Ф.Шершеневич қарашлари ҳам шунга ўхшаш: “Ҳуқуқнинг ҳар қандай нормаси буйруқ ҳисобланади”.

Ҳокимият буюрган ҳамма нарсa ҳуқуқ ҳисобланади. Ҳуқуқнинг ўзбошимчаликдан фарқи шу билан объектив ва мазмуний маъносини йўқотади ва бу ёндошув тарафдорлари учун фақат субъектив ва формал характер касб этади: муайян субъект (давлат органи) томонидан муайян шаклда санкцияланадиган (қонун, фармон, қарор, циркуляр каби ҳужжат шаклидаги) ошкора ўзбошимчалик ҳуқуқ деб тан олинади. Легистик-позитивистик тушунишда давлат-ҳокимияти амрида афсонавий имкониятлар тан олинади. Бундай амр-буйруқ билан нафақат субъектив характердаги вазифалар (қонунчилик нормаларини шакллантириш), шу билан бирга объектив мазмундаги вазифалар (ҳуқуқнинг ўзини яратиш, шакллантириш), шунингдек, илмий йўналишдаги вазифалар (ҳуқуқнинг ўзига хослигини аниқлаш, уни бошқа ижтимоий нормалардан фарқлаш ва б.)ни ҳам ҳал этиш мумкин.

Легизм ўзининг барча кўринишларида ҳуқуқ ва қонун(позитив ҳуқуқ)ни тенглаштириш билан ҳуқуқий ҳодиса сифатида қонунни унинг ҳуқуқий моҳиятидан ажратади, қонуннинг объектив ҳуқуқий хусусиятларини, сифатларини инкор этади, қонун чиқарувчи ҳокимият иродасининг маҳсули сифатида изоҳлайди. Шу сабабли ҳуқуқни бундай тушунишда позитивистлар қонун (позитив ҳуқуқ) деганда назарда тутадиган ҳуқуқнинг ўзига хослиги муқаррар равишда ҳуқуқнинг мажбурлов характерига олиб келинади. Бундай мажбурийлик ҳуқуқнинг қандайдир объектив хусусиятлари ва талаблари оқибати сифатида эмас, балки бошланғич ҳуқуқ ҳосил қилувчи ва ҳуқуқ белгиловчи омил, кучга асосланган ҳуқуқнинг бирламчи манбаи сифатида тушунтирилади. *Ҳокимиятнинг кучи бу ерда мажбурловга, буйруққа асосланган ҳуқуқни юзага келтиради.*

Легизмга кўра, ҳуқуқ ҳақидаги ҳақиқат қонун чиқарувчи (суверен, давлат)нинг фикри, позицияси, эрки ифодаланган қонунда берилган. Шу боис ҳуқуқ ҳақидаги ахтарилаётган ҳақиқий билим расмий ҳокимият фикридан бошқа нарсa эмас.

Ҳуқуқни бундай тушунишга кўра, фақат биргина ҳуқуқни яратувчи ҳокимиятгина ҳақиқатдан ҳам ҳуқуқ нималигини ва у ноҳуқуқий нарсадан нимаси билан фарқ қилишини билади. Фан эса,

Энг яхши ҳолатда қонун(амалдаги ҳуқуқ)да мужассамлашган ҳокимий-амрий фикрни адекват англаши ва ифодалаши мумкин.

Легизмнинг назарий-билиш манфаати тўлалигича амалдаги(позитив) ҳуқуқга қаратилган. Мазкур позитив ҳуқуқнинг эмпирик доирасидан четга чиқувчи ҳамма нарса, ҳуқуқнинг моҳияти, ғоялари, қиймати тўғрисидаги барча фикрлар позитивистлар томонидан ҳуқуқий маъно ва мазмунга эга бўлмаган қандайдир метафизик, схоластик нарса сифатида инкор этилади.

Позитивистлар айниқса табиий-ҳуқуқий таълимотларни кескин танқид қиладилар. Табиий-ҳуқуқий таълимотларга улар ҳуқуқ билан қонунни фарқловчи барча концепцияларни, қонун қоидаларидан фарқланувчи ҳуқуқ ҳақидаги барча тасаввурларни киритадилар. Позитивистик гносеология бу билан моҳият бўйича ҳуқуқ назариясини инкор этади ва фақат предмети позитив ҳуқуқ бўлган, мақсади ва йўналиши ҳуқуқ догмаси, яъни ҳаракатдаги (позитив) ҳуқуқ, уни ўрганишнинг усуллари, қоидалари ва йўллари, таснифи, тизими, шарҳи ҳақидаги асосий қоидалар мажмуи бўлган қонуншунослик ва қонун ҳақидаги таълимотнигина тан олади, холос.

Ҳуқуқ ҳақидаги барча билим бундай ҳуқуқни тушунишга кўра позитив ҳуқуқнинг ўзида, унинг матнида расман берилган ва ҳуқуқ ҳақидаги позитив таълимотнинг асосий муаммоси қонун текстини тўғри шарҳлашдан ва бу матндаги расмий-ҳуқуқий билимни, қонун чиқарувчининг фикри ва позициясини лозим даражада баён қилишдан иборат. Бу позитивистларнинг қонуннинг ҳуқуқий маъноси ва мазмунини очиқ инкор этишда уни лингвистик ва текстологик изоҳлашга бўлган кучайиб борувчи қизиқиши билан боғлиқ. Бундай ёндошувда юридик гносеология легистик лингвистика билан алмаштирилади, бунга кўра турли нопозитивистик тушунчалар, ғоялар, концепциялар (ҳуқуқ моҳияти, ҳуқуқ ғояси, табиий ҳуқуқ, инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари каби) - фақат сохта сўзлар, софизм, нотўғри сўз қўллаш натижаси бўлиб қолади.

Бундай қарашларни ашаддий позитивист И.Бентам ривожлантирган бўлиб, у аналитик юриспруденцияни (Д.Остин) қарор топишига жиддий таъсир кўрсатган. Табиий ҳуқуқ, унинг фикрича, сўз фикцияси, бўрттириб кўрсатиш, инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари - аллақандай «махлуқ»дир.

Юридик ҳуқуқни тушуниш ҳуқуқ билан қонун муаммоларини тадқиқ қилиш йўллари ва воситаларининг, лингвистик, текстологик, структуравий, мантикий-аналитик, юридик-догматик йўналишлар-

нинг назарий-билиш ва амалий аҳамиятини тан олади. Бироқ ҳуқуқга бўлган юридик ёндошув доирасида сўз ҳуқуқни қонунга, ҳуқуқ назариясини қонун ҳақидаги таълимотга ва позитив ҳуқуқ догмасига тенглаштириш ҳақида эмас, балки илмий билиш усуллари, воситалари, имкониятларининг бутун мажмуидан ҳуқуқни ҳар томонлама билиш жараёнида ҳуқуқ ва қонун ҳақида ишонарли ва ҳақиқий билимни олиш учун фойдаланиш ҳақида боради.

Аксиологик жиҳатдан легизм - ҳуқуқ билан қонун (позитив ҳуқуқ)ни тенглаштириш ва қонун чиқарувчи билан қонунга боғлиқ бўлмаган ҳуқуқнинг объектив хусусиятларини инкор қилиш туфайли моҳият бўйича ҳуқуқий қадриятларни рад этади ва фақат қонун (позитив ҳуқуқ)нинг қийматини тан олади. Бунда позитивистлар тан оладиган қонун (позитив ҳуқуқ)нинг “қиймати” аслида ўзининг асл қиймат мазмунидан маҳрум қилинади. Қонуннинг позитивистик “қиймати” бу қандайдир объектив асос бўйича унинг умумаҳамият касб этиши эмас, балки унинг расмий умуммажбурийлиги, ҳокимий императивлигидан иборат.

Бу масалада Кельзеннинг радикал-позитивистик ёндошуви ўзига хос бўлиб, унга кўра ҳуқуқ буйруқ сифатида, норма сифатида қийматга эга. Бу (норма, буйруқ сифатида) маънода ҳуқуқ у томондан лозим, шарт бўлишлик шакли сифатида характерланади. Бироқ Кельзендаги “норма” – соф буйруқ бўлиб, тенглик, эркинлик, адолат нормаси эмас. У ҳуқуқнинг формал-ҳуқуқий хусусиятларидан ҳеч бирини ифода этмайди.

3. Юснатурализм

Юснатурализм (табiiй-ҳуқуқий ёндошув)га кўра ҳуқуқ ўз моҳияти, табиати ва мазмунига кўра, табiiй ҳуқуқдир. Бироқ, табiiй ҳуқуқнинг ўзи нима деган саволга турли табiiй-ҳуқуқий концепциялар турлича жавоб берадилар.

Табiiй-ҳуқуқий таълимотлар тарихи табiiй ҳуқуқ (ва улар тушунчалари)нинг плюрализмини акс эттиради, бунда ўзаро рақобатлашувчи таълимотлардан ҳар бири табiiй ҳуқуқни ўзига хос тушунишга нисбатан ўз қарашларининг ҳаққонийлигига даъвогарлик қилиб келади. Бироқ, турли табiiй-ҳуқуқий таълимотлар бир-бирларидан фарқланишлари билан бирга муҳим умумий хусусиятларга ҳам эга бўлганликлари сабабли “табiiй ҳуқуқ”ни умуман “позитив ҳуқуқ”дан фарқлаш имкони мавжуд ва мантиқий-назарий жиҳатдан табiiй ҳуқуқнинг умумий тушунчасини аниқлаш

масаласи кўндаланг бўлади. Бунинг учун, энг аввало, табиий ҳуқуқнинг моҳияти ва ўзига хослигини ихчам шаклда ифодалашда унинг универсал принципини шакллантириш зарур.

Ҳуқуқни тушуниш умумий назарияси нуқтаи назаридан табиий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқни фарқлаш ҳуқуқ билан қонунни фарқлаш умумий назариясининг хусусий (хронологик жиҳатдан биринчи, аслида энг кенг тарқалган, бироқ ўзининг қадимий келиб чиқишига кўра архаик, назарий жиҳатдан етарлича ривожланмаган) кўриниши, вариантыдир. Ҳуқуқ билан қонунни табиий-ҳуқуқий фарқлашга кўра ҳуқуқ ва унга хос хусусиятлар махсус маънода, яъни унинг табиийлиги, принципиал қарама-қарши қўйилувчи позитив ҳуқуқнинг сунъийлиги (шу билан бирга унинг субъективлиги, ихтиёрийлиги) жиҳатидан объектив ҳисобланади.

Шу билан бирга табиий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқни табиий-ҳуқуқий фарқлаш бир вақтнинг ўзида ўз ичига уларга нисбатан берилган қадр-қимматни ҳам олади: табиий ҳуқуқ учун - ижобий, позитив ҳуқуқ учун - салбий.

Демак, ҳуқуқ соҳасида “табиийлик”ни “сунъийлик”ка принципиал қарама-қарши қўйиш табиий ҳуқуқни позитив ҳуқуқдан фарқлашдаги табиий ҳуқуқ тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини ташкил этади.

Абадий ва ўзгармас табиий ҳуқуқ ҳақидаги анъанавий тасаввурларнинг мазмунини айнан ҳуқуқ соҳасида “табиийлик”ни “сунъийлик”ка қарши қўйиш принципи ташкил этиб, бу уларнинг қадр-қиммати ва “табиийлик”нинг “сунъийлик”ка нисбатан устунлигини англатади.

Бу принцип доирасида “сунъийлик” позитив ҳуқуқ кўринишида намоён бўлади, шу сабабли “табиийлик” (табиий ҳуқуқ) - инъом этилганлиги боис (оллоҳ, тафаккур, табиат, инсон табиати томонидан) позитивдан юқори турувчи нарсадир. Бунда борлиқ маконида ва вақт бирлигида инъом этилган “табиийлик” бир вақтнинг ўзида онтологик, гносеологик ва аксиологик мазмунга эга: табиийлик (табиий ҳуқуқ) аввалдан, шак-шубҳасиз мавжуд, тўғри ва ахлоқий, яхши; сунъийлик - ёмон ва “табиийлик”дан четга чиқувчи (инсонларга хос хатолар, ўзбошимчалиги туфайли) сиқиб чиқарилиши ёки тузатилиши ва “табиийлик”ка мувофиқлаштирилиши лозим.

Табиий ҳуқуқнинг универсал принципи мазмуни, шу билан бирга табиий ҳуқуқнинг умумий тушунчаси қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

1) мазкур принцип ҳуқуқни ўзининг қўлланиш ва ҳаракат қилиш соҳаси сифатида белгилаб позитив ҳуқуқ принципининг ҳуқуқий маъносини инкор этади ва табиий ҳуқуқ мавжудлигини, бу ҳодиса ва тушунчани шак-шубҳасиз ва ҳақиқий маънодаги ўзига хос ҳуқуқ сифатида тасдиқлайди;

2) бу принцип - ўзининг табиий ва позитив ҳуқуқни қарама-қарши қўйилишида - сифат жиҳатдан икки қарама-қарши соҳалар - “табиийлик” билан “сунъийлик”ни қарама-қарши қўйилишини англатади. Бунда “табиийлик” (табиий ҳуқуқни ўз ичига олади) ўзининг мавжудлиги, мазмуни ва аҳамиятига кўра бирламчи, объектив, шак-шубҳасиз, ҳақиқий, инсонга боғлиқ бўлмаган нарса, “сунъийлик” эса, иккиламчи, ҳосила, субъектив, шартли, ҳақиқий бўлмаган, инсон хоҳишига боғлиқ ва умуман сифат жиҳатдан салбий (“табиийлик”ка зид ва ундан ажралган) нарсадир;

3) табиий ҳуқуқ (“табиийлик”нинг ҳуқуқий ифодаси сифатида) ва позитив ҳуқуқ (“сунъийлик”нинг ҳуқуқий ифодаси сифатида) табиий-ҳуқуқий принципга кўра ўзаро боғлиқ қарама-қаршиликлар ва бир-бирини тақозо этувчи жуфт категориялар сифатида) намоён бўладилар. Бу жиҳатдан табиий ҳуқуқ - унинг позитив ҳуқуқ билан нисбатида - позитив ҳуқуқдан юқори турувчи инъом этилган ҳуқуқ бўлиб, позитив ҳуқуқ ҳуқуқий характер касб этиши учун унга мос келиши керак;

4) универсал табиий-ҳуқуқий принцип (тегишлича табиий ҳуқуқнинг универсал тушунчаси ҳам) - бу табиий ҳуқуқ универсал моделининг (тушунчасининг ҳам) принципи бўлиб, у табиий ҳуқуқнинг барча алоҳида кўринишлари учун универсал намуна сифатида намоён бўлади.

Табиий ҳуқуқ - бу ҳамма жойда ва ҳаммаша мавжуд, инсонга ташқаридан инъом этилган, мазкур вақт ва жой учун бирламчи ҳуқуқ бўлиб, у инсон борлигининг объектив қадриятлари ва талабларининг ифодаси сифатида барча инсон томонидан яратилган қоидалар, жумладан позитив ҳуқуқ ва давлат ҳуқуқий характерининг мутлақ мезони ва ҳуқуқий мазмунининг бирдан-бир ва шубҳасиз бирламчи манбаи ҳисобланади.

Табиий ҳуқуқ умумий тушунчасининг қисқа таърифи: *табиий ҳуқуқ - бу инсониятга ташқаридан инъом этилган ва инсонлар томонидан яратилган қоидаларга нисбатан устун бўлган ҳуқуқдир. Ёки: табиий ҳуқуқ - бу инсоний муносабатлардаги сунъийлик устидан*

табиийликнинг устунлиги ва бирламчилигини ифодалашнинг ҳуқуқий шаклидир.

Аксиологик жиҳатдан табиий ҳуқуқ унинг тарафдорлари томонидан “ҳақиқий” ҳуқуқнинг объектив хусусиятлари ва қадриятларининг ифодаси, позитив ҳуқуқ ва тегишлича ҳуқуқ ўрнатувчи ҳокимиятни баҳолаш учун, уларнинг табиий-ҳуқуқий қийматини аниқлаш учун мезон ва зарур намуна сифатида изоҳланади. Бунда табиий ҳуқуқ ўз табиатига кўра ахлоқий (диний ва б.) ҳодиса сифатида тушунилади ва бошидан мутлақ қадрият деб саналади.

Шундай қилиб, табиий ҳуқуқ тушунчасига ҳуқуқнинг у ёки бу объектив хусусиятлари билан биргаликда (инсонлар тенглиги, эркинлиги принципи) турли ахлоқий (диний ва б.) хусусиятлар ҳам киритилади. Ҳуқуқ билан ахлоқ (динни ҳам)нинг бундай аралаштириш натижасида табиий ҳуқуқ турли ижтимоий нормаларнинг қотишмаси, қандайдир ахлоқий-ҳуқуқий комплекс сифатида намоён бўладики, бунинг натижасида позитив ҳуқуқ ва позитив қонунчилик ҳақида у муайян (қоида бўйича салбий) хулоса чиқаради.

Бундай ёндошувда позитив ҳуқуқ ва давлат ҳуқуқий мезонлар нуктаи назаридан эмас, балки асосан этик позициянинг, муайян концепция муаллифининг ҳуқуқнинг ахлоқий табиати ва мазмуни ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқиб баҳоланади. Умумлашган кўринишда табиий ҳуқуқнинг бундай ахлоқий-ҳуқуқий хусусиятлари йиғиндиси табиий ҳуқуқнинг умумий ва мутлақ адолатлилигининг ифодаси деб талқин қилинади ҳамда унга позитив ҳуқуқ ва давлатнинг бутун фаолияти мувофиқ келиши лозим.

Шундай қилиб, табиий-ҳуқуқий ёндошув доирасида ҳуқуқ билан ахлоқ (дин ва ҳ.)нинг кўшиб юборилиши формал билан фактик, лозим бўлишлик ва мавжудликни, норма билан фактик мазмунни, идеал билан моддийликни, принцип билан эмпирик ҳодисани аралаштириш билан уйғунлашади ва чигаллашади. Бунда ҳуқуқ тушунчаси билан қонун ва давлатнинг ҳуқуқий аҳамиятини изоҳлаш уларнинг табиий ҳуқуқнинг мазмуни ҳақидаги муайян ахлоқий ёки аралаш ахлоқий-ҳуқуқий тасаввурлар позициясидан берган ахлоқий (диний) баҳоси билан алмаштирилади.

Бундай камчиликлар, табиийки ҳуқуқий назария ва амалиёт соҳасидаги юридик аксиология муаммоларини, инсонлар эрки ва тенглиги, табиий-ҳуқуқий адолатлилиқ, инсонларнинг туғма ва ажралмас ҳуқуқлари, ҳуқуқ ҳукмронлиги, ҳокимиятни ҳуқуқий чеклаш,

ҳуқуқий давлат каби ғояларни ишлаб чиқишдаги табиий-ҳуқуқий ёндошув ютуқлари ва хизматлари аҳамиятини камайтирмайди.

Ҳуқуқ ҳақидаги Кантча ахлоқий таълимотда гап давлат ва позитив ҳуқуқнинг ҳуқуқий қадрияти ҳақида эмас, балки айнан ахлоқий қиймати ҳақида боради. Республикачилик ғоясининг ўзи Кант томонидан ахлоқий онгнинг максими, ахлоқий категориявий императив талаби сифатида асослантирилади.

Гегель давлат ва позитив ҳуқуқнинг ахлоқий ғоялар ифодаси бўлган ҳуқуқ тушунчасига мос келиши ҳақида ёзган.

Табиий-ҳуқуқий концепцияларда асосий назарий хулосалар табиий ҳуқуқни амалдаги позитив ҳуқуққа қарама-қарши қўйиш ва ундан ажратиш билан боғлиқ табиий ҳуқуқ ҳақидаги фикрларни шакллантиришга йўналтирилган.

Бундай ёндошувда ҳуқуқий қонун ғоясининг ва табиий ҳуқуқ билан позитив ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги жиҳатлари, амалдаги ҳуқуқни табиий ҳуқуқ қоидалари талабларига мос келтириш муаммолари эътибордан четда қолдирилади. Бу маънода шуни айтиш мумкинки, юснатурализм вакиллари амалдаги ҳуқуқ ва уни умумий табиий ҳуқуқ талабларига мувофиқ такомиллаштириш масалалари эмас, балки табиий ҳуқуқнинг ўзи ва унинг табиатидан келиб чиқувчи “ҳақиқий ҳуқуқ” ва шу сабабли ҳам табиий амал қилиши кўпроқ қизиқтиради.

Бундан эса юснатурализмга бир вақтнинг ўзида иккита ва параллел амал қилувчи ҳамда ўзаро рақобатлашувчи ҳуқуқ тизимлари - ҳақиқий, табиий ҳуқуқ ва ноҳақиқий, расмий (позитив) ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурнинг хослиги келиб чиқади.

Ҳуқуқ тушунчасини табиий-ҳуқуқий изоҳлашнинг камчиликларини эътиборга олиб, легизм вакиллари томонидан табиий-ҳуқуқий таълимотга нисбатан билдирилган қатор танқидий хулосаларнинг тўғрилигини тан олиш ўринли. Гап ҳуқуқ билан ахлоқни, табиий ҳуқуқни тушунишда формал ва фактик жиҳатларни аралаштириш, нисбий ахлоқий қадриятларни мутлақлаштириш каби камчиликлар ҳақида боради.

4.Юридик либертаризм

Тенглик муайян абстракциядан иборат, яъни тенглаштирилувчи объектларга хос бўлган фарқлардан онгли (фикрий) мавҳумлашиш оқибатидир. Тенглаштириш тенглаштирилувчи объектларнинг тафовутланишини ва шу билан бирга тенглаштиришнинг тегишли

асоси (моделли) нуқтаи назаридан бу фарқларнинг муҳим эмаслигини тақозо этади.

Масалан, турли объектларни миқдор мезонига кўра тенглаштириш (миқдори, оғирлиги ва ҳ.ни аниқлаш учун) уларнинг барча мазмун-моҳият (индивидуал, турдош ва б.) белгиларидан мавҳумлашишини англатади.

Худди шу йўсинда математика шаклланган, унда тенгламаларни тузиш ва ҳал этиш асосий роль ўйнайди, тенглик сифат жиҳатлардан “тозаланиб” сон тушунчаларининг мутлақ абстракциясигача етказилади.

Ҳуқуқий тенглик математикадаги сон тенглиги каби ўта мавҳумлашмаган. Турли инсонларни ҳуқуқий тенглаштиришнинг асоси (мезони) бўлиб, уларнинг ҳуқуқ лаёқати ва ҳуқуқ субъектлилиги сифатида тасдиқланадиган ва тан олинадиган ижтимоий муносабатлардаги *индивиднинг эркинлигидир*. Айнан мана шунда ҳуқуқий тенглик ва умуман ҳуқуқнинг ўзига хослиги кўринади.

Эркинликдаги ҳуқуқий тенглик эркинликнинг тенг ўлчови сифатида ҳуқуқ субъектлари сифатида эркин индивидлар ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик (соразмерность), эквивалент талабларини ҳам англатади.

Ҳуқуқий тенглик - бу эркин ва бир-бирига қарам бўлмаган ҳуқуқ субъектларининг барча учун умумий бўлган масштаб, ягона норма, тенг ўлчов бўйича тенглигидир. Инсонлар эркин ва эркин бўлмаганларга бўлинган жойда, кейингилар ҳуқуқ субъектлари эмаслар, балки ҳуқуқ объектлари ҳисобланадилар ва уларга ҳуқуқий тенглик принципи тарқалмайди.

Ҳуқуқий тенглик - эркинлар тенглиги ва эркинликдаги тенглик, индивидлар эркинлигининг умумий масштаби ва тенг ўлчовдир.

Ҳуқуқ шундай тенглик билан иш кўрадики, у инсонларнинг биргаликдаги ҳаётида эркинликни ифодалаш ва амалга оширишнинг, борлигининг умумий ва зарурий шакли сифатида намоён бўлади. Шу маънода ҳуқуқ - эркинлик математикасидир (Нерсисянц В.С. Право - математика свободы. М., 1996).

Бироқ, математикадаги сонлар тенглигини ижтимоий ҳодисалардаги тенгликка кўчириб ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас. Пифагорчилар назарида дунёнинг моҳияти сонлардан иборат ва борлиқдаги барча нарса рақамларда ифодаланади ва тавсифланади. Тенгликни тегишли ўлчов сифатида муайян сон пропорциясида тушуниш билан улар ўзларининг ижтимоий математикаси руҳида

адолат (тенглик принципага эга бўлган ҳуқуқ) ни “4” сони билан ифодалаганлар.

Тенглик ҳақидаги миқдор кўрсаткичларни ижтимоий муносабатларга бундай кўчириш (экстрополяция) ҳуқуқ ҳақидаги тўмтоқ тасаввурларни ифодалайди ва моҳиятига кўра инсонлар ижтимоий ҳаётидаги тенгликни айнан эркин инсонларнинг формал-ҳуқуқий тенглиги сифатидаги ўзига хослигини эътиборга олмайди. Ҳуқуқ бу формал-тенглик принципага эга бўлиши билан бирга ўз-ўзича ўзига хос (специфик) ижтимоий математика (ижтимоий муносабатлардаги тенглик ва нотенглик ҳақидаги таълимот маъносида) ҳисобланади.

Ижтимоий соҳадаги тенглик - бу ҳамиша ҳуқуқий тенглик, формал-ҳокимий тенглик ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий тенглик, ҳар қандай тенглик каби фактик фарқларидан мавҳумлаштирилади ва шу сабабли зарурият билан ва таърифига кўра формал характер касб этади.

Тенглик масаласи бўйича кўп тушунмовчиликлар, хатоликлар ва сохта тасаввурлар мавжуд. Уларнинг негизида оқибат натижада тенглик ижтимоий борлиқда айнан ва фақат ҳуқуқий (формал-ҳуқуқий, формал) тенглик сифатидагина мантиқан ва амалий жиҳатдан мавжуд бўлиши, оқилона мазмунга эга бўлиши мумкинлигини тушуниб етмаслик ётади.

Кўпинча ҳуқуқий тенглик турли хил эгалитаристик (фактик тенглаштириш) талаблари билан кўшиб юборилади ёки, аксинча, унга “фактик тенглаштириш” қарама-қарши қўйилади. Бундай чалкаштириш ҳуқуққа зид ҳисобланади.

“Фактик тенглик” - бу “фактик” ва “нофактик” (формал) тушунчаларни аралаштириб юбориш ва “тенглик” тушунчасининг ўзидаги зиддиятдир. Чунки “тенглик” (муносабатлар типи ва шакли, ўлчов масштаби, тартибга солиш принципи, тушунча сифатида) фақат “фактик” ва “формал” нарсани фарқлаш жиҳатдан ва сўзлар ўзлари англатадиган буюмлардан, рақамлар ва сонлар саналаётган предметлардан, оғирлик - ўлчанаётган массадан узоқлашгани каби “фактик”дан узоқлашган “формал” (мавҳум) сифатида маъно касб этади.

Айнан ўз формаллиги (“фактик”дан мавҳумлашиши)га кўра тенглик “фактик”ни тартибга солиш принципи, усули, воситаси, бутун ноформал (яъни “фактик”) борлиқнинг ўлчови бўлиши мумкин. Бу формал-ҳуқуқий тенгликда ҳам кузатилади.

Ҳуқуқ тарихи - ҳуқуқнинг ҳар қандай тизими, умуман ҳуқуқ принципи сифатида формал (ҳуқуқий) тенглик принципининг мазмуни, ҳажми, масштаби ва ўлчовининг тараққиёт эволюцияси тарихидир. Инсоний муносабатларда эркинлик ва ҳуқуқ тарихий ривожланишининг турли босқичларига ҳуқуқ ва эркинлик муносабатлари ва субъектларининг ўз доираси, эркинликнинг ўз масштаби ва ўлчови - қисқаси формал (ҳуқуқий) тенглик принципининг ўз мазмуни хос. Формал тенглик принципи ҳуқуққа доимий хос бўлган тарихий ўзгариб боровчи мазмунга эга принципдир.

Умуман формал тенглик принципининг амал қилиш соҳаси, мазмуни, ҳажмининг тарихий эволюцияси мазкур принципнинг аҳамиятини инкор этмай, балки, аксинча, ижтимоий тартибга солишнинг бошқа турлари (ахлоқ, дин) билан нисбатида ва фарқида ҳуқуқнинг ажратиб турувчи хусусияти сифатида мустаҳкамлайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *ҳуқуқ - бу ижтимоий муносабатларда кишилар формал тенглиги принципи воситасида эркинликни ифодалашнинг меъёрий (норматив) шаклидир.*

Тенглик (тенг ўлчов)нинг мавҳум - умумий ҳуқуқий принципи нуқтаи назаридан қараб чиқилган (тартибга солинган) кишилар ўртасидаги бошланғич фактик фарқлар оқибатда эга бўлинган ҳуқуқларда нотенглик (турли индивидлар - ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари мазмуни ва ҳажмига, улар структураси бўйича тенг бўлмаган) кўринишида намоён бўлади. Ҳуқуқ тенглик принципига асосланган муносабатлар шакли сифатида, албатта, турли индивидлар ўртасидаги бошланғич фарқларни йўқотмайди (ва йўқота олмайди), бироқ фақат бу тафовутларни ягона асос бўйича формаллаштиради ва тартиблаштиради, номуайян фактик фарқларни, эркин, бир-бирига боғлиқ бўлмаган, тенг шахсларнинг формал-аниқ нотенг ҳуқуқларига трансформация қилади. Ижтимоий муносабатларни ифодалаш, тартибга солиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий шаклини қиймати ва чегаралари (чекланганлиги ҳам), мазмуни ва хусусияти ҳам моҳиятига кўра ана шундан иборат.

Ҳуқуқий тенглик ва ҳуқуқий нотенглик (ҳуқуқдаги тенглик ва нотенглик) - бир хил аҳамиятли (бир-бирини тақозо қилувчи ва тўлдирувчи) ҳуқуқий тушунчалар ва хусусиятлар бўлиб, бир хил даражада фактик фарқларга қарама-қарши турадилар ва улардан фарқ қиладилар ҳам. Турли субъектларнинг ҳуқуқий тенглиги принципи улар томондан қўлга киритиладиган реал субъектив ҳуқуқлар нотенг

бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқ туфайли фарқлар тартибсизлиги ягона асос ва умумий норма бўйича мувофиқлаштирилган тенглик ва нотенгликнинг ҳуқуқий тартибига қайта ўзгартирилади.

Турли индивидларни формал тенг деб тан олиш - бу уларнинг тенг ҳуқуқ лаёқатлилигини, муайян неъматлар, конкрет объектларга бўлган у ёки бу ҳуқуқларга эга бўлиш имкониятларини тан олишдир, бироқ бу индивидуал-аниқ буюм, неъматларга бўлган қўлга киритилган конкрет ҳуқуқларнинг тенглигини англатмайди. Формал ҳуқуқ - бу фақат ҳуқуқ лаёқати, ушбу объектга нисбатан ўзининг индивидуал-муайян ҳуқуқини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий масштаби ва тенг ўлчовига мувофиқ қўлга киритишнинг мавҳум эркин имкониятидир.

Турли инсонларнинг формал тенглиги ва тенг ҳуқуқ лаёқати мавжудлиги шароитида улар томонидан реал қўлга киритилган ҳуқуқлар муқаррар равишда (инсонларнинг ўзлари, уларнинг реал имкониятлари, улар турмушининг шароитлари ва ҳолатлари ўртасидаги фарқлар туфайли) нотенг бўлади: ҳуқуқнинг бирдек масштаби ва тенг меъёри билан ўлчанадиган ва баҳоланадиган ҳаётий фарқлар натижасида конкрет субъектга шахсан тегишли (бу маънода - субъектив), қўлга киритилган ҳуқуқлардаги фарқларга олиб келади. Турли шахслар томонидан қўлга киритилган ҳуқуқлардаги бундай фарқ бу шахсларнинг формал (ҳуқуқий) тенглик принципи, уларнинг тенг ҳуқуқий лаёқатини бузилишини эмас, балки риоя этилишининг зарурий оқибати ҳисобланади. Қўлга киритилган ҳуқуқлардаги фарқ формал(ҳуқуқий) тенглик принципини бузмайди ва бекор қилмайди.

Мисол тариқасида уч турли вазиятни таққослаймиз. Биринчи вазиятда ер участкаси ёки устахонани шахсий эгаликка олиш ҳуқуқига фақат баъзи шахслар (капитализмгача бўлган вазият), иккинчи вазиятда - ҳамма (капиталистик вазият) эга, учинчи вазиятда - ҳеч ким махсус тартибда (социалистик вазият) эга эмас. Биринчи ва иккинчи вазиятларда тегишли ҳуқуқга эга бўлган барча шахслар, улар аслида тегишли объектларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритдиларми-йўқми, муайян ер участкаси, устахонанинг реал эгалари бўладиларми ёки йўқми - буларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, тенг ҳисобланадилар, тенг ҳуқуқ лаёқатига эга бўладилар. Албатта, бирорта нарсани сотиб олиш, бирорта ҳаракатни бажаришга бўлган ҳуқуқга эга бўлиш бир масала бўлса, бундай формал, мавҳум-ҳуқуқий имкониятни амалга ошириш ва муайян бойликка бўлган реал ҳуқуқни қўлга киритиш бошқа масаладир. Ҳуқуқ - бу фақат турли инсонлар

учун тенг бўлган турли буюмлар, предметлар, неъматларга бўлган ҳуқуқларни қўлга киритишнинг формаллашган йўлидир, бироқ барча бундай буюмлар ва неъматларни барчага тенг миқдорда тарқатиш эмас.

Бироқ ягона асос ва умумий масштаб бўйича тафовутларни ҳуқуқий тартибга солишда айнан муносабатларнинг мазкур ҳуқуқий шакли тааллуқли барча шахсларнинг формал (ҳуқуқий) тенглиги ва эркинлигини тан олиш мавжуд. Масалан, иккинчи вазиятда барча формал тенг ва эркин, гарчи тегишли объектларга нисбатан реал ўзлаштирилган ҳуқуқлар турли шахсларда турлича бўлса ҳам. Биринчи вазиятда ҳуқуқий тенглик ва эркинликнинг тегишли соҳаси фақат баъзилар учун очик; қолганларда тегишли ҳуқуқ (ҳуқуқ лаёқати)нинг йўқлиги уларда формал (ҳуқуқий) тенглик ва эркинликнинг тан олинмаслигини англатади.

Учинчи вазиятда ишлаб чиқариш воситалари сифатида бундай объектларга нисбатан индивидуал мулкчилик ҳуқуқига ҳеч ким умуман эга бўлмаганлиги (ҳуқуқ лаёқатининг, реал қўлга киритилган ҳуқуқнинг йўқлиги) сабабли биринчи вазиятдаги ҳуқуқий имтиёзлар ҳам, тегишли объектларга нисбатан ҳуқуқлардаги фарқлар ҳам бўлмайди. Индивидда муайян ҳуқуқнинг бўлмаслиги - бу шу билан бирга тегишли индивидуал эркинликнинг бўлмаслиги ҳамдир. Қараб чиқилган муносабатда индивидларнинг формал тенглиги ва эркинлигининг ҳуқуқий принципи умуман йўқ ва жамият учинчи вазиятда ҳуқуқ субъектлари - индивидларда конкретлаштирилмайди. Ижтимоий (шу жумладан хўжалик) муносабатлари бу ерда бошқа (ноҳуқуқий) воситалар ва нормалар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус принципи сифатида тенгликнинг намоён бўлиш шакллари ижтимоий-тарихий характер касб этади.

Юридик либертаризм - бу ҳуқуқни тенглик, шахснинг эркинлиги ва адолат принципларининг ифодаси деб тушунишдир.

Тенглик - формал тенглик.

Ҳуқуқ - бу инсонларнинг ижтимоий муносабатлардаги формал тенглиги принципи орқали улар эркинлигининг норматив шаклдаги ифодаси.

Формал ҳуқуқий тенглик формал фактик тенгликка олиб кела олмайди. Легистлар қонун билан ҳуқуқни бир ҳодиса деб тушунишади, юснатурализм эса, ҳуқуқни табиий ва позитивга бўлади ва улар ўртасида назарий масалаларда қарама-қаршилик мавжуд.

Либертар ёндошув эса, бу икки йўналишга танқидий қарагани ҳолда, айтиш пайтда уларнинг қарашларидаги ижобий жиҳатларни мутлақо инкор этмайди.

Шундай қилиб, либертар назария ҳуқуқ билан қонунни бири-биридан фарқлаш - улар ўртасидаги нисбат ва муносабатнинг мазмун ва моҳиятини тўғри англашнинг асоси деб талқин этади ва бундай ёндошув ҳуқуқ ва қонуннинг кутилган шаклда ҳуқуқий қонунга айланишига олиб келади деб ҳисоблайди.

Демак, бу назария ҳуқуқий қонунлар қабул қилиниши учун, аввало, ҳуқуқ билан қонун ўртасидаги фарқни билиш, англаш шартлигини таъкидлайди.

5. Ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш

Ҳуқуқ ва қонуннинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала ҳуқуқ пайдо бўлиши биланок пайдо бўлган дейиш мумкин. Бу масала тўғрисида қадимги дунё мутафаккирлари Демокрит, Сукрот, Платон, Арасту, Эпикур, Цицерон, софистлар ва рим юристлари фикр билдирганлар ва ҳозирда ҳам у муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Айтиш жоизки, ҳуқуқ ва қонун ўртасидаги тафовут ҳақида фикр юритилганда “қонун” деган тушунча кенгроқ, одатий тушунчамиздан, яъни олий ҳокимият органи акти ва олий юридик кучга эга бўлган манба деб тушунишдан бошқача талқин этилади. Бунда “қонун” деганда уни махсус, қатъий маънода тушунилмай, балки юридик нормаларнинг барча расмий манбалари тушунилади (қонунлар, фармонлар, қарорлар, суд прецедентлари, санкцияланган одатлар ва б.).

Ҳуқуқ ва қонунни ажратиш масаласидаги концепциялар ичидан иккитасини кўрсатиш мумкин:

1. Бунда ҳуқуқ давлат ҳокимиятининг ижоди тарзида тушунилиб, мазмунидан қатъий назар барча ҳуқуқ нормалари манбалари ҳуқуқ деб тан олинади (Шершеневич Г.Ф.).

2. Тегишли субъект томонидан ва тегишлича тартибда қабул қилинган қонун ҳам ҳуқуқий мазмунга эга бўлмаслиги, ноҳуқуқий қонун бўлиши ва сиёсий ўзбошимчаликни ўзида ифодалаши мумкин (Нерсисянц В.С.).

Ҳуқуқ ва қонуннинг фарқланиши борасида йирик тадқиқотчи Нерсисянцнинг таъкидлашича, фақат ҳуқуқий қонунгина ҳуқуқ деб тан оилиниши мумкин: “Амалдаги қонунчилик нормалари қачонки уларда индивидларнинг формал тенглиги принципи мустаҳкамлан-

ган, норматив тарзда ифодаланган ва амал қилгандагина ҳуқуқий бўлади”.

Бу мураккаб масаланинг ҳал этилишида бир томондан, жамият, давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати ва нисбати масаласидан, иккинчи томондан эса, шакл ва мазмуннинг ўзаро алоқасининг умумфалсафий қонуниятларидан келиб чиқиш керак.

Маълумки, ҳуқуқ ва давлат ижтимоий тараққиётнинг мустақил маҳсули, натижалари ҳисобланади. Давлатдан ҳуқуқнинг ташкил топиш жараёни ҳам мустақил ҳолда кечади. Ҳуқуқнинг пайдо бўлиши дастлаб жамиятда, унинг “бағри”да кечади ва ўзини барқарор, қайтарилиб турадиган ижтимоий муносабатлар ва ҳуқ-атвор, ҳаракат тарзида намоён этади ва жамиятнинг ҳуқуқий интилиши, талаби (притязание) тарзида шаклланади ва ижтимоий онг билан мустаҳкамланади, ҳисобга олинади. Давлатнинг вазифаси эса, жамиятнинг бу талабларини вақтида аниқлаш ва адолат асосида уларни қонун даражасига кўтариш, яъни расмий манбаларда умуммажбурий хатти-ҳаракат қоидалари тарзида расмийлаштириш ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ шакл ва мазмун бирлиги сифатида жамият ва давлатнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади: ҳуқуқнинг мазмуни (хатти-ҳаракат қоидалари, ҳуқуқнинг информатив жиҳатлари) объектив равишда вужудга келади – ижтимоий жараёнлар таъсири остида, - давлат эса, унга шакл беради.

Ҳуқуқ ва қонунни фарқлашда бир жиҳатга эътиборни қаратмоқ зарур - ҳуқуқий шакл доирасида ноҳуқуқий мазмуннинг мавжуд бўлиши мумкинлигига. Шу ўринда “умуман ҳуқуқ у ёки бу объективлашган шаклдан ташқарида мавжуд бўлиши мумкинми?” деган савол туғилиши табиий, ҳуқуқ ўзининг шаклигача ва ўз шаклидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Зеро, ҳуқуқнинг хусусиятлари тўғрисидаги ҳозирги замон қарашларига кўра, “табиий ҳуқуқ” деб аталган ҳодиса, аслида табиий-ижтимоий асосларни англатади ва у юридик қоидалар мазмунини аниқлаши лозим, бироқ том асл маънодаги ҳуқуқ ҳисобланмайди.

Нерсесянцнинг таъкидлашича, табиий ва позитив ҳуқуқни фарқлаш - қонун ва ҳуқуқ ўртасидаги нисбатнинг бир элементи, холос. Шу боис ҳозирги кунда ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш муаммосининг моҳияти табиий ва позитив ҳуқуқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки позитив ҳуқуқнинг мазмуни ва шакли ўртасида мувофиқлик ўрнатишдан иборатдир.

Шу нуқтаи назардан ҳуқуқ ва қонун ўртасидаги нисбатга тавсиф беришда асос бўладиган ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

1. Ҳуқуқ ва қонунни бир-биридан фарқлаш лозим. Шу боис, қонун (нормаларнинг расмий манбалари) ҳуқуқнинг ифодаланиш шакли, ҳуқуқни ташқи объективлаштиришдир, ҳуқуқ эса, бу шакл ва мазмуннинг бирлигидир;

2. Ҳуқуқ қонунгача ва қонундан ташқари мавжуд бўла олмайди. Шакл - бу ҳуқуқ мавжудлигининг усули, воситаси. “Барча ҳозирги замон ҳуқуқ тизимларига қонунчилик мундири кийгизилган”(проф. Мушинский);

3. қонун ноҳуқуқий мазмунга эга бўлиши, яъни мазмунсиз, қуруқ, “ноҳуқуқий қонун” бўлиши мумкин. Қонуннинг мазмуни ҳуқуқийми ёки ноҳуқуқийми - бу масала табиий-ҳуқуқий асослар ёрдамида, ҳам мазкур жамиятнинг конкрет-тарихий мавжудлиги шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Бундай ёндошув шакл ва мазмун бирлигининг умуий қонуниятларига жавоб беради.

6. Юридик онтология, гносеология ва аксиология муаммолари

Юридик онтология, гносеология ва аксиологиянинг ички бирлиги шу билан белгиланадики, унинг асосида бир принцип - формал тенглик принципи ётади, бу принцип юридик онтология (ҳуқуқ нима?), аксиология (ҳуқуқнинг қадр-қиммати нимада?), гносеология (ҳуқуқ қандай ўрганилади?) учун бошланғич асос сифатида тушунилади ва изоҳланади.

Онтология нуқтаи назаридан “ҳуқуқ нима?” деган саволга “Ҳуқуқ умумий мавҳум тенг ўлчов, формал эркинлик ва адолатлилик компонентларини ўз ичига олган формал тенгликдир” деб жавоб берамиз. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий шакли сифатида онтология нуқтаи назаридан ҳуқуқнинг ушбу формал хусусиятлари - тенглик, эркинлик ва адолатлиликнинг мажмуидир.

Бунда фактик муносабатларнинг ҳуқуқий шакли бўлган ҳуқуқни ҳуқуқий шакл билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг фактик мазмуни билан, фактик муносабатларнинг ўзи билан аралаштириб юбориш мумкин эмас. Шу сабабли тенглик, эркинлик ва адолат - булар фактик эмас, балки ҳуқуқий формалликлар, ҳуқуқнинг формал-мазмуний хусусиятидир.

Онтологик, аксиологик ва гносеологик муносабатларда, мавхум-умумий тенг ўлчов, эркинлик ва адолат фақат уларнинг формал (формал-ҳуқуқий) ифодаланиши ва маъносида, яъни фақат формал тенглик принципнинг умумий маъносини ифодалаш ва намоён бўлишининг алоҳида шакли сифатидагина ҳуқуқни ягона, ички ўзвий боғлиқ тушунишни ташкил қилиш ҳисобланади.

Гносеологик жиҳатдан бу концепция ҳуқуқнинг муайян тушунчаси кўринишидаги қонун (позитив ҳуқуқ) ҳақидаги билимлар ва ҳақиқатни ифодалаш ва назарий жиҳатдан англашнинг зарурий назарий билиш намунасидир.

Шундай қилиб, бу концепция ҳуқуқ ҳақидаги оддий фикрдан ҳақиқий билимга, ҳуқуқ ҳақидаги ҳақиқатни билишга, ҳуқуқни тушунишга, яъни ҳуқуқнинг объектив (ҳокимиятлар эрки ва ўзбошимчалигига боғлиқ бўлмаган) хусусиятлари, табиати, моҳияти ва унинг намоён бўлиши (адекват ва ноадекват) шакллари ҳақидаги назарий билимга ўтиш жараёнини ифодалайди.

Либертар ҳуқуқни тушунишнинг марказида ҳуқуқ билан қонуннинг алоқадорлиги, ҳуқуқнинг объектив хусусиятларини қонуннинг моҳият хусусиятлари ва ҳуқуқий сифат мезонлари сифатида тушуниш ва изоҳлаш муаммолари, ҳуқуқий қонун (ва қонуний ҳуқуқ) тушунчаларини ишлаб чиқиш масалалари туради. Бундай ёндошувда ҳуқуқ билан қонун ҳақидаги ахтарилаётган ҳақиқат бўлиб, ҳуқуқий қонуннинг табиати, хусусиятлари ва тавсифлари ҳақидаги, уни ҳаракатдаги ҳуқуқ сифатида тасдиқланишининг шарт-шароитлари ҳақидаги объектив илмий билим ҳисобланади.

Бундай юридик-гносеологик ёндошув ўз табиатига кўра объектив бўлган ҳуқуқнинг шаклланиш жараёни билан қонуннинг шаклланиш субъектив (ҳокимият эрки билан боғлиқ) жараёнининг фарқи ва нисбатини аниқлашга ва ҳуқуқни позитивлаштиришнинг формал тенглик ҳуқуқий принципини ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ соҳалари ва объектларига нисбатан норматив конкретлаштиришнинг ижодий жараёни сифатида таҳлил қилишга имкон беради. Ва фақат шу маънодагина қонун ижод этиш сифатида қонунчилик ҳақида гапириш мумкин.

Юридик-либертар аксиологияга кўра, ҳаракатдаги (позитив) ҳуқуқ билан реал мавжуд давлатнинг кадр-қиммати ягона асос ва мезон бўйича, айнан ҳуқуқий қадриятлардан келиб чиқиш нуктаи назаридан, белгиланади. Бу ерда гап ахлоқий, диний ва бошқа ноҳуқуқий қадриятлар ҳақида эмас, балки айнан ҳуқуқий қадриятлар

(уларнинг формал-юридик мазмуни ва тушунчалари) ҳақида боради. Чунки, фақат шу тарздагина муайян ҳуқуқий қадриятлар - ҳуқуқнинг мавҳум умумийлиги (формал-тенглик принципи, муносабатларнинг ҳуқуқий шакли) туфайли - мутлақ ва умумаҳамият касб этади. Ҳуқуқ бу билан ўзининг аксиологик ўлчовида айнан ҳуқуқий қадриятларнинг қатъий муайян шакли, лозим бўлишликнинг бошқа шакллари (ахлоқий, диний)дан фарқ қилувчи ҳуқуқий лозим бўлишликнинг махсус шакли сифатида намоён бўлади.

Либертар концепцияда гап қонун билан мавжуд реал давлатнинг мазмуни ва аҳамиятини ҳуқуқ позициясидан баҳолаш ҳақида, уларнинг ҳуқуқий сифати ҳақида, уларнинг лозим даражадаги қадрият сифатидаги ҳуқуқ талабларига, мақсадларига, императивларига мос келиши ҳақида боради. Бунда ҳуқуқ қонун(позитив ҳуқуқ) билан давлат учун мақсад сифатида намоён бўлади. Бу қонун (позитив ҳуқуқ) билан давлат ҳуқуқнинг талабларини мужассам этишга ва амалга оширишга йўналтирилишлари лозимлигини билдиради, чунки уларнинг мазмун ва аҳамият касб этиш мақсади айнан шундадир. Қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлат фақат ҳуқуқий ҳодисалар сифатидагина қийматга эга. Улар ҳуқуққа қанчалик дахлдор бўлсалар, қанчалик ҳуқуқ мақсадларини ифодаласалар ва амалга оширсалар, шунчалик ҳуқуқий маъно касб этадилар ва ҳуқуқий воқелик саналадилар.

Шундай қилиб, либертар юридик аксиология концепциясига кўра, қонун (позитив ҳуқуқ) билан давлатнинг қиймати уларнинг ҳуқуқий мазмун ва аҳамият касб этишидан иборат. Қонун(позитив ҳуқуқ) билан давлатга нисбатан шарт бўлган ҳуқуқнинг мақсадини қуйидаги қоида тарзида ифодалаш мумкин: қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлат ҳуқуқий бўлиши лозим.

7. Либертар ҳуқуқни тушуниш шароитида ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари

Ҳуқуқ моҳиятига кўра, бу - формал тенглик. Ҳуқуқий тенглик принципининг маъносини конкретлаштириш бўйича ҳуқуқ тушунчасига берилган турли таърифлар ҳуқуқнинг бирдан-бир ягона моҳиятини ифодалайди. Бунда бу таърифларнинг ҳар қайсиси ҳуқуқий тенглик принципининг умумий маъносига тааллуқли бошқа таърифларни ҳам тақозо этади. Бундан қуйидаги ташқи фарқланувчи таърифларнинг ички мазмун жиҳатдан тенг қийматга эга эканлиги келиб чиқади, яъни: ҳуқуқ - бу формал тенглик; ҳуқуқ - бу ижтимоий

муносабатларда инсонлар экинлигининг умумий ва зарурий шакли; ҳуқуқ - бу умумий адолатлилик ва ҳ. Бунда умумий формал тенглик ўлчови, шунингдек, эркинлик ва адолатлиликни тақозо этади ва, аксинча.

Ҳуқуқнинг бу таърифлари унинг объектив, моҳиятий хусусиятлари орқали яхлит тарзда ҳуқуқнинг табиатини, маъноси ва ўзига хослигини ифодалайди. Ҳуқуқнинг бу объектив моҳият хусусиятлари унинг қонун билан фарқланиши билан боғлиқ, яъни улар қонун чиқарувчининг эркига боғлиқ эмас, ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги қонунга қиёслаганда мантиқан ундан аввал мавжуд бўлади ва ҳуқуқий қонуннинг муҳим хусусияти саналади.

Ҳуқуқнинг юқоридаги қатор таърифларига ҳуқуқни позитивлаштириш жараёнида, унинг қонун кўринишида ифодаланишида яна бир хусусият, янги таъриф - муайян вақтда ва муайян ижтимоий маконда қонун сифатида расман тан олинadиган ва ўрнатилadиган ҳокимий умуммажбурийлик хусусияти келиб кўшилади.

Бироқ қонун (позитив ҳуқуқ) ҳуқуққа мос келиши ҳам, зид келиши ҳам мумкин, бир томондан, ҳуқуқни ҳам, иккинчи томондан, ноҳуқуқий мазмундаги талаблар, рухсат беришлик ва ман этишликни ҳам норматив конкретлаштириш ва ҳимоялашнинг, расмий ҳокимий тан олишнинг шакли бўлиши мумкин. **Фақатгина ҳуқуқни ифодаланиш шакли сифатидагина қонун (позитив ҳуқуқ) ҳуқуқий воқелик бўлиб ҳисобланади.** Бундай қонун туфайли ҳуқуқий тенглик (у билан бирга эркинлик тенг ўлчовининг умумийлиги ҳам) давлат-ҳокимий, умуммажбурий тан олинади ва ҳимоя қилинади, қонуний кучга эга бўлади. **Қонун фақат ҳуқуқнинг объектив шаклланган хусусиятларини ифодаланиш шакли сифатидагина ҳуқуқий қонунга айланади.** Ҳуқуқий қонун – расмий тан олинган, конкретлаштирилган ва ҳимояланган, қонуний кучга кирган ҳуқуқдир, яъни ҳуқуқнинг объектив хусусиятларига эга бўлган позитив ҳуқуқдир.

Ҳуқуқни “позитивлаштириш”, уни қонунга айланишининг ҳақиқий жараёни ҳуқуқнинг объектив хусусиятлари ва талабларини эътиборга олишнинг зарурлиги билан бир қаторда бошқа кўп объектив ва субъектив омиллар (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий омиллар, қонун ижод этиш) га ҳам боғлиқ. Ва қонуннинг ҳуқуққа зидлиги тузум томонидан ҳуқуқни инкор этиш, қонун чиқарувчининг ҳуқуққа зид позицияси ёки турли хатолар ва

янглишишлар, паст даражадаги ҳуқуқий ва қонун ижод этиш маданиятининг оқибати бўлиши мумкин.

Ҳуқуққа зид қонунга қарши курашда эркинлик, ҳуқуқ ва давлатчиликнинг тарихий ривожланишида қонун яратиш фаолияти (ҳуқуқни “позитивлаштириш” жараёни) нинг ҳам, қонуннинг ҳуқуққа зидлиги устидан обрўли, самарали контрол (турли ҳокимиятлар ўртасидаги тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш тизими, қонуннинг ҳуқуқий мазмуни устидан умумий судлов, конституциявий судлов, прокурор контроли)нинг махсус институтлари, тартиблари ва қоидалари қарор топган.

Қонун (позитив ҳуқуқ)нинг умуммажбурийлик хусусиятида 2 та фарқланувчи, бироқ ўзаро алоқадор жиҳат - расмий-ҳокимий ва ҳуқуқий жиҳатлар бор.

Биринчи жиҳат шундан иборатки, қонун расмий ҳокимиятнинг қоидаси сифатида унинг томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади, қонун бузилганда тегишли давлат санкцияси билан таъминланади. Бундай қарашда қонуннинг умуммажбурийлиги - бу фақат ҳокимиятнинг ўз хоҳишича иш тутиши, унинг буйруқлари, қоидаларининг мажбурийлиги оқибатидек кўринади. Мана шу ерда ҳокимиятнинг мажбурий кўрсатмаси, буйруғи бу ҳуқуқдир деб тушунувчи легизмнинг илдизлари ётади.

Иккинчи жиҳат шундан иборатки, қонунга умуммажбурийлик(қонуний куч)нинг берилиши унинг шунчаки қандайдир бирорта умуммажбурий, бироқ ҳуқуққа зид қоида ва воқелик бўлганлиги учун эмас, балки **фақат айнан ҳуқуқ сифатида намоён бўлиши билан боғлиқ.**

Қонун у фақат айнан ҳуқуқ сифатида намоён бўлганлиги боис умуммажбурийликка (қонуний кучга) эга бўлади, шунчаки қандайдир умуммажбурий ва ҳуқуқий бўлмаган қоида (воқелик) бўлгани учун эмас. Чунки, ҳокимиятлар (ва легистлар) фақат қонуннинг умуммажбурийлиги ҳақида гапириб қолмай, шу билан бирга уни ҳуқуқ деб ҳам таъкидлайдилар.

Қонуннинг ўзини ҳуқуқ деб саналишига бўлган бундай талаби(интилиши)да шундай принципиал ҳолат намоён бўладики, қонун (позитив ҳуқуқ)да ҳуқуқнинг моҳиятидан фарқли бўлган ўзининг хусусий моҳияти йўқ. Ҳокимиятнинг умуммажбурий қоидалари ва ҳужжатлари ҳақида шуни айтиш керакки, уларга оид хусусий номлар ва ягона умумий номланиш йўқ, шу сабабли улар “ҳуқуқ” сўзига турли сифат белгиларини қўйиш орқали

номланадилар (масалан, “позитив” ҳуқуқ, “амалдаги” ҳуқуқ, “расмий” ҳуқуқ, “ўрнатилган” ҳуқуқ ва ҳ.).

Қонуннинг ҳуқуқий табиати ва моҳиятини тан олиш позициясидан шу нарса аниқки, **умуммажбурий кучга фақат ҳуқуқий қонунгина эга бўлиши керак.** Акс ҳолда ҳуқуқий моҳиятнинг йўқлигини, куч ва зўрлик воситасида ҳар қандай ўзбошимчаликни ҳуқуққа айлантириш мумкинлигини тан олишга тўғри келади. Бироқ, ҳуқуқнинг объектив табиати у инкор қилинадиган ерда ҳам намоён бўлиши мумкин: ҳатто тирания, деспотия, тоталитар моҳиятга эга ҳужжатлар уларнинг муаллифлари ва назариётчилари томонидан “ҳуқуқ”, “адолат” сифатида тарғиб қилинади.

Ҳуқуқ тушунчаси билан қонун шаклини ҳуқуққа зид мақсадларда суистеъмол қилиш имкониятлари, табиийки, ҳуқуқнинг инсонлар ижтимоий ҳаётида амал қилиши ва уни ифодалашнинг зарурий умуммажбурий шакли сифатида ўз табиатига кўра ҳуқуқий ҳодиса бўлган қонуннинг роли ва аҳамиятини камайтирмайди.

Бу ерда икки томонлама вазифанинг бирлиги шундаки, **фақат ҳуқуқгагина қонуний куч берилади ва шу билан бирга қонун фақат ва доимо ҳуқуқий бўлиши керак.**

Ҳуқуқ билан қонуннинг нисбатида ва фарқланишида қонуннинг умуммажбурийлиги унинг ҳуқуқий табиати билан белгиланади ва ҳуқуқ объектив хусусиятларининг умумаҳамият касб этиши оқибати, ижтимоий эҳтиёжнинг ва тегишли расмий ҳужжатлар ва қоидаларда ҳуқуқ принциплари ва талабларига мажбурий риоя этиш, конкретлаштириш ва ҳимоялаш заруриятининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ва айнан шунинг учун ҳам, мантиқ қоидасига кўра, ҳуқуқ - бу расмий-ҳокимий умуммажбурийликнинг натижаси эмас, балки, аксинча, бу мажбурийлик - ҳуқуқ(ҳуқуқнинг умум-аҳамиятли ижтимоий маъносини ифодалашнинг давлат-ҳокимий шакли)нинг оқибатидир. Бундай умуммажбурийлик ҳуқуқнинг яна бир зарурий таърифи сифатида чиқади (айнан қонун кўринишидаги ҳуқуқ). Бу таърифнинг маъноси шуки, нафақат ҳуқуқий қонуннинг мажбурий, балки шу билан бирга фақат ҳуқуқий қонунгина умуммажбурийлигидан ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг объектив хусусиятларини акс эттирувчи унинг бошланғич таърифлари билан мазкур қўшимча таъриф ўртасидаги асосий фарқ шундаки, ҳуқуқнинг объектив хусусиятлари қонун чиқарувчининг эркига боғлиқ эмас, ҳуқуқнинг объектив табиати

билан англашилинувчи ҳуқуқий қонуннинг умуммажбурийлиги эса, қонун чиқарувчининг эркига ва қатор объектив шароитларга (жамиятнинг ривожланиш даражаси, ҳуқуқий қонунларни пайдо бўлиши ва амал қилиши учун зарур объектив шароитларнинг мавжудлиги ва б.) ҳам боғлиқ.

Ҳуқуқнинг қонунга мос келишида ҳуқуқнинг барча айтилган таърифлари(ҳуқуқнинг қонундан фарқланиши ва ҳуқуқнинг қонунга мувофиқ келиши) субстанционал аҳамиятга эга, ҳуқуқий қонун моҳиятининг турли жиҳатларини очиб берадилар, умумий ягона тушунча таркибига кирадилар.

Позитив ҳуқуқ (ҳуқуқий қонун) умумий тушунчасининг энг қисқа илмий таърифи ўз ичига камида икки таърифни олиши керак: биринчиси - ҳуқуқ билан қонунни фарқловчи таъриф, иккинчиси - ҳуқуқнинг қонунга мос келишини белгиловчи таъриф.

Ҳуқуқнинг объектив талабларига мос келувчи позитив ҳуқуқ (қонуннинг ҳуқуққа мос келиши) деб формал тенглик нормаларининг умуммажбурий тизимига, қонуний кучга эга эркинликнинг тенг ўлчови (шакли, нормаси, принципи)га, қонун кучига эга адолатликка айтилади. Ёки тенглик, эркинлик ва адолатлиликнинг умуммажбурий шаклидир. Соддароқ айтганда, ҳуқуқ формал тенглик принципига мос келувчи расман ўрнатилган ва давлат ҳимояси билан таъминланган нормалар тизимидир.

Мазкур илмий таъриф (дефиниция)лар умумий характер касб этади ва позитив ҳуқуқнинг барча типлари ва тизимлари (ҳозирги замон ва ўтмишдаги ички давлат ва халқаро ҳуқуқ тизимлари)га тарқалади, фақат бу нисбий бўлиб, улар ҳуқуқнинг объектив табиати ва талабларига қанчалик мос келиши эътиборга олинган ҳолда юз беради, яъни улар ўзбошимчаликни эмас, балки ҳақиқатан ҳам ҳуқуқни ижобийлаштиришни эътиборга олишлари нуқтаи назаридан ифодалайдилар. Шу сабабли мазкур илмий таърифлар амалдаги турлича позитив ҳуқуқ типлари ва тизимларининг ҳуқуқий сифатини текшириш ва баҳолашда гап ҳақиқатан ҳам ҳуқуқни позитивлаштирилиши ҳақида кетаяптими-йўқми ёки ҳуқуқ ва қонун шакллари тирания, деспотия, тоталитаризмнинг мажбурий қоидаларини ва ўзбошимчаликни яшириш учун ҳуқуққа зид мақсадларда фойдаланаётганлигини аниқлашда ўлчов ва мезон бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқни тушунишнинг либертар формал-юримдик концепцияси ҳуқуқнинг объектив моҳиятий хусусиятларини очишга имкон

берадики, уларнинг қонунда мавжудлиги уни қонуний воқелик, яъни ҳуқуқ моҳиятига мос келувчи воқелик, ҳуқуқий моҳиятнинг ташқи намоён бўлиши ва амалга оширилиши сифатидаги жиҳат деб характерлашга имкон беради.

Қонун(позитив ҳуқуқ)ни ҳуқуқий воқелик сифатида тушуниш ўз ичига қонуннинг умуммажбурийлиги муаммоларини, унинг давлат ҳимояси билан таъминланлиги, ҳуқуқбузарларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини олади. Қонун(позитив ҳуқуқ) санкцияларининг бундай ўзига хослиги юридик ғносеологияга кўра, қонун чиқарувчининг эрки (ўзбошимчалиги) билан эмас, балки ҳуқуқнинг объектив табиати (унинг умумаҳамиятлилиги) билан белгиланади.

Ҳуқуқнинг объектив умумаҳамият касб этиши давлат томонидан тан олиниши, норматив конкретлашиши ва ҳимоя қилиниши умумий зарурияти (расмий-ҳокимий умуммажбурийлик билан тўлдирилиши)ни шу билан бирга ҳуқуқ билан давлатнинг зарурий боғлиқлигини ифодалайди. Юридик-либертар ҳуқуқни тушунишга кўра, давлат умумаҳамиятли ҳуқуқни тегишли санкцияга эга умуммажбурий қонун даражасига кўтариш учун, ҳуқуқий қонунни жорий этиш ва ҳимоялаш учун зарур бўлган ҳуқуқий институт сифатида намоён бўлади. Бундай ёндошувга кўра, мажбурлов фақатгина ҳуқуқий қонунда назарда тутилган давлат санкцияси шаклидагина ҳуқуқий бўлади.

Либертар-юридик назарияга кўра, давлат ва ҳуқуқ - ижтимоий ҳаётда инсонлар эркинлигининг мавжудлиги, тегишлича норматив институционал тан олиниши, ифодаланишининг умумий ва зарурий шакллариدير.

Эркинлик (индивидлар эркинлиги) тарихан ибтидоий жамиятнинг парчаланиши ва унинг озод кишилар ва қулларга бўлиниши жараёнида пайдо бўлган. Ибтидоий жамиятдаги ҳокимият институтлари ва нормалар ўрнига келган давлат ва ҳуқуқ бу эркинликни хусусий ва оммавий-ҳокимий муносабатларда индивидларнинг ҳуқуқ лаёқатлилиги кўринишида норматив ва институционал тан олиш, ифодалаш ва ҳимоялашнинг зарурий (ва ҳозирга қадар бирдан-бир ягона) шакли ҳисобланадилар. Эркинликнинг бутун жаҳон тарихий жараёни (қулликдан феодализмга ва капитализмга, сўнг постсоциалистик ва посткапиталистик цивилизмга ўтиш) бир вақтнинг ўзида бу эркинликнинг мавжудлиги, мустаҳкамланиши ва амалга оширилишининг зарурий ҳуқуқий ва давлат шакллари тараққиёти ҳамдир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳуқуқни тушунишдаги плюрализм сабаблари
2. Легизм ва унинг моҳиятини тавсифланг
3. Юснатурализм ва унинг мазмунини ёритинг
4. Юридик либертаризмнинг мазмуни ва моҳияти
5. Ҳуқуқ ва қонунни фарқлашнинг аҳамияти
6. Юридик онтология, гносеология ва аксиологиянинг аҳамияти
7. Либертар ҳуқуқни тушуниш шароитида ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари
8. Либертар ҳуқуқни тушуниш шароитида қонун устуворлиги таъминли

6-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚ

РЕЖА

1. Ижтимоий тартибга солишнинг объектив зарурлиги
2. Норматив тизим тушунчаси ва тизими
3. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, белгилари ва моҳияти
4. Ҳуқуқ принциплари ва функциялари
5. Ҳуқуқ тўғрисидаги назариялар

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003. 46 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002. 76 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
4. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабр.
6. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.: Адолат 2001. 695 с.
7. Исламов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма.Т.:ТДЮИ нашри.2004.139 б.
8. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.:ТДЮИ нашри. 2005. 188 б.
9. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси.қисқача ўқув қўлланма. Мас. муҳ. ю.ф.д.,проф. А.Х.Саидов. Т.:Адолат. 2003. 280 б.
10. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
11. Проблемы теории государства право: Учебное пособие. Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.
12. В.С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

13. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия. М: Статут. 1999.-810 с.
14. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.
15. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. Вопрос и ответ. М., «Новый юрист»-1999.240 с.
16. 18.Ахмедшаева М. Нажимов М. Ҳуқуқ нима? Ўқув қўлланма. Т.:ТДЮИ нашри. 2004. 46 б.
17. Саидов А.Х., Таджиханов У.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2 томлик. –Т.: Адолат. 1-том.
18. Бобоев Х. Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т. Адолат. 2001.
19. Одилқориев Х Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.:Шарқ, 2002.
20. Кельзен Г. Чистое учение о праве. М.:Прогресс, 1988.
21. Нерсисянц В.С. Философия права. М.: Инфра-Норма, 1997.
22. Алексеев С.С. Право. М.:Статут, 1999.
23. Проблемы теории государства и права. М.: Юрайт, 2001.
24. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О. 1-китоб. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар.Т.:ТДЮИ нашри.2005. 316 б.
25. Рустамбоев М.Ҳ. Абдухолиқов С.О.Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: ТДЮИ нашри.2005. 404 б.

1.Ижтимоий муносабатлар тушунчаси ва уларни норматив тартибга солишнинг объектив зарурлиги

Маълумки, ижтимоий ҳаёт, жамият миллионлаб одамларнинг оилага, меҳнат жамоасига, ҳудудий тузилмаларга, синфларга, иттифоқларга бирлашган, жамиятнинг индивидуал-якка аъзоларининг ўзаро ҳаракати ва ўзаро муносабатларидан иборатдир. Шу маънода жамият кишиларнинг ўзаро хатти-ҳаракатлари маҳсулидир.

Кўз олдимизда сон-саноксиз ўзаро муносабатлар амалга ошади. Уларнинг ҳажми, давомийлиги, мазмуни ҳам турлича. Қисқаси жамият минглаб, миллионлаб ўзаро муносабатларнинг макони бўлиб, айти пайтда бу муносабатлар муайян, реал эҳтиёжлардан келиб чиққан.

Жамият аъзолари, ижтимоий ҳаёт қатнашчилари, яъни индивидуумлар, социумлар ўртасида, уларнинг ижтимоий бирликлари

ўртасидаги барча муносабатлар, ўзаро ҳаракатлар мажмуи ижтимоий муносабатларни ташкил этади ва уларни ижтимоий нормалар тартибга солади.

Ҳар бир инсон жамиятда амал қилувчи нормалар ва улар асосида ўз ҳаётини ташкил қилиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Турли ижтимоий нормаларни ўрганиш, ўзлаштириш ва қўллаш социализация, яъни ижтимоийлашув деб аталади. Индивид жамиятдаги ҳаёт ҳақидаги биринчи тасаввурларини ота-онаси ва оиладаги яқинларидан олади. Мактабгача бўлган муассасаларда ва мактабда болаларни нормалар, анъаналар, қадриятлар билан таништирадилар, бошқа инсонларнинг ҳаёт тарзи махсус ўргатилади. Ижтимоий муҳитга, бошқа одамлар билан муносабатларга киришиш жараёни адаптация ҳисобланади. Адаптация муайян мақсадларга эришиш учун биргаликда фаолият кўрсатиш жараёнида кишиларнинг мулоқотга, ўзаро муносабатга киришиши натижасида амалга ошади.

Инсон турли гуруҳ, жамиятларда қатнашиб ижтимоий тажриба орттиради, шахс сифатида шаклланади. Шахс - маданий нормаларни билиш асосида ҳаракат қилувчи индивид, у жамиятда ўз мавқеини тушунади, бошқа одамлар орасидаги ўз ўрнини англаб етади.

Инсоннинг ижтимоийлашувини схематик тарзда унинг оилада бошланиб, сўнг жамиятда ва давлатда амалга ошадиган ҳаёт йўли деб тушуниш керак.

Энг муҳими ва аҳамиятли, бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган қадриятлардан бири бу инсонларнинг ўзаро мулоқот, умумий муносабатларда бўла олиш имкониятидир. Мулоқот жараёнида биз шахс сифатида шаклланамиз, дунё ва бошқа инсонлар ҳақида тасаввурга эга бўламиз ва ўзимизни, ўз имкониятларимизни, характеримиз хусусиятларини чуқурроқ ўрганамиз.

Инсонларнинг биргаликдаги ҳаёт кечириш тарзини тартибга солувчи, йўналтирувчи турли-туман нормалар халқаро битим (конвенция)ларда, конституцияда, турли ташкилотлар, партиялар уставларида, кодекслар ва қонунларда, ахлоқ қоидаларида, диний одатларда, маданий анъаналарда, сиёсий мажбуриятларда ифодаланади. Улар ёрдамида жамиятда муайян тартиб, иерархия, яъни бир хил муносабатларнинг бошқасига бўйсунуш тартиби жорий этилади. Нормалар бу тартибни таъминлайди ва миллионлаб одамларнинг биргаликдаги ҳаётини тартибсизлик, ўзбошимчаликка айланишига йўл қўймайди.

Нормалар ҳамма жойда ва ҳар доим амал қилади, улар инсонларнинг ҳар қандай фаолиятини, уларнинг ўзаро муносабатга киришувини тартибга солади. Ижтимоий нормалар инсоннинг бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳлик қилади, яъни инсон она вужудида ҳомила сифатида пайдо бўлганидан бошлаб то инсоннинг ўлими билан боғлиқ ҳолатларгача (масалан, мерос муносабатлари юзага келганда).

2.Ижтимоий нормалар тушунчаси ва тизими.

«Норма» лотинча «погма» сўзидан олинган бўлиб, ўлчов, қоида, намуна, стандарт, меъёр маъноларини англатади. Нормалар турли объектлар ва жараёнларга:табiiй, техник ва ижтимоий соҳаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Норма у ёки бу объектнинг ўз сифатини, мавжуд бўлиш қобилиятини сақлаб қолиш чегараларини, меъёрларини белгилайди.

Инсонга бевосита ижтимоий бўлмаган нормалар ҳам хос бўлиши мумкин. Масалан, инсон танаси ҳароратининг нормаси.

Юридик фанда жамиятда амал қилувчи нормаларни даставвал 2 катта гуруҳга - ижтимоий ва техник нормаларга бўлиш қабул қилинган. Техник нормалар деганда барча ноижтимоий нормалар тушунилади. Булар - соф техник нормалардан ташқари, санитар-гигиеник, экологик, биологик, физиологик нормалар ва ҳ.дир

Улар ўртасидаги тафовут тартибга солиш предметиға қараб аниқланади. Ижтимоий нормалар инсонлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги, яъни ижтимоий турмушға оид муносабатларни тартибға солса, техник нормалар эса, инсонларнинг ташқи олам, табиат, техника билан бўладиган муносабатлари билан иш кўради. Булар «инсон ва машина», «инсон ва меҳнат қуроли», «инсон ва ишлаб чиқариш» тоифасиға оид муносабатлардир.

Бу муносабатларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг иккинчи тарафида жонсиз предметлар туради, шу сабабли улар соф ижтимоий бўлмаган, ярим ижтимоий моҳият касб этадилар. Техник нормалар табiiй ва сунъий объектлар, технологик жараёнлар ва опреациялар билан ишлаш усуллари, воситалари, илмий асосланган методларни белгилаб беради.

Ижтимоий ва техник нормалар предмет белгисидан ташқари ўз мазмун-моҳияти, тузилиши, қайд этиш усули, умумлашганлик даражаси, шаклий ифодаланиши ва бошқа жиҳатлари билан ҳам бири-биридан фарқланади. Улардаги умумий жиҳат уларнинг инсонлар

фаолияти билан бевосита боғлиқлигида бўлса, тафовути эса, тартибга солиш объектлари ва усулларида кўринади.

Техник нормаларнинг баъзилари ҳуқуқий актларда мустаҳкамланадилар ва шу аснода юридик кучга эга бўладилар. Булар техник-ҳуқуқий нормалар бўлиб, моддий ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида учрайли, масалан, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, барча транспорт турларидан, атом станцияларидан фойдаланиш қоидалари, қурилиш ишларини олиб бориш, энерготабминот, портловчи ва заҳарли моддаларни сақлаш ва ташиш, қуроли ((ядро қуроли) билан ишлаш қоидалари, турли хил давлат стандартлари ва ҳ., уларнинг баъзиларида санкциялар ҳам кўзда тутилган.

Кишилар ўзларининг кундалик фаолияти ва турмушида кўплаб турли нормалар ва қоидаларга амал қиладилар. Булар орасида ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсий, эстетик, корпоратив нормалар, диний одатлар, маросимлар, анъаналар, иш кўникмалари, этикет талаблари учрайди. **Нормалар - бу ижтимоий мулоқот қатнашчиларининг ҳуққ-атвори, хатти-ҳаракатининг муайян намуналари, меъёрлари, андозаси, моделидир.** Ижтимоий нормалар – бу одамларнинг жамиятда мавжуд бўлишлик билан боғлиқ ҳуққ-атвори, хатти-ҳаракатининг муайян намуналари, стандартлари, моделидир. Буларсиз кишилар турмушини, ва, айниқса, мураккаб тузилмалар ҳисобланган давлат, жамиятнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Юристар бевосита касблари учун аҳамиятли бўлган ҳуқуқий нормалар билан иш кўрадилар. Бироқ, ҳуқуқий нормалар хусусиятларини ижтимоий нормаларнинг моҳияти ва ролини билмасдан туриб аниқлаш мумкин эмас.

Ижтимоий нормаларга қуйидаги жиҳатлар хос:

1. Ижтимоийлик. Улар ижтимоий соҳаларни тартибга соладилар ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) инсонларни;

б) ижтимоий муносабатлар, яъни одамлар ва улар бирлашмаларининг ўртасидаги муносабатларни;

в) инсонларнинг ҳуққ-атвори, хатти-ҳаракати. Демак, ижтимоий нормалар инсонларнинг ижтимоий аҳамият касб этувчи хатти-ҳаракатларини тартибга солади.

2. Обьективлик. Жамият мураккаб ижтимоий организм (тизим) сифатида тартибга солишга эҳтиёжни тақозо қилади. Ижтимоий нормалар ижтимоий зарурият тазйиқи остида тарихан ва қонуният тарзида шаклланади. Улар инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар,

хатти-ҳаракатлар, ўзаро таъсир, мулоқотлар ва мунтазам такрорланувчи ижтимоий алоқаларни меъёрий ифодалаш ва умумлаштириш натижасида юзага келадилар. Жамият нуқтаи назаридан муҳим ва аҳамиятли бўлган инсонлар фаолияти билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ва муносабатларни мустаҳкамлашда ва турмушда татбиқ этишга бўлган зарурият ижтимоий-норматив жиҳатдан тартибга солишнинг муҳимлигини келтириб чиқаради.

3. Нормативлик. Ижтимоий нормалар умумий характерга эга бўлиб, инсонлар хатти-ҳаракатларини гуруҳий белгига қараб тартибга солувчи регулятор сифатида амал қиладилар. Улар аниқ, муайян шахсга қаратилган бўлмай, балки гуруҳ, тоифага тааллуқлигига қараб белгиланади, мўлжалланади, масалан, ёшига, ақли расолигига қараб, ёки юридик шахснинг мақомига қўйилидиган умумий талаблар ва ҳ. Ижтимоий нормаларнинг нормативлиги улар ҳаракатининг такрорланишида, мунтазамлигида, яъни қўлланиши мўлжалланган муайян гуруҳдаги вазият, шароитлар юзага келган ҳар бир ҳолатда ижтимоий норма ҳам амал қила бошлайди. Ижтимоий нормалар хатти-ҳаракатнинг умумий модели сифатида мазмунига кўра муайян гуруҳларга мўлжалланади ва белгиланади.

4. Ижтимоий нормалар инсонларнинг манфаат ва эҳтиёжларини қондириш усулларини, хулқий фаоллиги доирасини белгиловчи эрки, хоҳиш-иродасининг ўлчовидир.

5.Мажбурийлиги. Ижтимоий нормалар ижтимоий заруриятнинг норматив ифодаси сифатида ҳамиша у ёки бу даражада мажбурий ҳисобланади, буйруқ характерига эга.

6.Риоя этиш тартибининг белгиланганлиги. Ижтимоий тартибга солишда ижтимоий нормаларни амал қилиши, қўллаш тартиби ва усулини аниқ белгиловчи қоидаларнинг мавжуд бўлиши муҳим.

7.Санкцияланганлиги. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда белгиланган кўрсатмалар, қоидаларни қўллашни таъминловчи механизм бўлиши керак.

8.Тизимга солинганлик. Ижтимоий нормаларнинг турлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни юзага келишида, уларнинг бир тизимга хос сифатларини шакллантиришдан жамият манфаатдор бўлади.

Ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солиш тизими деганда жамиятдаги инсонларнинг хулқ-атворларини, хатти-ҳаракатларини, уларнинг бирлашмалар, жамоалар доирасидаги ўзаро

муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар мажмуини тушуниш керак.

Бу тизимда ҳуқуқий нормалар алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқ ижтимоий ривожланиш эҳтиёжлари оқибатида пайдо бўлган, бу эҳтиёжлар қуйидагилардир:

-давлат пайдо бўлгач, кишилар маълум ҳудудларда яшай бошлашган, шу боис кишиларнинг янги бирлиги - халқнинг ўзаро муносабатларини ягона тартибини белгилаш зарурлиги туғилди;

-синфларнинг шаклланиши, шу сабабли улар ўртасида зиддиятли муносабатларнинг мавжудлиги, уларнинг мураккаблиги шароитида ягона тартибни ўрнатиш зарурлиги;

-нормал ривожланиш учун ўзаро қўшничилик, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, ҳарбий низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш, уларни камайтириш ва юмшатиш зарурати ва ҳ.

Ҳуқуқ ижтимоий тартибга солишнинг бошқа турларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

1.Энг аввало, ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши давлатнинг пайдо бўлиши ва мавжуд бўлиши билан узвий боғлиқ.

Давлат ўз олдигаги вазифаларни, жамиятда ягона тартиб ўрнатиш функциясини ҳамма учун мажбурий қонунлар чиқариш, мавжуд одатларнинг бажарилишини таъминлаш йўли билан амалга оширади. Айни пайтда ҳуқуқий нормалар давлатнинг иштироки, ёрдамисиз ўз-ўзича амал қила олмайди.

2.Фақат ҳуқуқгина барча жамият аъзолари учун мажбурий нормалар тизимидан иборат. Ижтимоий нормалар эса маълум табақа, тоифа, гуруҳ, жамоалар учунгина мажбурийдир.

3.Ҳуқуқнинг бажарилиши давлат томонидан таъминланади. Бошқа ижтимоий нормалар эса давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади.

4.Ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилади. Ижтимоий нормалар эса одамларнинг ишониши, фикрлари йўналиши (уйғунлашуви) сифатида шаклланади ёки жамоат бирлашмалари томонидан ўрнатилади.

5.Ҳуқуқ расмий шаклда - қонунларда ифодаланади, унга шаклан аниқлик хос, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ ва тушунарли қилиб мустаҳкамланиши билан ажралиб туради, бир тизимга эга ва унинг тармоқлари ўзаро мантиқий боғланган.

Ҳуқуқ - бу давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган ҳамма учун умуммажбурий бўлган меъёрлар тизимидан иборат.

Ҳуқуқий тартибга солиш қаерда юридик жараён воситалари билан ҳуқуқий муносабатлар исботланиши ва ижро этилиши мумкин бўлса ва уларни қўриқлаш зарурияти юзага келганда амалга оширилади.

Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўрни ўзига хос. Гарчи уларнинг иккаласи ҳам инсонларнинг хатти-ҳаракати, юриш-туришига таъсир этувчи воситалар бўлса-да, бироқ, ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Шу боис ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ижтимоий норманинг бу икки турининг моҳиятини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ижтимоий нормалар тизимида айнан ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўрни бошқача, чунки улар ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий восита-регуляторлардир.

Ахлоқ - бу ижтимоий нормаларнинг тури бўлиб, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзининг ўлчови билан қамраб олади. У ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, ўзида инсонларнинг яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, ҳалол ва ҳаром, эзгулик ва гуноҳ тўғрисидаги қарашлари, тасаввурлари йиғиндиси сифатида намоён бўлади ҳамда кишилар онгида, жамоатчилик фикрида, санъат асарларида тамойиллар, меъёрлар, эзгуликка интилиш каби ҳолатларда мустаҳкамланади ва уларнинг фаолиятида маънавий асос сифатида хизмат қилади.

Умуминсоний ахлоқий нормаларнинг бажарилиши жамоатчилик фикри, тарбия, шахс ички дунёси, виждони орқали таъминланади.

Ҳуқуқ ва ахлоқ ўзаро умумий жиҳатларга эга, айни пайтда бир-биридан анча фарқ қилади, шу билан бирга иккаласи ижтимоий ҳаётда биргаликда амал қилади.

Ахлоқнинг ҳуқуқ билан умумий жиҳатлари:

- ижтимоий эҳтиёжлар натижасида пайдо бўлган;
- ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади;
- ижтимоий нормалар туркумига мансуб;
- нормативлик хусусиятига эга, яъни ўзида бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракат қондасини ифодалайди;
- инсон эркинлиги доирасини белгилайди;
- кўп ҳолларда ихтиёрий равишда бажарилади.

Ҳуқуқ билан ахлоқнинг фарқланувчи хусусиятлари:

- ҳуқуқ давлат билан бирга пайдо бўлган бўлса, ахлоқ кишилик жамияти шаклланиши биланоқ вужудга келган;

- ҳуқуқ давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти натижасида шаклланса, ахлоқ нормалари эса инсонларнинг яхшилик, ёмонлик, адолат, ҳалоллик, олижаноблик каби тушунчалари шаклида инсонлар онггида, қалбида, санъат асарларида, халқ оғзаки ижоди намуналарида аста-секин шаклланади;

- ҳуқуқ аниқ, ёзма шаклга эга, ахлоқ эса кенг мазмунлидир;

- уларнинг тартибга солиш объектлари муайян даражада бири-бирига мос келса-да, бироқ улар ўзаро фарқланади, ахлоқнинг ҳаракат доираси кенгроқ ва чуқурроқ;

- ҳуқуқнинг ижроси давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланса, ахлоқ эса жамоатчилик фикри кучи, инсоннинг тарбиялилиқ даражаси кабилар билан таъминланади;

- ҳуқуқ нормаларида мажбурловнинг чора ва шакллари олдиндан белгиланган, ахлоқда эса бу белгиланмаган;

- ҳуқуқ ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатигагина баҳо беради, ахлоқ эса, одамнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатига баҳо беради;

- бир давлат доирасида ягона ҳуқуқ тизими мавжуд бўлса, ахлоқ нормалари ушбу мамлакатнинг турли миллатларида, турли ҳудудларида бошқача ҳам бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ билан ахлоқнинг ўзаро муносабати ва ўзаро нисбати тўғрисида гапирганда, уларнинг тартибга соладиган муносабатлари доираси тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқ билан ахлоқнинг тартибга соладиган муносабатларини фарқлашда ҳуқуқ билан ахлоқ биргаликда тартибга соладиган муносабатлар доирасини ҳамда фақат ахлоқ ёки фақат ҳуқуқ орқали тартибга солинадиган муносабатлар доирасини белгилаб олиш муҳим. Ҳуқуқ, одатда юридик воситалар тизими ёрдамида ҳуқуқий муносабатларни исботлаш ва амалга ошириш мумкин бўлган ҳолатларни тартибга солади, масалан, бузилган ҳуқуқни исботлаш ва ундан келган зарарни аниқлаш ва қоплаш мумкин бўлган муносабатларни тартибга солади.

Одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, дўстлик, яқинлик ва ўзаро ёрдам каби муносабатлар бевосита ахлоқ нормаларининг тартибга соладиган объекти ҳисобланади ва ҳуқуқ бу муносабатларга аралашмайди ва аралашishi мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Айни пайтда ахлоқ аралашмайдиган соҳалар ҳам мавжуд, масалан, фуқароларнинг турли бирлашмаларига, техник-юридик нормалар

доирасига, давлат органларининг ваколатлари доирасига ва ш.к. муносабатларга ахлоқ баҳо бермайди.

Ҳуқуқ билан ахлоқ ўртасида ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир этиш муносабатлари мавжуд. Ҳуқуқ кўпинча ахлоққа асосланади, шу боис ахлоқнинг ҳуқуққа таъсири катта, айти пайтда ҳуқуқ ахлоқий қоидаларнинг ҳам ҳимоячиси сифатида амал қилади.

Корпоратив нормалар - жамоат бирлашмалари томонидан ўрнатилган хатти-ҳаракат қоидалари бўлиб, уларнинг уставларида, низомларида, қарорларида ифодаланади ва фаолият мақсадларига эришиш учун хизмат қилади.

Ҳуқуқ ва корпоратив нормаларнинг умумий жиҳатлари:

- 1) аниқ, конкрет хатти-ҳаракат қоидаларини ўзида ифодалайди;
- 2) махсус, алоҳида актларда мустаҳкамланади;
- 3) нормаларнинг тизимга солинганлиги.

Ҳуқуқ ва корпоратив нормаларнинг фарқлари:

- таъминланиш даражасида,
- мажбурлов шаклларида,
- ҳуқуқ нормасининг устуворлигида.

Одатлар - бу хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қондаси бўлиб, муайян ижтимоий муҳитда шаклланади, авлоддан-авлодга ўтади, инсонларнинг табиий ҳаётини эҳтиёжлари сифатида намоён бўлади ва кўп такрорланганлиги боис одамлар уларга ўрганиб одатга айланади. Анъаналарни ҳам одатга киритиш мумкин. Қонунга бўйсуниб ҳам одатдир. Мусулмон давлатларида шариат билан бир қаторда давлат томонидан санкцияланган одатлар ҳам амал қилади.

Ҳуқуқ ва сиёсат. Маълумки, ҳуқуқ давлат билан бирга вужудга келган ва ривожланган. Давлат сиёсатни амалга оширувчи асосий органдир. Сиёсат - бу маърифий жамиятда одамларни бошқариш санъати, давлатни бошқаришда синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва улар ташкилотларининг иштироки тушунилади. Умуман олганда, сиёсат - бу жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатлари ўртасидаги муносабат ва нисбатдир.

Тарихдан маълумки, сиёсат жамиятнинг табақаларга ажралиши, яъни турли манфаатли йирик ижтимоий қатламлар вужудга келиши ва улар ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлиши билан шакллана борган. Бу қарама-қаршиликни тартибга солиш зарурати ҳам вужудга келган ва шу тариқа кишилар ҳаётини ташкил этишнинг янги шакли бўлмиш давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлган ва улар янги жамиятдаги янги

мураккаб муносабатларни тартибга солиши, жамиятнинг яхлитлигини таъминлаши керак бўлган.

Шундан бери давлат жамиятдаги сиёсий манфаатларни амалга оширувчи тузилмалар ичида марказий ўринни эгаллайди. Бироқ, жамиятда давлатдан ҳам бошқа сиёсий фаолият билан шуғулланувчи тузилмалар, ташкилотлар мавжуд: сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари.

Давлатнинг бошқа сиёсий фаолият субъектларидан фарқи шуки, у бутун жамият номидан иш кўради ва сиёсий ҳаётнинг марказий субъекти ҳисобланади, айти пайтда бошқа сиёсий тузилмалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, уларнинг фаолияти учун шароит яратади.

Ҳуқуқий нормалар жамият, давлат ва шахс ҳаётининг муҳим жиҳатларини универсал ҳолда тартибга солса, сиёсий нормалар эса жамиятдаги мавжуд синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда партияларнинг сиёсий ҳокимият учун кураш борасидаги мураккаб фаолиятини тартибга солади.

Сиёсий нормаларга ҳам нормативлик хусусияти хос, улар ҳам ўзида муайян хатти-ҳаракат қоидасини ифодалайди. Улар ҳам расмий ҳужжатларда мустаҳкамланиши мумкин. Баъзи ҳолатларда улар сиёсий раҳбарларнинг қарашларида, ғояларида, чиқишларида мужассам бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ билан сиёсатнинг ўзаро муносабати ҳақида сўз юритганда, шубҳасиз, ҳуқуқнинг сиёсатга нисбатан устуворлигига тўхталиш зарур, чунки сиёсат ҳам ҳуқуқий моҳиятга эга бўлиши лозим. Ҳокимият учун олиб бориладиган ҳар қандай кураш, албатта, қонуний асосларда кечмоғи керак.

Ҳуқуқ ва дин. Ҳуқуқ ва диннинг, ҳуқуқий ва диний нормаларнинг ўзаро муносабати масаласи ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Диний нормалар - ижтимоий нормаларнинг бир тури бўлиб, диндорлар учун бажарилиши лозим бўлган қоидалар йиғиндисидан иборатдир. Бу қоидалар диндорларнинг турли тузилмаларини ташкил этиш ва фаолият юргизиш, шунингдек, муайян бир динга хос бўлган диний таомилларни амалга ошириш тартибларини ўзида жамлайди.

Диний нормалар ҳар бир диннинг муқаддас манбаи бўлган диний китобларда мустаҳкамланган, масалан, Қуръон, Сунна, Талмуд, Ветхий Завет, Новўй Завет ва б.). Мусулмон ҳуқуқининг манбалари юридик характерга эга ва уларда муслимнинг ҳаёт йўлини

белгиловчи қоидалар тўпланган. Диний ва ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро ҳаракати шунчалик қалинлиги боис баъзи ҳуқуқий тизимлар диний ҳуқуқий тизимлар деб юритилади, масалан, мусулмон ҳуқуқий тизими, ҳинд ҳуқуқий тизими. Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида мусулмон ҳуқуқи нормаларининг қўлланилишига йўл қўйилган.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий ва диний нормалар ўртасидаги муносабата давлатимиз томонидан виждон эркинлигининг, яъни ҳар бир шахс истаган динига эътиқод қилиши ёки умуман ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги эркинлигининг кафолатлаши, диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаши соҳасидаги муносабатларда кўринади.

Диний бирлашмалар қонунчиликда белгиланган тартибда юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин, бунда уларнинг Уставлари юридик хусусият касб этади.

3. Ҳуқуқ ижтимоий норма сифатида

Ҳуқуқ кишилиқ жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида ижтимоий зарурат натижасида давлат билан бирга вужудга келган, яъни у ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният ривожининг маҳсули сифатида майдонга чиққан.

Жамиятдаги бошқа ижтимоий нормалар билан биргаликда инсон хатти-ҳаракати, юриш-туришини тартибга солувчи восита сифатида майдонга чиқиб, кишиларнинг ўзаро муносабатларини ва ижтимоий мулоқот иштирокчилари хатти-ҳаракатларини тартибга солади.

Ҳуқуқ жамиятдаги турли қатламлар, табақалар, гуруҳлар, миллатлар ва элатлар ўртасида ижтимоий аҳилликни, келишувни таъминлайди. У инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий қийматларни адолатли тақсимланишига хизмат қилади. Ҳуқуқнинг энг муҳим жиҳатларидан бири **шахснинг эркинлиги ўлчови ва меъёри эканлиги**да намоён бўлади, чунки ҳуқуқда нималарни содир этиш мумкин ва нималарни содир этишдан шахс ўзини тийиши кераклиги аниқ кўрсатиб қўйилган бўлади.

Ҳуқуқнинг яна бир эътиборли жиҳати унинг **норматив характерга эга эканлиги**дир, яъни ҳуқуқ якка шахсга қаратилган бўлмай, балки ноаниқ сонли кўпчиликка йўналтирилгандир, масалан, йўл қоидаларига риоя этиш мажбурияти йўлдан фойдаланадиган, йўлдан юрувчи барчага тегишли. Бундан ташқари ҳуқуқ нормалари

бир марта қўлланишга мўлжалланган бўлмай, балки мунтазам қўлланишга йўналтирилган, яъни қўлланишга асос бўлган ҳар бир ҳолатда, тегишли ҳуқуқ нормаси қўлланилаверади, масалан, йўл қондасини бузганлик учун жавобгарлик, ҳар гал шу ҳуқуқбузарлик содир бўлганда вужудга келаверади.

Ҳуқуқ ижтимоий муносабат иштирокчиларига нисбатан бир хил чораларни қўллайди, яъни уларнинг ижтимоий аҳволи, ақлий қобилияти, жисмоний кучи ва бошқа жиҳатларига қарамасдан уларга бир хил ёндошади, масалан, йўл қондасини бузмаслик мажбурияти мансабдор шахсга ҳам, оддий фуқарога ҳам, спортчига ҳам, оддий талабага ҳам бир хил юкланади.

Ҳуқуқнинг турли қирралари ҳақида узоқ баҳс юритиш мумкин, чунки у кўп қиррали, мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Унинг барча муҳим жиҳатларини жамлаган, кўпчиликка маъқул келадиган таърифини топиш мушкул.

Умуман ҳуқуққа қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ҳуқуқ - бу давлат томонидан ўрнатиладиган(ёки санкцияланадиган) ва бажарилиши таъминланадиган, ўзида тенглик, эркинлик, адолат ва ҳавфсизлик тамойилларини ифодаладиган умуммажбурий характерга эга бўлган хатти-ҳаракат, юриш-туриш қоидалари мажмуидир.

Ҳуқуқнинг моҳияти, мазмуни билан унинг ижтимоий қадр-қиммати, аҳамияти боғлиқдир.

Ҳуқуқнинг ижтимоий аҳамияти - бу унинг шахс учун, жамият учун қандай аҳамиятга эга эканлигини англатувчи тушунчадир. Демак, ҳуқуқнинг ижтимоий аҳамиятини англаш – ҳуқуқнинг жамият ва шахс учун ижобий аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етиш демакдир. У қуйидагиларда ўз ифодасини намоён этади:

- ҳуқуқ жамиятда юз берувчи сон-саноксиз ижтимоий муносабатларни тартибга солиш йўли билан жамиятда умумий тартибот ва барқарорлик ўрнатади;

- ҳуқуқ маърифатли жамиятда эркинлик ва вадолат ўртасидаги нисбатнинг зарур даражасини таъминлайди ва шу йўл билан турли манфаатли аҳоли қатламлари ўртасида ижтимоий мувозанатни ўрнатади;

- ҳуқуқ бевосита ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали ушбу ижтимоий муносабатлар мазмунига ҳам аниқлик киритади;

- ҳуқуқ шахсининг ижтимоий фойдали эркин ҳаракат қилишига имконият яратади, унинг қонуний фаолиятини муҳофаза этади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у жамият ва шахс учун фойдали бўлган муносабатларнинг ривожига имконият туғдиради, уларнинг ҳимоясини таъминлайди, айти пайтда, жамиятнинг равақига тўсиқ бўладиган муносабатларнинг илдизини қирқади, олдини олади.

4. Ҳуқуқ принциплари ва функциялари.

Ҳуқуқ принциплари бу ҳуқуқнинг мазмунини, моҳиятини ва унинг жамиятда тутган ўрнини белгилаб берувчи бош ғоялардир. Ҳуқуқ принциплари бир томондан, ҳуқуқ ривожининг мураккаб қонуниятларини ифодаласа, иккинчи томондан эса, ҳуқуқий тартибга солишнинг барча соҳаларида амал қиладиган энг умумий нормаларни ўзида мужассам этади.

Ҳуқуқ принциплари жамият тараққиётининг муҳим қонуниятлари билан ҳуқуқий тизим ўртасида боғловчи-воситачи ролини ўйнайди ва оқибат натижада ҳуқуқий тизим жамият ва инсон манфаатларига, эҳтиёжларига аста-секин мослашади.

Ҳуқуқ принциплари ёйилиш доирасига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

- умумҳуқуқий принциплар;
- тармоқлараро принциплар;
- тармоқ принциплари.

Барча ҳуқуқ тармоқларида бирдек амал қилувчи умумҳуқуқий принципларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) адолатлилик принципи;
- 2) инсонпарварлик принципи;
- 3) демократизм;
- 4) қонунийлик принципи;
- 5) фуқароларнинг қонун ва суд олдида юридик тенглиги принципи;
- 6) ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлиги принципи;
- 7) ишонтириш ва мажбурлов услубларининг уйғунлашуви;
- 8) халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги ва б.

Ҳуқуқ принциплари ўз мазмунига кўра бир неча ҳуқуқ тармоқларининг хусусиятларини ифодаладиган бўлса, улар тармоқлараро принциплар ҳисобланади. Масалан, жиноят жараёни, фуқаролик жараёни ва хўжалик жараёни учун хос бўлган

жавобгарликнинг муқаррарлиги, тортишувчанлик, суд ишларини юргизишнинг ошкоралиги принциплари тармоқлараро принциплар жумласига киради.

Фақат бир ҳуқуқ тармоғида амал қиладиган принципларга мисол қилиб, жинойт жараёнида - айбсизлик презумпцияси, фуқаролик ҳуқуқида тарафларнинг тенглиги принципи, меҳнат ҳуқуқида - меҳнатнинг эркинлиги принципини кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқ тараққиёти жараёнида ҳуқуқ шаклига хос бўлган бир қатор ўзига хос принциплар вужудга келиб, уларни юридик адабиётда ҳуқуқий аксиомалар деб юритилади. Улар жумласига «Ҳар қандай ҳаракатни содир этиш мумкин, агарда у қонунда ман этилмаган бўлса», «Қонун орқага қайтиш кучига эга эмас», «Ҳеч ким ўзининг ишига ўзи судья бўла олмайди», «Битта ва ўша ҳуқуқбузарлик учун икки марта жазоланиш мумкин эмас» каби принципларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқнинг моҳияти унинг функциялари орқали намоён бўлади. **Ҳуқуқ функциялари - бу ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга ва инсонларнинг хатти-ҳаракатларига ўтказадиган таъсирининг асосий йўналишларидир.** Ҳуқуқ функцияларида юридик нормаларнинг ҳаётда қандай ишлаши, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга қандай таъсир этиши намоён бўлади, демак, ҳуқуқ функциялари орқали ҳуқуқнинг жамиятда қандай ўрин тутишини билиб олиш мумкин.

Ҳуқуқ функцияларини умумижтимоий ва функционал функцияларга ажратиш мумкин. Умумижтимоий функцияси орқали ҳуқуқ иқтисодга, маънавиятга, сиёсатга таъсир этади ва тегишлича иқтисодий, маънавий ва сиёсий функцияларни бажаради.

Бироқ, ҳуқуқнинг асосий, туб моҳияти унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишидир, яъни унинг функционал жиҳатидир.

Ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш функцияси ўз навбатида қуйидаги функцияларга мазмунан ажратилади:

1) **регулятив-статик функция**, бунда ҳуқуқ жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали уларни мустаҳкамлайди, уларга барқарорлик бахшида этади. Бу функция асосан қатор ҳуқуқ субъектларининг мақомини белгилашда кўринадди, масалан, шахс, давлат органи, жамоат бирлашмасининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, уларнинг ваколат доирасини белгилаш ва б.

Ушбу функция ҳуқуқ субъектларига ваколат беради ва улар шу ваколат доирасида ҳаракат қиладилар, ҳуқуқий муносабатларга

киришадилар. Бун функция ваколат берувчи ва ман этувчи нормалар ва шу аснода вужудга келувчи пассив ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширилади;

2) **регулятив-динамик функция.** Бу функция орқали ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар ривожини таъминлайди, яъни ҳуқуқ субъектининг бўлажак хатти-ҳаракати қандай бўлиши кераклиги аниқланади. Бу функция асосан мажбурият юкловчи нормалар орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI бобида фуқароларнинг бурчлари белгиланган: солиқларни тўлаш, ҳарбий хизматни адо этиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби;

3) **қўриқлов-муҳофаза этиш функцияси** - регулятив функцияни таъминлашга қаратилган. У давлат томонидан таъминланади, унинг органлари орқали амалга оширилади. Бу функция ҳуқуқий чеклашлар, яъни жазолаш, мажбуриятлар, ман этишлар, тўхтатиб қўйишлар орқали амалга оширилади;

4) **баҳо бериш функцияси** орқали ҳуқуқ инсоннинг хатти-ҳаракати ҳуқуқий ёки ноҳуқуқий эканлигини кўрсатади. Ноҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун тегишлича юридик жавобгарлик вужудга келади. Ҳуқуққа мос ҳаракатларни содир этганлик учун ҳам ижобий оқибат келиб чиқиши мумкин, бунда рағбалантирувчи нормалар ишга тушади, масалан, фуқарога давлат олий унвонининг берилиши, корхонада ходимга мукофот берилиши ва б.

5. Ҳуқуқ тўғрисидаги назариялар.

Ҳуқуқнинг жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлиги, уни тушунишдаги кўп фикрлилик(плюрализм)ни келтириб чиқарган. Шу боис ҳуқуқ тўғрисида кўплаб назариялар ва қарашлар мавжуд, уларнинг мазмун ва йўналиши турлича бўлишидан қатъи назар ҳуқуқ ҳодисасини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Ҳуқуқ ҳақидаги назариялар таҳлилини табиий ҳуқуқ назариясида бошлаш мақсадга мувофиқ, чунки бу назариянинг ғоялари ҳозирги замон давлатлари ҳуқуқи моҳияти ва мазмунига сингдирилган ҳамда уларга маънавий-ахлоқий асос бўлиб хизмат қилади.

Табиий-ҳуқуқ назариясига кўра, инсон дунёга келишида Оллоҳ ва табиат томонидан уларга қатор ҳуқуқлар берилган бўлиб, улар ўзида адолатни ифодалаган, улар ўзгармайди, олиб қўйилмайди, чунки улар табиийдир, инсон табиатидан келиб чиққан, масалан,

инсоннинг эркин-эмин бўлиш ҳуқуқи, тенг бўлиш ҳуқуқи, хавфсиз бўлиш ҳуқуқи, бахтли, оилали бўлиш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва б.

Бу назария билан илк ғоялар қадимги Юнонистон ва Римда шаклланган. Сукрот, Арасту, Цицерон ва Ульпианлар бу ғоянинг қадимги асосчилари ҳисобланади. Кейинчалик бу ғоялар ўрта асрлар илоҳийшуноси Фома Аквинский таълимотида ривожлантирилган. Бироқ, яхлит, тугалланган назария сифатида бу ғоялар XVII-XVIII асрларда Гюго Гроций, Томас Гоббс, Джон Локк, Вольтер, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, А.Н.Радишев ва бошқалар томонидан узил-кесил шакллантирилган.

Бу назарияга кўра жамиятда икки, яъни табиий ҳуқуқлар ва позитив ҳуқуқлар мавжуд. Табиий ҳуқуқлар инсон табиати, моҳиятидан, адолат, ахлоқийлик ва тафаккур принципларидан келиб чиққан, шу боис улар адолатлидир, zero давр ва макон, давлат ва халқларга боғлиқ эмас, улардан ташқарида, шу сабабли барча даврларда, барча халқларга нисбатан ҳаракат қилаверади, чегара билмайди.

Табиий ҳуқуқлар ўзининг табиийлиги боис, абадул-абад амал қилади ва ўзгармайди. Ҳар бир давлатнинг вазифаси эса, ўз фуқароларининг табиий ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва уларни таъминлаш ҳисобланади.

Позитив ҳуқуқ, яъни давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқ фақат табиий ҳуқуқларга мос келсагина, уларни адолатли, оқилона ҳуқуқ дейиш мумкин.

Табиий ҳуқуқларни, албатта соф юридик маънодаги ҳуқуқлар деб айтиш қийин, бироқ, у позитив ҳуқуқ, яъни давлатнинг ўрнатадиган ҳуқуқи ёрдамида реал ҳуқуқларга айланиши мумкин.

Табиий ҳуқуқлар ҳақидаги назария ҳозирги кунда замонавийлашган ҳолда амал қилмоқда. Унга кўра, давлат томонидан ўрнатиладиган ҳуқуқ, яъни позитив ҳуқуқ - табиий ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳосила ҳуқуқдир ва у умуминсоний қадриятларга, яъни адолат, эркинлик, тенглик каби принципларга, аниқроғи инсон табиий ҳуқуқларига мос келиши керак.

Бу назариянинг икки йўналиши мавжуд: неотомизм ва “дунёвий доктрина”. Неотомизмнинг асосий ғояси – давлат томонидан ўрнатиладиган ҳуқуқнинг илоҳий қонунларга мос келиши, оллоҳ қонунлари давлат қонунларининг табиий ҳуқуқларга мос келишини таъминлаши керак.

“Дунёвий доктрина”нинг бош ғояси эса ҳуқуқнинг асоси, замини ахлоқий, этик қоидалар бўлганлигига ишора қилиб, давлат чиқарадиган қонунлар табиий ҳуқуқнинг ахлоқий-маънавий талабларига жавоб бериши кераклигини таъкидлайди.

Таъкидлаш зарурки, ҳозирда табиий ҳуқуқ назариясининг кўпгина қоидалари илғор давлатлар ва халқлар томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг конституцияларида ўзининг ифодасини топган Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни ҳам бу масаладаги энг илғор ғояларни ўзида жамлаган.

Ҳуқуқнинг тарихий мактаби. Намояндалари: Густав Гуго, Савиньи, Пухта. Шаклланиш даври – XIX асрнинг биринчи ярми.

Моҳияти: ҳуқуқ бамисоли ерга ташланган уруғ қандай ўсиб-унса, етилса, ҳуқуқ ҳам одамлар онгида, тафаккурида худди шундай етилади, “она сути” билан авлоддан-авлодга ўтиб боровчи ҳуқуқ тил ва ахлоқ каби аста-секинлик билан шаклланади ва ўзида ўша халқнинг руҳини ифода этади, у одатлар ва қонунлар шаклида намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг ҳуқуқи ўша халқнинг руҳи билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Демак, ҳар бир халқ ҳуқуқи - ўша халқ руҳи ифодасидир.

Ижобий томони: ҳуқуқ тарихини, унинг манбаларини ўрганиш зарурлигига эътиборни қаратади ва шу муносабат билан кенг манбани, айниқса, рим ҳуқуқи бўйича кенг материални тўплади.

Салбий томони: барча халқлар учун ягона бўлган ҳуқуқнинг бўлиши мумкинлиги инкор этилган ва ҳар бир халқнинг ўзига хос ва ўзига мос ҳуқуқи бўлиши кераклиги таъкидланган. Ҳар қандай воқелик, шу жумладан қадимги дунёдаги қуллик ҳам у тарихан юзага келганлиги учун одатдаги нарса деб тушунилган ва адолатли, асосли деб талқин қилинган, Германиядаги эски феодал-крепостнойлик ҳуқуқи институтларини сақлаб қолиниши ёқланган, ҳар қандай ижобий, янги ўзгаришларга, хусусан умумгерман фуқаролик кодексини яратиш ҳақидаги таклифларга қатъий қаршилик билдирилган.

Ҳуқуқнинг психологик (руҳий) назарияси ҳуқуқнинг пайдо бўлишини жамият ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари билан боғламай, балки шахс ёки бир гуруҳ шахслар руҳияти билан боғлаб тушунтиради. Бунда ҳуқуқ руҳий кечинмалар, руҳий ҳиссиётлар натижасида шаклланган деб тушунтирилади.

Бу назария XIX аср охири ва XX аср бошларида Германия ва Францияда кенг ёйилган, намояндалари: Бирлинг, Кнапп (Германия), Тард (Франция), Л.И.Петражицкий (Россия).

Моҳияти:

- ҳуқуқнинг бош манбаи - бу ички ҳиссиётлар, инстинктлар соҳасидир;
- ҳуқуқ бу тафаккурга нисбатан бирламчи бўлган ҳиссий кечинмалар, инсон характери, руҳияти маҳсулидир;
- ҳуқуқ давлатга, иқтисодга, синфларга, синфий курашга боғлиқ эмас;
- расмий, давлат билан боғлиқ позитив ҳуқуқ ва расмий бўлмаган алоҳида шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг интуитив ҳуқуқи фарқланади;
- интуитив ҳуқуқ ички туйғу орқали англанадиган ҳуқуқ бўлиб, унинг илдизлари инсон руҳиятида, унинг ҳис-туйғуларида жойлашган ва у инсон руҳий кечинмалари таъсирида шаклланади;
- интуитив ҳуқуқ ҳаётдаги ўзгаришларга бефарқ қарамайди, ҳуқуқий тартибот принципларини шакллантиради, расмий ҳуқуққа таъсир кўрсатади;
- расмий ҳуқуқ интуитив ҳуқуқ босимини ўзида сезади, унинг аксиомаларини сингдиради;
- иккала ҳуқуқ ўртасида ўзаро таъсирнинг йўқлиги, ўзаро зиддиятнинг юзага келиши ижтимоий низони келтириб чиқаради.

Ижобий томони: ҳуқуқни инсон эрки, руҳияти билан боғлайди. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда, ҳар бир шахс ҳуқуқий хулқининг шаклланишида индивидуал ҳуқуқий онгнинг роли катта эканлигини илгари суради.

Салбий томони: субъективизм. Ҳуқуқ билан ҳуқуқий онгни аралаштириб юборади ва уларни бир ҳодисадек талқин этади. Позитив ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилиб, унинг қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топади ва шу боис кўпчиликка унча таниш эмас. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ орқали тартибга солиш жараёнида индивидуал ҳуқуқий онгнинг ролига катта эътибор берган, чунки ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий онги унинг ҳуқуқий хулқ-атворини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблашган, ҳуқуқий онг объектив реаллик сифатида талқин қилинган. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий онг билан бир қаторда яна бошқа ижтимоий-ҳуқуқий характердаги омиллар ҳам етакчи аҳамиятга эга эканлиги эътибордан четда қолдирилади.

Ҳуқуқнинг нормативистик назариясининг шаклланиши ва асосланиши австриялик юрист Ганс Кельзен номи билан боғлиқ, XIX асрнинг 30-40-йилларида шаклланган. У ўзи томондан яратилган

“Ҳуқуқ ҳақидаги соф таълимот” номли асари билан боғлиқ ҳолда мазкур таълимотни ҳам “ҳуқуқнинг соф назарияси” деб номлаган.

Бу таълимот XIX асрда шаклланган формал-догматик юриспруденция ва юридик позитивизм таъсири остида шаклланган. Позитивизм табиий-ҳуқуқий назариядан фарқ қилган ҳолда, субъектив ҳуқуқни объектив ҳуқуқдан, яъни давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқдан келтириб чиқаради, ва бундай ёндашуви билан табиий ҳуқуқ назариясига қарши бўлган йўналишни эгаллайди. Позитивизм асосий ҳуқуқ ва эркинликларни инсонларга давлат беради деб таъкидлайди. Нормативистик назария ҳуқуқни қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив актларда ташқи ифодаланган, жамланган нормалар мажмуидан иборат деб тушунади. Кельзеннинг ёзишича, “ҳуқуқ фақат ҳуқуқ билангина белгиланади” ва “ҳуқуқнинг кучи унинг ўзида”, ҳуқуқ бу мажбурий тарзда амалга ошириладиган нормалар мажмуидан иборат.

Кельзен талқинича, ҳуқуқнинг соф назарияси шуки, юридик фан ҳуқуқни ўрганишда унинг иқтисодий, сиёсий, маърифий-ахлоқий жиҳатларини истисно қилиб ўрганиши керак. Шу боис Кельзен ўз асарида “менинг вазифам ҳуқуқни том маънода ҳуқуқ ҳисобланмайдиган барча нарсалардан тозалашдир” деб кўрсатган.

Кельзен таълимотида ҳуқуқнинг тузилишига оид фикрлари ўзига хос ўрин тутади. Унинг фикрича, ҳуқуқ “бош норма” энг тепасида турган, тўппа-тўғри шаклланган, мантиқан боғланган элементлардан иборат бўлган поғонавий пирамидадан иборатдир, бу пирамиданинг ҳар бир бўғини ўзидан юқори турувчи нормага боғлиқ, унинг юридик кучи ҳам шу пирамидада тутган ўрни билан белгиланади.

Ушбу назарияга мувофиқ, ҳозирги замон ҳуқуқ тушунчаси - бу давлат томонидан ўрнатиладиган, зарур ҳолларда бажарилиши давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланадиган, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва давлат иродасини ифодаладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланадиган нормалар мажмуидан иборатдир.

Ижобий томони: ҳуқуқнинг нормативлик, иерархиявийлик, тузилмавийлик хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Бу назария жамиятда қонунчиликнинг ривожланишига, ҳуқуқ нормаларини қўллашда бир хилликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, улар томонидан ҳуқуқ бузилиши ҳолларида қўллани-

ладиган таъсир чораларининг тизимини, чора ва воситаларини ҳуқуқда аниқ аввалдан мустаҳкамлаб қўйишга имкон яратади.

Салбий томони: Позитив ҳуқуқни, унинг моҳият ва мазмунини, жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини белгиловчи, уни юзага келтирган эҳтиёж ва сабабларни ҳуқуқни ўрганишда аҳамияти катта эканлигини инкор этади, табиий ҳуқуқларни тан олмай, ҳуқуқни давлатга боғлаб, унинг ҳуқуққа бўлган таъсирига ўта урғу берган.

Ҳуқуқнинг социологик мактаби XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланган бўлиб, унинг асосчилари ва вакиллари Р. Фон Иеринг, Л.Дюги, Ф.Жени, Е.Эрлих, Р.Паунд (АҚШ), Д.Фрэнсис, Левеллин ва б. ҳисобланади. Бу назария вакиллари ҳуқуқни амалий ҳодиса сифатида тушуниб, суднинг ҳуқуқ яратишдаги ролига катта эътибор берган. Шу боис бу назарияни “жонли ҳуқуқ” назарияси ҳам деб аташган.

Ҳуқуқ деганда юридик амалиётни, ҳуқуқий тартиботни, қонунларни қўллаш жараёни тушунилган. Уларча, ҳуқуқ – бу ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг амалдаги, реал хатти-ҳаракатларидир. Д.Дьюгининг фикрича, “Ҳуқуқ - бу фаолият бўлиб, унинг воситасида бошқа фаолиятга аралаштиш мумкин. Ҳуқуқий норма эса биронта фаол рол ўйнамайди, у ҳар бир аниқ ҳолатда индивидуал маъмурий ёки суд актларини чиқариш йўли билан мазмунга эга бўлувчи “қоғоз бўлағи”дир”. Давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқ умуман ҳуқуқнинг бир қисми ҳолос ва бу ҳуқуқ билан бир қаторда “жонли ҳуқуқ” ҳам амал қилади. Бу “жонли ҳуқуқ” эса, реал ҳаётда таркиб топган фактик амалий муносабатларнинг айнан ўзидир. Шунга асосланиб, улар “ҳуқуқнинг ўзгарувчанлиги” ғоясини илгари сурганлар.

Бу назария тарафдорларининг фикрича:

-ҳуқуқ бу жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш режимидир;

-ҳуқуқ суд ҳужжатлари билан айнан, суд ҳужжатлари шунчаки ҳуқуқ қўллаш актлари эмас, балки жамиятдаги умумий тартиб, эҳтиёжлар, манфаатлар ифодасидир;

-суд прецедентлари ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади (норматив-ҳуқуқий актлар эмас);

-судлар қонунлар билан эмас, балки бошқа судлар (айниқса, юқори турувчи судлар)нинг прецедентлари билан боғлиқ;

-қонунлар суд қарорларида яшайди (“жонли ҳуқуқ”), қонунлар ўз ҳолича яшай олмайди (“ўлик ҳуқуқ”);

-“жонли ҳуқуқ” суд қарорлари билан белгиланувчи одамларнинг реал ҳуқуқ ва бурчларида, ҳуқуқий муносабатларда яшайди;

-ҳуқуқни ижод этиш қобилияти судларга тегишли.

Ижобий томони: ҳуқуққа бўлган кенг ёндашув, ижтимоий муҳитни эътиборга олиш. Назария ўз эътиборини ҳуқуқнинг жамиятдаги ҳаракатига, унинг реал муносабатлар доирасидаги фаолиятига қаратади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг, ҳуқуқ қўллаш жараёнининг реал шарт-шароитларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Салбий томони: ҳуқуқни ҳуқуқий муносабатлар билан, яъни ҳуқуқнинг ҳаётдаги реал ҳаракати билан чалкаштириб юборган. Суд органларига “ҳуқуқни яратиш, ўзгартириш” имконини беради, оқибатда қонунийликнинг бузилишига, суд органлари томонидан суистеъмолликларга йўл қўйилишига, қонун аҳамиятини пасайишига олиб келади.

Марксча-ленинча ҳуқуқ назарияси XIX асрнинг 40-йилларида шаклланган бўлиб, намоёндалари К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, И.Сталин, Бухаринлар ҳисобланади. Бу назариянинг асосини тарихни ва синфий курашни материалистик нуқтаи-назарда қараш ташкил этади.

Марксча-ленинча ҳуқуқ назарияси совет юридик фанида мутлоқ ҳукмрон ғоя эди. Унинг асосчилари Маркс, Энгельс яшаб ижод этган давр дастлабки илк капитализмнинг синфий зиддиятлари очик кўриниб турган бир пайтига тўғри келган ва бу давр уларнинг ижодида ўзининг ҳал қилувчи таъсирини қолдирган. Шу боис улар давлат ва ҳуқуқни синфий ҳодисалар сифатида тушунишган.

Моҳияти:

-ҳуқуқ пировард натижада жамиятнинг иқтисодий базиси билан белгиланади;

-ҳуқуқ иқтисодий базисдан юқори бўла олмайди, унинг ўз тарихи йўқ;

-эски ижтимоий-иқтисодий формациянинг ҳуқуқи синдирилиши лозим, чунки у инқилобдан сўнг янги иқтисодий муносабатларга хизмат қила олмайди;

-ҳуқуқ коммунистик жамият арафасида ахлоқий нормаларга айланиб, барҳам топади;

-ҳуқуқ ҳамиша, ҳатто ривожланган социализм шароитида ҳам синфийдир (умумхалқ ҳуқуқи);

-ҳуқуқнинг ривожланиш жараёнига коммунистик партия раҳбарлик қилади;

-ҳуқуқ жамиятдаги мавжуд иқтисодий ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган эрки ифодасидир.

Хусусияти: ҳуқуқни иқтисодиёт, мулкчилик шакллари, сиёсат ва ҳокимият учун кураш билан очиқ боғлиқлигини таъкидлайди.

Камчилиги: ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир этувчи бошқа омилларни қисман ёки тўла инкор этади, маданий феномен сифатида ҳуқуққа етарли баҳо бермайди.

Шундай қилиб, жамиятда мавжуд бўлган мураккаб ижтимоий муносабатлар тизими унга мос келувчи ва объектив тарзда шаклланган ижтимоий нормалар тизими билан тартибга солинади. Жамиятнинг норматив тизимида ҳуқуқнинг ўрни ўзига хос бўлиб, у жамият, давлат ва шахсга оид энг муҳим ва типик муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, ҳуқуқ нормалари воситасида ижтимоий муносабатлар тартибга солинади ва шу тариқа кишилар ўртасидаги муносабатларда ижтимоий адолат ва барқарорлик, тартибот ва мувозанат таъминланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг объектив зарурлиги

2. Жамиятнинг норматив тартибга солиш тизими

3. Ижтимоий нормалари ва уларнинг турлари

4. Ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқнинг ўрни

5. Ижтимоий норма сифатида ҳуқуқнинг белгилари

6. Ҳуқуқнинг принциплари

7. Ҳуқуқнинг функциялари

8. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг ўзаро муносабати ва нисбати

9. Ҳуқуқ тўғрисидаги назариялар тавсифи

7-МАВЗУ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МОҲИЯТИ, ТУШУНЧАСИ ВА НОРМАТИВ ШАКЛИ

РЕЖА:

1. Инсон ҳуқуқлари индивидлар ўзаро таъсирининг норматив шакли сифатида
2. Инсон ҳуқуқларининг уч авлоди
3. Шахсининг ҳуқуқий мақоми: тушунчаси ва тузилиши.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ.1994.
3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002.. 76 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
6. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. 695 с.
7. Исламов З.М. Проблема власти:ее понимание, назначение, социальная ценность.Т.:2003.ТДЮ нашри. 245 б.
8. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.Т.:Ўзбекистон.2005.264 б.
9. Права человека.М.: Норма Инфра М.1999.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Туркум рисолалар.Т.:ТДЮИ нашри.2005.
11. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
12. Проблемы теории государства право: Учебное пособие. Под ред.М.Н.Марченко.—М.:Юрист,2004. 656 с.
13. В.С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.
14. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия.М: Статут. 1999.-810 с.

15. Ĭđiòañiâ Â.Í. Òâĩđëŷ ĩđâââ è âĩñóââđñòââ. Ĭđiáëaiŷ òâĩđëè ĩđâââ è âĩñóââđñòââ.Ì.:Pđàéò.1999. C. 240

16. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

1.Инсон ҳуқуқлари индивидлар ўзаро таъсирининг норматив шакли сифатида

1. Инсон ҳуқуқлари нима?

Инсон ҳуқуқлари кишилар ўзаро ҳаракати, улар ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш, улар ҳаракати ва фаолиятини мувофиқлаштириш, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, конфликтларни бартараф этишнинг норматив шакли ҳисобланади. Ўз моҳиятига кўра, улар индивид, жамият, давлатнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш объектив зарур бўлган кишилар ҳаёт фаолиятининг шарт-шароитлари ва усуллари норматив шакллантирадилар. Бу меъёрлар эркинлик, тенглик, адолат принципларига асосланади. Яшаш, эркин бўлиш ҳуқуқи, кадр-қимматга эга бўлиш, шахс дахлсизлиги, фикрлаш ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқи кабилар маърифий жамиятда инсон ҳаётини ташкил этишнинг зарур шартлари ҳисобланадилар ва давлат томонидан сўзсиз тан олинishi, қўриқланиши шарт.

Инсон ҳуқуқлари мазмунига конкрет-тарихий ёндошиш зарур. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган инсон ҳуқуқларининг ҳозирги замон каталоги - бу ҳозирги замон ҷамият нормаси бўлган стандартларни узоқ тарихий қарор топиш жараёнининг натижасидир. Инсон ҳуқуқларининг ривожда ҳал қилувчи босқич бўлган ХУП-ХУШ асрлар буржуа-демократик инқилоблари фақат инсон ҳуқуқларининг кенг мажмуинигина эмас, шунингдек инсон ҳуқуқларининг универсаллиги ва демократик мазмунини белгиловчи формал тенглик принципини ҳам илғари сурди. Формал тенгликка асосланган инсон ҳуқуқлари ижтимоий тараққиётнинг бош аҳамиятли йўналишларидан бирига айланди, улар давлатнинг характериға катта таъсир кўрсата бошладилар, унинг яққа ҳокимлигини чекловчи восита ҳисобланадилар, индивидни давлат ҳокимиятининг чекланмаган ҳомийлигидан ҳамда унинг эрки ва манфаатларини ҳокимий тузилмалар томонидан кўрсатиладиган тазйикдан озод қилиб, давлат ҳокимияти ва индивид ўртасида демократик ўзаро таъсирни ўрнатишға имкон берадилар. Айни пайтда ҳуқуқий

давлатни шакллантириш ижтимоий онг ва амалиётда инсон ҳуқуқларини тасдиқламасдан туриб мумкин эмас.

Бироқ, бунга давлатли уюшган жамиятда индивидларнинг ҳам ҳокимият, ҳам бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари шакл ва усуллари кидириб топиш учун узоқ давом этган азоб-уқубатли жараён натижасида эришилган. Бу жараён соф ҳуқуқий маконда кечмаган. Шу сабабли инсон ҳуқуқлари бошидан ахлоқий-этик, маънавий-маданий, диний мазмунга эга бўлган.

Инсон ҳуқуқлари кишилар фаолиятида кўп марта такрорланувчи ҳаракатлар, алоқалар ва муносабатларнинг қатъий шаклларига боғлиқ ҳолда шаклланган. Ўз манфаатлари, мақсадлари, эҳтиёжларига эга индивидларнинг кўпчилиги иштирок этган жамият ҳаётида кишилар хатти-ҳаракатининг турли йўналишлари муқаррар равишда тўқнашади ва қарама-қаршиликка учрайди. Бироқ, ижтимоий ўзаро таъсир иштирокчилари хатти-ҳаракатларининг турли-туманлигига қарамасдан муайян барқарор нормалар, эталонлар, қадриятлар шаклланадики, улар инсонлар ўзаро таъсир жараёнини тартиблаштиришга, турли индивидлар манфаатларини тарихан шаклланувчи ижтимоий турмуш, ишлаб чиқариш усули, маънавият, давлатчилик билан уйғунлаштиришга қодир. Ҳар бир инсон моддий ва маънавий неъматларнинг муайян миқдorigа даъвогарлик қилади, интилади, ўз навбатида уларни инсонларга берилишига жамият ва давлат имконият яратиши керак.

Бу неъматларнинг ҳажми тарихан доимо индивиднинг жамият синфий тузилмасида, моддий ишлаб чиқариш тизимида тутган ўрни ва мавқеи билан белгиланган. Индивидга тааллуқли бўлган бу неъматларни шартли равишда инсон ҳуқуқлари деб аташ мумкин. Бу шартлилик жамиятни унинг ривожланиш турли босқичларида кескин қўбланиши (қулдорчилик, феодализм), цивилизациянинг ўзига хослиги (европача, осиёча ва ҳ.) билан белгиланиб, улар инсон ҳуқуқларининг формал тенглик принципи асосида универсаллик хусусияти ва ҳозирги замонга хос мазмунини касб этишга имкон бермаган.

Инсон ҳуқуқлари, уларнинг генезиси, ижтимоий илдизлари, тайинланиши - бу минг йилликлардан бери давом этиб келаётган инсониятнинг ижтимоий-маданий ривожи ва сиёсий, ҳуқуқий, этик, фалсафий ва диний фикрнинг муқаррар тарзда диққат марказида бўлиб келган “абадий” муаммолардан бири ҳисобланади. Турли даврларда бу муаммо сиёсий-ҳуқуқий муаммо бўлиб қолиши билан

бирга, у жамиятда мавжуд ҳуқуқ ва бурчларни синфий чекловли тақсимлашни асослантиришда ва ҳимоя қилишда манфаатдор бўлган ҳокимият тепасида турган синфларнинг ижтимоий позициясига, ижтимоий тараққиётнинг тарихий босқичига боғлиқ ҳолда гоҳ диний, гоҳ этик, гоҳ фалсафий мазмун касб этган. Инсон ҳуқуқлари - кўп қиррали, кўп ўлчовли воқелик. Бу муайян даражада инсон ҳуқуқлари ўз ифодасини топган ҳуқуқий нормалар генезиси билан боғлиқ.

Инсон ҳуқуқларини ғоявий таълимот жиҳатидан асослантириш - бу давлат ҳокимиятининг хоҳиши ва ўзбошимчалигига боғлиқ бўлмаган инсоннинг табиий, туғма ҳуқуқлари ҳақидаги таълимотдир; давлат ҳокимиятининг мақсади аввалдан табиат ёки Оллоҳ томонидан берилган ҳуқуқларни таъминлашдир. Табиий-ҳуқуқий ғояларни пайдо бўлгунига қадар ҳукмрон бўлган этатистик қарашлар ўз хоҳишича инсонлар тақдирини тасарруф қилишга ҳақли олий куч сифатида индивидни давлатга бўйсундиришга йўналтирилган. Табиий-ҳуқуқий концепция эътиборни шахс автономиясига, унинг индивидуаллигига қаратади.

Бундай ёндошув бу ижтимоий онгдаги инқилобий тўнтариш ҳисобланади: олдин давлатга бутунича бўйсунган ва унга қарам бўлган индивид энди автономияга эга, ҳуқуқ билан белгиланувчи эркинлик доирасига давлатнинг аралашмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади ҳамда ўзининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда давлат ҳимояси кафолатларини олади.

Табиий-ҳуқуқий таълимотнинг қадр-қиммати эркинлик ва адолат, инсон қадрияти ва бахтли бўлиш каби ахлоқий принциплар ва категорияларга таянади.

Табиий-ҳуқуқий таълимотни буржуа инқилобларини ғоявий асослашдаги, инсон ҳуқуқларини қарор топишидаги ролини юқори баҳолаш билан бирга уни давлат ва шахс ўзаро муносабатларини белгиловчи ягона ва устун таълимот деб ҳисоблаш мумкин эмас. Унга инсон ҳуқуқлари, давлат билан шахс ўзаро муносабатлари табиатига бўлган позитивистик ёндошув муайян даражада қарама-қарши туриб келган. Бу ёндошувга кўра, инсон ҳуқуқлари, уларнинг ҳажми ва мазмуни давлат томонидан белгиланади, давлат инсонга нисбатан патерналистик функцияларни амалга ошириб, бу ҳуқуқларни инсонга “ҳадя қилади”.

Бу ёндошувларнинг қарама-қаршилиги юз йиллар давомида кузатилади ва ҳозир ҳам мавжуд. Улар илмий баҳслар соҳасида тўқнашмайди ва ҳозирги замон давлатларининг конституцияларида

ўз ифодасини топади. Масалан, АҚШ, Франция, Италия, Испания конституцияларида инсон ҳуқуқларининг табиий-ҳуқуқий концепцияси, Австрия Конституциясида - позитивистик концепция акс этган.

Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари табиатига бўлган икки ёндошувдаги фарқлар муайян аниқлик киритишни талаб қилади. Энг аввало, давлат ҳокимиятини инсон ҳуқуқлари билан чеклашни унинг (яъни давлат) ролини мумкин қадар камайтириш маъносида тушунишни англамайди, давлатнинг роли фақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашдангина иборат эмас, шунингдек, уларга қонуний шаклни, умуммажбурийлик хусусиятини беришдан ҳам иборатлигини унутмаслик керак. Шу сабабли инсон ҳуқуқларини зиммасига ҳам уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш функциясини, ҳам уларни қонуний шакллантириш функциясини олган давлатга қарши қўйиш мумкин эмас. Бу ҳуқуқларни конституцияда ёзиб қўйилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқларини келиб чиқиши табиий-ҳуқуқий таълимотини тан олувчи давлатлар амалиёти уларни позитив расмийлаштиришни ҳеч бир инкор этмайди. Ҳозирги даврда табиий-ҳуқуқий таълимот ҳам, позитив ёндошув ҳам антипод, антогонистлар сифатида намоён бўлмайдилар. Табиий-ҳуқуқий таълимот инсон ҳуқуқларининг келиб чиқиш илдизларини уларнинг инсондан ажралмас, бегоналаштирилмаслик хусусиятлари билан боғлайди. Бу таълимот инсон ҳуқуқларини давлатдан юқори қўяди, унинг моҳияти давлатнинг тоталитар характердаги талабларини инсон ҳуқуқлари билан чеклашга йўналтирилганлигида кўринади. Шу билан бирга позитив қонунчиликда инсон ҳуқуқлари мустаҳкамланмаса, улар жуда ноаниқ ҳисобланиб, давлат томонидан уларни ҳимоялаш ва таъминлаш функциясини амалга оширишни қийинлаштиради.

Ҳозирги вақтда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги позитив ёндошув муқаррар тарзда умумфаровонлик ва эзгулик каби ахлоқий категорияларга таяниши шартки, бу уларни инсон ҳуқуқлари муайян каталогидан келиб чиқиб қонунчиликда ифодалаш учун зарур. Инсон ҳуқуқлари қонунчиликда ифодаланиши билан қўшимча “энергия” олади, давлат эса, уларни қонунчиликда мустаҳкамлаш билан бу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш ва кафолатлашга ўзини мажбурийли деб белгилайди. Ривожланган давлатларнинг конституциявий амалиёти шахс автономиясини ва инсон ҳуқуқларини давлатга нисбатан устунлигини тан олиши билан шахсга нисбатан давлатнинг тазйиқи ва мажбурловини истисно қилувчи

асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни конституциявий мустаҳкамлаш асосида табиий-ҳуқуқий ва позитивистик ёндошувлар қарама-қаршилигига муайян даражада барҳам берди. Бундай мўътадил тенденция бу таълимотлардаги қарама-қаршилик ва кескинликни - инсон табиий ҳуқуқларини давлат томонидан мустакамланишидан ташқарида ҳимояланмаслигини ва позитив таълимотни ахлоқий, шахсий, ижтимоий қадриятлардан ажралиб қолишини бартараф этади.

Инсон ҳуқуқлари – бу фалсафа, этика, юридик ва сиёсий фанларга узвий боғлиқ билимлар соҳасидир. Бу билим соҳаси ҳозирги замон кўринишида II Жаҳон урушидан сўнг вужудга келди, бироқ унинг илдизлари қадимги давр, ўрта аср ва албатта Уйғониш даври билан боғлиқ. Социализмда инсон ҳуқуқлари тадқиқ қилинмаган ва ўқитилмаган. Аксинча, уларга ғарбга хос “инсоннинг буржуа ҳуқуқлари” деб қаралган.

Даставвал асосий тушунчалар маъносини англаб олиш керак. Баъзида журналистлар “мамлакатда демократия тантана қилган бўлса, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланишда маъно бормикан?” деган савол берадилар. Улар демократияни кўпчиликнинг ҳокимияти билан тенглаштирадилар, уларнинг фикрича, бунинг исботи бу эркин, ҳаққоний сайловлардир. Бироқ, тарих шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳокимияти алоҳида олинган шахсларга ва озчиликка нисбатан жуда ваҳшийларча муносабатда бўлиши мумкин. Айнан кўпчилик Сукротга ўлим ҳукмини чиқарган ва бунда Афинанинг сиёсий тузуми ҳақида яхши фикр юрита олиш мумкин эмас.

Кўпчилик эса одатда озчиликнинг муаммоларини умуман унутадилар, баъзилари эса кўпчиликнинг ҳатто ғзабини ҳам кўзғотади. Демак, кўпчиликнинг чекланмаган ҳокимияти алоҳида шахслар ва гуруҳ учун хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли демократия – бу алоҳида шахсларга тегишли бўлган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар билан чекланган кўпчиликнинг ҳокимиятидир. Ва кўпчиликнинг бу ҳуқуқлар ва эркинликларни бузишга ҳуқуқи бўлмайди. Демак, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўпчиликнинг эркини чеклайди.

Чекланган ҳокимият принципи кўпинча конституциявий принцип деб аталади. Бизнинг даврда бу принцип Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги бобларида ифодаланган. Улар биринчи навбатда қонун чиқарувчининг ҳокимиятини чеклайди, чунки парламент аъзолари бир қўл кўтариш билан эртадан бошлаб барча муаммоларни ҳал эта олмайди.

Демак, демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўпчилик ҳокимиятининг чегараларини белгилаб беради.

Инсон ҳуқуқлари соҳаси учун бош тушунчалардан бири ҳуқуқий давлат тушунчаси ҳисобланади. Ҳуқуқий давлат – бу инсон билан ҳокимият ўртасида аниқ, барқарор ва барча учун бир хил юриш-туриш қоидалари мавжуд бўлган давлатдир. Бу давлатда инсон ҳокимият унинг ҳуқ – атворига қандай муносабатда бўлиши мумкинлиги ҳақида етарли аниқ тасаввурга эга бўла олади, чунки бу давлатда ўзбошимча чиновниклар ва мансабдор шахслар эмас, балки қатъий белгиланган қонун ҳукмронлик қилади.

Табийки, ҳуқуқий давлат ҳамиша демократик бўлади, бироқ демократик давлат – ҳуқуқий давлат бўла олмаслиги мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мутлоқ тарзда инсоннинг давлат билан бўладиган алоқаларига, яъни бу ҳуқуқларнинг вертикал йўналишдаги ҳаракатига тегишлидир. Инсон ҳуқуқларини инсонлар ўртасидаги муносабатларга қўллаш (яъни бу ҳуқуқларнинг горизонтал ҳаракатланиши)га уриниш ўзини оқламади, ва ҳозирда инсон ҳуқуқлари ҳақида гап юритилганда инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни назарда тутиш керак ва гарчи оила, севги, дўстлик ёки қўшнилар билан бўладиган муносабатлар бир қатор ҳуқуқ ва бурчлар учун манба ҳисоблансада, инсон ҳуқуқлари тушунчаси буларга қўлланилмайди.

Инсон ҳуқуқлари – бу коллектив эмас, балки индивидуал ҳуқуқлардир. Бу ҳуқуқларнинг субъекти бўлиб инсон чиқади. Шу сабабли инсон ҳуқуқлари доирасида озчилик ҳуқуқи ҳақида гапириш мумкин эмас, бу сиёсатнинг тили ва предмети (мисол тариқасида бундай коллектив ҳуқуқи ҳақида автономия ташкил қилиш ҳуқуқини келтириш мумкин) – инсон ҳуқуқлари маъносида миллий озчиликка таллуқли шахс ҳуқуқлари ҳақида гапириш мумкин, ёки гуруҳ сифатидаги инвалидлар ҳуқуқлари ҳақида эмас, балки алоҳида олинган ҳар бир инвалид ҳуқуқлари ҳақида.

Инсон ҳуқуқларининг икки асосий гуруҳи мавжуд: моддий ҳуқуқлар ва процессуал ҳуқуқлар.

Моддий ҳуқуқлар инсонга тегишли конкрет ҳуқуқлар ва эркинликларни қамраб олади: сўз, виждон эркинлиги, турар жойни танлаш эркинлиги, билим олиш ҳуқуқи ва ҳ.к.

Процессуал ҳуқуқлар – бу инсоннинг ҳокимиятни бу ҳуқуқларга риоя қилишни ва уларни бажаришга мажбур қилишга ёрдам берувчи ҳаракат усуллари ва у билан боғлиқ институтлар ҳисобланади.

Моддий ҳуқуқлар ҳуқуқ ва эркинликларни қамраб олади. Баъзида позитив ҳуқуқлар деб номланувчи ҳуқуқлар – бу ҳар бир инсонга нисбатан ҳокимиятларнинг фаол мажбуриятларидир. Масалан, билим олиш ҳуқуқи ҳокимиятга болалар ўқиши мумкин бўлган мактабларни қуриш мажбуриятини юклайди. Ва бу ҳолда таълим учун тўлов масаласи ҳам муҳим, яъни мактабга ҳақ тўғридан – тўғри тўланадими ёки давлат бюджетига солиқлар орқалими, бунда давлат воситачи ҳисобланади. Агар бола таълимни стипендия тўлаш самарали тизимининг йўқлиги сабабли ололмаса, унинг билим олиш ҳуқуқи бузилади. Худди шу каби суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ суд идоралари шоҳобчасини қуриш мажбуриятини юзага келтиради, бу ҳар бир инсон ўзи учун муҳим бўлган низони ҳал қила олиши учун бу идораларга мурожаат қила олиш имкониятини яратишни англатади.

Негатив ҳуқуқлар деб номланувчи эркинликлар – бу инсон ҳаётининг муайян соҳасига ҳокимият аралашувини таъқиқловчи ҳуқуқлардир. Сўз эркинлиги ёки виждон эркинлиги – бу инсоннинг ҳаётий муҳим масалаларига давлат ҳокимияти аралашувини таъқиқлашдир. Бошқача айтганда, инсоннинг бирор нарсага бўлган ҳуқуқи давлат ҳокимиятини унинг учун бирорта нарсани қилишга мажбур қилади, агар инсонга эркинлик тегишли бўлса, унда давлат бирорта ҳаракатларни содир қилишдан ўзини тийиши лозим бўлади.

Ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ барча масалалар инсоннинг ҳокимият билан бўладиган ўзаро муносабатлари чизигида юз берар экан, унда бу муносабатларнинг табиатига оид уч хил турли ёндошувларга тўхтамасликнинг иложи йўқ.

Биринчи ёндошувга кўра, ҳокимият бирламчи ва айнан ҳокимият ўз раҳмдиллигига кўра инсонларга у ёки бу ҳуқуқларни беради. Бу, ҳокимият қанча ҳуқуқларни инсонларга ҳадя этган бўлса, инсонларда шунча ҳуқуқ бўлишини англатади. Бундай ёндошув барча коммунистик мамлакатлар конституцияларида ўз ифодасини топган.

Иккинчи ёндошув ижтимоий шартнома моделига асосланади. Ижтимоий шартномани, бир томондан ҳокимият ва бошқа томондан, алоҳида шахслар мажмуидан иборат бўлган ҳалқ тузади. Бўйсунувчилар солиқлар тўлашга келишадилар, ҳукмдор эса ўз томонидан улар учун бирор нарсани бажариш: ҳуқуқларини амалга оширишга ва улар ҳаётининг муайян соҳасига арашишдан тийилиб туриш, яъни улар ҳуқуқларини тан олиш мажбуриятини олади. Бундай шартнома тарафлардан ҳар бири учун у ёки бу даражада фойдали бўлган конституция деб номланади.

Учинчи ёндошув америкача ёндошувга хос. Шахс инсоният моҳиятининг ўзидан келиб чиқувчи табиий ҳуқуқлар ва эркинликларга эга, инсонлар ўзларининг яхши ва қулай яшашлари учун давлатни тузиш ва ҳокимиятни тайинлаш масалаларини ҳал этадилар ва давлатни амал қилиши учунгина ихтиёрий тартибда ўз ҳуқуқларининг баъзиларини давлатга бериб, уларни чеклайдилар. Масалан, улар ўз мулкӣ ҳуқуқларини чеклаб, солиқлар тўлайдилар ёки зарурият бўлганда ўз эркинликларини чеклаб армияда хизмат қилишга рози бўладилар.

Бу оҳирги модел биринчисидан тубдан фарқ қилади. Биринчи ёндошувда инсонларда, ҳокимият уларга қанча ҳуқуқлар берса, шунча ҳуқуқлар бўлади. Учинчи ёндошувда эса, аксинча ҳокимиятга инсонлар қанча ҳуқуқни беришга рози бўлсалар, шунча ҳуқуқлар бўлади. Ёндошувлардаги бу фарқлардан муҳим амалий оқибатлар келиб чиқади. Бунга осон ишониш мумкин, ҳуқуқӣ нормани танлаб, уни бирор ҳолатга қўлланса: инсон билан ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушунишдаги биринчи ва учинчи ёндошувлардан қайси бирига асосланишимизга қараб, бутунлай турли ечимларга келиш мумкин, учинчи ёндошувга кўра, «ҳокимиятга фақат қонунда кўрсатилган нарсаларнигина бажаришга рухсат этилади, инсонга эса қонун билан манъ этилмаган барча нарсаларни қилишга рухсат этилади» - деган қоида инсон ҳуқуқлари концепциясининг асосини ташкил этади. Бу қоида фақат инсон ҳаётига давлатнинг мажбурий аралашиш имкониятларини чеклайди, холос, бироқ у умуман инсонларга, яқинларга, қўшниларга бўлган муносабатларда бизнинг ахлоқӣ мажбуриятларимизга таъсир этмаслиги керак.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси учун асосӣ нарса бу ажралмас, туғма инсонӣ қадрият тушунчасидир. Инсонӣ қадрият инсоният моҳиятининг ўзидан келиб чиқади, у гўдакка ҳам, ашаддий жиноятчига ҳам хос. Инсонӣ қадрият мавжудлиги оқибатлари инсоннинг давлат билан бўладиган ўзаро муносабатларида унга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар доирасини, мажбурлов воситаларига эга қудратли давлат томонидан унга нисбатан ноинсонӣ, таҳқирловчи муносабатларда бўлишидан ҳимоя қилувчи ҳуқуқларини белгилаб беради.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари инсонни, унинг инсонӣ қадриятини давлат томонидан бўладиган тажовузлардан ҳимоя қилувчи қалқондир. Инсон ҳуқуқлари демократияда кўпчиликнинг

эркини ифода қилувчи давлат ҳокимияти томонидан инсон қадриятини таҳқирланиш ва тажовуз қилинишдан ҳимоя қилади.

Инсон ҳуқуқлари туфайли индивид ўзини шахслигини, такрорланмас, хос хусусиятларини сақлаб қолади. Инсоннинг такрорланмаслиги ва индивидуаллигини ҳурмат қилувчи тузилмага қарама-қарши тузум бу тоталитаризм бўлиб, у диктатор томонидан ўйлаб чиқилган эталондаги “янги инсон”ни шакллантиришга интилади. Бу идеал фуқаролар бир хил фикрлайдилар, бир хил сўзлайдилар ва ҳ.

Инсоний қадрият билан икки асосий тушунча: тенглик ва эркинлик тушунчалари боғлиқ. Эркинлик ҳозирда ҳам Шимолий Америка ва Европада турлича тушунилади. Бу XIX аср охирида юқоридаги қитъаларда инсонларнинг турли аҳволи ва турли тарихи билан белгиланади. Америкада колонистлар ғарбга қараб ҳаракат қилган, босиб олинмаган ҳосилдор ерлар мўл-кўл бўлган, бу кишилар томонидан яратилган давлат эса фақат уларни ташқи ва ички душманлардан ҳимоялаш учун зарур бўлган. Ички душманлардан ҳимоя қилувчи одил судлов тизими ва шериф институтини яратишга, ташқи душманлардан ҳимояланиш учун армияни яратишга зарурият туғилади. Ҳиндулар ташқи душман ҳисобланган.

Давлатдан бериладиган эркинлик (свобода от государства) концепциясининг вужудга келишини *фақат ҳимоялаш учун қоровул ролини бажарувчи давлат* билан боғлаш керак.

Бу даврда Европада бўш ерлар йўқ эди, кишиларнинг кўпчилиги бошқа одамларга тегишли ерларда ишлаган ва уларга иқтисодий, баъзида йирик ер эгалари таъсиридаги суд ҳокимиятига қарам бўлган. Бу инсонлар эса, давлатни уларга тазйиқ қилувчи шахсларни тартибга чақиришга, уларга эркинлик беришга қодир деб ҳисоблаганлар. Шу тарзда *давлат орқали эркинлик (свобода через государство)* концепцияси пайдо бўлган. Эркинликни бундай тушуниш давлат ҳар бир фуқарони бахтли қилиш мумкинлиги ҳақидаги умид билан боғлиқ ва бу умидлар Француз Революцияси ҳужжатларидаги бахтли бўлиш ҳуқуқида ифодаланган. Эркинликнинг Европача концепциясидаги келиб чиқувчи талаблар бу қитъанинг бутун тарихида акс этган, айнан шу ердаги ҳукмдорлар ва ҳукуматлар инсонларни бахтли қилишни уддалай олишларига ишонганлар.

Тенглик сўзи сиёсат тилида турли нарсаларни англатади. Коммунистча фикрловчи инсон тенглик ҳақида гапирганда ҳар бир инсонга пул ва бошқа шароитларни тенг бўлиб беришни англатади,

яъни “ҳаммада бир хил ошқозон” деган шиорга кўра, ҳаммага бир хил тақсимланиши керак.

Социалист учун тенглик имкониятлар тенглигини билдиради. Ҳаётга қадам қўйишда инсонлар тенг имкониятларга эга бўлишлари керак, сўнг иқтидорлилар ва меҳнатсеварлар ютуқларга эришади, бироқ, стартда барча тенг имкониятларга эга бўлиш керак. Бундай фикрлаш инсон ҳуқуқлари концепциясида миллий ёки жамоавий озчиликка тегишли шахслар ҳуқуқлари масалаларини қараб чиқишда керак бўлади.

Ниҳоят, либерал тенгликни шахснинг қонун олдида тенглиги ва ҳуқуқлар тенглиги сифатида тушунади. Тенглик тушунчаси ўз мазмунига кўра дискриминацияни манъ этишга яқин туради. Дискриминация - бу оқилона асосга эга бўлмаган, биологик ёки жисмоний белгиларга таяниб қурилган ҳар қандай ҳуқуқларнинг тафовутланиши (дифференциацияси)дир. Масалан, кўзи ожиз одамга автомобилни бошқариш ҳуқуқини таъқиқлаш камситувчи таъқиқ эмас, чунки у оқилона асосга эга. Бироқ ҳайдовчилик ҳуқуқини лўлиларга ёки ўрта маълумотга эга шахсларга беришни таъқиқлаш камситувчи манъ этиш ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, дискриминациявий қоидалар киритилмаган ҳуқуқий тизимларни яратиш мумкин. Бироқ, либерал назария томонидан илгари сурилган ҳамманинг қонун олдида тенглигига жавоб берувчи тизим ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Ҳамма ерда доимо мансабдор шахслар бой ёки машҳур шахслар билан бошқаларга қараганда ўзгача муносабатда бўладилар. Тенг муносабатда бўлиш қоидаси амалда мумкин эмас, аммо, бу ундан воз кечишни англатмаслиги керак.

Тенглик ва эркинлик ҳақидаги мунозара давлат томонидан риоя этилиши кафолатланувчи моддий ҳуқуқлар рўйхатини тузиш ва тартиблар, институтларни яратиш учун бошланғич нукта бўлиши керак.

Моддий ҳуқуқларнинг кўпчилиги чекланган характерга эга. Инсон ҳуқуқлари ва асосий ҳуқуқлари ҳимояси ҳақидаги Европа конвенциясига киритилган ҳуқуқлардан фақат ҳар бир инсоннинг қийноқларга солинмаслик ва қулликда сақланмасликка бўлган ҳуқуқларга нисбатан чекловлар бўлиши мумкин эмас. Қолган барча ҳуқуқлар, агар улар бошқа шахслар ёки бошқа қадриятларга зид келган ҳолларда, масалан, давлат ҳавфсизлигини таъминлашда чекланиши мумкин. Лекин, давлат ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларидан фақат конкрет ҳолатларда ва

бунга қонуний асослардагина четга чиқиши мумкин –ҳукуматнинг ўзи ўз қарорлари билан ҳуқуқларга чекловлар киритишга ҳуқуқи йўқ; ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш даражаси чеклов чоралари киритилишини тақозо этган қадриятни ҳимоялаш масаласининг кескинлиги ва долзарблигига жавоб бериши керак; чеклов чораларининг ўзи демократик давлат қабул қилган принципларга мос келиши керак. Давлат томонидан бу шартларнинг бузилганлиги ҳақидаги масалалар билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди шуғулланади.

Чекловлар мавжуд ва бўлиши ҳам керак, аммо уларнинг ҳаракат радиуси ва характери қатъий контрол қилиниши керак. Инсон ҳуқуқларини чеклаш имконияти бу ҳуқуқлар моҳиятини йўққа чиқаришни англатмаслиги керак.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга имкон берувчи тартиблар мавжуд бўлмаса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш фактининг ўзи ҳеч бир аҳамият касб этмайди, ҳокимиятлар доимо ҳуқуқларини бузишга мойил, чунки шундай йўл билан бошқариш осон кечади. Ҳокимиятнинг бу майли қандайдир конкрет тузум билан боғлиқ эмас ва айнан шу билан давлатнинг ўз мажбуриятларига бефарқ қараши билан боғлиқ уринишларига ҳалақит берувчи тартибларни белгилаш лозим. Инсон ҳуқуқлари доимо ривожланишда, улар мамлакат ички қонунчилигида кенгайиб боради.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларининг қарор топиши ва ривожланиши у ёки бу мамлакат учун характерли бўлган анъаналар ва таълимотлар кураши билан кечувчи узоқ тарихга эга.

Инсон асосий ҳуқуқлари деганда нимани тушуниш керак, уларни конституциявий ҳуқуқларга тенглаштириш мумкинми? Қатор конституцияларда қатъий таърифларининг йўқлиги бу саволга жавоб беришни қийинлаштиради. Фикримизча, индивиднинг асосий ҳуқуқлари - бу энг аввало конституциявий ҳуқуқлардир. Асосий ҳуқуқлар субъектив ҳуқуқлар ҳисобланади.

Ҳозирда инсон ҳуқуқлари ҳимояси алоҳида олинган давлатлар чегарасидан чиққан вақтда универсал халқаро-ҳуқуқий стандартларни яратиш зарурияти юзага келди, булар ҳам шунингдек инсон асосий ҳуқуқлари ҳисобланади. Бу асосий ҳуқуқлар қатор муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган, бу ҳужжатлар шахс манфаатлари ва ҳуқуқларининг умуминсоний стандартларини ўрнатадилар, давлат улар белгилаган даражадан пастга туша олмайди.

Бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат давлатнинг ички компетенцияси объекти бўлибгина қолмасдан, балки, шунингдек, бутун халқаро ҳамжамиятнинг ишига айланганлигини кўрсатади. Бугун шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳажми фақат у ёки бу жамиятнинг конкрет хусусиятлари билан эмас, шу билан бирга умуман инсоният цивилизацияси ривож, халқаро ҳамжамиятнинг уюшганлик даражаси билан ҳам белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Пакт (1966й.), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Пакт (1966й.), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Пактга Биринчи факультатив Протокол (1966й.), Иккинчи факультатив протокол (1989й.), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳимояси ҳақидаги Европа конвенциялари ва қатор бошқа халқаро ҳужжатлар инсон ҳуқуқ субъектчилигига туб ўзгартишлар киритдики, у энди нафақат ички давлат, шунингдек, халқаро ҳуқуқ субъекти ҳам ҳисобланади. Бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар индивиднинг нормал ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилувчи асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг универсал тўламини белгилайди.

Шу сабабли ҳозирги шароитда инсон асосий ҳуқуқлари деганда давлат конституциясида ва инсон ҳуқуқлари бўйича муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган ҳуқуқларни тушуниш керак. Агар инсоннинг бирорта асосий ҳуқуқи давлат конституциясига киритилмай қолса, унда бу ҳуқуқ мазкур давлатда конституциявий мустаҳкамланишидан қатъий назар тан олинмиши керак. Халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ички давлат ҳуқуқига нисбатан устунлиги халқаро ҳамжамиятнинг умумтан олинган принципи ҳисобланади.

2. Инсон ҳуқуқларининг уч авлоди

Инсон асосий ҳуқуқлари категориясини ажратиб кўрсатиш бошқа ҳуқуқларни “иккинчи даражали”, таъминлаш учун давлат томонидан кам эътибор талаб қилинадиган, кам аҳамиятли ҳуқуқлар деб ҳисоблашни англамаслиги керак. Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар индивид ҳуқуқий мақомининг асосий бўғинини ташкил этиб, унда инсоннинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган бошқа кўп сонли ҳуқуқларни вужудга келиш имкониятлари илдиз отади. Бу ҳуқуқлар индивид, унинг бошқа кишилар, жамият ва давлат билан ўзаро

таъсири учун жуда муҳим. Асосий ҳуқуқлардан индивиднинг кўп миқдордаги бошқа ҳуқуқлари келиб чиқади.

Асосий фундаментал ҳуқуқлар ва улардан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ҳаётининг бошқа: шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларини таъминлайдилар. Шунга мос ҳолда улар гуруҳлар ва номланиши бўйича тузилади. Бироқ, бу ҳуқуқлар фақат ҳаётнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлмай, шунингдек вужудга келиш вақти бўйича ҳам фарқланадилар. Бундан “инсон ҳуқуқларининг авлоди” деган тушунча келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқларининг биринчи авлоди деб буржуа революцияларини амалга ошириш жараёнида шаклланган ва кейинчалик демократик давлатлар қонунчилиги ва амалиётида конкретлаштирилган ва кенгайтирилган анъанавий либерал қадриятлар тан олинади: фикр юритиш, виждон ва эътиқод эркинлиги, ҳар бир фуқаронинг давлат ишларини бошқариш ҳуқуқи, қонун олдида тенг бўлиш ҳуқуқи, шахснинг яшаш, эркин ва хавфсиз бўлиш ҳуқуқи ва б.

“Негатив эркинлик”ни амалга оширувчи бу ҳуқуқлар давлатни бу ҳуқуқларни амал қилиш соҳасига аралаштиришдан тийиб туришга мажбур қилади.

Инсон ҳуқуқларининг иккинчи авлоди турли синфлар ва табақаларнинг ўз иқтисодий аҳволини яхшилаш, маданий мақомини кўтариш (“позитив ҳуқуқлар” деб номланувчи) учун олиб борган кураши жараёнида шаклланган, уларни амалга ошириш учун бу ҳуқуқларни таъминлаш бўйича давлат фаолиятининг ташкилий, режали ва бошқа шакллари талаб қилинади.

XIX аср охири – XX аср бошида буржуа жамиятининг кескин қутбланиши туфайли юзага келган номўътадил вазиятни баҳолаган янги либерализм жамиятдаги бойлар ва камбағаллар қарама-қаршилигини юмшатишга хизмат қилувчи жамиятни ислоҳ қилиш ғоясини илгари сурди. Бундай ғоя муқаррар ҳолда ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар: меҳнат қилиш ҳуқуқи, эркин иш танлаш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, жамият маданий ҳаётида иштирок қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши билан боғлиқ. Ҳозир дунёда бу ҳуқуқлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Пактда, Европа социал ҳартиясида акс этганлиги инсон ҳуқуқлари ривожига, бу ҳуқуқлар каталогини кенгайтиришда катта қадам бўлиб ҳисобланади.

Биринчи авлод ҳуқуқлари ўз табиатига кўра иккинчи авлод ҳуқуқларидан фарқланади. Бу давлатнинг уларга нисбатан тутган позициясига боғлиқ. Биринчи авлод ҳуқуқлари буржуа сиёсий ва ҳуқуқий фикри томонидан бу ҳуқуқлар(фуқаролик жамияти аъзосининг ҳуқуқлари)ни ва сиёсий ҳуқуқлар (сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш иштирокчисининг ҳуқуқи)ни амалга оширишда ҳар қандай, шу жумладан давлат аралашувидан ҳимояланиш ҳуқуқини тақозо қилувчи фуқаролик ҳуқуқлари деб номланган. Гап, энг аввало, индивидуал эркинликнинг ҳимояси ҳақида борадики, унинг чекланиши ижтимоий ҳаёт ва маданият соҳасини муқаррар равишда обрўсизлантиради.

Уларни амалга ошириш учун давлатга бу соҳага аралашидан воз кечишнинг ўзи етарли эмас. Эълон қилинган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни кафолатлашга имкон берувчи ижтимоий дастурларни тузиш ва ҳар томонлама бунёдкорлик ишларини олиб боришдан иборат вазифа юзага келади. Бир нечта ҳозирги замон давлатлари Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро пактга қўшилмадилар, улар ўз позицияларини Пактда кўрсатилган ҳуқуқлар судда ҳимоя қилиниши мумкин бўлмаганлиги сабабли субъектив ҳисобланмаслиги билан асослайдилар. Бу хилдаги мулоҳазалар асоссиз бўлмасада, шунга қарамасдан Пактга қўшилиш давлат учун ўз ички қонунчилигини такомиллаштириш ва унга мос ўз фаолиятини ташкил қилиш мажбуриятини юзага келтиради. XX аср охирига келиб давлатларнинг ижтимоий давлат бўлишга интизмасликларининг иложи бўлмай қолди. Бу хорижий давлатлар қатор конституцияларида мустаҳкамланган ҳозирги замон давлатлари ривожланишининг қонуниятидир (ГФР, Франция, Испания, Италия, Португалия, Туркия).

2-жаҳон урушидан кейинги даврда инсон ҳуқуқларининг учинчи авлоди шаклланди. Учинчи авлод ҳуқуқлари табиати мунозаралар предметини ташкил қилади. Бу ҳуқуқларнинг хусусияти шундаки, улар коллектив ҳуқуқлар ҳисобланади ва алоҳида инсон томонидан эмас, балки жамоа, уюшма томонидан амалга оширилади. Масалан, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ёки ривожланишга бўлган ҳуқуқи жамоавий ҳуқуқ бўлиб, уларни амалга ошириш алоҳида шахсга эмас, умумий жамоага боғлиқ. Алоҳида инсон бундай ҳуқуқларни амалга оширилишида иштирок қилади, бироқ бу иштирок унинг шахсий мақоми билан эмас, балки унинг жамоа аъзоси сифатидаги мавқеи билан боғлиқ. Индивидуал ва коллектив ҳуқуқлар ўртасида

ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлиб, унинг негизида коллектив ҳуқуқларни амалга оширилиши индивид ҳуқуқлари ва эркинликларини камситмаслигини белгиловчи принцип ётиши керак. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа миллат ёки ирққа тегишли индивид ҳуқуқларини камситмаслиги керак. Қандайдир жамоат ташкилоти (ассоциация)нинг коллектив ҳуқуқлари индивидуал эркинликларни чеклаш ёки бостиришга асосланмаслиги керак.

3. Шахснинг ҳуқуқий мақоми: тушунчаси ва тузилиши

Индивиднинг давлат билан ва кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари ўртасидаги мураккаб алоқалари давлат томонидан юридик шаклда –ҳуқуқ, эркинликлар ва бурчларнинг узвий бирлиги бўлган индивид ҳуқуқий мақоми шаклида қайд этилади. Индивид ҳуқуқий мақоми - бу жамиятнинг ижтимоий тузилмаси, демократия даражаси, қонунийлик аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим сиёсий-юридик категориялардан биридир.

Энг умумий тарзда шахс ҳуқуқий мақомини инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ва давлат томонидан конституцияларда, бошқа норматив-юридик ҳужжатларда қонуний мустаҳкамланган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тизими сифатида характерлаш мумкин. “Ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими –ҳуқуқий соҳа юраги, марказидир, ва шу ерда асосий юридик муаммолар ечимининг калити ётади”¹. Ҳуқуқ ва мажбуриятларда нафақат давлат ижтимоий тизимнинг нормал фаолият кўрсатиши учун мажбурий, фойдали, мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб ўз зиммасига олган хулқ-атвор намуналари, стандартлари қайд этилади, шунингдек, давлат билан шахс ўзаро муносабатларининг асосий юридик принциплари ҳам намоён бўлади.

Давлат билан шахс ўзаро алоқадорлиги қатъий тартибга солишни тақозо этади. Бу бундай хил муносабатларнинг индивид эркинлигини таъминлаш учун, жамиятни нормал амал қилиши учун алоҳида муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади. Фуқаро ҳуқуқий мақомининг шарти бўлиб, инсоннинг муайян сиёсий-ҳуқуқий ҳолати бўлган фуқаролик ҳисобланади. У индивиднинг давлатга тегишлилигини билдиради, “юридик шаклда намоён бўлади, фуқароликни олиш, йўқотиш шартлари ва тартибини белгиловчи

¹ Мальцев Г.В. Права личности: юридическая норма и социальная действительность// Конституция СССР и правовое положение личности. М., 1979. с.50.

фуқаролик институтида сиёсий-ҳуқуқий жихатдан ифодаланади”¹, юридик ҳуқуқлар ва принциплардан фойдаланиш ва қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришда индивид учун юридик асос, яъни шахс ҳуқуқий мақомининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ ва мажбуриятлар табиати ҳуқуқий фаннинг бош тушунчалари сифатида юристлар эътиборини тортади. Шахс ҳуқуқий мақоми тушунчасига нисбатан бир неча ёндошувлар мавжуд.

Баъзи олимлар шахс ҳуқуқий мақомига бевосита фуқароликни киритадилар. Фикримизча, фуқаролик - бу ҳуқуқий мақомни тўла ҳажмда ҳеч бир истисноларсиз белгиловчи шарт-шароит(асос)дир.

Бироқ, ҳуқуқий мақомга фақат фуқаролар эмас, балки фуқаролиги йўқ шахслар, хорижликлар ҳам эга. Бу ҳолатда улар ҳуқуқий мақомининг ҳажми фуқаро ҳуқуқий мақоми (асосан сиёсий ҳуқуқлар соҳасида)дан фарқ қилади.

Ҳуқуқий мақом тузилмасига шунингдек, умумий ҳуқуқ лаёқатлилик, кафолатлар, қонуний манфаатлар, юридик жавобгарликни ҳам киритадилар. Демак, ҳуқуқий мақом тушунчаси ҳақидаги баҳслар асосан унга кирувчи элементлар тўпламини аниқлаш билан боғлиқ.

Ўзининг юридик табиатига ва кафолатлари тизимига кўра, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари айнан бир нарса. Улар давлат томонидан таъминланадиган турли ижтимоий соҳалардаги инсоннинг ижтимоий имкониятларини белгилайдилар.

“Ҳуқуқ” атамаси “эркинлик” атамасидан фарқ қилиб, янада аниқ ҳаракат чегарасини белгилайди, масалан, давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи. Бироқ, ҳуқуқлар ва эркинликлар ўртасида аниқ чегарани ўтказиш қийин, чунки кўпинча сиёсий ҳуқуқларнинг бутун соҳасини баъзан “эркинликлар” деб ҳам атайдилар. Терминологиядаги бу фарқ анъанавий бўлиб, ХУШ-ХІХ асрларда пайдо бўлган.

Конституцияларда асосий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлинади. Аввалги совет даври конституциясида инсон ҳолати фақат унинг давлат билан ўзаро алоқадорлигини давлат ҳокимиятидан “ҳадя қилинган” ҳуқуқларгагина эгаллиги ва унинг бутунлай давлатга тобе фуқаро эканлиги белгиланган. Инсон ва фуқаро ўртасида фарқларни белгилаб, янги конституциялар буржуа инқилоблари натижасида тасдиқланган ва инсоният тарихида биринчи марта тенг, эркин,

¹ Витрук Н.В. Основы правового положения личности в социалистическом обществе. М., 1979., с.38.

бахтли бўлиш ҳуқуқларини қонуний тартибда мустаҳкамлаган Мустақиллик декларацияси (1976), Ҳуқуқлар ҳақидаги Билл(1791) (АҚШ), Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси (1789) (Франция)да ўз ифодасини топган.

Инсонга нисбатан бундай икки хил ёндошувдан мақсад нима? У бевосита фуқаролик жамияти билан давлатни фарқлашдан келиб чиқади, инсонни фақат унинг давлат билан ўзаро алоқадорлиги, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш соҳасини торайтириш масалаларига бир томонлама қарашга барҳам беради. Инсонга унинг индивидуал манфаатлари ҳаракатлантирувчи куч бўлган фаолиятнинг автоном соҳаси берилади. Бундай манфаатни амалга ошириш хусусий мулкчиликка асосланган фуқаролик жамиятида, оилада, шахсий ҳаёт соҳасида мумкин бўлади ва инсонга унга туғилиши билан бериладиган табиий ҳуқуқларга таянади. Давлат бу муносабатларга аралашшдан ўзини тийиб, уларни фақат ўзи томонидангина эмас, балки бошқалар томонидан ҳам аралашшдан қўриқлаши керак. Шундай қилиб, фуқаролик жамиятида инсон ҳуқуқлари асосида шахсни ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзини намоён этиш, ҳар қандай ноқонуний аралашувдан унинг автономлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун шароитлар яратилади.

Фуқаро ҳуқуқлари индивиднинг давлат билан бўладиган муносабатлар соҳасини қамраб оладиги, бунда у ўз ҳуқуқларини нафақат ноқонуний аралашувдан ҳимоя қилишга, шунингдек, уларни амалга оширишда давлатнинг фаол кўмагига ҳам таяниши мумкин. Фуқаро мақоми унинг давлат билан бўлган махсус ҳуқуқий алоқадорлигидир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Инсон ҳуқуқлари ва уларни тушуниш масалалари
2. Инсон ҳуқуқлари индивидлар ўртасидаги муносабатнинг норматив шакли сифатида
3. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар тавсифи
4. Инсон ҳуқуқларининг шаклланиш тарихи
5. Инсон ҳуқуқларининг уч авлоди тавсифи
6. Шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчаси ва тузилиши
7. Ўзбекистонда шахснинг ҳуқуқий мақоми
8. Конституция ва инсон ҳуқуқлари

8-МАВЗУ. Позитив ҳуқуқ тизими ва категориялари

РЕЖА

1. Позитив ҳуқуқ тушунчаси ва унинг назарий асослари.
2. Ҳуқуқ нормалари тушунчаси, белгилари ва тушунчаси
3. Ҳуқуқ манбалари муаммолари
4. Ҳуқуқ ижодкорлик муаммолари
5. Ҳуқуқ тизими. Ҳуқуқ тизими билан қонунчилик тизими ўртасидаги нисбат.
6. Қонунчилиكنи тизимлаштириш муаммолари.
7. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий муносабатларнинг ўрни.
8. Ҳозирги замонда ҳуқуқий онг инқироzi ва уни бартараф этиш муаммолари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003. 40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002. 76 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
4. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал.
5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабр.
6. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. 695 с.
7. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма.Т.:ТДЮИ нашри.2004.139 б.
8. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.:ТДЮИ нашри. 2005. 188 б.
9. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси.Қисқача ўқув қўлланма. Мас. муҳ. Ю.ф.д.,проф. А.Х.Саидов. Т.:Адолат. 2003. 280 б.

10. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
11. Проблемы теории государства и права: Учебное пособие. Под ред. М.Н.Марченко.—М.:Юрист,2004. 656 с.
12. В.С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.
13. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия.М: Статут. 1999.-810 с.
14. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.
15. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. Вопросѣ и ответѣ. М., «Новѣй юрист»-1999.240 с.
16. Кельзен Г. Чистое учение о праве. М.:Прогресс, 1988.
17. Рустамбоев М.Х.Абдухоликов С.О. 1-китоб. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар.Т.:ТДҶОИ нашри.2005. 316 б.
18. Рустамбоев М.Ў.Абдухоликов С.О.Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданият тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: ТДҶОИ нашри.2005. 404 б.

1. Позитив ҳуқуқ тушунчаси ва унинг назарий асослари

Ҳуқуқ тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, унинг турли таърифлари мавжуд. Шу ўринда позитив ҳуқуқ тушунчасига бироз тўхталишимиз зарур. В.С.Нерсисянцнинг таъбирича, «позитив ҳуқуқ деганда мазкур жамиятда ҳаракатда бўлган, конкрет-аниқ мазмун ва шаклга эга бўлган ҳуқуқ маъносида, яъни ягона бир давлатга бирлашган инсонлар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи восита сифатида ўзини намоён этадиган ҳуқуқ тушунилади».

Ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ундан фойдаланиш жараёнида унинг моҳияти инсонлар томонидан амалий зарурий хатти-ҳаракат қоидалари вужудга келиши ва мустаҳкамланишидан анча кейинроқ англана борган. Ҳуқуқнинг ўзи ҳамма томонидан эътироф этиладиган ва ягона, бутун жамият учун умумий бўлган хатти-ҳаракат қоидалари сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқ инсонларнинг амалий фаолияти соҳасидаги ички ишончлари, баҳолари ва интилишлари асосида вужудга келади. Бундан ташқари у ёки бу маърифий жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқ

ҳақидаги қарашлар, ғоялар ва таълимотлар инсонлар хатти-ҳаракатини тартибга соладиган позитив ҳуқуқга асос бўлади.

Позитив ҳуқуқ нормалари мазмунининг тузилиши тарихан аста-секин бойиб борган. Қадимги даврлардаги ҳукмдорларнинг алоҳида «буйруқлари» ҳамда судларнинг турли масалалардаги «хукмларидан» тортиб фуқаролар, ҳокимият ва амалдорларнинг хатти-ҳаракатини белгиловчи умумий қоидалар, принципларгача бўлган тарихий ривожланиш даврини бошидан кечирган.

Тарихий тараққиёт жараёнида турли одатлар ва анъаналар позитив ҳуқуқ томонидан эътироф этилган. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ҳақидаги нормалар ва принциплар тобора мустаҳкамланмоқда ва улар нуфузли халқаро ҳужжатлар орқали позитив ҳуқуқнинг таркибидан муносиб ўрин эгалламоқда. Бундан ташқари позитив ҳуқуқ ўз ичига конкрет шартномалардан келиб чиқадиган ва қонунга зид келмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади.

«Позитив ҳуқуқ» атамаси XVI асрнинг охири –XVII аср бошларидан бошлаб ҳуқуқ фани ва амалиётига кира бошлаган. Маълумки ўша даврда «давлат» ҳуқуқини илоҳий табиий ҳуқуқга қарама-қарши қўйиш кенг тарқалган. Бундай фикрлар дастлаб нидерландиялик мутафаккир Гуго Гроций томонидан «О праве войны и мира» («Уруш ва тинчлик ҳуқуқи хусусида») номли асарида шакллантирилган¹.

Ўша пайтда инсоннинг табиий ҳуқуқларига қонунчиликдан мустақил бўлган ва адолатли давлат учун мажбурий бўлган ҳуқуқ сифатида қараш анча кенг тарқалган. Бундай фикрлар Ж.-Ж.Руссо, Ш.-Л.Монтескье, Вольтер, Т.Гоббс, И.Кант, А.Радиҳев (XVII-XVIII асрлар) асарларида ўзининг ифодасини топган.

Табиий ҳуқуқ давлатнинг қонунчилигидан фарқ қилган ҳолда абадий ва ўзгармас, инсондан ажралмас ҳуқуқлар сифатида эътироф этилган. XIX- XX асрлардан бошлаб Европа ва Шимолий Америкада мулк эркинлигига асосланган буржуа давлатчилиги мустаҳкамланаётган бир шароитда сиёсатчилар ва ҳуқуқшунослар ўз эътиборларини нафақат табиий ҳуқуқларга, балки реал ҳаётда мавжуд бўлган давлат томонидан яратиладиган қонунлар ва норматив актлар, шунингдек, суд прецеденти ва санкцияланган одатларга қаратиша бошлаган. Шу тариқа табиий ҳуқуқ назариясининг обрўси Маърифатпарварлик ва XVIII-XIX асрдаги буржуа инқилоблари давридагидан камая борган.

¹ Қаранг: Проблемы общей теории права и государства. М.:Инфра. 2004.С. 237.

XIX аср ва XX аср бошларида ҳуқуқ назариясидаги бундай ривожланиш линияси юриспруденциянинг қатор янги йўналишларида ўзининг ифодасини топган: Ҳуқуқнинг тарихий мактаби (Гуго, Савиньи, Пухта), позитив йўналишнинг турли вариантлари (Англияда Д.Остин, И.Бентам ва б., Россияда Г.Ф.Шершеневич), ҳуқуқнинг социал назариялари (Л.Дюгининг солидаризм «биродарлик», Р.Иеринг, Н. М.Коркуновнинг манфаатлар назарияси, Ф.Жени, С.Эрлих, С.А.Муромцевнинг социологик мактаби, Л.И.Петражицкий ва унинг издошларининг психологик ҳуқуқ мактаби) кабилар.

Мана шундай бир шароитда табиий ҳуқуқга худди керакмас, феодал мутлоқликка қарши курашда ўзининг ролини ўтаган бир тушунча сифатида қарала бошланди. Шу тариқа юридик фикр ўз эътиборини давлат томонидан ўрнатилган, реал ҳаракатда бўлган ҳуқуқга қарата бошлади.

Ҳатто Л.Петражицкий табиий ҳуқуқ мавжуд эмас экан, демак «позитив» ҳуқуқни «ҳуқуқ» деб атайвериш керак, деган фикргача борган.

«Позитив ҳуқуқ» атамаси англия, франция, австрия ва бошқа ҳозирги замон давлатлари ҳуқуқида, гарчи ушбу давлатлар шахсининг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари демократик тамойиллари билан алоқани узишмаган бўлишсада, шунга қарамай эътироф этилади. «Позитив ҳуқуқ» атамаси ҳозирги замон давлатлари турли ҳуқуқий тизимлари ҳуқуқ шаклини умумийлаштиришга ёрдам беради.

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаш лозимки, Европа мамлакатлари ҳуқуқларида гарчи «қонунчилик», «қонун» атамаларини «позитив ҳуқуқ» атамаси билан бир хил тушуниш мавжуд бўлса-да, Англия, Канада, Австралия Иттифоқи ва бошқа англо-саксон прецедент ҳуқуқини «қонунчилик» деб аташ мушкул. Диний ва анъанавий ҳуқуқ, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳуқуқий тизимидаги «қонунчилик» атамасига қайд этилаётган атама унчалик мос келавермайди. Шу боис «позитив ҳуқуқ» атамаси ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларидаги **« амалдаги, ҳаракатдаги ҳуқуқ»** тушунчасини ифодалашда фойдаланилса жоиз.

Шундай қилиб, **позитив ҳуқуқ бу юридик ҳаракатда бўлган, давлат ва халқаро ҳамжамият томонидан муҳофаза қилинадиган нормалар, ҳуқуқнинг умумий принциплари, шунингдек, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг уларга асосланган қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларидир.**

Позитив ҳуқуқнинг шаклланишининг ижтимоий жараёни – бу объектив таркиб топган ва жамият ва давлат ҳаётида субъектив тарзда намоён бўладиган ҳуқуқ нормалари шаклланишига таъсир этадиган турли ижтимоий омилларнинг ўзаро ҳаракати, таъсиридир; бу жараён давлатнинг юридик расмийлашган ҳуқуқ ижод этиш жараёни билан якунланади.

2. Ҳуқуқ нормалари тушунчаси, белгилари ва тушунчаси

Ҳуқуқ нормаси - бу ижтимоий ҳодиса бўлган ҳуқуқнинг муҳим элементи, яхлит ҳуқуқ тизимининг асосий ҳужайраси, бўғинидир. Ҳуқуқни шакллантириш ва тадбиқ қилиш жараёни, қонунчилик, барча юридик тушунчалар, ҳуқуқ тизими ва ҳатто назариянинг негизида ҳам бевосита ёки билвосита тарзда ҳуқуқ нормаси ётади.

Юридик фанда ҳуқуқни турлича, яъни норматив, ижтимоий, этик жиҳатдан тушуниш мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда асослантирилади. Ҳуқуқни қўллаш ва тадбиқ этишда ҳуқуқни нормалар тизими сифатида тушуниш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ҳар бир норма ўзида бирон-бир хатти-ҳаракат, хулқ-атвор қоидасини, муайян юриш-туриш моделини ифодалайди, масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига кўра, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Бу ҳуқуқий норма фуқароларнинг табиатга, табиий ресурслар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, атмосферага нисбатан қандай хатти-ҳаракат қилишлари тўғрисидаги қоидани ўзида мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормаси – бу барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган, давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминладиган ва қўриқладиган ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган муайян аниқ шаклланган хатти-ҳаракат қоидаси, хулқ-атвор намунаси бўлиб, унда ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланган бўлади.

Ҳуқуқ нормаси - бу бажарилиши лозим ва келгусига қаратилган меъёрий қоида, хулқ-атвор ўлчови бўлиб, у муайян тарзда шакллантирилади, яъни қонунчиликда ўз ифодасини топади.

Муайян масалалар бўйича буйруқ, кўрсатма, фармойишлардан фарқ қилиб, норма айрим алоҳида шахсга эмас, балки шахслар гуруҳига, ҳуқуқ субъектларига йўналтирилади; норманинг амал

қилиши бир галлик ижро этиш билан тугамайди, балки у чекланмаган миқдордаги ҳолатларга тааллуқли бўлади; у ижтимоий муносабатларга ва кишилар хатти-ҳаракатига тадбиқ қилингандан сўнг ҳам амал қилаверади.

Ҳуқуқ нормаси шахсларнинг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатида қандай хатти-ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш ёки этмаслик мумкин эканлигини кўрсатади. Шу маънода ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий хулқ мезони сифатида ўзини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида кўрсатилишича, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Ҳуқуқ нормасининг тартибга солувчи восита сифатидаги аҳамияти шунда кўринадикки, бирон-бир ҳуқуқ субъекти (масалан, жисмоний шахс, орган, муассаса) ўз ҳаракатида ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган қоидага риоя этади ёки бошқа ҳуқуқ субъектидан ҳуқуқ нормасида белгиланган тегишли хатти-ҳаракатни содир этишни талаб қилади, шунингдек, белгиланган қоиданинг бажарилмаганлиги ҳуқуқ бузувчига нисбатан таъсир чорасининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқ нормасида белгиланган хатти-ҳаракат намунасига риоя қилган ҳолатида ҳуқуқ нормаси хатти-ҳаракат ўлчови, меъёри, доираси, чегараси сифатида намоён бўлади. Ва, аксинча, ҳуқуқ нормасида белгиланган қоида бузилганда эса, у ҳуқуқ субъектининг ҳаракатига баҳо бериш воситаси сифатида ўзини кўрсатади.

Маълумки, ҳуқуқнинг тартибга солувчилик роли катта тарбиявий аҳамиятга эга, чунки у бўлиши эҳтимол тутилган ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олишга хизмат қилади, сабаби ҳуқуқ субъекти томонидан белгиланган хатти-ҳаракат қоидасини бузилиши муқаррар равишда унга нисбатан таъсир чораларининг қўлланишига олиб келади.

Ҳуқуқ нормаси бошқа ижтимоий нормалардан қатор хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. У жамият, шахс ёки ижтимоий гуруҳлар учун энг муҳим ва аҳамиятли бўлган ижтимоий муносабатларни ифодалайди. Бунда энг аввало, адолат ва эркинлик ғояларига мос келувчи нормал ижтимоий

муносабатлар қонуний жиҳатдан мустаҳкамланади. Зарарли, нохуш ижтимоий хулқ-атвор нормада ўз-ўзича акс этмайди, балки конфликтли вазиятларни тартибга солиш воситаси билан ифодаланади.

Юридик нормаларда ифодаланувчи ижтимоий муносабатларнинг қандай аҳамият касб этиш даражасига қараб норма қонунчилик иерархик тузилмасида ўз ўрнини эгаллайди. Масалан, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар юридик жиҳатдан кўпроқ юқори аҳамиятли бўлган норматив-ҳуқуқий актлар - Конституция ва қонунларда берилади.

2. Ҳуқуқ нормаси умумий характерга эга. У ижтимоий муносабат қатнашчиларининг барчасига, уларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган ҳолда тегишли бўлади, яъни у биронта конкрет ҳол ва ҳаётий вазиятга мўлжалланган бўлмай, балки уларнинг муайян турига, яъни ижтимоий муносабатларнинг маълум бир категориясига, туркумига тегишлидир. У ҳаётий вазиятларнинг типик жиҳатларини белгилаб берадики, уларда ижтимоий муносабатлар ва хатти-ҳаракати норма билан тартибга солинувчи иштирокчиларнинг гуруҳий белгилари намоён бўлади; қонданинг ўзи хулқ-атвор модели (намунаси) сифатида умумий шаклда ифодаланади, нормаларни бўзувчиларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳам умумий шаклда берилади.

Ҳуқуқ нормаси айрим, якка муносабатга эмас, балки муносабатлар турига тааллуқли бўлади, бу билан у ҳуқуқни қўллаш актларидан, яъни давлат органларининг муайян ишлар бўйича чиқарилган қарорларидан, шартномалардан, индивидуал фармойишлардан фарқланади. Иш бўйича қабул қилинган қарор бирорта индивидуал вазиятга ва муносабатга нисбатан ҳуқуқий нормани қўллашдан келиб чиқувчи натижа бўлиб, унда доимо муайян аниқ шахс, унинг ҳуқуқ ёки мажбуриятлари мазмуни белгилаб қўйилади.

Ҳуқуқий норма турдош белгилари билан фарқланадиган шахслар доирасига йўналтирилган бўлади (масалан, фуқаролар, ота-оналар, эр-хотинлар, солиқ инспекцияси, прокуратура, туман суди ва б.га нисбатан).

Ҳуқуқ нормаси, аниқ шахсларга нисбатан қаратилган ва то бажарилгунича амалда бўладиган фармойишлардан фарқ қилиб, ижро этилиш билан чекланмайди (масалан, бинони қуриш ҳақидаги буйруқ, муайян мулкни бериш, мукофот пулини бериш, ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ).

Ҳуқуқ нормаси айнан бир ва мавжуд вазиятга мўлжалланган бўлмай, балки муайян турдаги умумий шаклда келгусида намоён бўлувчи вазиятлар ва муносабатларнинг чекланмаган миқдорига мўлжалланган (шартнома тузилиши, никоҳга кириш, фарзанд туғилиши ва ҳ.) ва унда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган ҳар бир ҳолатда қўлланилаверади (фарзанд кўриш муносабати билан ходимага таътил берилиши ва ҳ.).

3. Ҳуқуқ нормалари давлатнинг ваколатли органлари томонидан ўрнатилади ва санкцияланади (расман тан олинади), уларда давлат эрк-иродаси, ҳокимона амри ўз ифодасини топади, яъни ҳуқуқ нормаси муайян муносабатлар ифодаси ёки муайян ҳаракатни содир этишни маслаҳат берувчи тавсиянома тарзидаги қоида бўлмай, балки шу нормада кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгиловчи ҳокимона амр-буйруқдир ва умуммажбурий қоида тариқасида амал қилади.

Ҳуқуқ нормалари давлат томонидан қўриқланади. Уларда белгиланган бурчларни ёки таъқиқланган хатти-ҳаракатни содир этиш (ҳуқуқ бузилиши) давлатнинг мажбурлов чораларини қўлланишини тақозо этади. Ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолларда қўлланиладиган давлат мажбурлов чоралари турлича бўлиши мумкин: улар бузилган ҳуқуқни тиклашга, бажарилмаган мажбуриятни амалга оширишга қаратилган бўлади ёки ҳуқуқ бузувчига жазо чораси қўлланилади.

5. Ҳуқуқ нормалари расмий ҳуқуқий ҳужжатларда шаклан аниқ қоидалар тарзида мустаҳкамланган бўлади, зеро ҳуқуқ нормасини тўғри тушуниш ва ўринли қўллаш учун у албатта пухта ишланган, аниқ ва ихчам шаклда баён қилинган қоида бўлиши керак.

2. Ҳуқуқ нормаларининг тузилиши

Ҳуқуқ нормаси ўз ички тузилишига эга, яъни у таркибий қисмлардан иборат бўлиб, айти пайтда улар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ нормаси ўзининг бирлиги, бутунлиги, бўлинмаслиги билан фарқланади.

Унинг тузилишида унинг ҳуқуқни бирламчи бўғини сифатида бажарадиган махсус функциялари намоён бўлади: ижтимоий муносабатларни аниқ, батафсил ва муайян норматив тартибга солишни таъминлаш каби функциялари.

Ҳуқуқ нормасининг тузилиши унинг ички мазмунини белгилайди. Ҳуқуқ нормаси ўзининг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи (регулятор)лик ролини, агар бу муносабатларни шакллантирадиган реал ҳаёт шарт-шароитларини, уларнинг хусусиятларини эътиборга олсагина, бажара олади, акс ҳолда бу функция бажарилмай қолади. Нормада қондани мажбурий бажариш назарда тутилиши керак, акс ҳолда у норма эмас, балки истак бўлиб қолади. Шу сабабли ҳуқуқ нормаси мазкур функцияларни бажарувчи элементлар - қоидаларнинг бирлигидан иборат бўлади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий норманинг тузилиши масаласида турли ёндашувлар мавжуд бўлсада, анъанавий тарзда у 3 элементдан иборат бўлади:

1) **Гипотеза** - бу ҳуқуқ нормаси ҳаракатга келадиган аниқ фактик ҳаётий шарт-шароитлар ва ҳолатлар (воқеа, инсонлар хатти-ҳаракатлари, ҳолатлар). Гипотезада ҳуқуқ нормасида белгиланган қоида **қай шароитда ва қай ҳолатда** ҳамда **ким томонидан амалга оширилиши** кўрсатилади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи нормаси фуқароларнинг муомила лаёқати қайси ҳолда тўла вужудга келишини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 22-моддасига кўра, фуқаронинг тўлиқ муомила лаёқати у вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Ёки Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 13-моддаси фуқаронинг маъмурий жавобгарликка тортилиши қайси вақтдан бошланиши, яъни 16 ёшга тўлганидан кейин бошланишини белгилайди.

2) **Диспозиция** - ҳуқуқ нормасининг «юраги» бўлиб, у гипотезада назарда тутилган ҳолатлар ва шароитларга дахлдор субъектлар бўйсунishi лозим бўлган хатти-ҳаракат қондасидир. Унда ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ва уларнинг эҳтимол тутилаётган хатти-ҳаракатларининг вариантлари аниқланади. Демак, диспозиция ҳуқуқий норманинг бир элементи (таркибий қисми) бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари (бажаришлари) лозим бўлган хатти-ҳаракат қондаси ифодаланган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасига кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, бунда: гипотезада кўрсатилган ҳолатлар - фарзандларнинг вояга етиши ва меҳнатга лаёқатли бўлиш ҳолатларининг мавжудлиги диспозициянинг амал қилиши учун

шароит яратади, яъни фарзандларда ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юзага келтиради.

3) **Санкция** - ҳуқуқ нормасининг таркибий элементи бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоида (талаблар)ни бажармаганлик учун шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазонинг ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ифодаланади.

Демак, ҳуқуқ нормасининг таркибий элементлари қуйидагиларни белгилайди:

а) **Гипотеза** - диспозицияда кўрсатилган қоиданинг ким, қачон ва қайси шароитда бажариши лозимлигини;

б) **Диспозиция** - ҳуқуқ субъектлари бажариши лозим бўлган қоиданинг нимадан иборат эканлигини;

в) **Санкция** - диспозицияда назарда тутилган қоидани бажармаслик (ёки бажарилиш) оқибатларини кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, ҳамма ҳуқуқий норма ҳам 3та элементли тузилишга эга эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасида фақат гипотеза ва диспозиция кўрсатилган ва бу ҳол деярли барча конституциявий нормаларга хос. «қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов 3 ой мобайнида ўтказилади».

Жиноий ва маъмурий жавобгарликни кўзда тутувчи нормалар эса асосан диспозиция ва санкциядан иборат бўлади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ нормасининг таркиби - бу унинг ўзаро мантиқий боғлиқ ички тузилиши, қурилишидир.

Коллизиявий нормалар. Ижтимоий муносабатлар жадал ривожланиб ва мураккаблашиб бораётган ҳозирги даврда биронта ҳам қонунчилик турфа ижтимоий муносабатларнинг барча

хусусиятларини ўзида аниқ ва тўла ифода эта олмайди. Шу боис амалдаги қонунчиликда баъзи номутаносибликлар бўлиши маълум маънода объектив характерга эгадир.

Ҳар бир давлатнинг қонунчилиги ўзига хос мураккаб, қуп тармоқли тузилма бўлиб, унинг доирасида ўзаро номувофиклик, бир-бирини қайтариш, мос келмаслик, бири иккинчисига зид келиш каби ҳолатлар, яъни юридик коллизия ҳоллари учраб туради.

Юридик коллизия бу - бир ёки турдош ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки нормалар уртасидаги тафовут ва зиддият, шунингдек, ҳуқуқ қуллаш жараёнида ҳамда компетентли органлар ва мансабдор шахслар томонидан

ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган зиддиятлардир.

Бир ёки турдош муносабатларни тартибга солувчи нормалар уртасидаги тафовут ва зиддият - юридик коллизиянинг амалдаги қуринишларининг бири бўлиб ҳисобланади. Амалий ҳаётда шундай вазиятлар вужудга келадик, улар бир эмас, балки бир неча ҳуқуқий нормалар таъсирига тўшади ва оқибатда қутилмаган, нохуш ҳолат – муқобиллик, икки ёқламалик (дилемма) пайдо бўлади. Бунда бир неча нормалар битта муносабатни тартибга солиш учун “талашишади”, низога қиришишади. Бундай мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш учун ҳуқуқ шарҳловчи ва ҳуқуқ қулловчидан юксак малака, аниқ таҳлил ва имкон қадар ягона тугри ечимни ёки ҳеч бўлмаганда мақсадга мувофик ечимни топиш талаб этилади. Бундай ҳолда мавжуд зиддият янги коллизия норми қабул қилиш йўли йўқотилади.

Коллизия нормалар “ҳакам” нормалар сифатида амал қилиб, улар коллизия ҳуқуқни ташкил қилади ва бироқ бу ҳуқуқни факат шартли равишда муқтакил ҳуқуқ тармоғи деб ҳисоблаш мумкин, чунки унинг нормалари бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар таркибига қиради ва алоҳида ҳолда мавжуд бўлмайди.

Барча низоли ҳолларда коллизия нормалар қуллашнинг имкони чекланган. Юридик коллизиялар ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини чеклайди, ҳуқуқ қуллаш жараёнини қийинлаштиради ва ҳуқуқий ниғилизмнинг қучайишига олиб келади, бироқ бутунлай коллизиядан холи ҳуқуқ тизиминининг бўлиши ҳамқийин, зеро бу жараён маълум даражада объектив характерга эга.

Коллизия нормаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. халқаро коллизия нормалар.
2. давлат ичидаги коллизия нормалар.

Халкаро коллизион норма - бу фуқаролик, оила, меҳнат муносабатларини ҳал этишда қайси давлатнинг ҳуқуқи қулланишини курсатадиган нормадир.

Муайян бир давлат қонунчилигидаги турли мақомга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари уртасидаги низони ҳал этишга қаратилган нормалардир. Коллизион нормалар қупрок федератив давлат тузилишига эга бўлган мамлакатларда учрайди. Коллизион норма ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳуқуқ манбалари тизимида тутган урни ва аҳамиятига қараб, юқори мақомдаги норма қулланишини курсатади.

3. Ҳуқуқ манбалари муаммоси

Шаклий аниқлик ижтимоий регулятор сифатидаги ҳуқуқнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат ҳуқуқ шаклан аниқ тусга эга. Ҳуқуқ нормалари ўз ташқи ифодаланиш шаклига эга бўлишлари шарт, зеро шу шакл орқали ҳуқуқ мавжуд бўлади.

Ташқи ифодаланиш шаклига эга бўлган ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиши мумкин. Табиий ҳуқуқлар ҳам ҳар бир давлат позитив ҳуқуқида ўзининг ифодасини, шаклини топса, бу ҳолда уларнинг бажарилишини давлат самарали ҳимоя эта олади. Табиий ҳуқуқ бугунги ҳуқуқий тасаввурлар ва қарашлар нуқтаи-назаридан ҳуқуқнинг объектив асосини ташкил этади, позитив ҳуқуқнинг мазмунини белгилаб беради.

Шу ўринда икки атама –“ҳуқуқий шакл” ва “ҳуқуқ шакли” тушунчаларини бир-биридан ажратиб олган маъқул. **“Ҳуқуқий шакл”** деганда у ёки бу ижтимоий жараёнларни, соҳаларни тартибга солишда қўлланиладиган ҳуқуқий воситалар тушунилади. Мисол учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий шакллари ва б.

Ҳуқуқнинг ташқи ифодаланиш шаклидан ташқари яна унинг ички шаклини ҳам ажратишади. Ҳуқуқнинг ички шакли деганда унинг ички тузилиш шакли, таркибий элементлари ўртасидаги алоқадорлик тушунилади.

Ҳуқуқнинг ташқи ифодаланиш шаклини “ҳуқуқ манбалари” ҳам дейиш анча кенг тарқалган. Таъкидлаш жоизки, бу атама бир маънони англатмайди. Ҳуқуқнинг моддий маънодаги ва шаклий маънодаги ҳамда ҳуқуқ ҳақидаги билимлар манбаси ва ғоявий манбалари ажратилади. Шаклий маънодаги ҳуқуқ манбаси деганда унинг шакли тушунилса, моддий маънодаги манба деганда ҳуқуқнинг

келтириб чиқарган жамият ҳаётининг моддий шарт-шароитлари тушунилади, ҳуқуқ ҳақидаги билимлар манбаига ўтган даврлар қонунлари матни, йилномалар, тарихий солномалар ва бошқа ҳуқуқий ёдгорликлар киради. Жамиятнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари, таълимотлари, ғоялари ҳуқуқнинг ғоявий маънодаги манбалари ҳисобланади.

Энди бевосита ҳуқуқнинг шакллари ҳақида гапирадиган бўлсак, даставвал ҳуқуқий одатни кўрсатиш зарур. Чунки ҳуқуқий одат тарихан биринчи ҳуқуқ шакли ҳисобланади. ҳуқуқий одат бу кенг тарқалган одат нормасига давлат томонидан ҳуқуқ туси, мақоми берилиши бўлиб, у одатда икки усул билан амалга оширилади:

1.норматив-ҳуқуқий актда одатга ҳавола қилиш;

2.суд қарорининг норматив асоси сифатида одатдан фойдаланиш.

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий одатнинг салмоғи кам, мас.Фуқаролик Кодексида “Ишбилармонлик муомаласи одати” деб номланган моддада одатга ҳавола қилинган.

Умуман, ҳозирги кунда жаҳон ҳуқуқий тизимлари манбалари ичида ҳуқуқий одатнинг ўрни камайиш тенденцияси мавжуд.

Суд прецеденти –ҳуқуқнинг манбаси иккинчи кўриниши ҳисобланади. ҳуқуқнинг бу манбаси ўз тарихини Қадимги Римдаги претор ҳуқуқидан бошлаган, дейиш мумкин. бугунги кунда англосаксон умумий ҳуқуқи мамлакатларида кенг ёйилган. Мазкур давлатларда суд прецедентлари ҳақида маълумотларни жамлаган суд ҳисоботлари мунтазам чоп этилиб туради.

Суд прецедентининг ҳуқуқ манбаси сифатида тан олиниши суднинг ҳуқуқ яратувчилик функциясининг эътироф этилишини англатади. Суднинг мазкур функциясининг мавжудлиги юксак ҳуқуқий маданият ҳамда суд тизимининг ва жамиятнинг юқори даражадаги ҳуқуқий онгги, демократик тамойиллар, ахборот тизими ва ижтимоий назоратнинг самарали йўлга қўйилганлиги каби муҳим омилларга боғлиқ.

Таъкидлаш зарурки, судьялар прецедентларни “иждо қилишмайди”, кашф ҳам этишмайди, балки суд прецедентлари ёрдамида жамиятда таркиб топиб бўлган нормаларни мустаҳкамлайди, холос. Суд тегишли қонун бўлса ҳам, бўлмаса ҳам прецедент яратиши мумкин.

Прецедентлар юқори судлар томонидан ўрнатилиши мумкин. Мас. Англияда Юқори суд, Апелляцион суд ва лордлар палатаси томонидан ўрнатилиши мумкин.

4. Ҳуқуқ ижодкорлик жараёни муаммолари

Ҳуқуқ ижодкорлик жараёни давлат фаолиятининг муҳим бир йўналиши ҳисобланади. Ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти бу давлатнинг қонунда кўрсатиб қўйилган ваколатли органлари томонидан янги ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, амалдагиларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан фаолиятидир.

Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаб ўтиш зарур. «Ҳуқуқ ижодкорлик» атамаси маълум маънода шартли тусга эга. Чунки, ҳуқуқ тегишли давлат органи (мас. парламент) томонидан расмий қабул қилингунча, дастлаб у жамият бағрида тартибга солиниши лозим бўлган муносабат, эҳтиёж тарзида намоён бўлади ва бу жараёни ҳуқуқнинг яратилиши деб белгилаш мумкин. Давлат эса, ўзининг тегишли ваколатли органи сиймосида бу эҳтиёжни ўз вақтида илғаб, уни ҳуқуқ билан тартибга солишни расмийлаштиради.

Ҳуқуқ ижодкорлик анча мураккаб, бир неча босқичларни ва қатор субъектларни фаолиятини ўзида мужассамлаштирган жараёндир. Шу боисдан, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий актларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини оширишда бу жараёнинг ўзининг ҳам мустаҳкам ва етарли ҳуқуқий асосга эга бўлиши муҳим. Акс ҳолда, бу мураккаб жараён ва унинг босқичлари ўртасидаги мутаносиблик заифлашуви ва ҳуқуқ ижодкорлик жараёни натижалари кутилгандек бўлмаслиги мумкин.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда ҳуқуқ ижодкорлик жараёни анча кенг ҳуқуқий асосга эга. Энг биринчи ҳуқуқий асос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси ҳисобланади, унда ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ижод этиш борасидаги фаолиятларининг энг умумий қоидалари мустаҳкамланган.

Конституциядаги бу умумий қоидалар ҳуқуқ ижодкорликка доир қатор қонун ҳужжатларида ўзининг аниқ ва батафсил ифодасини топган. Бундай қонун ҳужжатларига сирасига:

- 1997 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги,

- 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги,

- 2000 15 декабрда қабул қилинган «Қонун лойиҳаларини муҳокамаси тўғрисида»ги,

- 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати тўғрисида»ги

- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, шунингдек, 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»

- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларни киритиш мумкин¹.

Мазкур қонун ҳужжатларида ҳуқуқ ижодкорлик жараёни ва унинг субъектлари, бу фаолиятнинг босқичларига доир асосий қоидалар мустаҳкамланган.

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилган парламент ислохотлари ва икки палатали парламентнинг иш бошлаши ҳуқуқ ижодкорлик жараёнига ҳам муҳим ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар юқоридаги қонун ҳужжатларида ўзининг тегишли ифодасини топди.

Ҳуқуқ ижодкорлик жараёнида марказий ўрин эгаллаган қонун ижодкорлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига алоҳида ўрин берилган бўлиб, ҳозирги кунда бу вазирлик:

1) Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди;

2). Юқори органларнинг топшириғига биноан ва ўз ташаббуси билан қонун лойиҳаларини тайёрлайди, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда лойиҳаларни тайёрлашда иштироқ этади;

3). Қонун лойиҳаларини тайёрлаш заруратига оид масалаларни давлат бошқаруви органлари билан дастлабки тарзда келишиб олади;

4). Олий Мажлис ва унинг органларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ қонун лойиҳалари юзасидан юридик хулосалар беради;

5). Қонун лойиҳаларини тайёрлашни амалга ошираётган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишини мувофиқлаштириб боради;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун // ЎзР ЯҚТ.1997. № 17.;»Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун. // Халқ сўзи.2001 йил, январ.; «Қонун лойиҳалари муҳокамаси тўғрисида»ги қонун. //Халқ сўзи.2001 йил январ.

6). Қонун ижодкорлиги масалаларида давлат бошқаруви органларининг фаолиятига методик раҳбарликни амалга оширади;

7). Олий Мажлисни, унинг органларини ва Вазирлар Маҳкамасини қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалалари юзасидан хабардор қилади¹.

Юқоридаги ўзгаришдан кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги ҳуқуқ ижодкорлик жараёнида Адлия вазирлигига мувофиқлаштирув бўйича алоҳида ваколатлар берилган.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда, мамлакатимизд ҳуқуқ ижодкорлик жараёнининг анча салмоқли ҳуқуқий асоси мавжуд бўлиб, бу асос мазкур жараённинг қонунга мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди. Эътироф этиш керакки, ҳуқуқ ижодкорлик жараёнига доир парламент ислоҳотигача қабул қилинган юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳозирги мақоми ва тузилиши муносабати билан янада чуқурроқ янгиланишни тақозо этади. Бу ҳужжатларда ҳуқуқ ижодкорлик жараёнига доир айрим жиҳатлар ўзининг ифодасини янада батафсилроқ топиши зарур.

Фикримизнинг далили сифатида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги қонунга киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар сирасида конституциявий қонунлар ҳақида тегишли нормалар киритилиши лозим.

Таъкидлаш керакки мамлакатимиз илмий адабиётида ҳуқуқ ижодкорлик жараёни ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш зарурлиги ва унинг йўналишлари ҳақида фикрлар мавжуд. Масалан, айрим муаллифларнинг фикрига кўра, қонун чиқариш жараёнида турли қонунларнинг мавжудлиги бир маънодаги ҳуқуқий нормаларнинг бир неча меъёрий ҳужжатларда такрорланишига олиб келмоқда ва оқибатда қонунчиликда «ўринсиз плюрализм» ҳолатига олиб келмоқда, бундай ҳолатни бартараф этиш учун тегишли қонунларни мукамал тизимга солиш (кодекслаштириш) асосида тартиблаш лозим.²

Бундай кодексни тайёрлаш жараёнида икки палатали парламент қонун чиқариш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонун лойиҳасини тайёрлашдан тортиб то уни қабул қилиш, имзолаш ва эълон қилингунга қадар барча босқичлардаги муносабатларни,

¹ 2003 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи. 2004 йил январь.

² Х.Одилқориев, Ў.Мухамедов. Қонунчилик жараёни кодекси: унинг зарурати, структураси ва мазмуни. // Давлат ва ҳуқуқ. 2004 йил 4-сон. 2-5 бетлар.

таомил (процедура)ларни мукамал тизимли тарзда тартибга солишга эришилади.

Мазкур кодексни яратишдан асосий мақсад –Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқариш механизмида, давлат ҳокимияти олий органларининг қонун лойиҳалари устида ишлаш фаолиятида юксак қонунчилик технологиясини жорий этишдан иборат. Кодекснинг қабул қилиниши қонун яратиш жараёнининг эркинлашувига ҳам хизмат қилади. Кодекснинг тайёрланиши ва қабул қилиниши, бир томондан, ҳокимият вакиллик органининг қонун ижод этиш соҳасидаги фаоиятини эркинлаштириш, иккинчи томондан, қонунчиликни эркинлаштириш борасида муҳим қадам бўлади.

Олий Мажлиснинг ҳуқуқий мақоми ва қонун ижод этиш фаолиятига оид бир тоифадаги қонунларнинг жамланиши ва кодекслаштирилиши нафақат парламент ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш даражаси ҳамда нуфузини оширади, балки фуқароларнинг мазкур соҳадаги қонунчилик билан танишиши ва ундан фойдаланиш имкониятини яратади.

Муаллифлар бундай кодексни қабул қилишнинг заруратини асослаб, айтишадики, қонунчилик жараёни кодекси ягона комплекс ҳужжат тарзида қонун ижод этишга дахлдор барча масалаларнинг ҳуқуқий талқини, ечими ва тартибларини муфассал белгилайди. Бу соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ўртасидаги номутаносибликлар ва такрорланишларни бартараф этишга кўмаклашади, зеро ҳозирги кунда амал қилаётган қонунчилик ҳужжатлари мазмунида ўзаро бир-бирини такрорловчи нормалар ва қоидалар мавжуд¹. Ушбу таклиф илмий мунозарадан ўтиши керак.

Чунки, миллий ҳуқуқий тизимимизда, анъанавий тарзда кодекс деб номланган ҳужжат, асосан муайян бир ҳуқуқ соҳасидаги қонун нормаларининг ихчамлашган жамланмаси сифатида мавжуд. Шу боис бу масала, бизнингча, мутаххассис олимлар, депутатлар томонидан жуда чуқур таҳлил ва мунозара қилиниши, ва унинг натижасида бу масала тўғрисида бирон-бир хулосага келиш мумкин.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида юридик техника ва уни такомиллаштириш муаммолари

Ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти жуда мураккаб, босқичли жараён бўлгани боис, унга нисбатан қатор муҳим талаблар қўйилади. Норматив-ҳуқуқий актларни тайёрлаш, уларни муҳокама этиш, қабул

¹ Х.Одилқориев, Ў.Мухамедов. Қонунчилик жараёни кодекси:унинг зарурати, структураси ва мазмуни. // Давлат ва ҳуқуқ. 2004 йил 4-сон.2-5 бетлар.

қилиш ва эълон этиш жарёнлари муайян қоидалар, талаблар асосида кечади. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий акт ҳам қатор талабларга жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан, ҳуқуқ ижодкорлик жараёнида юридик техника, ёки қонунчилик техникаси тушунчалари мавжуд. Таъкидлаш керакки бу икки атама ҳам илмий адабиётда ишлатилиб келинмоқда.

Айрим олимлар қонунчилик техникаси атамасини кўпроқ қўллашади, масалан, **профессор З.М.Исломов ҳуқуқ ижодкорлик жараёнига бағишланган ишларида қонунчилик техникаси атамасини ишлатганлар**¹. Москвада 2002 йилда нашр этилган Давлат ва ҳуқуқ назарияси дарслиги муаллифлари эса **юридик техника** атамасини қўллаганлар.

Фикримизча, юридик техника тушунчаси қонунчилик техникаси тушунчаси мазмунидан кенгроқ бўлиб, у ўз ичига умуман ҳуқуқ ижод этиш жараёнига доир масалаларни олади.

Илмий адабиётларда юридик техникага берилган таърифларга тўхталиб ўтамиз. **З.Исламов** қонунчилик техникасига қуйидагича таъриф берган: **қонунчилик техникаси – бу ҳуқуқий (норматив) актларни мукамал бўлишини таъминлаш мақсадида, уларни белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқиш ва тизимлаштиришда фойдаланиладиган восита ва усуллар мажмуидир.**

Юқорида қайд этилган Москвада чоп этилган дарслик муаллифлари таърифи қуйидагича: **юридик техника – бу норматив актларни аниқ, тушунарли ва самарали бўлиши мақсадида уларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, тизимлаштириш қоидалари, воситалари ва усуллари мажмуидир**².

Юридик техника, демак нафақат норматив-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқишда, балки уларни расмийлаштириш ва тизимлаштиришда ҳам қўлланиладиган қоидалар, усуллар, воситалар ва кўникмалар мажмуидир.

Юридик техника ҳар бир жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ва ҳуқуқий тафаккурнинг қанчалик ривожланганлиги даражасини кўрсатадиган кўрсаткич сифатида ҳам намоён бўлади.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ҳуқуқий ислохотларнинг марказий йўналиши – республика қонунчилигини такомиллаштиришнинг стратегиясини аниқлашдан

¹ Исламов З.М. Общество.Государство.Право. Т.,Адолат. 2001. С.448.

² См.:Теория государства и права. М., Норма. 2002. С.321.

иборат. Қонунчилик стратегияси мамлакат ҳуқуқий тараққиёт дастурининг муҳим ва салмоқли таркибий қисмидир.

Қонунчилик стратегияси – бу мамлакат бутун ҳуқуқий тизимининг уни алоҳида таркибий қисмлари, ҳуқуқ ҳамда қонунчилик соҳалари ва институтларининг ҳозирги ва келгусидаги тараққиёт йўналишларининг белгиланишидир. Қонунчилик стратегияси қонунларни тайёрлашнинг, уни режалаштириш ва амалга оширишнинг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олади. У давлат сиёсати билан чамбарчаси боғлиқ бўлиб, давлат таянувчи муҳим принциплар асосида жамиятга қонунлар орқали раҳбарлик қилиш санъати ҳисобланади.

Шунингдек, қонунчилик стратегияси сиёсатни ҳуқуқий муносабатлар мазмунига сингдириш, қонунларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш воситасидир. Қонунчиликни собитқадамлик билан ривожлантириш, уни давр талабига ҳамоҳанг тарзида янгилаб бориш ва қонун чиқариш фаолиятини самарали йўлга қўйишда режалаштиришнинг аҳамияти бекиёсдир. Бу ерда гап қонунчилик фаолиятини қонун лойиҳаларин тайёрлаш ишларини махсус режалар асосида амалга оширилиши хусусида бормоқда.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини режалаштириш - қонунчилик стратегиясини муайян давр учун белгиланиши, давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини мужассамлашган кўринишда ва норматив тарзда мустаҳкамланишининг ифодасидир. Бошқача айтганда, қонунчилик ишлари режаси қонунчилик стратегиясини ҳаётга жорий этишнинг муҳим ташкилий воситаси сифатида майдонга чиқади.

Режалаштиришнинг бош мақсади республика қонунчилигини Конституция бошчилигидаги норматив актларнинг изчил ва ички мутаносиб шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат. Режалаштиришдан кутиладиган пировард натижа изчил, мукамал ва барқарор қонунчилик тизимини яратиш экан, бунинг учун мутасадди ва ваколатли давлат идоралари қўйидаги вазифаларни адо этишлари талаб этилади: мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда эски ҳуқуқий актларни мунтазам равишда янгиси билан алмаштириб бориш; айнан бир масала бўйича кўплаб актлар мавжуд бўлишини бартараф этиш; қонунчиликнинг тартибга солинмаган, очиқ мавзулар (пробел) ни тўлдириб бориш ва ҳ.к.

Қонунчилик фаолиятнинг сифати, самарадорлиги ва батартиб ташкиллаштирилиши кўп жиҳатдан қонунчилик техникасига боғлиқ. Зотан, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, айтилиши ва мантикий қонунчилик техникасининг ривожлантирилиши ва мукаммаллаштирилишини тақозо этади.

Юқори даражадаги қонунчилик техникасининг мавжуд бўлиши жамиятда шаклланган юридик маданият даражасини, ҳуқуқ ва қонунга ҳурматни ифодаловчи кўрсаткичлардан биридир. Қонунчилик техникаси ҳуқуқий актларни расмийлаштириш усули сифатида талқин этиш норматив актларнинг тили ва услуби, тузилиши, ҳуқуқий қоидаларни шакллантириш ҳамда баён этиш масалаларини чуқур ўрганиш учун зарурий асос бўлиб ҳисобланади.

Қонунчилик техникаси қанчалик пухта ишланган бўлса, республика қонунчилиги шунчалик баркамол бўлади.

Қонунчилик техникаси қатор муаммоларни ўз ичига олади: норматив акт лойиҳасининг матни устида ишлаш услубий қоидалари; норматив ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш, уларни тўла ёки қисман бекор қилишнинг тўғри ва ягона тартиби; ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакли; қонун чиқарувчининг фикрини норматив актнинг моддаларида батафсил ифодалаш услублари, норматив актнинг ички тузилиш (структураси), унинг тили ва юридик терминология; норматив актларни бир тил ифодасидан бошқа тилга таржима қилиш ва ҳоказолар.

Қонунчилик техникаси — норматив ҳуқуқий актлар лойиҳаларини тайёрлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига таянувчи ва назарий жиҳатдан чуқур мушоҳада этилган қоидалар ва усуллар тизими бўлиб, у норматив-ҳуқуқий қоидалар шакли-мазмунига тўла ва айнан мувофиқ бўлишини, норматив материалларни тушунарли, содда ҳамда осон илғаш, тузатиб боришга имкон беришни, тартибга солинадиган масалаларни бекаму-кўст қамраб олинишини таъминлайди.

Норматив –ҳуқуқий актларни тайёрлашда қатор талабларга риоя этиш зарур бўлади, улар сирасига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқлиги, тушунарлилиги ва батафсиллиги;

- норматив-ҳуқуқий акт матнини баён этишда мантикийликка риоя этилиши ва нормалар ўртасидаги узвий, мазмуний боғлиқлик;

- норматив актнинг ўзида ҳамда бутун қонунчилик тизимида зиддиятларнинг, бўш жойларнинг бўлмаслиги;

- атамаларнинг тушунарлилиги ва уларни қўллашнинг оддий одамларга ҳам тушунарли бўлиши;
- ҳужжат матнида аниқ бўлмаган, ҳар хил талқин этилиши мумкин бўлган иборалар, кўчма маъноларда, ёки жуда ҳиссий бўлган сўзларни ишлатмаслик;
- матнда кам ишлатиладиган, эскириб қолган, ғализ иборалар бўлмаслиги;
- матннинг имкон қадар қисқа, бироқ мазмунни ифодаладиган, ортиқча «текинхўр» сўзларсиз бўлиши;
- бир масалани тартибга соладиган актлар сонини имкон қадар қисқартириш;
- мумкин бўлган жойда, бир масалани тартибга соладиган бир неча актларни йириклаштириш;
- норматив-ҳуқуқий актлар тилининг имкон қадар оддий, раво ва тушунарли бўлиши ва б¹.

Юридик техникадан норматив ҳуқуқий актларни расмийлаштириш қоидалари фарқланади. Масалан, муқаддиманинг бўлиши, кодексларнинг бўлим, боб, моддаларга бўлиниши, ўзгартиришлар киритилганда номерлаш ўзгартирилмай тепага белги қўйилиши кабилар.

Норматив актларнинг реквизитларига эса унинг расмий ҳужжат эканлигини кўрсатувчи талабларга қуйидагилар киради:

ҳужжат қабул қилинган жой, сана, фамилияси, лавозими кўрсатилган ваколатли шахснинг имзоси (Норматив-ҳуқуқий актлар тўғрисидаги қонуннинг 21-моддаси), сарлавҳа, манзилгоҳ, ҳужжатнинг, тури, номи, рақами кабилар.

Ҳуқуқ ижодкорлик жараёнининг сифатини таъминлашда юридик техниканинг аҳамияти жуда салмоқли.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти, юридик техниканинг ривожига оид масалаларни таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқ яратиш жараёнидаги муҳим масалалардан бири — яратилаётган **норматив ҳуқуқий актларнинг тили масаласидир**. Қонунда тушунарсиз, ёки икки хил маънони англатадиган, ҳамда ортиқча сўзлар ишлатилмаслиги керак, қонун тили, оддий, лўнда, раво бўлиши керак, бунга эришиш учун, Парламентда қонун лойиҳа устида ишлаётган депутатларнинг савиялари баланд бўлиши керак.

¹ Кенгроқ қаранг: Исламов З.М. Общество.Государство.Право. Т.,Адолат. 2001. С.449; Теория государства и права. М., Норма. 2002. С.322.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент ислохотлари, ушбу муаммони ҳам ҳал этишга қаратилган, албатта.

Бундан ташқари кўп қонунлар, аввал **рус тилида ёзилиб, кейин ўзбек тилига ўгирилиш ҳоллари мавжуд**. Бунинг бўлажак қонунларнинг тушунарлилиқ даражасига анча таъсир этиши турган гап. Шу боис, қонун ҳужжатларини дастлаб давлат тилиди ўзилиб, кейин рус тилига ўгириш лозимлигини тўла амалга ошириш керак, бизнингча.

Ўзбекистоннинг **«Норматив –ҳуқуқий актлар» тўғрисидаги қонунларга айрим ўзгартишлар киритиш лозим** деб ҳисоблаймиз. Масалан, мазкур қонунда норматив-ҳуқуқий актлар, қонунчилик актлари, қонун ҳужжатлари, қонунларнинг турлари тушунчаларига аниқлик киритиш зарурати мавжуд.

Бундан ташқари яна бир муаммо – бу ҳам бўлса қабул қилинаётган қонунларнинг **амалга ошириш механизми етарли ишлаб чиқилмаганлигидир**. Шу боис қатор қабул қилинган қонунлар ҳаётга кутилгандек «киришиб» кетмайди. Шунинг учун, маълум бир қонунни қабул қилишдан олдин, албатта унинг механизмини пухта ишлаб чиқиш лозим. Масалан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун тўла амал қилиши учун барча савдо шахобчалари, дўконлар касса аппаратига эга бўлган бўлиб, ҳар харид учун албатта чек бериши лозим, бусиз, истеъмолчи, зарур бўлиб қолганда ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун асос топа олмай қолади.

Бу нарса эса ҳали тўла амалга оширилмаган бўлса, демакки, юқоридаги қонунни ҳам тўла амалга ошириш ҳам мушкул вазифа. Аҳолининг ҳуқуқий онгги, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, қонун яратиш жараёни албатта, унинг ҳуқуқий механизмини яратиш орқалигина амалга оширилиши лозим.

Демократик қонунчилик фаолиятининг ифодаларидан бири – парламент муҳокамасига муқобил (альтернатив) қонун лойиҳаларининг киритилишидир. Парламентга муқобил қонун лойиҳаларининг киритилишига асосий сабаб -фикрлар ва манфаатлар хилма-хиллигидир.

Кўппартиявийлик асосида тузилган парламентда, албатта, манфаатлар хилма-хиллиги мавжуд бўлади ва шунинг замирида муқобил қонун лойиҳалари муҳокамага қўйилиши мумкин бўлади. Бу ҳол одатий бўлиб, бунга кўникиш лозим. Президентимиз таъкидла-

ганларидек, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни тўла амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири «сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш»¹ ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ ижодкорлик жараёни Ўзбекистонда ўз ривожининг янги, масъул ва мураккаб босқичига кирди. Бу жараённинг самарадорлигидан, жамиятимизнинг пировард мақсади – ҳуқуқий давлат сари боришимиз суръатлари боғлиқ бўлади.

6. Ҳуқуқ тизими: тушунчаси ва таркибий элементлари.

Ҳуқуқ ташқи шаклидан ташқари ички шаклга ҳам эга бўлиб, бунда унинг ички тузилиши тушунилади. **Ҳуқуқ тизими** - бу унинг ўзаро боғлиқ ва мувофиқлашган нормалар, институтлар, тармоқчалар ва тармоқлардан иборат ички тузилишидир.

У реал мавжуд ва ривожланувчи ижтимоий муносабатларнинг объектив ифодасидир. Жамиятнинг фактик ижтимоий тўзуми оқибат натижада у ёки бу ҳуқуқ тизимини, унинг тармоқлари, институларини белгилаб беради. Ҳуқуқ тизими унинг қандай қисмлар, элементлардан ташкил топганлигини, улар ўзаро қандай нисбатда бўлишларини кўрсатади.

Тизимлилик - бу ҳуқуқ ҳар қандай типининг умумий хусусиятидир. Ҳуқуқнинг ҳар қайси тарихий типига унинг ўз тизими хос бўлиб, у мазкур тип ва бутун ижтимоий формациянинг хусусиятларини ифода этади. Ҳуқуқнинг тузилмаси - бу мазкур жамият тузилмасининг юридик ифодаланишидир.

Бундан ҳуқуқ тизимининг объектив ижтимоий зарурлиги, унинг иқтисодий, маданий, миллий ва бошқа омиллар билан белгиланиши келиб чиқади.

Ҳуқуқ давлат томонидан яратиладиган ва қўриқланадиган нормалар йиғиндиси. Бироқ, бу йиғинди нормаларнинг тартибсиз, механик йиғиндиси эмас, балки қатъий мувофиқлашган ва ўзаро боғлиқ яхлит тизим бўлиб, унда нормалар муайян тартибда гуруҳланади, тартибга солинади. Бу - интеграция ва дифференциация жараёнлари таъсиридан ўтган мураккаб тизимли иерархик тузилмадир. Ҳуқуқнинг ҳар қандай типига унинг конкрет нормалари

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишидир. // Халқ сўзи. 2005 йил.29 феврал.

ўртасида доимо умумийлик ва ягоналик, ўхшашлик ва фарқ, мустақиллик ва боғлиқлик элементлари мавжуд.

Ҳуқуқ тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

1) унинг бирламчи элементи ҳуқуқ нормалари бўлиб, улар янада йирик тузилмалар – институтлар, тармоқчалар, тармоқларга бирлашадилар;

2) унинг элементлари зиддиятли бўлмаган, ички мувофиқлашган, ўзаро боғлиқ бўлиб, бу унга яхлитлик ва бирлик бахш этади;

3) у ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий, диний, маданий, тарихий омиллар билан белгиланади;

4) у объектив характерга эга, яъни мавжуд ижтимоий муносабатларга боғлиқ ва инсонларнинг соф субъектив хоҳишига қараб яратилиши мумкин эмас;

5) ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва уларнинг ўзига хослиги юридик нормаларнинг ҳам маълум даражада ихтисослашувини тақозо этади.

Ҳуқуқ тизимини ташкил этувчи юридик нормаларнинг бирлиги қуйидагилар билан белгиланади:

1) уларда ифодаланган давлат эркининг бирлиги;

2) улар амал қилувчи ҳуқуқий тизимнинг бирлиги;

3) ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг, унинг бошланғич принципларининг бирлиги;

4) мақсад ва вазифаларининг бирлиги.

Айни пайтда ҳуқуқ нормалари ўзининг конкрет мазмуни, қоидаларининг характери, амал қилиш соҳалари, ифодаланиш шакли, тартибга солиш предмети ва методлари, санкциялари ва б.жиҳатлари билан фарқланадилар. Шу сабабли улар алоҳида тармоқлар, институларга ажратилади. Уларни бундай ажратишга ушбу хусусиятлар ва энг аввало, ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги, ўзига хослиги асос бўлади.

Ҳуқуқ тизимининг таркибий элементлари:

1) ҳуқуқ нормаси,

2) ҳуқуқ институти,

3) ҳуқуқ тармоғи.

Ҳуқуқ тизими - бу ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай таркибий қисмлардан иборат эканлиги, ва шу қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади.

7. Ҳуқуқ тизими билан қонунчилик тизими ўртасидаги нисбат.

қонунчилик ҳам ҳуқуқ каби ўз тизимига эга бўлиб, бунда унинг ички тузилиши назарда тутилади. Бироқ, бу тушунчаларни қуйидаги асосларга кўра фарқлаш зарур:

1) ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи ҳуқуқ нормаси бўлса, қонунчилик тизимининг бирламчи элементи - бу норматив ҳужжатдир;

2) ҳуқуқ тизими мазмун сифатида, қонунчилик тизими - шакл сифатида намоён бўлади;

3) агар ҳуқуқ тизими объектив тарзда мавжуд ижтимоий муносабатларга боғлиқ ҳолда шаклланса, қонунчилик тизими эса, асосан субъектив тарзда - давлатнинг эрки-хоҳишидан келиб чиқиб шакллантирилади;

4) агар ҳуқуқ тизими бирламчи характерга эга бўлса, қонунчилик тизими – ҳосилавий характерга эга (ҳуқуқ тизими қонунчилик тизими учун бошланғич асос, пойдевор ҳисобланади);

5) ҳуқуқ тизими фақат горизонтал (тармоқ) тузилишга эга бўлса, қонунчилик тизими - яна вертикал (федератив, иерархик) тузилишга ҳам эга;

5) ҳуқуқ тизими билан қонунчилик тизими ҳажмига кўра фарқланади: қонунчилик, бир томондан, нормативликнинг барча турли-туманлигини қамраб ололмайди (чунки, қонунчиликдан ташқари ҳуқуқ ҳуқуқий одатларда, норматив шартномаларда, юридик прецедентларда расмийлаштирилади); бошқа томондан, у ўз ичига нормалар формулировкаларидан ташқари бошқа элементларни - муқаддима, бўлимларнинг номланишини, боблар, моддалар сарлавҳаларини ҳам олади.

8. Норматив-ҳуқуқий актларни тизимлаштириш

Ҳозирги замонда қонунчилик тизими аниқ бир тизимга, яъни унинг элементлари ўртасида ички боғлиқликка ва мантиқий узвийликка эга бўлиши учун мамлакатда мавжуд қонунчилик ҳужжатлари доимий равишда бир тизимга солиниб борилиши лозим.

Акс ҳолда, қонунчилик ўзининг муҳим жиҳати бўлган тизимлилик ни йўқотиб қўйиши ва фойдаланиш учун ноқулай бўлган қонун ҳужжатларининг шунчаки йиғиндисига айланиб қолиши мумкин.

Шу боис қонунчилик тизимини тизмлаштириб боришнинг бир неча турлари мавжуд. Шу ўринда аввало тизимлаштиришнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олиш зарур.

Тизимлаштириш – бу мавжуд норматив материални қонунчиликнинг тизимлилигини ҳамда ҳуқуқ субъектларини тегишли норматив-ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш мақсадида унга ички ва ташқи ишлов бериш йўли билан тартибга солиш ва такомиллаштиришга қаратилган махсус фаолиятдир. Тизимлаштиришнинг зарурлиги ҳар бир давлатда мунтазам равишда қўплаб норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилиниши, айти пайтда маълум вақт ўтиши билан уларнинг айримлари ўз кучини йўқотиши, эскириши ҳамда турли нормалар ўртасида ички зиддиятлар пайдо бўлиши билан изоҳланади¹.

Бугунги кунда қонунчиликни тизимлаш борасида бир неча синалган усуллар(турлари) мавжуд бўлиб, уларнинг ичида уч хили кенг қўлланилади:

- инкорпорация,
- консолидация,
- кодификация.

Тизимлаш турлари ичида энг оддийси бу –инкорпорация (жамлаш) бўлиб, бунда норматив-ҳуқуқий актлар муайян тартиб ва асосда жойланади. Инкорпорация – бу норматив-ҳуқуқий материални тизимлашнинг тури, усули бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий актлар фақат ташқи ишловга тортилади(баъзан эса бусиз) ва муайян тартиб, яъни ё алфавит, ёки предметга қараб, ёхуд хронологик тарзда ягона тўпламга жамланади.

Инкорпорациянинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш ҳамда унинг бошқа тизимлаш усулларида фарқлаш учун унинг характерли хусусиятларини аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- А) инкорпорация расмий ҳам, норасмий ҳам бўлиши мумкин;
- Б)инкорпорацияни давлат органлари, ёки жамоат бирлашмалари, ёинки хусусий шахслар амалга ошириши мумкин;
- В) инкорпорацияда норматив-ҳуқуқий актнинг мазмунига тегилмайди, улардаги нормалар қандай мазмунда, шаклда бўлса, шундайлигича инкорпорация қилинади;

¹ Ушбу параграф В.Н.Протасовнинг «Теория права и государства.Проблемы теории права и государства» (М.:Новый Юрист.1999.) номли китоби ва бошқа адабиётлар асосида тайёрланди..

Г) инкорпорация чоғида норматив актлар қандай ҳолда бўлса шундайлигича ҳам, ёки ташқи ишлов берган ҳолда инкорпорация қилиниши мумкин;

Е) норматив актларга ташқи ишлов бериш ўз ичига қуйидагиларни олади:

-норматив актлар матнидан ўз кучини йўқотган алоҳида бандлар, моддалар, хат бошлари олиб ташланиб, мазкур норматив акт қабул қилинганидан бери киритилган ўзгартиш, қўшимчалар қўшилади;

-норматив акт матнидаги аниқ бир норматив мазмундаги қоида ифодаламайдиган жойлари олиб ташланади;

-инкорпорация натижаси қуйидагича бўлиши мумкин:

- қонунлар тўплами;
- қонунчилик мажмуаси;
- бошқа норматив акт.

қонун ҳужжатларини жамлашнинг алоҳида бир шакли бўлиб, қонунлар тўплами ҳисобланиб, у қуйидаги мазмун ва шаклда бўлиши мумкин;

• юқори ҳокимият, яъни қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти норматив актларининг инкорпорациялашган наشري;

• қабул қилинган норматив-ҳуқуқий актларни расмий эълон этиш манбаи;

• ҳеч бир истисносиз мамлакатда амалда бўлган барча қонунчилик ҳужжатларини жамлаш.

Инкорпорациядан кўра мураккаброқ тизимлаш шакли бўлиб консолидация ҳисобланади.

Консолидация бу- тизимлашнинг бир тури бўлиб, у норматив ҳуқуқий актларнинг кўпайиб кетишининг олдини олиш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг бирлигини таъминлаш мақсадида мазмунан бири-бирига яқин бўлган норматив актларни битта йирик норматив-ҳуқуқий актга бирлаштиришдир.

Бундай бирлаштириш қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

• консолидация бу ҳуқуқиждорлик мазмунидаги ўзига хос усул ҳисобланади, чунки инкорпорация, ҳатто расмий инкорпорациянинг ҳуқуқ иждорликка алоқаси йўқ;

• тегишли ҳуқуқ яратувчи орган томонидан, фақат ўзи қабул қилган актларга нисбатан амалга оширилади;

• консолидация қилинган норматив-ҳуқуқий актлар ўзининг мустақил кучини йўқотади. Уларнинг ўрнига янгитдан вужудга

келагн норматив-ҳуқуқий акт ҳаракат қилади. Янги акт ўзининг тегишли реквизитларига эга бўлади: номи, санаси, номери, тегишли мансабдор шахсининг имзоси каби.

Шу боисдан ҳам илмий адабиётда консолидацияни “инкорпорация билан кодификация ўртасида турадиган оралиқ ҳолатни эгаллайдиган тизимлаш тури”, деган фикр илгари сурилади.

Норматив-ҳуқуқий актларни тизимлашнинг энг юқори турувчи тури бу – кодификациядир. Кодификация бу – тизимлашнинг муҳим бир тури бўлиб, у ҳуқуқ ижодкорлик характериға эға ва муайян ижтимоий соҳани яхлит, ички мувофиқлашган ҳолда тартибға солишини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни тубдан қайта ишлаш орқали янги мажмуавий норматив-ҳуқуқий акт яратишға қаратилган.

Кодификациянинг инкорпорация ва консолидациядан фарқ қилувчи муҳим хусусиятлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- кодификация норматив-ҳуқуқий актларни тизимлашнинг энг такомиллашган ва мураккаб шакли ҳисобланади;
- кодификация моҳиятан ҳуқуқ яратишнинг бир тури ҳисобланади, чунки кодификациянинг бевосита объекти бўлиб ҳуқуқ нормалари ҳисобланади;
- норматив-ҳуқуқий актларни кодификациялашни фақат тегишли компетенцияға эға бўлган давлат органлари конституциявий ва қонуний ваколатлар асосида амалға оширишиди;
- доимий характерға эға бўлган инкорпорациядан фарқ қилган ҳолда кодификация даврий равишда ўтказилиб туради ва унинг натижалари анча муддатға мўлжалланади;
- кодификация ҳар доим ҳам ҳуқуқий тартибға солиш тизимиға муайян янгилик киритади, таъбир жоиз бўлса, у ўзига хос митти “ҳуқуқий ислоҳот” (В.Н.Протасов) бўлиб, кўпинча жиддий ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқ;
- кодификация маҳсули сифатида янги кодификацион ҳужжат – Кодекс вужудға келади ва у ҳуқуқий ва мантикий яхлитликка, мажмуавий мазмунға, катта ҳажмға ва мураккаб ички тузилишға эға бўлади, шунингдек, бошқа тармоқ актлари ичида бош ўринни эгаллайди ва ижтимоий ҳаётнинг муайян бир соҳасини қамраб олади.

Кодификацион актларнинг илмий адабиётда қуйидаги турлари ажратилади:

- қонучилик Асослари;

- Кодекслар

Бундан ташқари Уставлар, Низомлар ва қоидалар тўпламлари ҳам кодификацион актлар жумласига киради.

9. Ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги ўрни

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий муносабатларнинг ўрни ўзгача. Зеро, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий муносабатлар бевосита объект- ижтимоий соҳа билан «тўқнаш» келади. Оқибатда ҳуқуқий муносабат мураккаб ҳуқуқий тузилма сифатида таркиб топади.

Ҳуқуқий муносабатнинг белгилари:

1. Ҳуқуқий муносабатлар - ижтимоий муносабатлар. Яъни инсонлар ўртасидаги муносабатлар.

2. Ҳуқуқий муносабатлар юридик нормалар билан узвий алоқада мавжуд бўлади.

3. Ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир.

4. Ҳуқуқий муносабатларга аниқлик, индивидуаллик хос.

5. Ҳуқуқий муносабатлар иродавий характерга эга.

6. Ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқдаги давлатнинг иродаси бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади.

Ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган ва давлат томонидан қўриқланадиган иродавий индивидуаллашган ижтимоий муносабатдир.

Ҳуқуқий муносабат таркибига қуйидагилар киради:

1. Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари.

2. Субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар.

3. Фактик ҳуқуқий ҳуқ-атвор.

Ҳуқуқ субъекти бу ҳуқуқий муносабатларнинг бўлажак потенциал иштирокчилари, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар эгаси бўлиши мумкин бўлган шахслардир. Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқий муносабатлар субъекти бўлиши учун юридик фактлар бўлиши керак. Юридик фактлар тегишли нормани «ишга» солиб юборишади. Мазкур ҳуқуқ нормаси тегишли ҳуқуқ субъектларига ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди ва шу тариқа уларни ҳуқуқий муносабатлар субъектларига айлантиради.

Ҳуқуқ субъектлари бўлиши мумкин:

- жисмоний шахслар;

- ташкилотлар;
- ижтимоий тузилмалар (мас. халқлар, миллатлар).

Жисмоний шахсларга мазкур давлат фуқаролари, чет элликлар, апатридлар (фуқаролиги бўлмаганлар) ва бипатридлар(икки фуқароликлар)киради.

Ташкилотларга қуйидагилар киради:

- давлатнинг ўзи;
- давлат ташкилотлари;
- нодавлат ташкилотлар.

«Юридик факт» категориясининг шаклланиши рим ҳуқуқини унинг кейинги тадқиқотчилари томонидан қайта ишланиши, қайта мушоҳада қилиниши ва тизимли баён этилиши муносабати билан содир бўлган. Рим юристлари юридик факт тушунчасини шакллантирмаган. Бу вазифани немис ҳуқуқшуноси Фридрих Карл фон Савиньи амалга оширган. Тарихий ҳуқуқ мактабининг асосчиларидан бири бўлган Савиньи ўзининг «Ҳозирги замон рим ҳуқуқи тизими» (1840 й.) номли китобида «Мен ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келтирадиган ва уларни тугатишга олиб келадиган ҳодисаларни юридик фактлар деб атайман» деб кўрсатган.

Юридик фактлар бу конкрет ҳаётий ҳолатлар бўлиб, улар билан ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва барҳам топишини боғлайди.

Ҳуқуқий муносабатларнинг объектини аниқлашда илмий адабиётда унчалик яқдиллик йўқ. Шу боис бу муаммо ҳуқуқ назариясида энг мунозаравий масалалардан ҳисобланади.

Ҳуқуқий муносабатлар объекти ҳақидаги қарашларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

-**монистик**, бу назария вакиллари ҳуқуқий муносабатларнинг ягона объекти мавжуд, деган фикрни илгари суришади.(О.С.Иоффе, проф.Ю.К.Толстой);

- **плюралистик**, бу назария вакиллари ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари кўплигини эътироф этишади.(Н.Г,Александров,С.С.Алексеев).

Монистик назарияга кўра, ҳуқуқий муносабат объекти бу – мажбуриятли шахснинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ёки ҳуқуқий муносабат қаратилган фактик ижтимоий муносабатлар.

Плюралистик теорияга кўра ҳуқуқий муносабатлар объектлари бўлиб қуйидаги моддий ва номоддий қимматликлар ҳисобланади:

- 1.ашёлар;

2. маънавий ижод маҳсулотлари;
3. шахсий номоддий қийматликлар (номи, кадр-қиммати);
4. ҳаракатлар (ҳаракатдан ўзини тийиш);
5. ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳаракати натижалари.

Илмий адабиётда монистик ва плюралистик назарияларни қўшиб, уларни уйғунлаштиришга интилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бунда ҳуқуқий муносабат субъектининг фактик ҳуқуқий хулқини ҳуқуқий муносабатнинг юридик объекти деб (Л.И.Спиридонов), мазкур хулқ билан боғлиқ бўлган турли маънавий ва моддий неъматларни – ҳуқуқий муносабатнинг «моддий объекти» деб (проф. А.Г.Братко) эътироф этишади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий муносабат объекти бу -ташқи олам ҳодисаси ҳисобланадиган, ўз субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлари доирасида ҳаракат қиладиган ваколатли шахс манфаатини қондиришга ёрдам берадиган ашёлар, хизматлар, маънавий ижод маҳсулотлари ёки шахсий номоддий неъматлардир.

Шу ўринда ҳуқуқий муносабат объекти ва ҳуқуқ объекти атамаларини ўзаро фарқлаш зарур. Ҳуқуқ объекти бу ҳуқуқ ўз таъсирини қаратадиган, яъни ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этадиган ижтимоий муносабатлар соҳасидир.

Таъкидлаш жоизки, қулдорчилик тузумидан кескин фарқ қилган ҳолда (қулни «гапирувчи қурол») ҳозирги замон ҳуқуқи инсонни ҳуқуқнинг фақат субъекти сифатидагина эътироф этади.

Маълумки маданият тушунчасига жуда кўплаб таърифлар берилганига қарамай, ҳанузгача бу ҳодисанинг умумэътироф этилган таърифи йўқ. Маданиятни «кишилиқ жамияти ривожидан инсоният томонидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришилган ютуқлари» маъносида тушуниш анча кенг тарқалган. Шу маънода ҳуқуқ маданияти бу кишилиқ жамиятининг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида, ҳуқуқнинг тобора ижтимоий адолат, тенглик, эркинлик ва шахс ҳавфсизлигини таъминлаш юзасидан эволюцион ривожидан эришилган ютуқлари сифатида эътироф этиш мумкин. Шундай даврлар бўлганки, қонунлар инсонлар ўртасидаги нотенгликни мустаҳкамлаган. Масалан, қулдорчилик давлати қонунлари тўғридан-тўғри қуллар ва қулдорларнинг нотенглигини ўзида мустаҳкамлаганини эслаш жоиз. Бугунги кунда ҳуқуқ шахс эркинлиги ўлчови сифатида ўзини намоён этмоқда. Зеро давлат ва ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни унинг жамиятнинг бир меъёрида

фаолият олиб боришини таъминлаш билан бирга, инсон ҳуқуқларини, шахс эркинлигини таъминлаши билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

XX асрнинг охириги декадаси коммунистик мафкурага асосланган давлатлар барҳам топиб. уларнинг ўрнида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Мазкур давлатлар бугунги кунда мулкнинг турли шаклларига асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидан кетишмоқда.

Кишилиқ жамияти тарихи гувоҳлик берганидек, бир тузумдан иккинчисига, айниқса тоталитар тузумдан демократик тузумга ўтишда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида эски муносабатлар ўрнини янгилари эгаллаши оғриқли кечади. Эски, ўрнашиб қолган фикрлар, қарашлар ўз ўрнини янгисига осонликча бўшатиб бермайди.

Ўтиш даври қийинчиликлари ҳуқуқий онгда ҳам муайян инқирозий жиҳатларни вужудга келтириши мумкин. Бу жараён ўтиш даври қийинчиликлари билан боғлиқ ҳолда шаклланиши мумкин. Шу боис ҳам мамлакатимизда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш юзасидан жиддий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш (АВ га берилган мақолани бериш керак).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Позитив ҳуқуқ тушунчаси ва мазмуни
2. Позитив ҳуқуқнинг назарий асослари
3. Ҳуқуқ нормаларига оид назарий муаммолар
4. Ҳуқуқ тизими ва унинг таркибий элементлари ўртасидаги боғлиқлик
5. Оммавий ва хусусий ҳуқуқ
6. Ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизими ўртасидаги нисбат
7. Қонунчиликни тизимлаштириш муаммолари
8. Ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимидаги ўрни
9. Ҳуқуқ маданияти. Ҳозирги замонда ҳуқуқий онг инқирози ва уни бартараф этиш муаммолари

9-МАВЗУ: ҲУҚУҚ ҲАРАКАТИ ЖАРАЁНИ ВА ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ

РЕЖА:

1. Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси.
2. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва усулларининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ҳуқуқий нормани қўллаш - ҳуқуқни тадбиқ этишнинг муҳим шакли сифатида.
4. Ҳуқуқий нормани қўллаш жараёни босқичлари.
5. Ҳуқуқни қўллаш актлари: тушунчаси, хусусияти ва турлари.
6. Ҳуқуқни қўллаш актларининг норматив-ҳуқуқий актлардан фарқлари.

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ. 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002.. 76 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабр.
7. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. С.
8. Исламов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма.Т.:ТДЮИ нашри.2004.139 б.
9. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.:ТДЮИ нашри. 2005. 188 б.
10. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси.Қисқача ўқув қўлланма. Мас. муҳ. Ю.ф.д.,проф. А.Х.Саидов. Т.:Адолат. 2003. 280 б.

11. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
12. Проблемы теории государства и права: Учебное пособие. Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.
13. .С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.
14. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия. М: Статут. 1999.-810 с.
15. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.
16. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М., «Новый юрист»-1999.240 с.
17. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О. 1-китоб. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар.Т.:ТДҶОИ нашри.2005. 316 б.
18. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О.Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик мадания тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: ТДҶОИ нашри.2005. 404 б.

1.Ҳуқуқни амалга ошириш тушунчаси.

Ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар инсонлар онги ва иродасига таъсир этиб, уларни ҳуқуққа мос ҳаракат қилишга ундайди. Маълумки, кишиларнинг ҳуқ-атвори, хатти-ҳаракати ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

1) Ҳуқуқий тартибга солишнинг дастлабки босқичи бўлиб, ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши ҳисобланади. Ўқув адабиётида давлат томонидан ҳуқуқни амалга оширишнинг бошланғич босқичи сифатида қонун чиқариш фаолияти кўрсатилиб, бунда ҳуқуқий қонунлар қабул қилиниши, уларда ҳуқуқий қоидаларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши назарда тутилади.

2) Ҳуқуқни амалга оширишнинг кейинги босқичи бўлиб, қонуности актларини қабул қилиш ҳисобланади. Бунда қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ конкретлаштирилади.

3) Бироқ, ҳуқуқий тартибга солишда энг муҳими – бу ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган умуммажбурий қоидаани амалга ошириш ҳисобланади.

Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш - бу ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш бўйича хатти-ҳаракати, уларнинг

субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш, юридик мажбуриятларни бажариш бўйича амалий фаолиятидир.

Бошқача қилиб айтганда, кишилар хатти-ҳаракатида ҳуқуқ нормасида умумий тарзда мустаҳкамланган талабларнинг ифода этилишидир. Шу боис ҳуқуқнинг амалга оширилиши, ҳуқуқда мустаҳкамланган қонданинг рўёбга чиқиши - айнан ҳуқуқий тартибга солишнинг бевосита натижасидир, унинг конкрет ифодасидир.

2. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва усулларининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. ҳуқуқ нормаларига риоя этиш;
2. ҳуқуқ нормаларини ижро этиш;
3. ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш;
4. ҳуқуқ нормаларини қўллаш.

Ҳуқуқ нормасига риоя этиш – бунда ҳуқуқ субъекти амалдаги ҳуқуқ билан ман этилган хатти-ҳаракат, қилмишни содир этишдан ўзини сақлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 140-моддасида «Ҳақорат қилиш» жинояти кўрсатилган, яъни жиноят-ҳуқуқий қонунчилик билан шундай ҳаракатни содир этиш жазо бериш таҳдиди остида жиноят деб тан олинган. Риоя қилиш орқали ман этувчи нормалар амалга оширилади.

Ижро қилиш (бажариш) - ҳуқуқ субъекти томонидан ижобий характердаги юридик мажбуриятларни бажариш юзасидан фаол хатти-ҳаракатларни қилиш талаб этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда мустаҳкамланган солиқ тўлаш мажбурияти ҳар бир ҳуқуқ субъектидан белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлаб боришни талаб этади.

Демак, ҳуқуқ субъектлари ўзларига юклатилган позитив мажбуриятларни бажариш орқали ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган талабни ижро этадилар, ёки фуқаролар ўз конституциявий бурчларини адо этиш орқали ушбу конституциявий нормалар ижросини амалга оширадилар.

Фойдаланиш – бу шаклда ҳуқуқ субъекти ўз ваколатларини амалга оширади, шу боис у ўз хоҳишига кўра ҳам фаол, ҳам суст ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, муайян бир шахс маълум бир динга сиғиниши, бошқа шахс эса сиёсий партияга аъзо бўлиб кириши, учини шахс эса, сиёсий партияга аъзо ҳам эмас ҳамда бирон бир динга эътиқод ҳам этмаслиги мумкин.

Ҳуқуқ нормасини қўллаш - бу ҳуқуқни амалга оширишнинг энг муҳим шакли бўлиб, унда ҳуқуқ нормалари конкрет ҳолатларга махсус ҳокимият ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан тадбиқ этилади.

Ҳуқуқ қўллаш - бу ваколатли субъектларнинг ҳуқуқ нормаси талабларини – умумий қоидаларни конкрет ҳолатга қўллаш орқали рўёбга чиқариш бўйича ҳокимона ташкилий фаолиятидир.

Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш —бу ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган қоидаларни ҳуқуқ субъектларининг реал фаолиятида ифодалаш, ҳуқуқ нормаси талабларини шахснинг ҳуқуқий ҳуққига айлантиришдир.

Шу ўринда бир ҳолатга эътиборни жалб этиш зарур. Баъзан ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий муносабат вужудга келтирмай туриб ҳам амалга оширилиши мумкин. Масалан, ҳуқуқ орқали ман этилган ҳаракатларни содир этмаслик.

Ҳуқуқий муносабатдан ташқарида - ҳуқуқларини амалга ошириш, юридик мажбуриятларни ижро этиш бўйича фаол ҳаракатлар қилиш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундан ҳаракатларнинг хусусияти яна шунда кўринадик, улар бевосита норматив акт мазмунидан келиб чиқади ва айни пайтда айтарли юридик аҳамиятга молик оқибатларга олиб келмайди, масалан, йўл ҳаркати қоидаларига риоя этиш, фуқароларнинг сўз эркинлигидан фойдаланиш ва б.

Ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши, ўзгариши ва бекор қилинишига боғлиқ бўлган давлат органлари, ташкилотлар ва шахс фаолиятини икки турга бўлиш мумкин:

1. Ҳуқуқий ҳолати тенг бўлган, бир-бирига қарам бўлмаган ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар:

- фуқаролар ўртасида ва
- ташкилотлар ўртасида - фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар;

2. Бир тараф махсус – ҳокимий ваколатга эга бўлган ҳуқуқий муносабатлар, жумладан – бу маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардир.

Қолган ҳолларда эса, ҳуқуқий муносабат компетентли органнинг ҳокимона фармойиши асосида вужудга келади. Бундай муносабат ташаббускори – ўша ваколатли орган ҳисобланади ва унинг эрки, қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, масалан, суд ҳукми, ижтимоий таъминот бўлимининг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори, корхона раҳбарининг ходимни мукофотлаш тўғрисидаги

буйруғи ва ҳ. Шу тариқа ҳуқуқ амалга оширилади ва бу шакл ҳуқуқни амалга оширишдеб аталади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни амалга ошириш бу давлат органи ёки давлат томонидан ваколат берилган бошқа органларнинг ҳокимий фаолияти бўлиб, улар ўзларининг махсус ваколатлари ёрдамида, ҳуқуқ нормаси асосида индивидуал аҳамиятга эга актларни қабул қилади ва шу тариқа у ёки бу конкрет масала ҳал этилади.

Ҳуқуқни тадбиқ этишга зарурат - қачонки, муайян ҳуқуқий муносабат давлат ҳокимиятини ифодаловчи орган қарори билангина ёки давлат контроли зарур бўлган ҳолларда вужудга келиши мумкин. Масалан, никоҳдан ўтиш, нафақага чиқиш, мукофотлаш, маълум лавозимни эгаллаш – ваколатли орган қарори асосидагина мумкин бўлади.

2. Ҳуқуқий нормани қўллаш - ҳуқуқни тадбиқ этишнинг муҳим шакли сифатида.

Ҳуқуқни амалга ошириш жараёни, кўпинча, давлатнинг ва унинг органларининг иштирокисиз амалга оширилади. Давлат органлари ва фуқаролар, одатда, ўзаро келишилган ҳолда, ташқи мажбурловсиз ҳуқуқий муносабатга киришадилар. Ушбу муносабатлар доирасида ўз субъектив ҳуқуқларидан фойдаланадилар, юридик мажбуриятларини бажарадилар ва қонунда белгиланган ман этишларга риоя қиладилар.

Айни пайтда, муайян бир ҳолатларда ҳуқуқий муносабатларга давлатнинг аралашуви тақозо этилади, давлатнинг аралашувисиз ҳуқуқни амалга ошириб бўлмайди. Бундай вазият қай ҳолатларда вужудга келиши тўғрисида, шу жойда, тўхтатиш зарур.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликнинг қатор нормаларида, унда белгиланган қонуннинг амалга ошиши учун, давлатнинг иштироки зарурлиги, олдиндан белгилаб қўйилган бўлади. Бундай нормалар сирасига, аввало, жамиятда ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг давлат томонидан тақсимланиши масаласига доир нормаларни киритиш мумкин. Масалан, хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда, мутахассисларга, жумладан судьяларга хизмат турар жойи бериш масаласи, албатта тегишли ҳокимият органи билан юқори суд органининг биргаликда муайян қарорга келишини тақозо этади. Ёинки, вақти-соати келиб пенсияга чиққан фуқарога нафақа тайинлаш - тегишли ижтимоий таъминот органининг қарори асосида амалга оширилади. Худди шу тартибда, чет элда ишлаш истагини билдирган фуқаролар Меҳнат ва ижтимоий

таъминот Вазирлигининг тегишли тузилмасининг қарори билан ишчи кучига талаб бўлган давлатга жўнатилади; ёки, оиланинг таркиби кенгайганлиги муносабати билан ер участкаси ажратиш ҳам тегишли давлат органининг аралашувисиз амалга ошмайди, албатта.

Бундан ташқари, давлат механизми ичида кечадиган жараёнлар, жумладан давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида кечадиган муносабатлар ҳокимий характерга эга бўлиб, улар ҳокимият-бўйсунуш муносабати тарзида амалга ошади ва бундай характердаги муносабатларнинг натижаси ҳам ҳуқуқий акт - қарорда ўзининг ифодасини топади. Бундай ҳуқуқ қўллаш актлари бошқарув соҳасида жуда кўплаб қабул қилинади, масалан, бирон-бир мансабдор шахсни ишга тайинлаш ёки ишдан олиш ҳақида, ёхуд, мансабдор шахсни бир лавозимдан иккинчисига ўтказиш ҳақида, бирон-бир ходимни мукофотлаш ҳақида ва шу каби масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади.

Давлатнинг (унинг тегишли ваколатли органи томонидан) бевосита иштироки талаб этиладиган ҳолатларнинг муҳим бир гуруҳи - ҳуқуқ субъектлари ўртасида ҳуқуқга доир низо вужудга келиши муносабати билан пайдо бўладиган муносабатлардир. Одатда, муносабат тарафлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида ўзаро бир келишувга келиша олмаган ҳолларда, тегишли ваколатли органга мурожаат қилишади. Масалан, юридик шахслар ҳуқуқлар ҳақидаги даъво билан ҳсудларига, эр-хотинлар оилавий низо юзасидан фуқаролик судларига мурожаат қилишади.

Айни пайтда, ижтимоий муносабатларга давлатнинг иштироки шунинг учун зарур бўладики, бунда ҳуқуқ нормалари бузилиб, жиноят ёки ноҳўя ҳаракат содир этилган бўлиб, бу учун тегишли жавобгарлик белгиланиши зарур бўлади. Бундай ҳолда ҳам, тегишли ваколатли орган, яъни суд ёки бошқа бир органнинг иштироки шарт ҳисобланади. Чунки жазони фақат қонунда белгиланган махсус органларгина, масалан, озодликдан маҳрум этиш жазосини фақат суд органигина тайинлаши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ қўллаш жараёнининг вужудга келиши сабаблари ва асослари ҳақида илмий адабиётда турлича ёндошувлар мавжуд.

Профессор З.М. Исломов таъкидлаганларидек, ҳуқуқ қўллаш жараёнининг табиати ва хусусиятлари ҳақидаги масала илмий адабиётда мунозаралар ва тортишувлар натижасида шаклланган. Бу мунозараларнинг совет даври фанига бориб тақалади. Айниқса,

ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш ва ҳуқуқий тартибга солиш механизми масаласида катта тортитувлар бўлган.

Профессор З.М.Исломовнинг кўрсатишича, ҳуқуқ қўллашнинг ҳокимий характерга эга бўлган фаолият эканлиги ва махсус субъектлар томонидан амалга оширилиши ҳақидаги қоидалар қатор йирик олимлар, жумладан Н.Г.Александров, С.С.Алексеев, В.М.Горшнев, И.Я. Дюрятин, В.В.Лазарев, П.Е. Недбайло, А.С.Пиголкин, М.Ф.Орзих, П.М.Рабинович, А.Х.Саидов, М.М.Файзиев, Ю.А.Тихомиров, Ш.З. Ўразаев, Л.С.Явич каби олимларнинг ишларида ўзининг ифодасини топган.

В.В.Лазарев эса, ўз навбатида таъкидлаб кўрсатадики, ҳуқуқ қўллаш жараёнининг давлат-ҳокимий характерга эга эканлигини эътироф этмаслик, юридик фаннинг ҳозирги пайтдаги тараққиёти эришган марралардан орқага қайтишни англатиши мумкин, ҳуқуқни амалга оширишнинг турли-туман шакллари ҳақидаги тасаввурларимизни торайтириши мумкин, ва шу тариқа ҳуқуқни амалга оширишни фақат ҳуқуқга риоя этиш ва ҳуқуқ қўллаш билан чегаралаб қўйиши мумкин. Оқибатда эса, давлат органларининг махсус ҳокимий фаолиятини ва ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқни ижро этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги фаол фаолиятини аралаштириб юбориш мумкин¹.

Яна бир россиялик йирик олим В.А.Юсупов ўзининг «Правоприменительная деятельность органов управления.» (М.Юрид лит. 1979. С.19)» китобида, ўринли таъкидлашича, айнан ҳокимий характерга эгалик бошқарув муносабати субъектлари ҳаракатига уйғунлик бахшида этади, яъни ҳокимийлик сифати орқали ҳуқуқ қўллаш актлари мажбурий характерга эга бўлади ва давлатнинг барча воситалари орқали таъминланади: ишонтириш ва рағбатлантириш, моддий, молиявий ҳамда мажбурилов воситалари².

Айтиш керакки, биз юқорида юридик фан яқин тарихидаги мунозараларга бир назар ташладик. Бироқ, ҳозирги кунда ҳам, илмий адабиётларда, дарсликларда, ўқув қўлланмаларда ҳуқуқ қўллаш жараёни ва унинг табиати, ҳуқуқни амалга оширишнинг шакллари масаласида ҳамон турли фикрлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда эса, гарчи, уларнинг барчаси, асосий масалада, яъни бу жараён, албатта, давлатнинг тегишли органи аралашини, иштирокини талаб этишини эътироф этишади.

¹ Общая теория права и государства. Лазарев В.В. тахр. Остида. М.:Юристь. 1996. С. 221.

² Исламов З.М. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории) Т.: Адолат. 2001. С. 575.

Шу муносабат билан, россиялик ҳуқуқшунос олим В.Н. Протасовнинг қарашлари эътиборга лойиқ. Мазкур олимнинг таъкидлашича, ҳуқуқ нормаси давлат органининг ҳокимий таъсирисиз - ёрдамисиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳолларда ҳуқуқни қўллашга эҳтиёж туғилади.

Юқорида қайд этилган олимнинг ёзишича, қуйидаги ҳолларда ҳуқуқ қўллашга зарур бўлади:

- юридик аҳамиятга молик ҳолатларни расмий тартибда белгилаш зарурати асосида, бундай ҳолатга мисол қилиб, шахсни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш, шунингдек, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарорнинг бекор қилиниши, ҳамда вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг оқибатлари ҳолатларини кўрсатиш мумкин. (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 33,34,36,37 моддалари)¹;

- амалдаги қонунчиликдаги ҳуқуқ нормасининг диспозициясида мустаҳкамланган қоида, давлат органининг иштирокисиз амалга оша олмайдиган ҳолларда, масалан, никоҳдан ўтиш, пенсияга чиқиш ва шу кабилар.

- Ҳуқуқ нормасидаги санкцияни амалга ошириш керак бўлганда, масалан, содир этган жинояти жазо тайинлаш.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқ қўллаш жараёнининг белгилари борасида ҳам олимлар ўртасида турлича ёндошув мавжуд.

Масалан, профессор Леушин В.И. ҳуқуқ қўллаш жараёнининг қуйидаги белгиларини ажратади:

1. давлат ҳокимий функцияга эга бўлган давлат органлари ёки мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади;

2. Индивидуал характерга эга бўлади;

3. Конкрет ҳуқуқий оқибатларни – субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳамда жавобгарликни белгилашга йўналтирилган;

4. қонунда белгиланган тартибдаги процессуал шаклларда амалга оширилади;

5. ҳуқуқ қўллаш жараёни бевосита индивидуал юридик қарор қабул қилиш билан якунланади.²

Шу муносабат билан, илмий –ўқув адабиётида ҳуқуқ қўллаш жараёнига берилган таърифларга қиёсий ҳуқуқий ёндошиш мақсадга мувофиқ, бизнингча.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.:Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. Расмий нашр. 2003. -

² Леушин В.И. Реализация и применение права. Юридический процесс.// теория государства и права. М.:Норма. 2002.С.399.

Дастлаб, профессор З.М.Исломовнинг таърифини келтирамиз: Ҳуқуқ қўллаш – бу ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ субъектларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига ёрдам бериш ҳамда мазкур жараён устидан назорат олиб бориш мақсадида амалга оширадиган ҳокимий-ташкилий фаолиятидир¹.

Профессор В.И. Леушиннинг таърифича, ҳуқуқ қўллаш – бу компетентли органлар ва шахсларнинг юридик фактлар ва конкрет ҳуқуқий нормалар асосида юридик ишни ҳал этиш бўйича индивидуал характердаги қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ҳокимий фаолиятидир.²

В.Н.Протасовнинг таърифича, ҳуқуқ қўллаш бу- компетентли субъектлар томонидан қонунда белгиланган процессуал шаклларда амалга ошириладиган ва индивидуал конкрет-юридик қарор чиқариш йўли билан ҳуқуқий нормаларнинг амалга ошишига ёрдам берадиган давлат-ҳокимий фаолиятдир.

Шундай қилиб, ҳуқуқ қўллаш жараёни, бу - қонунда белгиланган процессуал тартибда, тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан, ҳуқуқ нормасини ҳаётий ҳолат ва вазиятларга қўллаш йўли билан муайян юридик аҳамиятга молик масалани ҳал этишга қаратилган давлат фаолиятидир.

4. Ҳуқуқий нормани қўллаш жараёни босқичлари.

Ҳуқуқ қўллаш жараёни мураккаб жараён бўлиб, бунда давлат норматив-ҳуқуқий актни чиқарганидан кейин яна бир бора ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига ҳокимий тусда қўшилади. Чунки, юридик норма давлат органининг аралашувисиз, ёрдамисиз амалга оша олмайди.

Ҳуқуқни қўллаш жараёни босқичли жараён ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтиш керакки, илмий адабиётда, хусусан, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳуқуқни қўллашнинг жараёнлари ҳақида, гарчи турлича ёндошувлар мавжуд бўлса-да, бироқ, кўпчилик олимлар бу масалада моҳиятан бир-бирига яқин нуқтаи-назардан бу масалани талқин этадилар.

¹ Исломов З.М. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории) Т.: Адолат. 2001. С. 576.

² Леушин В.И. Реализация и применение права. Юридический процесс.// теория государства и права. М.:Норма. 2002.С.398.

Юқорида қайд этилганидек, ҳуқуқни қўллаш жараёни қатор босқичларга бўлинади. Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг босқичлари ҳақида гап кетганда, аввало, умуман босқич тушунчасининг ўзига ҳам бир эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Босқич - бирон-бир жараённинг таркибий қисми бўлиб, у муайян бир оралик вазифага ва шу боис нисбатан мустақилликка ва якунийлик тусига эга бўлади.

Илмий адабиётда ҳуқуқни қўллаш жараёнининг асосий босқичлари сифатида;

1. Ҳал этилиши керак бўлган ишнинг фактик жиҳатларини аниқлаш, белгилаб олиш.

2. Ишнинг юридик асосини шакллантириш.

3. Ишни мазмунан ҳал этиш.

Айтиш керакки, ушбу тасниф илмий адабиётда кўп олимлар томонидан келтирилади. Қўшимча сифатида шуни айтиш мумкин, ҳуқуқ қўллаш актини давлат томонидан, айрим ҳолларда мажбурий бажартириш, ҳуқуқни қўллашнинг яна бир босқичи сифатида ҳам эътироф этилади.

Юқоридаги таснифнинг мазмунидан кўриниб турибдики, ишнинг фактик ҳолатини аниқлаш ва унга мос келадиган юридик асосни шакллантириш бу ишни моҳиятан ҳал этишга бўлган тайёргарлик босқичлари ҳисобланади.

1. Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг биринчи босқичи бўлиб, ҳал этилиши лозим бўлган ишнинг фактик жиҳатларини аниқлаш ҳисобланади. Бу босқичда бевосита ишга дахлдор юридик аҳамиятга молик фактлар, далиллар йиғилади, тўпланади.

Маслан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг учинчи бўлими «Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар» деб, номланиб, унда далиллар тушунчаси, исбот қилишнинг умумий шартлари, гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент, олиб қўйиш ва тинтув, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, экспертиза, экспертиза текширувлари учун намуналар олиш, нарсалар ва ҳужжатларни тақдим қилиш, нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш каби ҳолатларнинг процессуал жиҳатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур ЖПКнинг далиллар тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, «Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади»¹.

Далиллар бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай маълумот, нарсас, кўрсатмалар ва бошқалар ушбу босқичга бевосита алоқадордир. Ишнинг фактик ҳолатлари, кўпинча, вақт жиҳатидан ўтиб кетган бўлади, шу боис содир бўлган воқеа ва ҳолатларни исботловчи ҳужжатлаштирилган, расмийлаштирилган моддий ва номоддий излар орқали исботланади, масалан, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш баённомаси ва шу кабилар.

Бу ҳужжатлар юридик ишнинг асосий материаллари ҳисобланади ва юридик аҳамиятга молик вазиятни ўзида ифодалайди.

Далиларни йиғишнинг қийинлиги, мураккаблиги юридик ишнинг турига, хусусиятига боғлиқ. Масалан, бирон-бир фуқаро пенсияга чиқмоқчи бўлса, у асосан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, ижтимоий таъминот органига тақдим этади ва шу аснода унга пенсия таъминлаш масаласи ҳал этилади. Масалан пенсияга даъвогар шахс пенсия ёшига етганлигини, қонун талаб қилган иш стажига эга эканлигини, маошининг миқдорини кўрсатувчи ҳужжатларни тақдим этади².

Юридик аҳамиятга эга бўлган ишни исботлаш вазифасининг ҳам маълум бир доираси бор, албатта. Шу муносабат билан, илмий адабиётда далиларга нисбатан айрим талаблар қўйилади:

А). Дахлдорлик талаби- бунинг маъноси шуки, иш юзасидан фақат ишга оид бўлган, ишнинг чинакам фактик ҳолатлари ҳисобланган ҳамда иш бўйича объектив ҳақиқатнинг ўрнатилишига олиб келадиган далилар қабул қилинади ва таҳлилга тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал Кодексининг 59-моддасига биноан, «Хўжалик суди кўрилаётган ишга дахлдор бўлган далилларнигина қабул қилади»³.

¹ Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси. –Т.: Адолат.1995. 3-бўлим, 8-боб, 81-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат.1996. 3-параграф.

³ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал Кодекси. –Т.: Адолат.2003. 58-модда.

Б)Йўл қўйиш талаби – бунда исботлаш жараёнида, фақат қонунда белгилаб қўйилган исботлаш воситаларигина қўлланилади. Маълумотини қаердан олганлигини кўрсата олмаган гувоҳнинг кўрсатувлари далил бўла олмайди. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик –процессуал кодексининг 70-моддаси 2-бандида кўрсатилганидек, «Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбаини кўрсатиб бера олмаса, у хабар қилган маълумотлар далил ҳисобланмайди»¹.

в)Тўлиқлик талаби- бунда ишнинг моҳиятан адолатли ҳал этилиши ва объектив ҳақиқатнинг ўрнатилиши учун зарур бўлган барча далиларни тўплашга ўз фаолиятини қаратади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал Кодексининг 57-моддасида мустаҳкамланганидек, «Суд қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини аниқлайди, ҳатто тарафлар бу ҳолатларни далил қилиб келтирмаган бўлсалар ҳам, уларни муҳокамага қўяди»².

2.Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг иккинчи босқичи бўлган – ишнинг юридик асосини шакллантириш, яъни тўпланган фактик ҳолатларга, далилларга баҳо бериш ҳам мураккаб ва масъул жараён ҳисобланади. Бунда энг муҳим вазифа-айнан мана шу юридик вазиятга жуда мос келадиган ҳуқуқий нормани топиб, юридик тавсифлаш ҳисобланади. Бу масалада пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолатлардан энг кўп учрайдигани шундай ҳолки, бунда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд, бироқ ушбу норманинг диспозицияси жудаям ҳолатларга монанд келавермайди. Шу боис, ишнинг ҳолатларини чуқур таҳлил этиш талаб этилади. Кўпинча тергов амалиётида ҳолатларни гипотезага мослашга уриниш ҳоллари мавжуд ва бу кейинчалик судда юридик тавсифнинг ўзгаришига олиб келади.

Айниқса, хўжалик судлари жуда катта қонун ости актлари билан ишлашларига тўғри келади, ўз навбатида қонун ости актлари тез-тез ўзгариб туради, шу боис бу ҳолатда жуда синчиклаб ҳуқуқий асосни ўрганиш талаб этилади.

3. Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг учинчи босқичи - юридик аҳамиятли иш юзасидан қарор қабул қилиш ҳисобланади. Бундай қарорнинг мазмуни ишнинг фактик ҳолатларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Иш юзасидан қарор чиқаришнинг икки жиҳати мавжуд:

а) қарор қабул қилиш - ақлий фаолият бўлиб, у йиғилган далилларни баҳолаш ва узил-кесил юридик тавсифлашда

¹ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал Кодекси. –Т.: Адолат.2003. 70-модданинг 2-банди.

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик –процессуал Кодекси. –Т.: Адолат. 2003. 57-модданинг 2-банди.

ифодаланади. натижада юридик ишдаги тарафлар учун юридик аҳамиятга молик субъектив ҳуқуқ ёки мажбуриятлар вужудга келади.

б) ишнинг ҳал этилиши ифодаси бўлиб, юридик аҳамиятли ҳужжат - ҳуқуқ қўллаш акти ҳисобланади ва унда юқоридаги юридик ишни ҳал этиш бўйича амалга оширилган ақлий фаолият натижаси, томонлар учун вужудга келган юридик оқибатлар ўзининг ифодасини топади. Ҳуқуқ қўллаш актлари ҳуқуқий тартибга солиш механизмида катта роль ўйнайди.

5. Ҳуқуқни қўллаш актлари: тушунчаси, хусусияти ва турлари.

Ҳуқуқни амалга ошириш кўп ҳолларда давлат ва унинг органларининг қатнашувисиз ҳам содир бўлади. Бунда фуқаролар, турли ташкилотлар ўзаро келишув асосида ҳуқуқий муносабатга киришадилар, ва шу муносабатлар доирасида субъектив ҳуқуқларидан фойдаланадилар, зиммаларидаги мажбуриятларини бажарадилар.

Ҳуқуқ қўллаш жараёни эса ҳуқуқни амалга оширишнинг охириги, ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади. Юридик адабиётда ҳуқуқ қўллаш жараёнини ҳуқуқни амалга оширишнинг *алоҳида шакли* деб тавсифлаш ҳам кенг тарқалган.

Ҳуқуқ қўллаш жараёнининг хусусияти шундаки, ҳуқуқни амалга оширишнинг бу шаклида давлат органларининг аралашувисиз ҳуқуқ нормасини амалга ошириб бўлмайди, яъни давлатнинг ҳокимий амри зарур бўлади.

Ҳуқуқ қўллашга эҳтиёж шунда туғиладики, қачонки, юридик аҳамиятга молик ҳолатларни расмий жиҳатдан белгилаш зарурати пайдо бўлса, масалан, фарзанд туғилишини қайд этиш, исмни ўзгартириш, фуқарони вафот этган деб топиш каби ҳолатлар.

Бундан ташқари, кўпинча, муайян ҳуқуқ нормасида белгиланган ҳолатнинг амалга ошиши учун давлатнинг, яъни унинг махсус ваколатли органининг индивидуал ҳокимий амри керак бўлади, хусусан никоҳга кириш, нафақага чиқиш каби ҳолатлар.

Ҳуқуқ қўллашга эҳтиёж, яна ҳуқуқ нормасида белгиланган санкцияни амалга оширишда вужудга келади, жумладан, суд ҳукми, зарарни ундириш ҳақидаги қарор ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳуқуқ қўллаш жараёнининг қатор, ўзига хос белгиларини ажратиш мумкин:

- ҳуқуқ қўллаш махсус ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан амалга оширилади;
- давлат-ҳуқуқий характерга эга бўлади;
- алоҳида индивидга қаратилиб, конкрет ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиришга йўналтирилади;
- муайян босқичлардан иборат бўлиб, қонунда белгиланган тартиб ва шаклда амалга оширилади;
- индивидуал юридик акт қабул қилиш билан якунланади.;

Ҳуқуқ қўллаш жараёнининг юқорида қайд этилган белгилари асосида, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ҳуқуқ қўллаш - бу махсус ваколатга эга бўлган тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш мақсадида муайян тартиб ва шаклда олиб бориладиган, давлат-ҳокимий характерга эга бўлган ва индивидуал юридик акт қабул қилиш билан якунланадиган фаолиятидир.

Ҳуқуқ қўллаш жараёнининг натижаси бўлиб ҳуқуқ қўллаш акти ҳисобланади. *Ҳуқуқ қўллаш акти – бу ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахснинг конкрет ҳолатга тегишли ҳуқуқ нормасини қўллаш бўйича алоҳида ҳуқуқ субъектига қаратилган ва ўзида индивидуал давлат ҳокимий амрни ифодалаган расмий ҳужжатдир.*

Ҳуқуқ қўллаш акти қатор хусусиятларга эга. Юқоридаги таърифлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳуқуқ қўллаш актини ҳар қандай субъект эмас, балки қонунда белгилаб қўйилган ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларгина амалга оширади.

Масалан, Ўзбекистон республикаси Оила Кодексининг 13 моддасида мустаҳкамланганидек, «Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади»¹.

Умумий қоидадан истисно тариқасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига берилган айрим давлат функцияларини амалга ошириш учун бу органлар муайян ваколатларга ва ҳуқуқ қўллаш акти чиқариш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатиб ўтиш керак, хусусан улар айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширадилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси.// Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 5-6 сонга илова. 1998 йил май-июнь. –Т.: 1998. 13 модда.

Бундан ташқари, ҳуқуқ қўллаш актлари аниқ, конкрет ҳуқуқ субъектига қаратилган, йўналтирилган бўлади, ҳолбуки норматив ҳуқуқий актлар эса кўпчиликка қаратилган бўлади. Масалан, суднинг зарарни қоплаш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг адресати аниқ ҳуқуқ субъекти бўлади.

Ҳуқуқ қўллаш актлари ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган қоидаларни конкрет ҳолатга, вазиятга қўллаш демакдир. Бунда конкрет ҳуқуқ субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конкретлаштирилади, ёки ҳуқуқ субъектининг жавобгарлик даражаси доираси белгиланади.

Юқоридагиларга асосланиб, айрим назарий хулосаларни шакллантириш мумкин:

- Ҳуқуқ қўллаш - ҳуқуқни амалга оширишнинг алоҳида шакли бўлиб, унга эҳтиёж юридик норма давлатнинг ҳокимий аралашувисиз ҳал бўлмайдиган ҳолатларда вужудга келади;
- Истисно тариқасида ҳуқуқ қўллаш субъектлари сифатида жамоат ташкилоти ва ўзини-ўзи бошқариш органи чиқиши мумкин;
- Ҳуқуқ қўллаш жараёнида бевосита ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳал этилиши боис, бу жараён, умуман ҳуқуқий тартибга солиш механизмида алоҳида масъул ўрин тутади;

Позитив ҳуқуқ қўллаш бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқлиги боис, масхус ваколатли органлардан юқори ҳуқуқий маданият ва инсоний эътибор талаб этилади.

6. Ҳуқуқни қўллаш актларининг норматив-ҳуқуқий актлардан фарқлари.

Ҳуқуқ қўллаш актлари юридик актлар ичида энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Чунки, кундалик ҳаётда турли хил юридик аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳуқуқ қўллаш актлари қабул қилинади.

Ҳуқуқ қўллаш актлари, умуман ҳуқуқни қўллаш жараёнининг мантикий юридик натижаси сифатида, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан аниқ бир юридик аҳамиятга молик масалани ҳал этиш юзасидан қабул қилинади. Дарҳақиқат, инсонлар кўплаб ҳаётий масалалар бўйича тегишли субъектларга – давлат органлари, мансабдор шахсларга мурожаат этадилар, улар эса ўз навбатида бу масалани ҳал этиб, тегишли қарорга келадилар.

Ҳуқуқ қўллаш актлари жуда кўп ва кенг масалалар бўйича қабул қилинади. Фарзанд туғилгани, кимнингдир вафот этганлиги, пенсия таъминоти, никоҳдан ўтиш, хусусий тадбиркорлик билан

шуғулланиш, ер участкаси олиш, уй алмаштириш каби минглаб ҳолатларда фуқаролар тегишли орган ва тузилмаларга мурожаат этадилар. Юқоридаги рўйхатдан кўриниб турибдики, бу масалаларнинг ҳал этилиши - махсус субъектларнинг, яъни давлат органи ёки мансабдор шахснинг ваколатли тарзда иштирокини, қарорини тақозо этади. Ваҳоланки, тегишли туман ижтимоий таъминот бўлимининг махсус қарорисиз фуқаро пенсия таъминотини ола олмайди ёки тегишли ФХДЁ органининг қарорисиз тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланмайди, ёхуд, ҳадя этилган кўчмас мулк тегишли тартибда нотариусдан тасдиқланмаса, у ҳуқуқий оқибат вужудга келтирмайди ва ҳоказо.

Таъкидлаб ўтиш керакки, илмий адабиётда ҳуқуқ қўллаш актининг тушунчаси масаласида анча умумийлик бўлса-да, бироқ унга таъриф беришда турли ёндошувлар мавжуд. Масалан, проф. З.Исломов унга шундай таъриф беради: «Ҳуқуқ қўллаш акти – бу компетентли субъект томонидан конкрет юридик иш юзасидан субъектив ҳуқуқ ёки юридик мажбурият бор ёки йўқлигини аниқлаш ҳамда тегишли ҳуқуқ нормаларини норматив амалга ошириш учун уларнинг доирасини белгилаш мақсадида қабул қилинадиган давлат-ҳокимий, индивидуал- аниқ актдир»¹.

Россиялик ҳуқуқшунос олим, профессор В.И.Леушиннинг таърифича, «ҳуқуқ қўллаш акти –бу компетентли давлат органи ёки мансабдор шахснинг юридик фактлар ва ҳуқуқ нормаси асосида чиқарадиган, конкрет шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни ёки юридик жавобгарлиги доирасини белгилайдиган ҳуқуқий актидир»².

Кўрсатиш керакки, ҳуқуқ қўллаш актлари, умуман ҳуқуқий актларнинг бир кўриниши бўлиб, у ҳуқуқ қўллаш жараёни натижасида юзага келади. Илмий адабиётлардан маълумки, ҳуқуқ қўллаш жараёни ўз ичига уч босқични олади: ишга доир муҳим ҳолатларни, фактларни аниқлаш, белгилаш; ишнинг ҳуқуқий асосини аниқлаштириб олиш; ишни ҳал этиш. Масалан, содир этилган жиноят бўйича ҳуқуқ қўлловчи-терговчи дастлаб ишга доир барча фактларни, ашёвий далилларни тўплайди, уларни расмийлаштиради, ҳолатларни аниқлайди, шундан кейин бу хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) қандай ҳуқуқ нормасига тушишини, хусусан Жиноят Кодексининг қайси моддаси, қайси бандига мос эканлигини аниқлайди, шундан сўнггггина бу хатти-ҳаракатни (ёки ҳаракатсизликни) квалификация

¹ Исламов З. Общество.Государсво.Право. –Т.: Адолат. 2001. 587 бет.

² Леушин В.И. Реализация и применение права. //Теория государства и права. М.: Норма. Стр. 402

(тавсифлайди) қилади. Жиноят кодексининг тегишли моддаси ва тегишли банди билан квалификация қилиниб, жиноят иши қўзғатилиши - ҳуқуқ қўллашнинг бир шаклидир.

Ҳуқуқ қўллаш актлари фуқароларнинг кундалик ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлиги аниқ. Шу боис, ҳуқуқ қўллаш актининг ҳуқуқий табиати ва унинг норматив-ҳуқуқий актлардан фарқи масаласи ҳам илмий, ҳам назарий қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Норматив-ҳуқуқий актни махсус ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва берилган ваколатлар доирасида қабул қилинадиган ҳамда ўзида умуммажбурий қоидаларни ифодаладиган хатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) қоидалари йиғиндиси сифатида тавсифлаш мумкин. Норматив-ҳуқуқий актлар ҳам юридик актлар ҳисобланиб, улар ҳуқуқ қўллаш актлари билан умумий жиҳатларга ҳам эга. Жумладан, иккаласи ҳам ёзма шаклдаги ҳужжатлардир (масалан, қонун ҳам, ижтимоий таъминот бўлимининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳам бирдек ёзма шаклда амалга оширилади), иккаласи ҳам давлат томонидан, унинг тегишли органлари орқали қабул қилинади, (масалан, жиноятчига нисбатан чиқарилган ҳукм Ўзбекистон Республикаси номидан тегишли суд томонидан чиқарилади); норматив ҳуқуқий акт ҳам, ҳуқуқ қўллаш акти ҳам юридик оқибат вужудга келтиради (масалан, янги қонун қабул қилиниши давлат билан ҳуқуқ субъектлари ўртасида янги ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, худди шунингдек, тегишли ФХДЁ органида рўйхатга олинган никоҳ никоҳланганлар учун қатор юридик оқибатларни вужудга келтиради) ва ҳоказо.

Айни пайтда ҳуқуқ қўллаш актлари норматив ҳуқуқий актлардан айрим жиҳатлари билан фарқланади.

1) Ҳуқуқ қўллаш актлари норматив актлардан фарқ қилган ҳолда, ўзида умумий қоида эмас, балки индивидуал аниқ бир қоида, амрни ифодалайди, масалан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун» ўзида айтарли барча ҳуқуқ субъектларига дахлдор қоидаларни ифодаласа, ҳуқуқ қўллаш акти эса ўзида аниқ бир юридик аҳамиятга молик қарорни, хусусан, муайян бир фуқарога ер участкаси ажратиш тўғрисида, ёки маълум бир шахсни мукофотлаш ҳақидаги қарорни ифодалаши мумкин.

2) Норматив - ҳуқуқий актлардан ҳуқуқ қўллаш актлари яна бир жиҳати - ижро этилиши хусусиятига кўра ҳам фарқ қилади.

Норматив-ҳуқуқий акт (қонун, Фармон, ҳукумат қарори)нинг ҳаракат вақти муддати, мабодо унинг ўзида аниқ кўрсатилмаган бўлса, номуайян муддатда амал қилади, масалан, қонуннинг вақт давомидаги ҳаракати унинг ўрнига айнан шу муносабатларни тартибга соладиган янги қонун қабул қилинганга қадар давом этиши мумкин. Қисқаси норматив-ҳуқуқий актларнинг ҳаракати номуайян муддатга мўлжалланган. Ҳуқуқ қўллаш актларининг ҳаракат муддати бир марталик характерга эга, яъни ижро этилиши билан уларнинг ҳаракати тўхтайди. Масалан, фуқарога ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарор, суд ҳукми, никоҳдан ўтиш, ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ҳуқуқ қўллаш актлари ижро этилиши ёки амалга оширилиши билан ўз ҳаракатини тўхтатади.

3) Ҳуқуқ қўллаш актлари норматив-ҳуқуқий актлар асосида қабул қилиниб, ундаги ҳуқуқ нормаларини ҳар бир якка ҳолатга нисбатан аниқлаштиради.

4) Норматив-ҳуқуқий акт ҳуқуқнинг асосий манбаларидан ҳисобланса, ҳуқуқ қўллаш акти бундай хусусиятга эга эмас - у ҳуқуқ манбаси ҳисобланмайди, чунки янги умумий қоида яратмайди. Балки у ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор қилиниши учун юридик факт- асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий қиймати оқибат натижада ҳуқуқ қўллаш актларида ўзининг ифодасини топади, яъни юридик мазмундаги ҳолатларга конкрет ҳуқуқ нормаси тадбиқ этилиши орқали юридик масала ҳал этилади ва шу тариқа ҳуқуқнинг пировард мақсади – ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали жамиятда барқарорлик ва адолат ўрнатиш қарор топади.

Ҳуқуқ қўллаш жараёнида айрим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ билан тартибга солинмаганлиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳолат «ҳуқуқдаги бўш жойлар» деб аталади.

Ҳуқуқдаги бўш жойлар икки хил, яъни дастлабки ва кейинги бўш жойларга бўлинади:

Дастлабки бўш жой шунда пайдо бўладики, бунда ҳуқуқий тартибга солиниши керак бўлган муносабатлар бор, бироқ қонун чиқарувчи уларни эътибордан четда қолдирган, норматив-ҳуқуқий акт қоидаси таъсирига тортмаган.

Ҳуқуқдаги кейинги «бўш жой»да эса, ижтимоий муносабатларнинг ривожини натижасида янги муносабатлар пайдо

бўлган, бироқ ҳали тартибга солинмаган, бироқ албатта тартибга солинадиган муносабатлар доир бўлади. Қонун чиқарувчи ҳуқуқдаги бўш жойларни имкон борича тўлдиришга ҳаракат қилади. Бироқ, ҳар қандай тизимда маълум даражада бўш жойлар сақланиб қолади. Бўш жойлар қонун ва ҳуқуқ аналогияси (ўхшашлиги) орқали тўлдирилади.

Қонун аналогиясида, тартибга солинмаган муносабат ўхшаш нормани тартибга соладиган норма билан тартибга солинади.

Агарда, ўхшаш норма ҳам бўлмаса, бу ҳолда ҳуқуқ аналогияси қўлланилади, бунда ҳуқуқнинг умумий принципларига асосланиб муносабат тартибга солинади.

Илмий адабиётларда субсидиар ҳуқуқ қўллаш тушунчаси мавжуд бўлиб, бу бошқа ҳуқуқ тармоғидаги норманинг қўлланилиши ҳисобланади, масалан оила ва фуқаролик ҳуқуқи нормалари бунга мисол бўлиши мумкин. Бундай шаклнинг қўлланишига асос бўлиб, бир тармоқнинг ўз ичида ўхшаш норманинг йўқлиги ҳисобланади.

Ҳуқуқ ўхшашлиги барча ҳуқуқ тармоқларида қўлланилавермайди, масалан ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, жинойт ҳуқуқи соҳасида ўхшашлик қўлланилмайди.

Ҳуқуқни бир хил тушуниш ва бир хил қўлланишига эришишда ҳуқуқни шарҳлаш фаолияти асосий ўрин тутати. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш - бу шарҳланаётган ҳуқуқ нормасида ифодаланган қонун чиқарувчининг умуммажбурий иродаси маъно-мазмунини аниқлаш ва тушунтириб беришга қаратилган давлат органлари, турли ташкилотлар алоҳида фуқаролар фаолиятидир.

Шарҳлаш жараёнида ҳуқуқ нормасининг мазмуни, асосий мақсади ва ижтимоий йўналиши, бўлиши мумкин бўлган оқибатлар, бу акт қандай шароитда қабул қилинган, ҳозир қандай аҳвол каби масалалар ёритилади.

Шарҳлашнинг мақсади - ҳуқуқ нормасининг матнда мужассамлашган моҳиятини очиш ва унинг тўғри, аниқ ва ҳамма субъектлар томонидан бир хилда қўлланилишига эришишдир.

Шарҳлаш вазифаси - амалдаги нормаларга қўшимчалар, ўзгартишлар киритиш бўлмай, балки қонунда ифодаланган қоида мазмунини тушунтириш ва аниқлаштиришдир.

Шарҳлаш натижасида янги ҳуқуқий норма пайдо бўлмайди, фақат нормада ифодаланган давлат иродаси ўрганилади ва аниқлаштирилади. Шарҳлаш ҳуқуқ яратиш жараёнининг ўрнини эгалламайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳуқуқ ҳаракати тушунчаси ва мазмуни.
2. Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари
3. Ҳуқуқий нормасини қўллаш - ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим шакли сифатида
4. Ҳуқуқ нормасини қўллаш жараёни белгилари
5. Ҳуқуқ нормасини қўллаш жараёни босқичлари
6. Ҳуқуқни қўллаш актлари тушунчаси
7. Ҳуқуқ қўллаш актлари турлари
8. Ҳуқуқ қўллаш актларининг норматив-ҳуқуқий актлардан фарқлари

10- МАВЗУ: ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТ МУАММОЛАРИ

Р Е Ж А:

1. Қонунийликни тушуниш масаласи
2. Қонунийлик принциплари
3. Қонунийлик кафолатлари
4. Ҳуқуқий тартибот тушунчаси
5. Ҳуқуқий тартибот ва ижтимоий тартибот

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон».1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.:Ўзбекистон. 1992. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.—Т.: 1996.-44-б.
3. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. —Т.: «Ўзбекистон», 1996, 53-бетлар
4. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.:Ўзбекистон.2005.74-б.
5. Каримов И.А.Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.Т.:Ўзбекистон.2005.70-бет.
6. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва манфаатлари —энг олий қадриятдир. Халқ сўзи.2005 йил 8 декабр.
- 7.Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил, 17 феврал.
- 8.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. —Т.: Ўзбекистон.2003.40 б.
9. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. с.
10. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.Т.:Ўзбекистон.2005.264 б.
11. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. —М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
12. Проблемы теории государств и права Учебное пособие. ғ Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.

13. Нерсесянц В.С. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

14. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия. М: Статут. 1999.-810 с.

15. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

16. Кольев А.Н. Нация и государство. Теория консервативной реконструкции. М.: Логос, 2005.-800 с.

17. М.Х. Рустамбоев. С.О. Абдухолиқов. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1-китоб. Т.: 2005. 316 б.

18. М.Х. Рустамбоев. С.О. Абдухолиқов. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: 2005. 404 б.

“Қонунийлик” сўзи билан биз жуда кўп тўқнаш келамиз. Бу тушунча - кенг қамровли, серқирра тушунчадир.

Қонунийлик –бу қонунларга риоя этиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишга доир қатор талаблар йиғиндисидир, яъни қонунларнинг, улар кимга йўналтирилган бўлса, ўшалар томонидан аниқ ва муқаррар бажарилиши; қонунлар ва бошқа норматив актларнинг аҳамиятига қараб жойланишига риоя этиш; қонунни, уни чиқарган органдан бошқа ҳеч бир орган томонидан бекор қилинмаслиги каби талабларни бажаришдир ва бу талаблар қонунийликнинг мазмунини ташкил этади.

Бу талаблар ҳақиқатан ҳам амалда бажарилса – реал қонунийлик, эълон этилса-ю, лекин амалда бажарилмаса – сохта (формал) қонунийлик мавжуд бўлади.

Қонунлар қонунийликнинг асосини ташкил этади. Бирон бир давлат қонунларсиз мавжуд бўла олмайди.

Қонунийлик – бу ижтимоий муносабат қатнашчилари томонидан ҳуқуқ нормаларини қатъий, оғишмай бажариш, уларга риоя этишдан иборатдир. Қонунийлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда бошқа бир ҳуқуқий ҳодиса –ҳуқуқий тартибот туради.

Ҳуқуқий тартибот – бу ҳуқуқга ва қонунийликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигидир. Ҳуқуқий тартибот – қонунларга ва уларга қатъий риоя қилишга асосланган кишилар ўртасидаги муносабатлардаги тартиботдир.

Ҳуқуқий тартибот – бу қонунлар ва унга мувофиқ чиқарилган норматив актларга риоя этиш, уларни ижро этиш, фойдаланиш ва қўллаш жараёни, қонунийликнинг реал ижтимоий муносабатларда ифодаланиши натижасидир.

Ҳуқуқий тартибот - бу ҳуқуқий талабларнинг амалга оширишнинг охириги натижаси, ҳуқуқ нормаларига риоя этиш, уларни бажариш натижасидир, қонунийликнинг амалга оширилиши – ҳуқуқий тартиботга олиб келади.

Қонунийлик билан ҳуқуқий тартибот ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади ҳисобланади, чунки:

1. Ҳуқуқий тартиботга фақат ҳуқуқий тартибга солишни, қонунийликни такомиллаштириш йўли билангина эришилади.

2. қонунийликнинг мустаҳкамланиши албатта ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

3. Ҳуқуқий тартибот мазмуни қонунийлик мазмунига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Қонунийлик субъекти – давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари ҳисобланади.

Қонунийлик объекти – ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатидир.

ҚОНУНИЙЛИК КАФОЛАТЛАРИ:

Қонунийлик кафолатлари бу - объектив равишда таркиб топган омиллар ва қонун талабларини аниқ ва оғишмай ҳаётга тадбиқ этишнинг чоралари тизимидан иборатдир.

Умумий кафолатлар кишилар онгини шакллантириш ва тегишли ташкилий ишларни амалга оширишни ўз ичига олади. Умумий кафолатлар: ҳуқуқий, сиёсий, маданий, иқтисодий кафолатлардан иборат.

ҚОНУНИЙЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ:

- қонунийликни такомиллаштириш;
- назорат-контроль қилиш чоралари;
- ҳимоя чоралари;
- жавобгарлик чоралари.

ҚОНУНИЙЛИК ПРИНЦИПЛАРИ:

- қонуннинг юқорилиги, устиворлиги;
- қонунийлик бирлиги (умумийлиги);
- қонунийликнинг мақсадга мувофиқлиги;
- қонунийликнинг реаллиги.

қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот демократия, сиёсий режим билан боғлиқ.

Конституция ва қонун устунлиги - қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот гарови

«Қонунийлик» атамаси билан биз ҳаётда кўп тўқнаш келамиз. Бу тушунча ўз моҳиятига кўра кенг қамровли, серқирра тушунчадир.

Қонунийлик - бу қонунлар ва уларга асосланган юридик актлардаги ҳуқуқий қоидаларнинг барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қатъий ва тўлиқ амалга оширилиши, уларни ҳаётга тадбиқ этишга доир қатор талаблар йиғиндисидир, яъни улар кимга йўналтирилган бўлса, ўшалар томонидан аниқ ва муқаррар бажарилиши, қонунлар ва бошқа норматив актларнинг юридик кучига қараб жойлашувини таъминлаш, қонунни уни чиқарган органдан бошқа ҳеч бир орган томонидан бекор қилинмаслиги каби талабларни бажаришдир ва бу талаблар қонунийликнинг мазмунини ташкил этади.

Бу талаблар ҳақиқатан ҳам амалда бажарилса - реал қонунийлик, эълон этилса-да, бироқ амалда бажарилмаса сохта (формал) қонунийлик мавжуд бўлади.

Қонунлар қонунийликнинг асосини ташкил этади. Биронта давлат қонунларсиз мавжуд бўла олмайди.

Конституция ва қонун устунлиги давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, барча жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият олиб боришини тақозо этади. Бундан ташқари, бу конституциявий тамойил, барча норматив ҳуқуқий актлар Конституцияда мустақкамланган қоидаларга тўлиқ мос келишини ҳам қатъий талаб этади. Мазкур конституциявий принципга тўла риоя этиш, оқибат натижада мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Шу муносабат билан, қонун устуворлиги ҳақида фикр юритилаётганда, аввало бир масала ҳақида таъкидлаб ўтиш жоиз. Тадқиқотчилар томонидан қонун устуворёёёё ёёёёё хўқўқ

хукмронлиги тушунчалари бир мазмундаги, синоним ходисалар сифатида тушунилиш холлари мавжуд. Бирок, илмий адабиётда, улар моҳиятан яқин ҳуқуқий ходисалар бўлса-да, айти пайтда, бир-биридан муайян даражада фарқланиши курсатилади.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги бу шунда кўринадики, ҳар қандай давлат, ўзи ҳуқуқий нормалар яратар экан, энг аввало ўзи айнан шу ҳуқуқий нормаларга риоя этиши керак, яъни амалдаги ҳуқуқ нормалари фуқаролар учун қанчалик мажбурий характерга эга бўлса, давлат учун ҳам шунчалик мажбурий характерга эгадир.

Давлат ҳокимияти қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва доираларда ҳаракат қилмоғи, давлат органлари эса, ҳеч бир истисносиз ҳаракатдаги ҳуқуқ нормаларига бўйсунмоғи лозим. Бунинг маъноси шуки, давлат органлари фақат қонун берган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, Конституцияга мувофиқ нинг компетенциясига (ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи) кирадиган қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги бу - давлатнинг, унинг мансабдор шахсларининг, давлат органларининг, фуқароларнинг ва уларнинг турли тузилмаларининг фаолияти ҳуқуқ билан боғлиқлиги, ҳуқуқ асосида кечишидир.

Қонун устуворлиги бу - муайян бир давлатда амал қилиб турган ҳуқуқ манбалари, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида қонуннинг олий юридик кучга эга эканлиги, барча қонун ости актлари қонунга мос келиши лозимлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи боби ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим бўлган ушбу принципларни ўзида мустаҳкамлаган: ”Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”. (15 -модда.)

Олий юридик кучга эга бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида бевосита тўғридан - тўғри амал қиладиган Конституциянинг устунлиги шуни англатадики, Ўзбекистон ҳудудида қабул қилинадиган барча қонунлар ва бошқа норматив актлар Конституцияга зид келмаслиги, унга мос келиши лозим.

Давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар, ўзини- бошқариш органлари, барча бошқа ташкилот ва тузилмалар

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига риоя этишлари керак. Шу тариқа давлат фаолияти ҳуқуқ ва қонунлар билан “боғлаб” қўйилади, маълум даражада чеклаб қўйилади. Зотан, « Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йук.»¹

қонунларга риоя этиш учун улар расмий тарзда эълон этилган бўлиши шарт. Қонунларнинг эълон қилиниши - уларга риоя этишнинг шартидир, чунки эълон қилинмаган қонун қўлланилмайди.

қонун устуворлиги ва ҳуқуқ ҳукмронлиги (“rule of law”) - ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойилларидан, тавсифларидан бири ҳисобланади.

Шу боис ҳам олимлар ҳуқуқ устуворлиги билан қонун устуворлигини алоҳида талқин этишлари ҳам бежиз эмас, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳатто ҳуқуқ устуворлиги ғоясининг “ёши” қонун устуворлиги ғоясиникидан улўғроқ, яъни ундан олдинроқ шаклланган. Қонун устуворлиги ғоясининг мазмунини Конституциянинг устуворлиги, қонунни қабул қилишнинг ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг алоҳида тартиботи, муолажа жараёни мавжудлиги, қонунга барча бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг мос келиши мажбурийлиги, қонунни амалга ошириш ва уни муҳофаза этишнинг махсус механизми мавжудлиги, яхлит қонунчилик тизимининг зиддиятсиз бўлишини таъминлайдиган конституциявий назоратнинг мавжудлиги ташкил этади.

Ҳуқуқ устунлиги ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

1. давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалаларига ҳуқуқ ва қонун нуқтаи-назаридан қараш ва ҳал этиш,

2. умуминсоний ахлоқий-ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқнинг формал-регулятив қадриятларини легитимли оммавий ҳокимий куч билан билан уйғунлаштириш,

3. давлат ва жамоат органларининг ҳар қандай қарорларини ғоявий-ҳуқуқий асослаш,

4. давлатда ҳуқуқнинг ифодаланиши ва ҳаракатини таъминлашнинг ишончли воситалари механизми мавжудлиги².

Ҳуқуқ устунлиги ҳақида гапирганда, албатта, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги тамойилигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки бу ҳуқуқий давлат қуриш амалиёти учун жуда муҳим ҳуқуқий масала.

¹ Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т.:Ўзбекистон. 1993. 26 – бет.

² Бу ҳақида яна қаранг: З.Исломов. Общество. Государство. Право.Т.:Адолат. 2001. 354-361 б;

Зеро ҳукуқий давлатда исталган норматив -ҳукуқий акт нафақат шакли, номланиши, қабул қилиниш тартиби бўйичагина эмас, балки мазмуни ва моҳиятига қараб ҳам ҳукуқий қонун бўлиши керак.

Бунинг маъноси шуки, мазкур қонун, албатта ўзида инсоннинг табиий ҳуқуқларини жамлаган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги халқаро андозаларга мос келадиган, қонунда белгиланган асос ва тартибда шаклланган давлат органи томонидан қабул қилинган бўлиши керак.

Қонуннинг устунлиги шунда вожиб бўладикки, қачонки, унга тегишли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий замин ҳозирланган бўлса

Ҳуқуқ ҳукмронлиги шунда яратувчилик ҳарактерига эга бўладиким, қачонки у ўзида ҳақиқат, тафаккур, идрок, виждон, ҳалоллик, эркинлик, биродарлик ва адолат каби умуминсоний-ахлоқий қадриятларни ўзида ифодалаб, уларнинг ҳаётга сингишига хизмат қилса.. «Чинакам ҳукуқий давлат барпо этмок учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт»¹.

Айтиш жоизки, ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги, энг аввало адолатга асосланмоғи, адолат ҳукмронлигига олиб келмоғи лозим, яъни Конституциямизнинг 13-моддасида мустаҳкамланганидек, "...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" деган қонуннинг реал амалга ошишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, қонун устуворлиги албатта ҳукуқий қонун устуворлигини назарда тутиши, давлатнинг ҳукуқий қонун билан боғлиқлиги, ҳуқуқ билан боғлиқлиги ҳукуқий давлат қуришда муҳим эканлиги, шубҳасиздир

Айни пайтда, «Ҳаётий зарур қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш жамиятни муваффақиятли тарзда ислоҳ қилишнинг муҳим шарти бўлиб, қонун бизнинг мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасига, давлат микёсидаги вазифаларни ҳал этишнинг таъсирчан омилига айланиб бормокда»². Қонуннинг бундай нуфузга эга бўлишини таъминлашда қонун устуворлиги тамойили ҳал қилувчи роль ўйнаши, шубҳасиздир.

Шу ўринда бир масала, яъни қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг, айниқса ёшларнинг қонунларга ҳурмат ҳисси билан

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Одилқориев. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ. 2002. 262 бет.

² Б.Бугров. Қонун ижодкорлиги устуворликлари. // Халқ сўзи. 2003 йил 10 декабрь.

қарабини шакллантириш масаласи муҳимлигини яна бир таъкидлаш билан бир қаторда, тарбия тизими ичида, айнан оиланинг ўзига хос ўрин тутиши, барча ижобий фазилатлар, аввало оилада фарзандга сингдирилиши ва шу муносабат билан, жамиятда қонунга итоаткор шахснинг шаклланиши учун оиланинг масъулияти, ҳатто маънавий жавобгарлиги мавжудлигини қайд этиш ўринли.

Қонунийлик бир қатор асосий белгилар билан тавсифланади:

1) қонунийликнинг умумийлиги. Юридик нормаларга риоя этиш талаби ҳуқуқ ҳаракати чегарасида бўлган барча шахсларга тааллуқлидир. Давлат томонидан ўрнатилган қоидаларни бажаришдан ҳеч кимни бош тортиши мумкин эмас, шунингдек, давлат ҳам шахс қонуний ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилишни бажармаслиги мумкин эмас. Давлат ўз фуқароларининг турли манфаатларини қондириш учун энг қулай режимни яратиши керак. Қонунийликнинг умумийлиги давлатга ҳам, унинг фуқароларига ҳам бир хил даражада тааллуқлидир. Давлат фуқаро олдида, фуқаро -давлат олдида масъулдир. Агар давлат қонунларида фуқароларнинг ҳақиқий манфаатлари ифодаланса, ҳуқуқий нормалар давлат таъсирининг мажбурлов чораларисиз тадбиқ этилади.

Ҳуқуқий нормаларга риоя этишнинг умумийлигини таъминлаш - давлат ва унинг органларининг вазифасидир. Давлат зарур ташкилий, моддий ва мажбурлаш воситаларига эга бўлиб, у фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши лозим. Фуқароларнинг ўзи давлат-ҳуқуқий тузилмаларисиз ижтимоий ҳаётда қонунийлик режимини ўрната олмайди.

Давлат қонунийликни яратувчиси ва қўриқловчиси бўлиши учун ўзининг ҳокимий функцияларини истисносиз амалдаги қонунлар асосида ва доирасида ошириши керак. Бир вақтнинг ўзида у ҳам ўз органлари ва мансабдор шахслари томонидан, ҳам фуқаролар томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарликни тўхтатиши лозим.

Умумийлик қонун кўрсатмаларини қатъий амалга ошириш бўйича давлат органлари, жамоат, хўжалик ташкилотлари ва фуқаролар фаолиятининг асосий, умумий тамойили бўлишини англатади.

2) қонунийликнинг ҳуқуқ, юридик нормалар билан узвий боғлиқлиги. Мамлакатда қонунийлик режими аҳволини баҳолаш давлатнинг қонунлари ижтимоий тараққиёт объектив эҳтиёжларини қандай даражада акс эттириши асосида амалга оширилади. Агар

давлат томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий нормалар мамлакат бутун аҳолисининг умумий ва индивидуал манфаатларини эътиборга олмай, фақат айрим шахслар ёки муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини мустаҳкамласа ва қўриқласа - қонунийлик бўлмайди. Агар ҳуқуқий нормалар фақатгина аҳоли турли қатламлари манфаатларини расман ифодаласа, лекин уларни қафолатламаса, бу ҳолда ҳам қонунийлик ҳақида сўз бориши мумкин эмас.

Қонунийликнинг норматив асоси бўлиб, ижтимоий муносабат иштирокчиларининг умумий ва индивидуал манфаатларини адекват акс эттирувчи ҳуқуқий қонунлар ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий давлатда қонунийлик режими ўзаро боғлиқ икки омилнинг мавжудлигини тақозо этади:

- ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берувчи аниқ ва мукаммал ишланган етук қонунчиликни;

- давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва турли бирлашмалар томонидан қонунлар ва қонуности ҳуқуқий актларда ифодаланган қоидаларнинг тўла ва оғишмай, сўзсиз амалга оширилишини.

«Қонунийликнинг асосий талаблари» атамаси илмий ва ўқув юридик адабиётида асосли тарзда қўлланиб келинади. Унинг мазмунида жамият ҳуқуқий ҳаётининг муҳим қоидалари ётадики, уларсиз реал қонунийлик мавжуд бўлиши мумкин эмас. Қонунийлик талаблари ўз негизига кўра ҳуқуқ принципларига мос келади, чунки бу принципларни амалга ошириши ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг самарали режимини яратади.

Шунга қарамасдан ҳуқуқ принциплари ва қонунийлик талаблари бир хил нарса эмас. Қонунийлик талаблари ҳуқуқ принципларини амалга ошириш воситаси, ҳуқуқ умумий принципларини ҳаётга жорий этиш юридик қуролидир. Бундан ташқари, қонунийликнинг ўзи ҳуқуқнинг етакчи принципларидан бири ҳисобланади.

Қонунийликнинг асосий талаблари қуйидагилардир:

1. Қонуннинг барча бошқа ҳуқуқий актларга нисбатан устуворлиги. Ҳуқуқий давлатда қонун олий юридик кучга эга. У ижтимоий муносабатларнинг бош ва асосий регулятори ҳисобланади. Обьектив жиҳатдан ҳуқуқий таъсир доирасида бўлган муносабатлар асосан қонунлар билан тартибга солинади. Қонуности актлари, қачонки қандайдир муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинмаган ҳолдагина амал қиладилар. Бунда улар қонунларга

қатъий риоя қилинган ҳолда ва қонунлар асосида қабул қилинишлари керак.

2. Қонунларни амал қилиш ҳудудида уларни тушуниш ва қўллашнинг бирлиги. Қонунлар вақт ва макондаги ҳаракат соҳасида бўлган барча субъектларга мутлақ бир хил талабларни қўядилар. Федератив давлат қонунлари федерация таркибига кирган барча давлат тузилмаларининг ҳудудида бир хил кучга эга бўлади. Қонунларнинг моҳияти ва аниқ мазмунини бирдай тушуниш ваколатли органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлайди. У қонуннинг ҳақиқий маъносига мос келади ва ундаги регулятив функцияларни ҳаётга жорий қилади.

3. Барча фуқароларнинг қонун ҳимоясидан фойдаланишда тенг имконияти ва қонундаги қоидаларга риоя этишда тенг мажбуриятга эга бўлиши (барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги). Жамиятда қонунийликнинг мустаҳкам ва самарали режимига фақат барча кишиларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида эришиш мумкин. Бир томондан, ҳуқуқ субъектлари ўзларига юклатилган мажбуриятларни тўла ҳажмда бажаришлари лозим. Бошқа томондан, давлат уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратиши лозим.

4. Инсоннинг ҳуқуқва эркинликларини амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги лозим. Ҳуқуқий давлатчилик шароитида бу талаб муҳим аҳамиятга эга, чунки бир кишининг эркинлиги бошқа кишининг эркинлигига зарар етказиб амалга оширилиши мумкин эмас. Қонун бошқа фуқаролар ҳуқуқи эвазига бир кишиларнинг ҳуқуқларини камситишга йўл қўймайди.

5. Қонунийликнинг реаллиги. Ҳуқуқбузарликлар билан самарали кураш олиб бориш ва уларнинг олдини олиш. Ҳуқуқий давлат ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш учун зарур бўлган моддий, сиёсий, ижтимоий ва б. шарт-шароитларни яратади. Ҳаётнинг қулай моддий шароитлари, аҳолини ижтимоий муҳофазаланганлиги, мамлакатда сиёсий барқарорлик, адолатли ҳуқуқни қўриқловчи қонунларнинг мавжудлиги қонунийлик режимининг реал асоси ҳисобланади.

6. Қонунийлик билан мақсадга мувофиқликнинг бир-бирига қарши қўйишни истисно қилиниши. Бу икки тушунчанинг бир-бирига қарши қўйишни мумкин эмаслигининг сабаб шундаки,

ҳуқуқий қонунларнинг ўзи юқори даражадаги ижтимоий мақсадга мувофиқлик билан белгиланади. Уларда кишиларнинг ижтимоий ва яқка манфаатлари энг кўп даражада ифодаланади. Қонуннинг мақсадга мувофиқлиги турмушдаги мақсадга мувофиқлик билан рад этилмаслиги керак. Қонун талабларини бузиб, баъзи мансабдор шахслар ва фуқаролар ўзларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларини маҳаллий ёки индивидуал мақсадга мувофиқлик билан оқламоқчи бўладилар. Уларча муайян шароитларда қонунга риоя этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Давлат ҳудудида яшайдиган ҳар қандай фуқаро, ҳуқуқ субъектларининг манфаатларини бевосита ҳимоя этиш махсус ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар: суд, прокуратура, ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Ижтимоий муносабатларни қонуний амал қилишини таъминлашда бу органлар зарур ҳолларда ҳуқуқ бузарларга давлат мажбурловининг турли чораларини қўллайдилар.

Қонунийлик режимини сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида марказий ўринни судлар эгаллайди, улар суд ҳокимиятини суд иш юритишнинг турли шаклларида амалга оширадилар. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи давлат органлари, муассасалари, мансабдор шахслари, хусусий тадбиркорларнинг ҳар қандай қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Қонунийлик устидан олий назоратни конституциявий суд олиб боради. Конституциявий тузум, инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, конституциянинг бутун мамлакат ҳудудида бевосита амал қилиши ва устуворлигини таъминлаш мақсадларида конституциявий суд давлат вакиллик органлари, ижро ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари чиқарган норматив-ҳуқуқий актларнинг конституцияга мослиги ҳақидаги ишларни кўради. Конституцияга зид деб эътироф этилган актлар конституциявий суднинг тегишли қарори расман чоп этилган кундан эътиборан ўз кучини йўқотади. Конституциявий суднинг қарори узил-кесил ҳисобланади ва шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, қонунийлик талаблари бирликда ва ўзаро боғлиқликда ижтимоий ҳаётнинг барқарорлигини ва уйғунлигини таъминлайди, тарихий тараққиётнинг объектив қонунларига мувофиқ равишда фуқаролик жамиятини ривожланишига имкон беради.

Қонунийлик субъекти - давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари ҳисобланади.

Қонунийлик объекти - ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатидир.

Қонунийлик кафолатлари - бу объектив равишда таркиб топган омиллар ва қонун талабларини аниқ ва оғишмай ҳаётга тадбиқ этишнинг чоралари тизимидан иборат.

Умумий кафолатлар ўз ичига кишилар ҳуқуқий онгини шакллантириш ва тегишли ташкилий ишларни амалга оширилишини олади. Умумий кафолатлар: ҳуқуқий, сиёсий, маданий, иқтисодий кафолатлардир.

қонунийликнинг ҳуқуқий кафолатлари:

- қонунчилиқни такомиллаштириш;
- назорат-контрол қилиш чоралари;
- ҳимоя чоралари;
- жавобгарлик чоралари.

2. Қонунийликни таъминлаш ва муҳофаза этиш

Қонунийликни ҳимоя этиш ва таъминлашдаги фарқ шундаки, қонунийликни муҳофаза этиш унинг бузилиши билан, қонунийликни таъминлаш эса, бундай бузилишларнинг олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Қонунийликни муҳофаза қилиш тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) ҳуқуқ ижод этиш ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни зудлик билан бартараф этиш;

2) Ҳуқуқни муҳофаза этиш ҳамда ҳуқуқ ва ҳуқуқий тартиботни тиклаш воситаларини ҳаракатга келтириш;

3) Ҳуқуқ ва қонунлар бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш.

Мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик қонунийликни бузилиши деб қараладими, деган саволга адабиётларда бир тарзда тасдиқловчи жавоб берилади. Бироқ, баъзи олимлар бу фикрга қўшилмайди. Масалан, қонунийлик суд хатоларига йўл қўйилиши ҳолларини истисно қилмайди, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг бошқа турларида ҳам шундай хатолар учраб туради.

Бунда қонунийликни бузилиши деб, ҳуқуқни қўллашдаги хатолик билан боғлиқ қонунни оддий бузилишини эмас, балки

мансабдор шахснинг қонунга зид хатти-ҳаракатидаги йўналиш(тенденция)ни тан олиш керак. Мисол. конкрет ҳолатда ҳуқуқбузарнинг шахсини эътиборга олмаган ҳолда маъмурий жазо чорасини белгилаш қонун бузилиши ҳисобланмайди, бироқ бундай қатор фактларни жамлаб қараганда ҳуқуқбузарларнинг шахсини эътиборга олмаган ҳолда маъмурий жазо чораларини белгилашдаги мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатида муайян йўналиш мавжудлигини очиб беради. Айнан мансабдор шахснинг қонунга зид хатти-ҳаракатидаги мунтазамлик қонунийликни бузилиши деб баҳоланади.

Қонунийлик реал амал қилувчи ҳуқуқ тизимидир, бу қуйидагиларни англатади:

1) Жамият ва давлатда ҳуқуқий қонунчиликнинг мавжудлиги, яъни амалдаги қонунлар идеал ҳуқуқни, ҳуқуқий принципларни, умуминсоний қадриятларни, эркин демократик ва ҳуқуқий давлат ғояларини адекват ифодалайди. Бунда конституция ва б. Қонунлар халқаро ҳуқуқнормалари ва принципларига, халқаро стандартларга, инсоннинг ажралмас ҳуқуқларига мос келади.

2) Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида конституция ва б.қонунлардаги қоидаларнинг турли шаклларда тўлиқ амалга оширилиши. Бу мансабдор шахслар фуқаролар ва б.шахслар томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишларини таъминлашлари, шунингдек, кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлар бузилган тақдирда ёки фуқаролар билан мансабдор шахслар ўртасида конфликтлар юзага келганда қонун бўйича муҳофаза қилиши лозим бўлган шахслардир.

3) Конституция ва б.қонунларни амал қилишининг самарали ҳимоясини таъминланиши. Юридик ҳимоянинг бу тизими ўз ичига: 1) қонунларнинг ҳаракатда бўлиши устидан давлат контроли ва назорати тизимини, 2) фуқаролар ва б.шахслар томонидан ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини индивидуал ҳимоя қилиш тизимини олади.

Мана шу уч элементнинг мавжудлиги эркин жамиятда реал амал қилувчи ҳуқуқ тизими сифатидаги қонунийлик мазмунини ташкил этади.

қонунийликни бузилиши доимо фуқаролар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий ва давлат манфаатларига сезиларли даражада путур етказилишини англатади. Амалда мансабдор шахслар томонидан йўл қўйиладиган

қонун бузилишларининг баъзиларини қонунийликни бузилиши деб фарқлаш эмпирик ва адекват бўлмаган тарзда амалга оширилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиёти учун қонунийликни бузиш ҳолларини бир неча турларга бўлиш хос («қўпол», «жуда қўпол»). Бироқ бундай фарқлаш жуда тўғри эмас. Чунки, қонунийликни ҳар қандай бузилиши катта ижтимоий хавфни келтириб чиқаради, шахсга жиддий зарар етказади.

Албатта, қонун бузилиши билан қонунийликни бузилиши орасида реал фарқлар мавжуд. Қонуннинг бузилиши айти пайтда қонунийликнинг ҳам бузилиши ҳисобланиши қуйидаги ҳолларда кузатилади:

1) Конституция ва б.қонунлар нормаларининг бузилиши (фуқаролар ва б.шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, фуқаролар ва б.шахсларга имтиёзларнинг ноқонуний берилиши, фуқаролар ва б.шахсларнинг мажбуриятларни ўташдан ноқонуний озод этиш);

2) Мансабдор шахслар томонидан томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ жиноятларни содир этишлари (пора олиш, мансаб мавқеини суистеъмол этиш ва б.). Шу билан бирга мансабдор шахслар томонидан қонунни баъзи бузилишлари қонунийликни бузилиши деб қаралмаслиги керак:

а) Конституция нормаларини конкретлаштирувчи қонунни жиддий бўлмаган ҳолда бузиш;

б) Мансабдор шахслар томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятлар ва б. ҳуқуқ бузарликларни содир этиш ҳоллари.

Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш тизими қонунийликни бузилиш ҳолларини олдини олиш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган чоралар йиғиндисидан иборат, улар икки қисмдан иборат:

1) қонунийликни бузилишини олдини олиш;

2) қонунийликни мустаҳкамлаш.

Қонунийликнинг бузилишини олдини олиш қонунийликни бузилиш сабаблари ва шароитларини аниқлашни, уларни йўқотишни, қонунийликни бузилишига олиб келувчи барча салбий омилларни, жараёнларни тугатишни англатади. Бундай омиллар қаторига: сиёсий нобарқарорлик, аҳоли ва мансабдор шахс ҳуқуқий маданиятининг пастлиги, профессионал ҳуқуқий онг деформацияси, мансабдор шахс

томонидан қонунийликка нисбатан мақсадга мувофиқликнинг устун қўйилиши ва ҳ. киради.

Қонунийликни мустаҳкамлаш давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийлик кафолатларини шакллантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Қонунийликнинг ҳуқуқий кафолатлари:

- қонунчиликни такомиллаштириш чоралари;
- қонунийликни бузилиш ҳолатларини аниқлаш чоралари;
- ҳимоя чоралари;
- жавобгарлик чоралари;
- қонунийлик аҳволи устидан назорат ва контрол олиб бориш чоралари;
- қонунийликни бузилишини олдини олиш чоралари.

Қонунийлик аҳволи устидан назорат ва контролга қуйидагилар киради:

- 1) давлат ҳокимияти олий органларининг контроли;
- 2) давлат бошқаруви олий органлари контроли;
- 3) суд контроли;
- 4) прокурор назорати;
- 5) жамоат назорати.

3. Ҳуқуқий тартибот тушунчаси, кадр-қиммати ва объектив зарурлиги.

Қонунийлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бошқа бир ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса - ҳуқуқий-тартибот туради.

Ҳуқуқий-тартибот – бу ҳуқуқ ва қонунга асосланган ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинган ҳолатидир.

Ҳуқуқий-тартибот – бу ҳуқуқий нормалар қоидаларининг барча ҳуқуқ субъектлари томонидан аниқ ва тўла амалга оширилиши натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Ҳуқуқий-тартибот – бу ҳуқуқий талабларни амалга оширишнинг охирги натижаси, ҳуқуқ нормаларига риоя этиш, уларни бажариш натижасидир, яъни қонунийликнинг амалга оширилиши ҳуқуқий тартиботга олиб келади.

Қонунийлик билан ҳуқуқий-тартибот ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсади, натижаси ҳисобланади, чунки:

1. Ҳуқуқий-тартиботга фақат ҳуқуқий тартибга солиш ва қонунийликни такомиллаштириш йўли билан эришилади.

2. Қонунийликнинг мустаҳкамланиши албатта ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

3. Ҳуқуқий тартибот мазмуни қонунийлик мазмунига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ҳуқуқий тартиботни шакллантиришда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг барча элементлари иштирок этади. Уларнинг сабабий-оқибат алоқадорлиги жамият ҳуқуқий ҳаётининг асосини ташкил этадики, бу охир оқибатда ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилишига олиб келади.

1. Ҳуқуқ нормалари - бу ҳуқуқий тартиботнинг норматив асоси, ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг бошланғич бўғинидир.

2. Ҳуқуқий муносабатлар - ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг элементи бўлиб, улар қонун чиқарувчи орган томонидан тахмин қилинган идеал ҳуқуқий тартиботдан ҳуқуқий нормалар билан назарда тутилган ижтимоий муносабат иштирокчиларининг конкрет хатти-ҳаракатига ўтишни таъминлайди. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг бу босқичида ҳуқуқий муносабат субъектларининг лозим даражадаги хулқини кафолатловчи қонунийлик қўшилади.

3. Юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш актлари ҳуқуқий тартиботнинг якунловчи шартидир. Қонунийлик режими шароитида ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уларнинг реал хатти-ҳаракатларида ифодаланади, ўз мақсадига етади, шу тариқа ҳуқуқий тартиботни ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар тизимига айланади. Ҳуқуқий тартиботнинг мазмунини субъектларнинг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори ташкил этади, бу шундай хулқ-атворки, у ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ва ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларига эришган бўлади.

Ҳуқуқий тартибот тузилиши - бу ҳуқуқ билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизимининг уларнинг тармоқлари мазмуни хусусиятларига мувофиқ ҳолда бирлиги ва айна вақтда бўлинишидир.

Ҳуқуқий тартибот - бу амалга оширилган ҳуқуқ тизимидир. У ҳуқуқнинг тегишли тармоқлари нормалари билан тартибга солинган конституциявий, маъмурий, молиявий, ер, оила ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларини ўз ичига олади. Тузилиш жиҳатдан ҳуқуқий тартибот ҳуқуқ тизимининг амалга оширилган элементларини акс эттиради.

Ижтимоий муносабатларнинг махсус тизими сифатидаги ҳуқуқий тартиботнинг хусусияти шундаки, у фақат ҳуқуқ нормалари асосида юзага келади ва шу сабабдан давлат томонидан қўриқланади. Ҳуқуқий тартибот билан жамиятда мавжуд бўлган барча муносабатлар қамраб олинмайди. Ижтимоий ҳаётнинг муайян қисми ҳуқуқий тартибга солинишга эҳтиёж сезмайди. У бошқа ноҳуқуқий ижтимоий нормалар таъсирида бўлади. Бу маънода ҳуқуқий тартибот норматив тартибга солиш таъсирида шаклланувчи ижтимоий муносабатлар умумий тизимининг бир элементи бўлиб ҳисобланади. У ижтимоий тартиботнинг бир қисмидир.

Ижтимоий тартибот ижтимоий нормаларни тадбиқ этилиши натижасида шаклланадиган ижтимоий муносабатларнинг яхлит жамланган тизимидан иборат.

Ҳуқуқий давлатда ижтимоий тартиботнинг барча элементлари ўзаро алоқадорликда ва давлат ҳимоясида бўлади. Бироқ, фақат ҳуқуқий тартиботгина махсус давлат чоралари билан қўриқланади.

Ижтимоий тартиботни ташкил этган муносабатлар тизимида асосий боғловчи бўғин бўлиб ҳуқуқий тартибот ҳисобланади, чунки у муайян даражада норматив тартибга солишнинг энг муҳим хусусиятларини акс эттиради.

4. Қонунийлик ва ҳуқуқий нигилизм

Қонунийлик ҳақида гап юритар эканмиз, бу ўринда албатта ҳуқуқий нигилизм ҳақида ҳам сўз юритиш зарур. Зеро жамиятда қонунийликнинг тўла амалга ошишига тўсиқ ҳисобланадиган салбий ҳодисалардан бири бу ҳуқуқий нигилизмдир.

Ҳуқуқий нигилизм бу- жамиятнинг муайян бир ҳолати билан белгиланадиган ҳуқуқий онг хасталигидир. Ҳуқуқий, яъни юридик нигилизм бу – ҳуқуқни ижтимоий қадрият сифатида эътироф этмаслик бўлиб, у ҳуқуқга, қонунга. Ҳуқуқий тартиботга негатив-салбий ёндошувчи, уни инкор этувчи ҳамда ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрнига, унинг зарурлигига ва аҳамиятига ишонмасликда ўзининг ифодасини топади.

Нигилизм атамаси латинча “*nihil*” – сўзидан олинган бўлиб, “ҳеч нарса” (ничто), “ҳеч нима” (ничего) маъноларини англатади¹.

Нигилизм ўз мазмунига кўра ижтимоий ҳодисалар қаторидан ўрин олган бўлиб, у айти пайтда қуйидаги хоссалар билан тавсифланади:

¹ қар.: Теория государства и права. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. Юрист. М., 1997. С.585.

- нигилизм жамиятда эътироф этилган қадриятларга нисбатан жуда кескин ёндошуви билан ажралиб туради,
- нигилизмнинг ижобий характердаги бирон-бир мақсадга йўналтирилмаганлиги,
- бу ҳодиса ўзида бирон-бир яратувчилик, ғояларини жамламаган.

Таъкидлаб ўтиш керакки, жамиятда нигилизмнинг анча турлари мавжуд бўлиб, улар, ўз навбатида турли мезонлар асосида тавсифланади. Масалан, қандай қадриятларни инкор этишига қараб, нигилизмнинг сиёсий, диний, ахлоқий каби кўринишлари ажратилади. Ҳуқуқий, яъни юридик нигилизм бу – ҳуқуқни ижтимоий қадрият сифатида эътироф этмаслик бўлиб, у ҳуқуқга, қонунга, ҳуқуқий тартиботга негатив-салбий ёндошувчи, уни инкор этувчи ҳамда ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрнига, унинг зарурлигига ва аҳамиятига ишонмасликда ўзининг ифодасини топади.

Илмий, ўқув адабиётида ҳуқуқий нигилизмнинг бир неча турлари ажратиб ҳам кўрсатилган. Масалан, россиялик ҳуқуқшунос олим, профессор Н.И.Матузов ҳуқуқий нигилизмнинг қуйидаги кўринишларини ажратган:

1. Қонунлар ва бошқа норматив актларни қасддан бузишлик.
2. Юридик қоидаларни оммавий тарзда бажармаслик ва уларга риоя этмаслик.
3. Бир-бирига зид ҳуқуқий актлар чиқариш.
4. Қонунчилиқни мақсадга мувофиқлик билан алмаштириш.
5. Вакиллик ва ижро ҳокимияти тузилмалари ўртасида қарама-қаршилик.
6. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши.
7. Ҳуқуқий нигилизмнинг назарий шакли мавжудлиги. (бу кўриниши илмий адабиётларда мавжуд бўлади).

Профессор В.А.Туманов эса ҳуқуқий нигилизмнинг суст -пассив ва фаол шакллари ажратади. Ҳуқуқий нигилизмнинг пассив шаклида ҳуқуқга нисбатан бефарқлик, лоқайдлик, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини етарлича баҳоламаслик хос. Фаол юридик нигилизм учун эса ҳуқуқга нисбатан онгли равишда дўстона бўлмаган муносабат хос. Бундай ёндошув вакиллари, ҳуқуқнинг жамиятда тутган ўрни, унинг имкониятларидан бохабар, шу боис ҳам, улар ҳуқуқга қарши чиқадиладар.

Юқорида қайд этилган олим ҳуқуқий нигилизмни қуйидагича турларга ажратади:

А) ижтимоий онгнинг энг юқори қатламларида назарий қоидалар сифатида мавжуд бўлган ҳуқуқий нигилизм;

Б) кўпчилиكنинг оддий оммавий онгида қатъий андозалар, салбий қарашлар, нотўғри тушунишлар шаклидаги ҳуқуқий нигилизм;

В) идоравий ҳуқуқий нигилизм – у идоравий манфаатлар устунлик қилиб, қонунларга зид келадиган, бироқ идоравий манфаатга мос актлар қабул қилишда ифодаланадиган нигилизм;

Ҳуқуқий нигилизм бу- жамиятнинг муайян бир ҳолати билан белгиланадиган ҳуқуқий онг ҳасталигидир.

Ҳуқуқий нигилизм анча мураккаб ҳодиса бўлиб, унга қарши кураш унчалик ҳам осон вазифа эмас. Айни пайтда, унга қарши кураш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар сирасига қуйидагиларни критиш мумкин:

- ижтимоий-иқтисодий характердаги ислохотлар;
- ҳуқуқий тартибга солиш мазмунини ўзгартириш;
- юридик нормаларнинг мазмунини имкон қадар аҳолининг турли қатламларига яқинлаштириш;
- суд фаолиятининг характерини ўзгартириш ва алоҳида судга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш орқали одил судловнинг обрўсини кўтариш;
- ҳуқуқ қўллаш амалиётини яхшилаш;
- мазкур йўналишларда олиб бориладиган назарий ишларни ва шу кабилар.

Юқоридагиларнинг барчаси, умуман олганда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳамдир. Демак, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги – ҳуқуқий нигилизмнинг камайишига олиб келиши аниқ.

Ҳуқуқий идеализм – ҳуқуқий нигилизмдан фарқ қилган ҳолда, у ҳуқуқнинг жамиятда тутадиган ўрнига юқори баҳо беради. Бу икки ҳодисанинг ҳам озиқланадиган манбаси битта- ҳуқуқий жоҳиллик, ҳуқуқий онг ҳасталиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг заифлиги. Шу боис, бу икки ҳодисанинг бир медалнинг икки томони дейиш мумкин¹.

Айтиш керакки, ҳуқуқий идеализм дарров кўзга ташланиб ҳам турмайди, уни тезда пайқаш ҳам қийин. Бироқ, унинг натижалари давлат ва жамият учун жуда сезиларли бўлиши мумкин. Бу шунда кўринадики, ҳуқуқга амалга ошмайдиган орзу-умидлар боғланади,

¹ Теория государства и права. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. Юристь. М.,1997. С.585.

ундан ортиқча натижалар кутилади, оқибатда эса, кутилган натижаларни бера олмаган ҳуқуқнинг кадр-қиммати анча тушиб кетиши мумкин. Шунинг учун, ҳуқуқни мутлақ кадрият сифатида кўкларга кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, унинг реал ҳаётда ўрни ва роли қандай бўлса, ўшанга мувофиқ равишда вазифалар юклатган маъқулдир.

Ҳақиқатан ҳам, фақат яхши қонунлар қабул қилиш билангина мақсадга эришиши мумкин бўлса, аллақачон жамият жуда илгарилаб кетган бўлар эди. Бироқ, бу яхши қонунлар яхши натижа беришлари учун, шароит, яъни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий омиллар пишиб етилган бўлишиш керак.

Қонунларнинг кучсизлиги, уларнинг ҳаётий эмаслиги аҳоли орасида унга ишончсизликни, лоқайдликни шакллантириши мумкин. Қонунга лоқайдлик эса, аста-секин ҳокимиятга лоқайдликка олиб келиши мумкин.

Қонунлар ижроси билан кучли. Ш.Монтескье мана шу масалага доир ёзган эди: « қачонки мен у ёки бу мамлакатга отланадиган бўлсам, у ерда мен яхши қонунлар борми деб қизиқмайман, чунки яхши қонунлар ҳамма жойда ҳам бор, мен асосан, қонунларнинг қандай амалга ошаётганлиги билан қизиқаман».

Айни пайтда, қонунларнинг бажармаслигига аҳолининг ҳам дахли бор бўлади, албатта. Жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг пастлиги ҳам бу ҳолатга олиб келади. Марказда қабул қилинган яхши қонуннинг тақдири, кўпинча маҳаллий амалдорларнинг умумий ҳуқуқий маданияти, давлатона ёндошувига боғлиқ ҳолда ижро этилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализм жамиятнинг умумий ҳуқуқий онги ва умумий ҳуқуқий маданияти ҳамда ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ ҳодисалардир.

Шу боис ҳам жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини кўтариш долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуқга эга бўлиш деган тушунча ётади. Конституция ва қонун устунлиги давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар, барча жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият олиб боришини тақозо этади. Бундан ташқари, бу конституциявий тамойил, барча норматив ҳуқуқий актлар

Конституцияда мустақкамланган қоидаларга тўлиқ мос келишини ҳам қатъий талаб этади. Мазкур конституциявий принципга тўла риоя этиш, оқибат натижада мамлакатда қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот, тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суришига олиб келади.

Шу муносабат билан, қонун устуворлиги ҳақида фикр юритилаётганда, аввало бир масала ҳақида таъкидлаб ўтиш жоиз. Тадқиқотчилар томонидан қонун устуворлиги билан ҳуқуқ ҳукмронлиги тушунчалари бир мазмундаги, синоним ходисалар сифатида тушунилиш ҳоллари мавжуд. Бироқ, илмий адабиётда, улар моҳиятан яқин ҳуқуқий ходисалар бўлса-да, айти пайтда, бир-биридан муайян даражада фарқланиши курсатилади.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги бу шунда кўринадики, ҳар қандай давлат, ўзи ҳуқуқий нормалар яратар экан, энг аввало ўзи айнан шу ҳуқуқий нормаларга риоя этиши керак, яъни амалдаги ҳуқуқ нормалари фуқаролар учун қанчалик мажбурий характерга эга бўлса, давлат учун ҳам шунчалик мажбурий характерга эгадир.

Давлат ҳокимияти қонунда белгилаб қўйилган асосларда ва доираларда ҳаракат қилмоғи, давлат органлари эса, ҳеч бир истисносиз ҳаракатдаги ҳуқуқ нормаларига бўйсунмоғи лозим. Бунинг маъноси шуки, давлат органлари фақат қонун берган ваколат доирасида ҳаракат қилиб, Конституцияга мувофиқ унинг компетенциясига (ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи) кирадиган қарорларни қабул қилиш ва ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги бу - давлатнинг, унинг мансабдор шахсларининг, давлат органларининг, фуқароларнинг ва уларнинг турли тузилмаларининг фаолияти ҳуқуқ билан боғлиқлиги, ҳуқуқ асосида кечишидир.

Қонун устуворлиги бу - муайян бир давлатда амал қилиб турган ҳуқуқ манбалари, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ичида қонуннинг олий юридик кучга эга эканлиги, барча қонун ости актлари қонунга мос келиши лозимлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учинчи боби ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим бўлган ушбу принципни ўзида мустаҳкамлаган: ”Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”. (15 -модда.)

Олий юридик кучга эга бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида бевосита тўғридан - тўғри амал қиладиган Конституциянинг устунлиги шуни англатадики, Ўзбекистон ҳудудида қабул қилинадиган барча қонунлар ва бошқа норматив актлар Конституцияга зид келмаслиги, унга мос келиши лозим.

Давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар, ўзини- бошқариш органлари, барча бошқа ташкилот ва тузилмалар Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига риоя этишлари керак. Шу тариқа давлат фаолияти ҳуқуқ ва қонунлар билан “боғлаб” қўйилади, маълум даражада чеклаб қўйилади. Зотан, « Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ.»¹

Қонунларга риоя этиш учун улар расмий тарзда эълон этилган бўлиши шарт. Қонунларнинг эълон қилиниши- уларга риоя этишнинг шартидир, чунки эълон қилинмаган қонун қўлланилмайди.

Қонун устуворлиги ва ҳуқуқ ҳукмронлиги (“rule of law”) - ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойилларидан, тавсифларидан бири ҳисобланади.

Шу боис ҳам олимлар ҳуқуқ устуворлиги билан қонун устуворлигини алоҳида талқин этишлари ҳам бежиз эмас, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳатто ҳуқуқ устуворлиги ғоясининг “ёши” қонун устуворлиги ғоясиникидан улугроқ, яъни ундан олдинроқ шаклланган. қонун устуворлиги ғоясининг мазмунини Конституциянинг устуворлиги, қонунни қабул қилишнинг ва унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг алоҳида тартиботи, муолижа жараёни мавжудлиги, қонунга барча бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг мос келиши мажбурийлиги, қонунни амалга ошириш ва уни муҳофаза этишнинг махсус механизми мавжудлиги, яхлит қонунчилик тизимининг зиддиятсиз бўлишини таъминлайдиган конституциявий назоратнинг мавжудлиги ташкил этади.

Ҳуқуқ устунлиги ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

1. давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалаларига ҳуқуқ ва қонун нуқтаи-назаридан қараш ва ҳал этиш,
2. умуминсоний ахлоқий-ҳуқуқий қадриятлар ва ҳуқуқнинг формал-регулятив қадриятларини легитимли оммавий ҳокимий куч билан билан уйғунлаштириш,

¹ Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т.:Ўзбекистон. 1993. 26 – бет.

3. давлат ва жамоат органларининг ҳар қандай қарорларини ғоявий-ҳуқуқий асослаш,

4. давлатда ҳуқуқнинг ифодаланиши ва ҳаракатини таъминлашнинг ишончли воситалари механизми мавжудлиги.¹

Ҳуқуқ устунлиги ҳақида гапирганда, албатта, ҳуқуқ ва қонуннинг бирлиги тамойилигини ҳам таъкидлаш лозим. Чунки бу ҳуқуқий давлат қуриш амалиёти учун жуда муҳим ҳуқуқий масала. Зеро ҳуқуқий давлатда исталган норматив -ҳуқуқий акт нафақат шакли, номланиши, қабул қилиниш тартиби бўйичагина эмас, балки мазмуни ва моҳиятига қараб ҳам ҳуқуқий қонун бўлиши керак.

Бунинг маъноси шуки, мазкур қонун, албатта ўзида инсоннинг табиий ҳуқуқларини жамлаган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги халқаро андозаларга мос келадиган, қонунда белгиланган асос ва тартибда шаклланган давлат органи томонидан қабул қилинган бўлиши керак.

Қонуннинг устунлиги шунда вожиб бўладикки, қачонки, унга тегишли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий замин ҳозирланган бўлса.

Ҳуқуқ ҳукмронлиги шунда яратувчилик характериға эға бўладиким, қачонки у ўзида ҳақиқат, тафаккур, идрок, виждон, ҳалоллик, эркинлик, биродарлик ва адолат каби умуминсоний-ахлоқий қадриятларни ўзида ифодалаб, уларнинг ҳаётға сингишиға хизмат қилса.. «Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этмок учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт»².

Айтиш жоизки, ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги, энг аввало адолатға асосланмоғи, адолат ҳукмронлиғиға олиб келмоғи лозим, яъни Конституциямизнинг 13 моддасида мустаҳкамланганидек, “...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деган қонуннинг реал амалға ошишини таъминлашға қаратилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, қонун устуворлиги албатта ҳуқуқий қонун устуворлигини назарда тутиши, давлатнинг ҳуқуқий қонун билан боғлиқлиги, ҳуқуқ билан боғлиқлиги ҳуқуқий давлат қуришда муҳим эканлиги, шубҳасиздир

Айни пайтда, «Ҳаётий зарур қонунлар тайёрлаш ва қабул қилиш жамиятни муваффақиятли тарзда ислох қилишнинг муҳим шарти

¹ Бу ҳақида яна қаранг: З.Исломов. Общество. Государство. Право.Т.:Адолат. 2001. 354-361 б;

² Бу ҳақда қаранг: Ҳ. Одиқориев. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ. 2002. 262 бет.

бўлиб, қонун бизнинг мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасига, давлат микёсидаги вазифаларни ҳал этишнинг таъсирчан омилига айланиб бормокда»¹. Қонуннинг бундай нуфўзга эга бўлишини таъминлашда қонун устуворлиги тамойили ҳал қилувчи роль ўйнаши, шубҳасиздир.

Шу ўринда бир масала, яъни қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг, айникса ёшларнинг қонунларга ҳурмат ҳисси билан қарашини шакллантириш масаласи муҳимлигини яна бир таъкидлаш билан бир қаторда, тарбия тизими ичида, айнан оиланинг ўзига хос ўрин тутиши, барча ижобий фазилатлар, аввало оилада фарзандга сингдирилиши ва шу муносабат билан, жамиятда қонунга итоаткор шахснинг шаклланиши учун оиланинг масъулияти, ҳатто маънавий жавобгарлиги мавжудлигини қайд этиш ўринли, бизнингча.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. «Қонунийлик» тушунчаси ва унинг моҳияти
2. Қонунийлик ва қонун устуворлиги
3. Қонунийлик ва ҳуқуқ ҳукмронлиги
4. Қонунийлик принциплари
5. Қонунийлик кафолатлари
6. Қонунийликнинг юридик кафолатлари
7. Ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик
8. Ҳуқуқий тартибот ва ижтимоий тартибот ўртасидаги муносабат
9. Ҳуқуқий давлат қуришда қонунийликнинг аҳамияти

¹ Б.Бугров. Қонун ижодкорлиги устуворликлари. // Халқ сўзи. 2003 йил 10 декабрь.

11-МАВЗУ: ҲУҚУҚ БУЗАРЛИК ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК.

РЕЖА:

1. Ҳуқуқий хулқ: тушунчаси, таркибий қисмлари, мотивлари, турлари.
2. Ҳуқуқбузарлик: тушунчаси, асосий белгилари, турлари.
3. Юридик жавобгарлик: тушунчаси, хусусиятлари, турлари.
4. Юридик жавобгарлик мақсадлари, функциялари ва тамойиллари. Айбсизлик презумпцияси.
5. Хатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги ва юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар.

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.Т.,Ўзбекистон.2002. 76 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
4. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал.
5. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ.Умумий масалалар. Давлат назарияси. Т. Адолат. 2000.270-б.
6. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. –Т.: 2001. ТДЮИ нашри.
7. Исламов З.М. Узбекистан: на пути к модернизации. Т.:ТГЮИ, 2005. – 160 с.
8. Алексеев С.С. Право. М.:Статут, 1999.
9. Проблемы теории государства и права. М.: Юрайт, 2001.
10. Теория государства и права. Под ред.Н.И.Матузова, А.В.Малько.
11. Тожиhoнов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-томлик. 1-том. Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ. 2001.
12. Тожиhoнов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-томлик. 2-том. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ.2002.

13. Ражабова М.А. Давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти истиқболлари. Т.: Адолат, 2005. –179 б.

14. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.

15. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М., «Новый юрист»-1999. 240 с.

16. Рустамбоев М.Ҳ. Абдуҳолиқов С.О. 1-китоб. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. Т.: ТДЮИ нашри. 2005. 316 б.

17. Рустамбоев М.Ҳ. Абдуҳолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: ТДЮИ нашри. 2005. 404 б.

1. Ҳуқуқий ҳуқ: тушунчаси, таркибий қисмлари, мотивлари, турлари.

Маълумки, инсонларнинг фаолияти, ҳуқ-атвори бир хил эмас. Ҳуқ инсоннинг ҳуқуқий таъсир доирасига қирадиган ҳатти-ҳаракатини тартибга солади. Ҳуқ билан тартибга солинувчи ҳуқ-атвор ҳуқуқий ҳуқ деб номланади.

Айни пайтда ҳуқуқий ҳуқнинг юридик белгилари ҳам мавжуд:

- а) ҳуқуқий тартибга солинганлиги;
- б) давлат назорати остидалиги;
- в) юридик оқибатларга олиб келиши.

Ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг мутлақ кўпчилиги ҳуқуққа мос равишда, яъни мамлакат қонунларига риоя қилиб, уни бузмасдан, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланган ҳолда ва мажбуриятларни бажариб нормал ҳуқ-атворни амалга оширадilar. Бу индивидуал ва жамоавий ҳуқ-атвор субъектларининг асосий ва умумий ҳуқ шаклидир.

Ҳуқуқий ҳуқ энг аввало аҳолининг онгли қисмини, яъни қонунга итоаткор фуқароларни қамраб олади. Қонунни ҳурмат қилиш эса ҳуқуқий давлат ва унинг умумий юқори маданиятининг муҳим хусусиятидир. Бундай ҳуқ уюшган кишилиқ жамиятининг, ўзаро мақбул ва маърифий муносабатларнинг зарур шартидир. Римликлар фикрича: «Кимки қонунлар асосида яшаса, у ҳеч кимга зарар етказмайди».

Демак, ҳуқуқий ҳуқ - бу юридик нормалар талабларига мос келувчи ҳуқдир. Бунда ҳуқуқий қоидаларга бўйсунуш кўп ҳолларда соф механик (рефлектор) эмас, балки индивиднинг бутун ҳаётий

тажрибаси, унинг маданий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари билан белгиланади. «қонун билан ман этилмаган нарсаларга рухсат берилади» деган машҳур принципга асосланган ҳуқуқий ҳуққ презумпцияси мавжуд.

Ҳуқуқий ҳуққнинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) у ижтимоий зарур ва ижтимоий фойдали ҳодиса;
- 2) инсон иродаси эркинлигини ифодалайди ва амалга оширади;
- 3) ҳам индивид, ҳам давлат манфаатлари ва эҳтиёжларини қаноатлантиради;
- 4) жамиятда зарурий ҳуқуқий-тартиботни таъминлайди;
- 5) шахснинг позитив жавобгарлиги билан боғлиқ;
- 6) ҳуқуқий давлат ҳуқуққа зид ҳуққни жамият ҳаётидан сиқиб чиқариш орқали ҳуқуқий муносабатлар доирасини кенгайтиришга интилади, яъни ҳуқуқий ҳуққ оммавий ҳисобланади;
- 7) ихтиёрий ва онгли равишда амалга оширилади.

Ҳуқуқий ҳуққ – бу ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган, ижтимоий фойдали аҳамият касб этувчи ҳуқуқ субъектларининг онгли ва ихтиёрий ҳуққидир.

Моҳиятига кўра, ҳуқуқий ҳуққ шакллари ҳуққни амалга ошириш шаклларига тўла мос келади, яъни ҳуқуқий ҳуққ ҳуққ нормаларини амалга оширилишини ифода этади, ҳуқққа риоя қилиш, уни бажариш, ундан фойдаланиш ва уни қўллаш каби шаклларда намоён бўлади. Ҳуққ нормаларига амал қилиш, юридик мажбуриятларни бажариш, ўрнатилган ҳуққлардан фойдаланиш, махсус субъектлар томонидан ҳуққни қўллаш - булар ҳаммаси биргаликда ҳуқуқий ҳуққнинг моҳиятини ифодалайди.

Бу ерда субъектнинг ҳуққи қандай ҳолатларда ҳуқуқий, бироқ жамият учун исталмаган ва зарарли бўлишини фарқлаш зарур. Масалан, субъект арзимас сабаблар билан бир неча марта никоҳни бузиб ва уни бекор қилса, бу ҳол расман неча марта уйланиш мумкинлигини белгиламаган қонунга зид келмаса-да, бироқ бу давлат ва жамиятнинг оилани мустаҳкамлашга бўлган интилишига тескари. Шунга ўхшаш сайловларда овоз беришда иштирок этмаслик ҳуқққа зид ҳаракат эмас, бироқ ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан субъектнинг бундай ҳуққини фойдали деб бўлмайди, чунки давлат ва жамият барибир барча сайловчиларнинг ўз фуқаролик бурчларини бажаришлари, ўз эрklarини у ёки бу тарзда ифодалашларидан манфаатдор бўлади.

Ҳуқуқий ҳуққ таркибига қуйидаги элементлар киради:

- 1) субъект (ҳуқуқ лаёқатли шахс);
- 2) объект (ижтимоий фойдали натижа);
- 3) объектив томони (ҳуқуққа зид бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

4) субъектив томони (позитив мақсадлар, мотивлар, қоидалар).

Субъектив томон ҳуқуқий хулқнинг ички томонини ифодалаб, у ҳуқуқ субъектларининг масъулиятлилиқ даражаси билан белгиланади.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий хулқнинг турли жиҳатлари, белгилари, тавсифи, хусусиятлари етарлича ёритилган. Юристар асосан инсонларнинг ҳуқуққа хилоф ноҳўя ҳаракатлари билан иш кўрадилар, бироқ улар шунингдек қонунларга риоя этувчилар қандай мотивларга асосланадилар, нормал хулқ эталони қандай, қандай ҳолатни ундан четга чиқиш деб ҳисоблаш мумкинлигини билишлари лозим. Ҳам ҳуқуқий, ҳам ноҳуқуқий хулқнинг руҳияти ва технологиясини, уларнинг механизми ва сабабларини, ички ва ташқи омилларини билиш, тушуниш муҳим.

Хулқнинг ижтимоий аҳамиятига кўра қуйидаги турлари мавжуд:

-объектив равишда зарурий хулқ (йўл қоидасига риоя этиш, солиқларни тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш);

-жамият учун исталган ҳуқуқ (сайловларда қатнашиш, партияга аъзо бўлиш, никоҳга кириш);

-ижтимоий жиҳатдан йўл қўйиш мумкин бўлган хулқ (иш ташлаш, ажралиш, ишини тез-тез ўзгартириш);

-ижтимоий зарарли, жамият учун исталмаган хулқ (жиноятлар, ноҳўя ҳаракатлар).

Ҳуқуқий хулқни субъектларига, объектив ва субъектив томонлари, юридик оқибатларига қараб таснифлаш мумкин.

Субъектига қараб: индивидуал ва гуруҳий ҳуқуқий хулқ.

Объектив томонига қараб: фаол ҳаракат ва ҳаракатсизлик билан боғлиқ ҳуқуқий хулқ.

Субъектив томонига кўра адабиётда ҳуқуқий хулқнинг қуйидаги турлари ва мотивлари фарқланади:

1) **Ижтимоий фаол хулқ** – бу ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга, ҳуқуқий тартиботни, қонунийликни, барқарорликни сақлашга, давлат, жамият, бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, чуқур англашилган ташаббускор хулқдир. Бунда субъект ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича қатъий ҳаракатларни содир этади, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларга ёрдам қилади. Ҳуқуқ нормалари субъект томонидан унинг ўз қарашлари, эҳтиёжлари, интилишларини ифода этувчи объектив зарур, мақсадга мувофиқ қоидалар сифатида қабул қилинади. Бу шахснинг ўз-ўзини англаш юқори даражаси, унинг позитив масъулиятини кучли ҳис этишидир.

2) **Ижтимоий пассив ҳуқ.** Субъектлар асосан ҳуқуққа ҳилоф ҳаракатларни содир этишдан ўзларини тийиб турадилар: алоҳида фаолликсиз қонунларга бефарқ риоя этадилар, гарчи баъзан улар билан ички жиҳатдан рози бўлмасаларда. Амалда бу мажбурий ҳуққидир. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолининг 20%и (Россияда) жазоланиш, фош қилинишдан кўрқиб, қулай шароитларда жиноят содир этишдан бош тортадилар. Демак, аҳолининг бу қисми ор-номус, виждон амри билан эмас, балки кўрқув туфайли ҳуқуққа риоя этадилар. Фақат жавобгарликдан кўрқиш уларни номақбул ҳаракатлардан саклайди. Гегель «Ҳуқуқ фалсафасига танқид» асарида таъкидлашича: «Кўпинча ҳуқуқни жазоланишдан кўрқиш ёки бошқа кўнгилсизликлардан қочиш, масалан, яхши ном, ор-номус, обрўни йўқотиб қўйиш, дўстлари, танишлари, қариндошлари кўз ўнгидан ўз обрўсидан ажраб қолишга йўл қўймаслик учун бузмайдилар». Шунга қарамасдан бу ҳуқуқий ҳуқ ҳисобланади, чунки бу ерда қонунга бўйсунуш мавжуд.

в) **Одатдаги ҳуқ.** Ижтимоий сўровларга кўра, аҳолининг учдан бир қисми ҳуқуқий нормаларга одатий тарзда, яъни нима учун шундай ҳаракат қилаётганликларини фаҳмламаган ҳолда риоя этадилар. Улар одатда ўзларининг қонунга итоаткорликлари мотивларини тушунтиришга қийналадилар, қоида бўйича «шундай қилиш керак», «шунга ўргатилганман», «шундай тарбияланганман», «бошқача бўлиши мумкин эмас» деб жавоб берадилар. Улар учун ҳуқуқий ҳуқ табиий, ҳаёт тарзи билан белгиланувчи ҳодисадир.

Бундай ҳуқ кўп омиллар таъсирида шаклланади: анъаналар, оилавий тарбия, соғлом муҳит; тартиботга, хотиржамликка, озодликка интилиш, шундай йўл тутиш билан ўз олдига қўйган мақсадларга, ютуқларга эришиш мумкин деб тушуниш.

г) **Конформистик (мослашувчан) ҳуқ.** Бу ҳуқ аввалгисидан атрофдагиларнинг таъсирига кўп даражада боғлиқлиги сабабли кам аҳамиятли ҳисобланади, «ўзга шахс фикри»га боғлиқ бўлади ва шу сабабли қоида бўйича ўзгарувчан, мустақил бўлмаган, мослашувчан ҳуқ ҳисобланади. «Конформизм» сўзи латинчадан таржима қилинганда мойиллик, ўхшаш, мос келиш, бир хиллик, бир фикрга

интилишни билдиради. Бу асосан қатъий фуқаролик позициясини истисно қилувчи ҳаракатларнинг вазиятга мос тарзидир.

Мотивация оддий: «оқ қарға бўлишни хоҳламаслик», «умумий қатор»дан четга чиқишни истамаслик, яқинлар, дўстлар, танишлар ишончини йўқотиб қўйишдан хавфсираш, аксинча, уларнинг мақтовига, қўллаб -қувватлашига сазовор бўлишга интилиш. Бунда тақлид қилиш омили ҳам кам аҳамият касб этмайди.

д) **Маргинал хулқ.** Маргиналлар - бу нормал ҳаёт тарзидан четга чиққан, ҳатто унинг тубидаги инсонлар (бомбжлар, уйсиз дайдилар, гадойлар, хроник алкоголиклар ва наркоманлар, собиқ маҳбуслар, қочоқлар, кўчманчилар ва б.)дир. Уларнинг хулқи кўпинча ҳуқуқий ва ноҳуқуқий хулқ чегарасида бўлади. «Маргинал» лотинчадан таржима қилинганда чекка, чегара, оралик маъноларини англатади.

Бу тоифа кишиларнинг руҳияти нобарқарор (нотинчлик, эртанги кунга ишнчсизлик, аламзадалик, ўта жоҳиллик, ғазабланиш ва б.) бўлади. Тақдири оғир бу инсонлар ҳамма нарсага тайёр бўлади. Яшаш, овқат топиш илинжида улар турли ҳуқуқбузарликлар, жиноятларга қўл урадилар. Муқим жиноий муҳитнинг ўзи уларнинг ҳуқуққа, ахлоққа, бошқа қадриятларга бўлган муносабатини белгилайди.

е) **Нигилистик хулқ.** Нигилизм муайян қоидалар, нормалар, принциплар, қарашлар, қонунлар, ҳаёт тарзига салбий муносабатни билдиради. Бу индивид ижтимоий хулқининг ва дунёни англашнинг шаклларида биридир. У қандай қадриятларни инкор қилиши ва қайси соҳада намоён бўлишига қараб турлича: ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий, диний бўлиши мумкин.

Нигилистик кайфиятдаги кишиларнинг хулқи ўз хусусиятларига эга (скептицизм, шубҳаланиш, норозилик, экстремизм, радикализм ва б.). Бунда нигилистларнинг ўзлари қоида бўйича биронта ижобий дастурлар ва уларни амалга ошириш методларини илгари сурмайдилар. Уларнинг ҳаракатлари кўпинча рухсат берилган ва ман этилганлик чегарасида бўлади. Улар қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишни «эскича» деб ҳисоблайдилар, максимализмга, оширилган талабларга мойил бўладилар. Юридик фан хулқнинг бу типини эътиборга олиши керак.

2. Ҳуқуқбузарлик: тушунчаси, асосий белгилари, турлари.

Ҳуқуқбузарлик - бу давлат, жамият ва фуқаролар манфаатларига зарар етказувчи ақли расо шахснинг ҳуқуққа зид, айбли, жазога лойиқ, ижтимоий хавфли қилмишидир. Қилмиш ҳаракат ва ҳаракатсизлик кўринишида бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг белгилари:

- 1) қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);
- 2) айбнинг мавжудлиги;
- 3) ҳуқуққа зидлиги;
- 4) зарарли оқибати;
- 5) қилмиш билан зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 6) юридик жавобгарлик белгиланиши.

Ҳаракат субъект хулқининг фаоллиги билан фарқланади (ўғирлик, безорилик, талончилик, қотиллик, тан жароҳатини теказиш ва ҳ.). Ҳаракатсизлик, аксинча, субъект хулқининг суствлиги билан характерланади: мансабдор шахс томонидан хизмат вазифаларини бажармаслик (совуққонлик), бирорта объектни қўриқлаётган қўриқчи ёки қоровулнинг хизматда ухлаб қолиши, инсонни ҳаёти учун хавфли аҳволда қолдириш, унга ёрдам кўрсатмаслик, солиқни тўламаслик, судга келмаслик ва ҳ. Шахснинг қонун бўйича қилиши лозим бўлган ҳаракат, лекин шуни бажармаслигидан иборат.

Ҳуқуққа зид хулқ ҳуқуқий хулқнинг аксидир. У ҳар қандай демократик давлатда кураш олиб бориладиган иллатдир.

Ҳуқуқбузарлик билан етказиладиган зарар ёки зиён жисмоний, ахлоқий, моддий, шахсий, ташкилий, шунингдек, кўп миқдорда ва кам аҳамиятли, тикланувчи ва тикланмайдиган, ўлчанадиган ва ўлчанмайдиган бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуққа зид ҳаракат ҳам ҳуқуқбузарлик саналмайди, у индивид эркин иродасининг натижаси, яъни анланган ва, демак, айбли бўлиши лозим. Масалан, боланинг, руҳий касал ёки муомала лаёқатсиз шахснинг ҳуқуққа зид ҳаракати юридик жавобгарликни келтириб чиқарувчи ҳуқуқбузарлик саналмайди.

Қонунда яна шундай ҳолатлар назарда тутилганки, бунда у ёки бу ҳаракат биронта ҳуқуқбузарлик белгиларига эга бўлса ҳам, у маълум шарт-шароитлар таъсирида ҳуқуққа зид саналмайди (кам аҳамиятлилиқ, зарурий муодофаа, охириги зарурат ва ҳ.)

Ҳуқуқбузарликнинг қатор мажбурий белгилари унинг таркибини ташкил қилади. Ҳуқуқбузарликнинг таркибини аниқлаш

содир этилган қилмишнинг юридик квалификацияси бўлиб, у ҳуқуқ нуқтаи назаридан шахс тақдирига бевосита дахлдор бўлган ўта муҳим мантиқий операция ҳисобланади.

Жиноятнинг юридик таркиби:

- 1) ҳуқуқбузарлик объекти;
- 2) ҳуқуқбузарлик субъекти;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг объектив томони;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони.

Ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлиги шахсни юридик жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Бу тушунчада бир белгисининг йўқлиги тўлиқ таркибни бермайди, бунда жиноят ишини қўзғатиш ва шахсни жавобгарликка тортиш учун қонуний асос мавжуд бўлмайди. Баъзи ишлар айнан жиноят таркибининг йўқлиги сабабли тугатилади.

Ҳуқуқбузарлик объекти - бу ҳуқуқбузар тажовуз қилаётган, бевосита зарар етказаётган нарсадир. Умумий ва махсус ёки конкрет объектлар фарқланади. Умумий объект сифатида ҳуқуқий тартибот, давлат ва жамият манфаатлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум, ижтимоий муносабатлар бўлиши мумкин. Махсус объект – бу конкрет неъматлар, қадриятлардир (инсон ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, шаъни, мулки, хавфсизлиги ва б.). Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳам умумий, ҳам конкрет объектга путур етказади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиб ҳуқуқбузарликни содир этган ҳуқуқ ва деликт лаёқатли жисмоний ва юридик шахс ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқида эса фақат жисмоний шахс ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланади. Кичик ёшдаги болалар ва руҳий касал шахслар деликт лаёқатли бўлмаганликлари сабабли ҳуқуқбузарлик субъектлари бўла олмайдилар. Шу қоида ақли норасоларга ҳам тааллуқли. Чет эл фуқаролари ҳам баъзи жиноятларнинг субъектлари бўла олмайдилар (давлатга хоинлик, армияда хизмат қилишдан бош тортиш, дезертирлик ва б.).

Индивид ўз қилмишларининг ижтимоий аҳамияти ва оқибатларини 16 ёшдан бошлаб англай олишлиги умумий қоида деб қаралади. Ва алоҳида ҳолларда қилмишнинг ҳуқуққа яққол хилофлиги мавжуд бўлганда 14 ёшдан бошлаб вояга етмаган шахс ҳам ўз ҳаракатлари учун жавобгар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – бу унинг ташқи белгиларининг мажмуидир, улар нима, қаерда, қачон, қандай юз берди каби саволларга жавоб беради. Булар қуйидаги элементлардир:

а) реал иродавий ҳаракат ёки ҳаркатсизлик;
б) ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ҳуқуққа зидлиги;
в) зарарли оқибат, ижтимоий хавфлилик;
г) қилмиш ва юзага келган зарарли оқибат ўртасида тўғридан-тўғри сабаб-оқибатли алоқадорлик.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини тўлиқ тавсифлаш учун баъзи бошқа факультатив (қўшимча) белгилар ва шартлар ҳам эътиборга олинади: қилмиш содир этилган жой, вақти, усуллари; якка ёки гуруҳ томонидан, қурол ёки бошқа техник воситаларни ишлатиш билан содир қилиниши; систематик, такроран, алоҳида ваҳшийлик билан содир этилиши ва ҳ.

Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони деганда субъектнинг ўз ҳаракатларига ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати тушунилади. Бунда жиноятни режалаштиришда ва амалга оширишда ҳуқуқбузар роя этган мақсадлар, мотивлар, кўрсатмалар назарда тутилади. Субъектив томонга яна аввалдан тил бириктириш, кучли руҳий ҳаяжонланиш, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворни ҳам киритадилар. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қуйидаги саволларни назарда тутаяди: субъект ўз қилмишларига қандай қарайди, уни шундай иш тутишига нима ундади ?

Булар «айб», «айблилик» тушунчаларида ифодаланади. Айб икки шаклда намоён бўлади:

1) қасд;

2) эҳтиётсизлик.

Ўз навбатида қасд тўғри ва эгри (эвентуаль) турларга бўлинади.

Эҳтиётсизликнинг ўзи ҳам 2 турга бўлинади:

1) жиноий ўз-ўзига ортиқча ишониш, енгилтаклик;

2) жиноий бепарволик ёки лоқайдлик (совуққонлик).

Тўғри қасдда субъект ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфли эканлигини тушунади, хавфли оқибатларни юзага келиши мумкинлигини ёки муқаррарлигини олдиндан кўра билади ва шуни истаган тарзда иш тутаяди.

Эгри қасдда субъект ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди, хавфли оқибатларни юзага келиши мумкинлигини олдиндан кўра билади, бироқ бундай оқибатларга онгли равишда йўл қўяди ёки уларга нисбатан бефарқ бўлади.

Ўз-ўзига ортиқча ишониш (енгилтаклик)да шахс ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра билади, бироқ уларни олдини олишга етарли асосларсиз ўз-ўзига

ишониб енгил ҳаракат қилади. Масалан, ҳайдовчи техник носоз машинада рейсга чиқади, автойўл ҳодисаси бўлишини олдини оламан деб енгил фикр қилади, шунга қарамасдан йўл ҳодисаси содир бўлади.

Бепарволик(лоқайдлик)да шахс ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфли оқибатларини юзага келиши мумкинлигини кўра олмайди, бироқ уларни олдиндан кўра олиши лозим ва мумкин бўлади. Масалан, ҳайдовчи рейсга чикмасдан олдин автомобилнинг техник ҳолатини текширмаган, машина техник носоз бўлган ва натижада йўл ҳодисаси содир бўлган. Бундай бўлмаслиги учун ҳайдовчи ўз мажбуриятларига масъулият билан қараши лозим бўлган - машинанинг техник ҳолатини текшириши ва носозликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиши лозим бўлган.

Ҳуқуқбузарлик турлари. Барча ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилик даражасига қараб 2 турга бўлинади: **қилмиш** (ножўя иш) ва **жиноятлар**.

Ҳуқуқбузарликнинг энг хавфли тури бу **жиноятлар** бўлиб, у ножўя ишлардан **ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги** билан фарқланади, шахс, давлат, жамиятга энг кўп хавфли бўлиб, жиддий зарар етказади, ЖК назарда тутилади, уларни содир этганлик учун энг қаттиқ жиноий жазо чоралари қўлланилади. **Ножўя ишлар** - бу ўз характери ва оқибатларига кўра **ижтимоий хавфлилик даражаси нисбатан кам** бўлган ва жамиятдаги ҳуқуқий тартибнинг алоҳида томонларига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликдир.

Ножўя ишларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- 1) фуқаровий;
- 2) маъмурий;
- 3) интизомий;
- 4) моддий;
- 5) процессуал.

Фуқаровий ножўя иш (деликт)лар деганда ташкилот ва шахснинг мулкига ёки шахсига ҳуқуққа зид ҳаракатлар билан зарар етказиш; шартнома мажбуриятларини бажармаслик, мулк эгасининг ҳуқуқларини бузиш, ҳуқуққа хилоф битимни тузиш кабилар тушунилиб, улар мулкӣ ва номулкий муносабатлар соҳасида содир этилади. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун санкциялар - моддий ёки маънавий зарарни қоплаш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, субъект зиммасидаги мажбуриятни ижро қилиш, қарзни мажбурий ундириш ва ҳ.

Маъмурий ножўя ишлар деганда жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот, бошқарув тизими, экологик объектлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар, санитария ва гигиена талаблари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, транспортдан фойдаланиш қоидаларини муҳофаза қилувчи маъмурий ҳуқуқ нормаларини бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тушунилади. Бунда жазо чоралари: огоҳлантириш, жарима, махсус ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, маъмурий қамок (15 сутка) ва б.

Интизомий ножўя ишлар асосан хизмат муносабатлари соҳасида юз бериб, ишлаб чиқариш, ҳарбий, ўқув, молиявий интизомни, ташкилотдаги ички меҳнат тартиби қоидаларини бузилишида намоён бўлади. Жазо чоралари: ҳайфсан, лавозимни пасайтириш, мукофотдан маҳрум қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ва ҳ.

Моддий ножўя ишлар - бу ишчи ва хизматчилар томонидан ўз ташкилот ва корхоналарига моддий зарар етказилишидир. Асосан ҳуқуқни тикловчи санкциялар қўлланилади: маошнинг бир қисмини ушлаб қолиш, зарарни қоплаш мажбурияти, бузилган буюмнинг қийматини тиклаш ва ҳ.

Процессуал ножўя ишлар - бу суд мажлисига ёки терговчи ҳузурига сўроққа келмаслик, далилий ашёни ихтиёрий беришдан бош тортиш ва ҳ. Санкцияси - манфаатдор мансабдор шахс ёки орган ҳузурига чақирув қоғози бўйича мажбурий келтириш.

3.Юридик жавобгарлик: тушунчаси, хусусиятлари, турлари.

Юридик жавобгарлик - бу индивид ижтимоий жавобгарлигининг бир тури бўлиб, унинг асосий хусусияти шундаки, у давлатнинг мажбурлов аппаратига таянувчи юридик нормалар, қонунларни бузилиши билан боғлиқдир. Бу куч ишлатишга суянувчи жавобгарликнинг ҳокимий-императив шаклидир. Бу ерда ҳамиша жазоловчи, тарбияловчи ва огоҳлантирувчи (превентив) жиҳатлар мавжуд.

Юридик жавобгарлик - ижтимоий жавобгарликнинг энг қатъий ва аниқ расмийлашган туридир. Ҳуқуқбузарлик, айниқса, жиноятлар учун жавобгарлик, қоида бўйича олдиндан белгилаб қўйилади ва жамиятга маълум қилинган бўлади. Инсон у ёки бу қонундан четга чиқиш, у ёки бу ҳуқуқ нормасини бузиш қандай хавф туғдиришини билади. Ижтимоий жавобгарликнинг бошқа турларида бу нарсa йўқ.

Юридик жавобгарлик мураккаб ва кўп қиррали тушунча бўлганлиги сабабли илмий юридик адабиётда унга турли таърифлар берилган.

Юридик жавобгарлик - бу ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида айбдор шахсга давлат таъсир чораларини қўллаш ва муайян салбий оқибатларни тайинлаш зарурияти бўлиб, бунда шахс муайян неъмат(шахсий, мулкӣ, ташкилий ва б. ҳуқуқ)лардан маҳрум этилади.

Юридик жавобгарлик - бу давлатнинг ҳуқуқбузарликка нисбатан муносабат билдириши, қонунда белгиланган санкцияларни амалга ошириш усулидир. Жавобгарликка тортиш – бу ҳуқуқни амалга ошириш шаклларида бири, айнан қўллашдир, чунки бунда қонун чиқарувчи назарда тутган мақсад рўёбга чиқади. Ҳуқуқий норма ҳаётга жорий қилинади, ўзининг мантиқий якунига етади. Юридик жавобгарликнинг асоси бу ҳуқуқбузарликни, жиноятни содир этишдир.

Амалӣ жиҳатдан юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун моддий, ахлоқӣ, шахсий, ташкилий, жисмонӣ характердаги нохуш(салбий) оқибатларнинг (озодликдан маҳрум қилиш, чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима, қамоқ, муайян лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш) юзага келишида намоён бўлади.

Бунда жавобгарлик ва жазо тушунчалари ўзаро боғлиқ, бироқ айнан бўлмаган тушунчалар эканлигига эътибор бериш керак. Суд жазодан озод этиши мумкин, жавобгарлик эса ҳуқуқӣ ҳолат сифатида мавжуд бўлади. Бундан ташқари, жазо шартли бўлиши мумкин, қонун, жамият, давлат олдида жавобгар бўлган субъект озодликда қолиши мумкин. Шунингдек, авф этиш институти ҳам мавжуд, бунда инсон жазони кейинги ўташликдан озод этилади. Бироқ, жавобгарлик мазмун-моҳиятига кўра олиб ташланмайди.

Юридик жавобгарликнинг хусусиятлари:

- 1) давлат томонидан ҳуқуқӣ нормаларда ўрнатилади, яъни амалдаги қонунчилик билан назарда тутилади;
- 2) давлат мажбурловига таянади;
- 3) махсус ваколатли органлар томонидан қўлланилади;
- 4) ҳуқуқбузар учун муайян салбий оқибатларни келтириб чиқаради;
- 5) ҳуқуқӣ норма санкциясини қўллаш шакли ҳисобланади;
- 6) процессуал шаклда юкланади;

7) фақат содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юзага келади;

8) ҳуқуқбузар давлат номидан жазоланади.

Ушбу хусусиятларни бир қатор саволлардан иборат ўзига хос формула орқали ифодалаш мумкин: Ким жавоб беради? Нима учун? қандай? Кимнинг олдида? Нима асосида жавоб беради?

Юридик жавобгарлик ўз табиатига кўра бир хил эмас, шу сабабли у тармоқларга қараб асосий турларга бўлинади:

- 1) жиной жавобгарлик;
- 2) фуқаровий жавобгарлик;
- 3) маъмурий жавобгарлик;
- 4) интизомий жавобгарлик;
- 5) моддий жавобгарлик;
- 6) процессуал жавобгарлик;
- 7) конституциявий жавобгарлик.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқ нормаси асосида ҳуқуқ қўлловчи органнинг қарори асосида вужудга келади.

Юридик жавобгарликнинг фактик асоси бўлиб ҳуқуқбузарликнинг ўзи ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг барча таркибий элементлари мавжуд бўлгандагина, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин.

Айни пайтда ҳуқуқбузарликнинг ўзи ўз-ўзидан, автоматик равишда жавобгарликка олиб келмайди, балки жавобгарлик учун асос бўлиб хизмат қилади. Зеро, юридик жавобгарликнинг реал амалга ошиши учун ҳуқуқ қўллаш акти, яъни ваколатли органнинг қарори зарур бўлади. Бу қарорда конкрет шахсга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг ҳажми ва шакли белгиланади, масалан, суд ҳукми, вазир буйруғи ва б. бўлиши мумкин.

Юридик жавобгарликнинг юзага келиш жараёнини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

Жиной жавобгарликдан озод қилиш учун асослар ЖКда кўрсатилади: қилмишнинг ижтимоий хавфини йўқлиги, ҳолатлар ўзгариши аниқланса, вояга етмаганларни кафилликка бериш ва б.

Жиной жавобгарлик - энг қаттиқ жавобгарлик тури бўлиб, уни содир этганлик учун жавобгарлик фақат қонун орқали белгиланади.

Жиноятлар рўйхати ЖКда белгиланади, Жиной жавобгарликка тортиш тартиби ЖПКда мустаҳкамланади. Жиной жавобгарликка тортишга фақат бирдан-бир орган - суд ҳақли ҳисобланади. Жиной жазо чоралари - энг қаттиқ давлат мажбурлови ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик - МЖКда белгиланган ҳаракатни содир этганлик учун вужудга келади. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий актларда ҳам бундай жавобгарлик ўрнатилиши мумкин. Маъмурий ишлар давлат органлари ва судлар томонидан кўрилади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик - мулкӣ характердаги шартномавий муносабатларни бузганлик ёки фуқаролик-ҳуқуқий деликт содир этганлик учун вужудга келади. Бу жавобгарликнинг моҳияти - шахсни салбий мулкӣ оқибатларга дучор қилишдир. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий принципи - зарарни тўла ҳажмда қоплаш.

Интизомий жавобгарлик - интизомий ножўя ҳаракат содир этганлик учун вужудга келади. Бунда бевосита ман этилган норма бузилмай, балки ижобий қоида, яъни ходимнинг меҳнат мажбуриятини белгиловчи норма бузилади.

Интизомий жавобгарликнинг уч тури мавжуд:

1. Ички меҳнат тартиби қоидалари асосида;
2. Бўйсунуш тартиби асосида;
3. Интизомий Устав ва Низомлар асосида.

Илмий адабиётда юридик жавобгарликнинг бошқа яна конституциявий ва экологик турлари мавжудлиги асослантирилади.

Конституциявий жавобгарликдан бошқа жавобгарликнинг барча турлари анъанавий ҳисобланади. Конституциявий жавобгарлик ривожланган давлатларда Парламентнинг тарқатилиши, ҳукуматнинг истеъфога кетиши ва б.ни тушуниш мумкин. Бу жавобгарликни яна сиёсий-ҳуқуқий жавобгарлик деб ҳам аташади.

Адабиётда ва матбуотда ҳокимият олий органларининг конституциявий жавобгарлиги ҳақида махсус қонун қабул қилиниши ҳақида масала кўтарилмоқда: инсонлар, мамлакат тақдири билан боғлиқ оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган қарорларнинг қабул қилиниши, ўз хизмат бурчларини лозим даражада бажармаслик, суистеъмолликларга йўл қўйиш (давлатнинг парчаланиб кетиши, унинг яхлитлигини бузилиши, аҳолини жамғармалардан маҳрум қилиш, маошлар ва нафақаларни тўламаслик, урушлар, инсонларни оммавий қурбон бўлишига йўл қўйиш ва ҳ.).

3. Юридик жавобгарликнинг икки жиҳати.

Ҳозирги замон фани учун жавобгарликнинг 2 хил маънода: **негатив(ретроспектив)** ва **позитив(перспектив)** жиҳатдан тушуниш

хос. Ҳуқуқий тизимнинг нормал амал қилиши ва шахс хулқини амалга ошириш учун иккала жиҳат ҳам муҳим.

Ретроспектив жавобгарлик шахснинг содир этган ҳуқуқбўзарлиги учун белгиланиб, у аввалдан юридик фан томонидан атрофлича ишлаб чиқилган ва барча мамлакатлар қонунчилиги билан батафсил тартибга солинган. Бу давлат, ҳуқуқ, қонун, жиноятчилик пайдо бўлган вақтдан бери мавжуд жавобгарликнинг классик туридир.

Жавобгарликнинг позитив жиҳати фақат сўнгги ўн йилликда олимлар эътиборини тортмоқда. Позитив жавобгарлик деганда ўз бурчларини лозим даражада бажарганлик, юкланган иш учун жавобгарлик, инсофли хулқ учун жавобгарликни; жамият, давлат, жамоатчилик, оила, атрофдагилар олдидаги жавобгарликдир.

Бу ахлоқий-ҳуқуқий бурч, фуқаролик позицияси, ривожланган ҳуқуқий онг ҳиссидир. Ижобий жавобгарлик - бу ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик ўлчовидир. У субъектнинг реал ижтимоий-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқади, шу сабабли статус жавобгарлиги деб аташ мумкин. Фуқаронинг умумий юридик мақоми Конституция ва бошқа муҳим қонунларда мустаҳкамланиб, у шахснинг жамият олдидаги, бошқа кишилар олдидаги жавобгарлиги ҳақидаги қоидалар билан белгиланган.

Тўла ҳажмдаги жавобгарлик - бу ўтмишда, ҳозирда ва келгусидаги хатти-ҳаракат учун жавобгарликдир, у турли жиҳатлардан ўрганилиши керак. Позитив жавобгарликнинг зарурлиги, ҳуқуққа мослиги, ахлоқий-ҳуқуқий характерини асослаш, унинг жамият ҳуқуқий тизимида тутган ўрни ва ролини аниқлаш муҳим.

Позитив жавобгарлик негатив жавобгарлик каби субъект учун муайян салбий оқибатларни келтириши мумкин. Масалан, давлат хизматчиси аттестациядан ўтмаслиги мумкин ва бундан муайян ташкилий хулосалар қилинади (хизматга яроқсизлик, лавозимдан четлатиш ва ҳ.), бунда инсон бирорта конкрет ҳуқуқбузарлик содир этмасада - у шунчаки ўз бурчларига, юкланган ишга масъулият билан, жиддий ёндашмаганлиги боис жазоланади. Худди шунингдек, раҳбар ишидаги камчиликлари ва нўноқлиги туфайли жамоанинг ишончини йўқотиши ва ишдан кетишга мажбур бўлиши, ўқишга масъулиятсиз қараган талабанинг ўзлаштирмаганлиги учун талабаликдан чиқарилиши мисол бўла олади.

Негатив жавобгарликдан фарқ қилиб, позитив жавобгарлик вақтинчалик ва мажбурий эмас, балки доимий, ихтиёрий ва шахсни

ўзининг лозим даражадаги хулқи учун чуқур анланган жавобгарлигидир. У нафақат субъектнинг ўз ҳаракатлари устидан контролини, шунингдек, жамият, давлат томонидан бўладиган назоратга ижобий муносабатни ҳам тақозо этади.

Позитив жавобгарлик негатив жавобгарликдан олдин мавжуд бўлади.

Жамиятда жавобгарликнинг бу икки тури узвий ўзаро боғлиқ, чунки улар шахс ягона ижтимоий жавобгарлигининг турли жиҳатлари сифатида намоён бўладилар ва жамиятда қонунийлик, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамланишида, ҳуқуқий давлатчиликни қарор топишида муҳим рол ўйнайди. Позитив жавобгарлик даражаси қанча юқори бўлса, негатив жавобгарликка тортилиш ҳоллари шунча кам бўлади. Уларни бир-бирига қарши қўйиб бўлмайди, улар бир-бирини тўлдиради ва мустаҳкамлайди. Бироқ, умумий ривожланиш йўналиши негатив жавобгарликдан позитив жавобгарликка томон юз беради.

4.Юридик жавобгарлик мақсадлари, функциялари ва тамойиллари. Айбсизлик презумпцияси.

Юридик жавобгарликнинг мақсади умумий кўринишда - бу конституциявий тузум, ҳуқуқий тартибот, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кўриқлаш, тор маънода эса, - бу ҳуқуқбузарни жазолаш, жамиятнинг қолган аъзоларини бўлиши мумкин бўлган ҳуқуққа зид ҳаракатлар ва уларнинг оқибатларидан сақлашдир.

У индивидни ҳуқуқ, қонун, интизомга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялайди.

Юридик жавобгарлик институтининг мавжудлиги - бу жамиятнинг турли жиной элементлар тажовузидан ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулидир.

Юридик жавобгарликнинг мақсадлари унинг функцияларида кўринади:

- 1)қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни кўриқлаш ва мустаҳкамлаш (асосий функцияси);
- 2) жазоловчи функция;
- 3) жаримавий функция;
- 4) огоҳлантирувчи(превентив) функция;
- 5) тарбиявий функция;
- 6) компенсациявий(ҳуқуқни тиклаш) функция.

Юридик жавобгарликнинг асосий принциплари:

1) **қонунийлик принципи.** Юридик жавобгарлик фақат ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган асосларда ва ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2) **Асослантирилганлик принципи.** Жавобгарлик ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқади. Бунда ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари ва белгилари ҳамда зарур далиллар бўлиши даркор, булар бўлмаса шахсни жавобгарликка тортиш асоси ҳам бўлмайди.

3) **Жазонинг муқаррарлиги принципи.** Бирорта ҳуқуқбузарлик ёки жиноят жазосиз қолмаслиги керак: жазонинг қаттиқлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги муҳим; барча ҳуқуққа зид ҳаракатлар очилиши, айбдорлар жавобгарликка тортилишлари лозим.

4) **Адолатлилик принципи.** Жазо тури ва чораси ҳуқуқбузарликнинг оғирлигига, ҳолатларига ва айбдорнинг шахсига мос келиши, бир ҳуқуқбузарлик учун икки марта жавобгарликнинг истисно қилиниши; барчанинг қонун ва одил судлов олдида тенглигини назарда тутади.

5) **Инсонпарварлик принципи** - жазолаш жисмоний азобларни, айбдорнинг инсоний қадриятларини таҳқирлашни назарда тутмаслиги керак; у енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарлик мотивларини ҳисобга олиши керак; шартли ҳукм қилиш, ҳукм ижросини кечиктириш имкониятини назарда тутади.

6) **Айбсизлик презумпцияси** - ҳар бир фуқаро унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунга қадар айбсиз деб саналади.

Ривожланган ҳуқуқий тизимга эга ҳар қандай демократик давлатда айбсизлик презумпцияси амал қилади, бунга кўра ҳар бир фуқаро унинг айбдорлиги қонуний тартибда ўрнатилмагунгача ва суд ҳукми билан тасдиқланмагунга қадар софдил, интизомли ҳисобланади. Бунда айблиликни исботлаш вазифаси шахсни айблаётганлар зиммасида бўлади, айбланувчининг ўзи ўзининг айбсизлигини исботлаш мажбуриятига эга эмас.

Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси - шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (26-моддаси)да айбсизлик презумпцияси ифодаланган: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб

чиқилиб, унинг айби аниқланмагунга қадар у айбдор ҳисобланмайди».

5. Хатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлиги ва юридик жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар.

Юридик жавобгарлик ва ножўя ишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар:

1) ақли норасолик;

2) зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар етказувчига зарурий мудофаа доирасида қаршилик кўрсатиш ёки зарар етказиш);

3) охириги зарурат (шахс, жамият, давлат манфаатларига хавф бўлганда бу хавфнинг олдини олишга қаратилган чоралар доирасидаги ҳаракатлар);

4) ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарлик содир этилганда;

5) буйруқ ёки фармойишни бажариш ва ҳ.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳуқуқга мос ҳуқ тушунчаси ва турлари
2. Ҳуқуқбузарлик тушунчаси
3. Ҳуқуқбузарликнинг турлари
4. Юридик жавобгарлик ва унинг асослари, мақсади
5. Юридик жавобгарлик функциялари
6. Юридик жавобгарлик турлари
7. Юридик жавобгарлик ва айбсизлик презумпцияси
8. Юридик жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар

12-МАВЗУ: ҲУҚУҚ САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

РЕЖА:

1. Ҳуқуқ самарадорлиги тушунчаси ва унинг мазмуни
2. Ҳозирги замон шароитида ҳуқуқнинг самарадорлигини ўрганиш услублари
3. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми самарадорлиги масалалари
4. Ўзбекистонда қонунчилик самарадорлигини ошириш муаммолари

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ. 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002.. 76 б.
4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
5. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабр.
7. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. С.
8. Исламов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма.Т.:ТДЮИ нашри.2004.139 б.
9. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.:ТДЮИ нашри. 2005. 188 б.
10. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси.Қисқача ўқув қўлланма. Мас. муҳ. Ю.ф.д.,проф. А.Х.Саидов. Т.:Адолат. 2003. 280 б.
11. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
12. Проблемы теории государства и право: Учебное пособие. Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.

13. .С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.
14. Алексеев С.С. Право. Азбука, теория философия. М: Статут. 1999.-810 с.
15. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.
16. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М., «Новый юрист»-1999.240 с.
17. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О. 1-китоб. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар.Т.:ТДҶОИ нашри.2005. 316 б.
18. Рустамбоев М.Ҳ.Абдухолиқов С.О.Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб. Т.: ТДҶОИ нашри.2005. 404 б.

1.Ҳуқуқ самарадорлиги тушунчаси ва унинг мазмуни.

Боши институт комп.да ол.к-ш керак.

Кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичида вужудга келган ҳуқуқ ўша даврдан бошлаб жамият ҳаётида позитив роль ўйнаб келмоқда. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш орқали унда барқарорлик ва ижтимоий адолат ўрнатишга хизмат қилади. Ҳуқуқнинг ўз олдига қўйган вазифаларни тўла уддалаши қатор ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳаракатига боғлиқ эканлиги маълум. Шу боис ҳам ҳуқуқнинг самарадорлиги муаммоси бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади.

Шу ўринда ҳуқуқнинг самарадорлиги тушунчаси нима, уни қандай белгилаш мумкин, деган саволлар кўндаланг бўлади.

Ҳуқуқнинг самарадорлиги ҳуқуқ ҳаракатининг натижасини англатади, ҳуқуқнинг жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал эта олиш қодилятини, лаёқатни англатади. Ҳуқуқ самарадорлиги тушунчаси илмий адабиётда «ҳуқуқ нормасининг мақсади билан унинг ҳаракати ўртасидаги нисбат»сифатида эътироф этилади.

Ҳар бир давлатда ҳаракатда бўлган қонунчилик тизимининг самарадорлиги ушбу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ахлоқий омиллар билан белгиланадиган вазиятга боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқ самарадорлиги кенг ва серқиррали тушунча бўлиб, унинг таркибий қисмлари сирасига қуйидагиларни киртиш мумкин:

- мавжуд қонунчиликнинг сифат жиҳати;
- ҳуқуқ қўллаш фаолиятининг самарадорлиги;
- ҳуқуқ қўлловчининг ҳуқуқий онги даражаси;
- аҳолининг ҳуқуқий онгги даражаси.

Таъкидлаш жоизки, совет даври фанида ҳуқуқнинг самарадорлиги масаласига ўзига хос ёндашув мавжуд бўлган. Қонунчилик самарадорлиги назарияси ҳуқуқга ўша пайтда кенг тарқалган «жамиятни бошқариш воситаси» сифатида қарашга асосланган. Ушбу назария таъсири остида ёзилган «Эффективность правовъх норм» (М.:1980). номли монографияда ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлиги «бу нормалар ҳаракатининг фактик натижаси билан мазкур нормалар қабул қилинишига олиб келган мақсадлар ўртасидаги нисбат» сифатида эътироф этилган. Россиялик ҳуқуқ профессори В.В Лапаеванинг фикрича, ҳуқуқ самарадорлигини бундай таърифлаш унчалик ҳуқуқий маънога эга эмас, чунки у самарадорликни у ёки бу ҳаракат мақсади ва натижаси ўртасидаги нисбат сифатида талқин этадиган умумий тушунчага ҳеч нарса қўшмайди. Мазкур тушунчанинг ҳуқуқий мазмуни ҳуқуқий нормалар мақсади деганда нимани тушуниш билан боғлиқ бўлади¹.

Албатта ҳуқуқ самарадорлигини бундай тушуниш ўша давр хусусиятлари билан изоҳланади ва бугунги кундаги норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг типига унчалик мос келмайди. Ҳозирги замон ёндашувида норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг янги типига кўра қонун яратиш турли ижтимоий манфаатларнинг мувофиқлиги сифатида тушунишга асосланиб, бунда муайян манфаатларни амалга ошириш эркинлиги бошқаларнинг эркинлигига дахл қилмаслиги керак. Шу муносабат билан қонун яратиш моҳиятини белгиловчи ҳуқуқни ташкил этувчи манфаатларни аниқлаш ва ҳисобга олиш муҳим масаладир.

Ҳуқуқ ташкил этувчи манфаат бу алоҳида шахснинг ёки муайян бир ижтимоий қатламнинг у ёки бу манфаатлари бўлмасдан, балки жамиятда мавжуд турли ижтимоий қатламларнинг турлича манфаатларнинг оқилона уйғунлашган ифодаси моделидир. Бундай уйғунлашган манфаат қонун чиқарувчи учун муайян муносабатларни тартибга солишнинг аниқ бир формуласи ва концепцияси бўлмоғи лозим.

¹ 12- мавзу қуйидаги манба асосида тайёрланган: «Проблемы теории права и государства». М.: 1999. Норма – Инфра М. 832.

Ҳолбуки, ҳар қандай қонун чиқарувчи муайян ижтимоий муаммони қонуний тартибга солишда жамиятда мавжуд турли қатламлар ижтимоий манфаатларининг кесишмаси марказида туради, тегишлича ҳар бир манфаат ўзининг қонуний ҳал этилишини талаб қилади. Шундай вазиятда қонун чиқарувчи муайян бир қатлам манфаатларига урғу бермасдан, балки бутун аҳолининг умумлашган ва уйғунлашган манфаати ифодачиси сифатида ҳаракат қилиши, ёндошиши керак.

Шу ўринда қонун яратиш жараёнида жамиятдаги турли қатламлар ва гуруҳлар манфаатлари уйғунлашувининг қонуний ифодасини топиш долзарбдир. Зеро бир гуруҳ ёки қатлам манфаатига дахл қилган ҳолда топилган қонунчилик ечими жамиятда ижтимоий тотувликни таъминлашга халақит қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида мустаҳкамланганидек, «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

2. Ҳозирги замон шароитида ҳуқуқнинг самарадорлигини ўрганиш услублари

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ самарадорлигини ўрганиш юзасидан муайян тажриба тўпланган бўлиб, унинг муҳим бир йўналиши сифатида экспериментал анализ –тажрибавий таҳлил усуллари тизимини эътироф этиш мумкин. Бунда «экс-пост-факто» методини алоҳида кўрсатиш лозим. Ушбу методда табиий тарзда таркиб топган муайян бир вазият олиниб, у бу бўлиб ўтган ҳодиса, воқеа худди экспериментал омилни ҳаракатга киритиши сифатида талқин этилади. Қонунчилик самарадорлигини тадқиқ этишнинг услуби сифатида «экс-пост-факто» муайян ижтимоий муносабатлари маълум бир вақт давомида ҳуқуқий тартибга солишнинг турли усулларида фойдаланиб келинган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Бундай ҳолатлар вужудга келишига сабаб бўладиган шарт-шароитларга мисол қилиб, қуйидагиларни келтириш мумкин:

- муайян муносабатларни тартибга солиш ўзгаргани ҳолда, бироқ тартибга солишнинг объектида айтарли ўзгаришлар бўлмаган ҳолатлар

Бу ҳолда ҳуқуқ самарадорлигини таҳлил этувчи тадқиқотчилар олдида янги ҳуқуқ нормасини киритгунча ва ундан кейин бўлган ҳолатни қиёслаш ўрганиш имконияти очилади.

- Ўхшаш ижтимоий муносабатлар турли ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади, бу ҳолда амалда учраб турадиган ҳуқуқий тартибга солишдаги фарқлар тартибга солиш объектидаги фарқлар билан белгиланмайди. Бу ҳолда эса параллел эксперимент услубиётидан фойдаланиш мумкин.

Параллел экспериментга мисол тариқасида икки корхона олиниб, уларнинг бирида янги норма, қоида асосида маҳсулот сифатини оширишнинг янги бир усули қўлланилиши, бошқасида эса қўлланилмаслиги, тажриба охирида унинг натижалари солиштирилишини келтириш мумкин.

Мабода, маҳсулот сифатини оширишга доир янги қоидаларн, нормалар жорий этилган корхонада маҳсулот сифати ошишига эришилса, буни мазкур нормалар самарадорлиги билан айнан тенглаштириб ҳам бўлмайди. Зеро, маҳсулот сифатининг ортиши -бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг мақсади бўлмай, балки унинг натижасидир. Айни пайтда, маҳсулот сифатининг ошиши - ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар мазкур муносабатларнинг ривожланишини, объектив эҳтиёжларини тўғри ифода этганлиги, бошқача қилиб айтганда, ушбу нормалар «ўз вақтида» ва «ўз ўрнида» эканлиги кўрсатади. Муҳими, мазкур муносабат қатнашчилари манфаатлари мувозанатини ўзида тўғри ифодалаганлигидан далолатдир.

Шундай бўлиши мумкинки, янги нормалар кучга киритилиши натижасида маҳсулот сифати анча кўтарилиши мумкин, бироқ ишчиларнинг кўпчилиги нормаларда мустаҳкамланган талабларга эътироз билдириши мумкин, бу ҳолда мазкур нормаларнинг самарадорлиги тўғрисида ижобий фикр юритиш мумкинми? Ҳуқуқ турли манфаатлар, эҳтиёжларнинг келишилган, мураккаб уйғунлашган ифодаси сифатила ҳаракат қилиши керак. Шу ҳолдагина унинг самарадорлиги ҳақида гап юритиш мумкин бўлади.

Ҳўжалик соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий мақсади, ушбу муносабатлар қатнашчиларига эркин фаолият юритишини, ижтимоий муносабатларнинг эркин ривожланишини таъминлаш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, МДХ давлатлари амалиёти, жумладан, солиқ, божхона, хусусийлаштириш каби масалалардаги қонунчилик нормалари экспериментал анализ ва унинг бир кўриниши бўлган параллел эксперимент «экс-пост-факто» усулидан фойдаланиш учун «озуқа» бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда, МДХ давлатлари

қонунчилигини ўрганиш масаласи билан бир қаторда ўхшаш қонунчиликнинг амалга оширилиши, тадбиқ этилиши амалиётини қиёслаб ўрганиш ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга моликлигини таъкидлаш зарур. Бундай қиёслаш ҳар бир давлатда муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг энг мақсадга мувофиқ вариантини топишга ёрдам бериши мумкин.

Қонунчилик самарадорлиги ўрганишда эксперт баҳолари методологиясидан фойдаланиш ҳам муайян ижобий аҳамиятга эга. Бу услуб ҳуқуқ социологиясида анча ривожланган.

3. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми самарадорлиги масалалари

Ижтимоий муносабатларин ҳуқуқий тартибга солиш қатор юридик воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фойдаланиладиган юридик воситалар мажмуи ҳуқуқий тартибга солиш механизмини англатади. Мазкур юридик воситалар орқали ҳуқуқ амалга ошади. Шу муносабат билан ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади.

А.В.Малько ҳозирги замонда ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини кўтаришнинг қуйидаги йўллари кўрсатиб ўтади:

- ҳуқуқ ижодкорликни такомиллаштириш;
- ҳуқуқ қўллашни такомиллаштириш;
- ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш¹.

Таъкидлаш жоизки, бу йўллар илмий адабиётларда ва ҳуқуқий тартибга солиш амалиётида кенг тарқалган ва умумэътироф этилган. Дарҳақиқат, шундай ҳолатга эришиш керакки, бунда қабул қилинадиган қонунлар ўзида чинакам эҳтиёжларни ифодаласин, айти пайтда бу эҳтиёжлар бир гуруҳ ёки қатламнинг эҳтиёжи эмас, балки жамиятнинг турли гуруҳлари ва қатламларининг умумлашган, мувозанатлашган эҳтиёж- манфаатлари ифодаси бўлсин. Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони, бундай сифатли қонунларда ифодаланган умумий манфаатлар ҳуқуқ қўлловчи томонидан конкрет, аниқ вазият ва ҳолатларда тўғри ва асосли равишда қўлланилишига эришиш жуда муҳим. Бу ҳолда умумийликдан конкретликка ўтиш жараёни содир бўлади.

Бу жараённинг самарадорлиги ҳуқуқ субъектининг ҳамда ҳуқуқ қўлловчининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ

¹ Теория государства и права. Под. ред. проф. Н.И. Матузова и А.В. Малько. М. Юрист. 1997. С.632.

бўлади. Шу боис ҳам жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражаси ҳуқуқий тартибга солиш механизми самарадорлиги даражасини белгиловчи омиллардан муҳими ҳисобланади.

4.Ўзбекистонда қонунчилик самарадорлигини ошириш муаммолари

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳий ўзгаришлар амалга ошира бошлади. Чунки янги демократик тузумга ўтиш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш аввалги тузумдан қолган «мерос» орқали рўёбга чиқариб бўлмас эди. Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳий ўзгаришлар янги қонунчилик тизими асосида содир бўлиши керак эди. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида янги ҳуқуқ тизими шаклланди.

Айни пайтда қабул қилинган қонунларнинг ижроси, уларнинг ижтимоий муносабатлар ривожига ижобий таъсир этиши **даражасини** бугунги кун талаблари даражасига кўтариш долзарб¹.

Янги қабул қилинаётган қонунларда, биринчидан, аҳолининг турмуш эҳтиёжлари ўзининг ифодасини топиши керак, иккинчидан эса, уларни амалга амалга оширишжараёни, яъни қонунларнинг ижросини таъминлашни қаттиқ назорат остига олиш зарур.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, «Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш- бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир айланиб қолмоқда»².

Қонунларнинг самарадорлиги кўп омилларга боғлиқлиги маълум ҳолат. Бироқ, қонунларда турли манфаатлар уйғунлигини таъминлаш ҳамда юридик техника қоидаларига тўла риоя этиш ҳамда қонунларнинг ижроси устидан қаттиқ назоратининг ўрнатилиши алоҳида ўрин тутди.

Икки палатали парламентнинг шаклланиши мана шу масалаларни ижобий ҳал этишга хизмат қилиши шубҳасиз. Сенат томонидан қонунчилик палатаси қабул қилган қатор қонун ва айрим

¹Ўзбекистонда қонун яратиш жараёни муаммоларини ҳал этишга доир масалалар ҳақида қаранг: қонун ҳужжатлари мониторинги:назария ва амалиёт масалалари. Мас. муҳарр. Ф.Ҳ.Отахонов. Т.: 2006. 377б.

² Каримов И.А.Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкалаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи..2006 йил 25 феврал.

қонун нормаларининг маъқулланмай, қайтарилиши мамлакатимизда сифатли қонунлар яратишга қаратилган мураккаб ва масъул жараён кечаётганлигидан далолатдир.

Ҳуқуқ самарадорлигини оширишда қонун ҳужжатларининг мониторинги ва экспертизаси катта аҳамиятга эга.

Маълумки бирон-бир қонун ҳужжати, хусусан қонунни қабул қилиш кўп босқичли ва мураккаб мазмундаги жараён бўлиб, унда кўплаб идоралар, ташкилотлар, мутахассисларнинг иштироки талаб этилади. Қабул қилинган қонунни ҳаётга амалга ошириш эса, ўз навбатида нафақат қатор ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этибгина қолмай, балки давлатнинг жиддий молиявий харажати ҳам тақозо этади. Башарти қонун қабул қилингандан кейин, ундан кутилган натижага эришилмаса, бу ҳолда шунча меҳнат ва харажат бесамар кетган бўлади.

Шу боис, кейинги йилларда давлатимиз томонидан сифатли қонунлар қабул қилинишини таъминлаш борасида жиддий ташкилий-ҳуқуқий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Қонунларнинг сифатли бўлишига эришишнинг ишончли механизмларидан бири - қонун лойиҳаларининг тегишли мутахассис ташкилотлар, идоралар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан батафсил ҳуқуқий экспертиза қилинишидир.

Бу ривожланган давлатлар қонун ижодкорлик жараёнига хос бўлган демократик амалиёт бўлиб, у мамлакатимизда такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «қонун қабул қилинаётганда уларни, албатта, тегишли ташкилотлар экспертизадан ўтказиши даркор. Шундан сўнггина биз, жаҳон андозаларига мос қонун қонун қабул қилдик, дея оламиз»¹.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилишни такомиллаштириш борасида катта бурилиш йили бўлди, десак муболаға қилган бўлмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги Фармони билан «...қонун ижодкорлиги иши сифатини ошириш ва унинг барча босқичларида эксперт баҳолари ролини кучайтириш мақсадида»² шунингдек, Ўзбекистон Парламенти қошидаги шу номдаги институтнинг мақомини аниқлаш заруратидан

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.:Ўзбекистон, 1997.126-б.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 2 апрелдаги Фармони.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 14(150)-сон.100-м.

келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилди.

Мазкур Институтга мамлакатимизда ҳуқуқиждорлик, айниқса қонун иждорлик жараёнини янги бир сифат босқичига кўтаришдек жуда масъул вазифа юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур институтнинг ўтган қисқа вақт давомида олиб борган ишлари, ташкил этаётган турли иждодий тадбирлари ушбу жамоанинг Фармонда кўрсатилган мақсад йўлидан қатъий кетаётганлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қонун яратиш жараёнининг янада демократлашуви, профессионал асосларининг кучайиши ва қонунчилик техникасининг такомиллашуви ушбу институт фаолияти билан боғлиқ. Амалдаги қонун ҳужжатлари устидан мониторинг олиб бориш –Институт фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу вазифа мавжуд ҳуқуқий базани такомиллаштиришнинг йўналишларини аниқлаш, қонунчилик тизимининг ўзаро уйғун ҳолда шаклланиб, ривожланишини, инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормаларга тўла мувофиқлигини таъминлашга қаратилгандир.

Шу мақсадда институт «қонунларда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва қоидалари тўлиқ рўёбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланилиши, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши. комплекслилиги ва уйғунлиги мониторинги»ни амалга оширади.

Айтиш мумкинки, мазкур институт Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, яъни қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий актларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ чиқарилиши ва қабул қилинишига масъул.

Таъкидлаш жоизки, Институт Устави мазмунидан бу жамоа нафақат қонун лойиҳалари, балки барча қонунчилик актлари лойиҳалари юзасидан, уларни тайёрлаш жараёнининг барча босқичларида эксперт баҳолари ва хулосалари бериши англаниланиди¹. Бизнингча Уставдаги «қонун ҳужжатлари лойиҳаси» ибораси бу жойда тор маънода, яъни қонун лойиҳалари маъносида келмоқда, акс ҳолда бу институт томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий экспертиза объектлари доираси жуда ҳам кенгайиб кетади.

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 14(150)-сон.100-м.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги билан Мазкур институт ўртасида ваколатлар доираси нисбати масаласига эътиборни жалб этиш муҳим. Зеро Адлия Вазирлиги Низомининг 7 банди 1 қисми а) пунктида Вазирлик, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасидаги қатор функциялари мустаҳкамланган¹. Жумладан, Вазирликка қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказди ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан хулосалар бериш вазифаси юклатилган. Шу муносабат билан мазкур институт ва Адлия Вазирлиги фаолиятининг қонун лойиҳаларига экспертиза хулосаларини бериш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш зарур, бизнингча. Бундай ҳамкорлик ушбу икки орган фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган қайтаришларнинг олдини олиши мумкин.

Ёки, бу икки субъектнинг ваколатлари доирасига аниқлик киритиш зарур. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги Институти қонун лойиҳаларига эксперт хулосаларини берадиган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижро ҳокимияти таркибига кирадиган марказий давлат органларининг норматив-ҳуқуқий актлари лойиҳаларига эксперт хулосаларини бериш Адлия Вазирлиги зиммасида қолавериши мумкин.

Айни пайтда, юқорида қайд этилган Институт Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил этилганлиги муносабати билан, мамлакатимизда қонунларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш функциясини - қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш бўйича махсус ташкил этилган - ушбу Институтга бериш мақсадга мувофиқ эмасмикин? Ваҳоланки, бу функция мазкур институт фаолиятининг бош йўналишларидан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этганииздек, миллий парламентимиз ривожига новация — юқори палата-Сенатнинг бир йиллик фаолияти қонун чиқарувчи органнинг жамиятдаги демократик институтлар тизимида тутган ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаётганлигидан далолат бериб турибди.

¹ қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-илова. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003.17-сон.

Парламентни икки палатали таркибда шакллантиришдан кутилган асосий мақсад -қонунларнинг сифатини, ҳаётийлигини, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда самарадорлигини кўтаришга эришиш эканлиги маълум. Бундай самарадорликка эришишнинг муҳим воситаларидан бири Парламент палаталари ўртасидаги «бир-бирини мувозанатлаш» тизимининг мавжудлиги бўлиб,бу механизм, жумладан Сенатнинг қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни қонунчилик палатасига қайта қараб чиқиш учун қайтарилиши, шунингдек қонунда белгиланган ҳолларда икки палата вакилларида иборат Келишув комиссияси тузилиб, у орқали мунозарали масалалар юзасидан мақбул ҳулосаларга келиш тартибини ўз ичига олади. Сенатнинг бир йиллик фаолиятида бир неча қонунларнинг ушбу қоидаги мувофиқ қонунчилик палатасига қайтарилганлиги ижобий ҳолат бўлиб, у бевосита қонунларнинг сифатини, ҳаётийлигини кучайтиришга қаратилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 5 ялпи мажлисида сўзлаган маърузаларида парламент палаталари ўртасидаги сифатли қонунлар қабул қилишга қаратилган ҳамкорлик бўйича тўпланган дастлабки ижобий тажриба ҳақида тўхталиб, таъкидлаганларидек, бугунги кунда бундай тажриба «мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганлигини»¹ кўрсатиб турибди.

Қонун лойиҳалари қонунчилик палатаси томонидан қабул қилингунга қадар, яъни лойиҳа ҳолида икки палатанинг тегишли қўмиталари ўртасида амалий ҳамкорлик муносабатлари доирасида мунозарали, мураккаб масалалар бўйича фикрлар алмашинуви асосида кечмоқда. Шу ўринда давлат раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик механизмини, аввало қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур» деган фикрларини эслаш ўринли. Шу муносабат билан, мазкур Институт билан Парламент палаталари ўртасидаги сифатли қонунларнинг қабул қилинишига қаратилган ўзаро ҳамкорлик

¹ Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. // Халқ сўзи. 2006 йил 25 феврал.

муносабатларини амалда янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиздир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ҳуқуқ самарадорлиги ва уни тушуниш масалалари
2. Ҳуқуқ самарадорлиги хусусиятлари
3. Ҳуқуқ самарадорлигини ўрганиш усуллари
4. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми самарадорлиги
5. Ҳуқуқий тартибга солиш механизми самарадорлигини мустаҳкамлашда ҳуқуқий онгнинг ўрни
6. Сифатли қонунлар тайёрлаш- ҳуқуқ самарадорлигининг замини сифатида
7. Ўзбекистонда ҳуқуқ самарадорлигини ошириш масалалари
8. Ўзбекистонда ҳуқуқ самарадорлигига замин ҳозирлашда иштирок этувчи давлат органларини кўрсатинг.

13-МАВЗУ: ЮРИДИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ

РЕЖА:

1. Ижтимоий конфликтлар ҳақида қарашларнинг шаклланиши тарихи
2. Юридик конфликтологиянинг бугунги аҳволи
3. Юридик конфликтлар тушунчаси
4. Конфликтлар турлари.
5. Юридик конфликтлар ва уларни ҳал этиш муаммолари.

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002. 76 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
4. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал.
5. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ.Умумий масалалар. Давлат назарияси. Т. Адолат. 2000.270-б.
6. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. –Т.: 2001. ТДЮИ нашри.
7. Исламов З.М. Ўзбекистан: на пути к модернизации. Т.:ТГЮИ, 2005. – 160 с.
8. Исламов З.М.Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.: ТДЮИ, 2005. – 187 б.
9. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.:Шарқ, 2002.
10. Кельзен Г. Чистое учение о праве. М.:Прогресс, 1988.
11. Нерсисянц В.С. Философия права. М.: Инфра-Норма, 1997.
12. Алексеев С.С. Право. М.:Статут, 1999.
13. Проблемы теории государства и права. М.: Юрайт, 2001.
14. Теория государства и права. Под ред.Н.И.Матызова, А.В.Малько.

15. Тожиhoнов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томлик. Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ. 1998.
16. Тожиhoнов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-томлик. 1-том. Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ. 2001.
17. Тожиhoнов У., Саидов А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-томлик. 2-том. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ.2002.
18. Ражабова М.А.Давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти истиқболлари.Т.: Адолат,2005. –179б.
19. Дмитриев А.В. Конфликтология. М.: Гардарики.2000. 320с.
20. Фельдман.Конфликт в мировой политике. Международнўй Университет Бизнеса и Управления. “Братья Карич”.М.:1997.-128 с.”
21. Эргешова Д.қ.Нажимов М.К. Юридик конфликтология. Т.:ТДЮИ нашри.2005. 129 б.

1. Ижтимоий конфликтлар ҳақида қарашларнинг шаклланиши тарихи

Кишилиқ жамияти турли турфа муносабатларга макон бўлиши билан бирга. айна пайтда унда турли хил конфликтлар, коллизиялар, низолар ва зиддиятли ҳолатлар содир бўлиб туради. Улар шахсий, оилавий, ижтимоий синфий, давлатлар аро мазмунга эга бўлиши мумкин.

Ижтимоий конфликтлар табиатини англашга қадимданоқ олимлар уриниб келишган. Дастлаб қадимги юнон файласуфи **Гераклит (м.а. 530-470й)** уруш ва ижтимоий конфликтлар ҳақидаги фикрларни илгари сурган. У уруш ва тўғнашувлар барча нарса ва ҳодисаларнинг отаси деб ҳисоблаган, унинг фикрича- конфликтлар – ижтимоий ҳаётнинг атрибути, ижтимоий тараққиётнинг муқаррар ва муҳим шарти.

Файласуф материалист **Эникур (м.авв.341-270й.)** - *инсонлар давлатлараро тўқнашувлар қачонлардир одамларни тинч яшашга мажбур этишади.*

Христианлик фалсафаси тинчлик ва аҳилликни тарғиб этган. Уйғониш даврининг таниқди гуманистлари Т. Мор, Эразм Роттердамский, Ф. Рабле, Ф. Беконлар ҳарбий тўқнашувларни қаттиқ танқид қилганлар.

Эразм Роттердамский (1469-1536): *"Уруш уни билмайдиганлар учун ширин туюлади, деб таъкидлаган. У ҳарбий конфликтлар аста - секин ўз домига янги - янги аҳоли қатламларини торта бориши хусусиятини ва ҳар қандай конфликтни, ҳатто ундан тарафларнинг*

диний маънавий ёндашувларида яқинлик, айнанлик бўлсада, келишиш қийинлигини курсатиб ўтган; *"Энг катта бемаънилик шундаки -урўшаётган икки душман лагерда Христос мавжуд, у худди ўзи билан ўзи уришаётгандай."*

Френсис Бекон (1561-1626) - у биринчилардан бўлиб мамлакат ичкарисида юз бераётган конфликтларнинг моддий, сиёсий, руҳий шарт - шароитларини **батафсил назарий таҳлил этган**. Низоларнинг тагида моддий сабаб мавжудлигига у катта эътибор берган. *"Мамлакатда қанча оч ялангоч бўлса шунча тайёр қўзғолончилар "* - деб таъкидлаган.

Конфликтларни йўқотиш йўллари ҳақида Бекон *"ҳар бир касалнинг ўз дориси бордир "* деб таъкидлаб, ижтимоий низоларнинг моддий сабабларини йўқотиш зарур деган. Бекон *"Сиёсий устамонлик (маневривания)* санъати ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олишнинг муҳим шартидир ҳисоблаган. Унинг сиёсий "устамонлик" тушунчаси қуйидагиларни назарда тутган:

-усталик билан аҳолини умидвор қилиш, бир умидворликдан иккинчисига ўтказиш;

- аҳолининг эҳтиёжини қондиришнинг иложи бўлганида уни "бўлади" деб, «аллалаш»; - шу тарзда мавжуд салбий ҳолатни юмшатиш:

-давлатга нодўстона мунособатда бўлган партиялар ва итфоқчиларни, уларни **бир бирига гиж-гижлаш орқали**, бўлиб, орасини бўзиб юбориш;

-низолашувчи томонни йўлбошчисиз қолдириш ҳақида ғамхўрлик **қилиш"** низони тугатишнинг ажойиб чораси сифатида;

- халқнинг бесаранжомлигини бостиришга қодир бўлган(тинчликсевар, муҳим шахслар билан алоқадор) одамларнинг мавжудлиги;

XVIII - асрда ҳарбий конфликтларни инглиз демократлари ва францўз маърифатпарварлари қаттиқ танқид қиладилар:

В.О.Пристли, Ш.Монтескье, Д.Дидро, Ж.Ж.Руссо, Вольтерлар урушни, зўравонликни варварлик даври қолдиқлари сифатида қарашган ва мавжуд феодализмни йўқотиш –абдий тинчликка олиб келади-деб ҳисоблашган. **Жан-Ж. Руссо (1712 -1778)** - **«Жамиятининг табиий ҳолати»** тушунчасини илгари сурган. Бироқ унинг бу қарашини И. Кант(1724 - 1804), Т. Гоббслар маъқуллашмаган. Кантнинг фикрига **«ёнма-ён яшовчи қўшнилари орасидаги тинчлик, аҳиллик** – табиий ҳолат бўлмай, аксинча, уруш

ҳолатидир, ҳеч бўлмаса унинг **тахдидир, шу боис** тинчлик ҳолати ўрнатилмоғи лозим» - деб ҳисоблаган.

Т. Гоббс - табиий ҳолатни - **ҳамманинг ҳаммага нисбатан уруш ҳолатидир** деб ҳисоблаган, бироқ келажакда тинчлик ҳолатининг бутунлай янги даражаси ўрнатилишига Руссо каби ишонган.

XIX асрда ижтимоий конфликтлар масаласида янги ёндашув сезила бошлади. Г. В. Гегель **жамият тараққиётида урушларнинг позитив роли** ҳақида аниқроқ фикр билдирган.

XIX асрнинг шиддатли ўзгаришлари назарияларида ўз ифодасини топиб, уларда курашлар, конфликтлар жамият **ҳаётининг муқаррар ҳамроҳлари сифатида талқин этила борди.**

Томас Мальтус (1766 -1834) - инглиз иқтисодчиси, руҳоний - ўзининг "Опыт о законе народонаселения" (1789) асарида ишсизлик сабабларини аниқлашга уриниб, **"табиий қонун"** га **асосан** аҳоли геометрик, яшаш воситалари эса арифметик прогрессия бўйича ўсади, шу боис низолар сабаби - аҳолининг кўпайиш масаласига енгил қарашда деб тушунтирган.

Чарльз Дарвин (1809 -1882) - Дарвин ўзининг "табиий танланиш" назариясини жамиятга тадбиқ этганлиги аниқ бўлмасида бироқ, кейинчалик **"ижтимоий дарвинизм"** ғояси шакллана борган.

Герберт Спенсер (1820 -1903) - жамиятнинг бош қонуни - бу энг мослашган индивидлар ўзларини сақлаб қола биладилар - деб ҳисобланган, шу боис тўқнашув ҳолати универсал характерга эга, у табиат ва жамият ўртасида **мувозанатни таъминлайди**¹.

Шундай қилиб конфликтлар қонуни умумий ва асосий қонун сифатида намоён бўлади ва у халқлар ўртасида ўзаро тўла иноқлик ўрнатилгунча давом этади.

Уильям Самнер (1840- 1910)

– АҚШ - XIX-XX аср - социал дарвинист - унинг фикрига **"курашда энг кучсизлар синади"**, ғолиблар эса - энг яхшилардир - табиий танлаш махсуллари, шу боис давлат бу масалага аралашмаслиги керак, ҳаётни яхшилаш ғояси эса- **бемаънилик.**

Людвиг Гумплович (1838 - 1909) - социал дарвинизмнинг поляк - австриялик вакили

- у ижтимоий конфликтларни - маданият типи билан боғлайди, унинг фикрича:

¹ Дмитриев А.В. Конфликтология. М.: Гардарики.. 2000. С.13.

1) конфликтлар - тарихий жараённинг моҳиятини ташкил этади;
2) ҳукмронлар ва бўйсунувчилар абадий, демак шу аснода
конфликти ҳамабадий;

3) низолар жамиятнинг бирлигига хизмат қилади;

Социал дарвинизмнинг издошлари ҳозирги кунда анча камайиб
кетган;

XIX - XX асрлар чегарасида социология фани ривожланиб, у
конфликтларни фактик маълумотлар асосида ўргана бошлади ва
уларнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини
таъкидлаган.

Георг Зиммель (1858 -1918) - "конфликтлар социологияси"
атамасини илмий муомалага киритган. Унинг фикрича - конфликт
интеграцияга олиб келади. XX асрнинг 20 йилларида социологиянинг
Чикаго мактаби вакиллари қуйидагилардан иборат бўлган:

- Роберт Эзра Парк (1864- 1944),
- Эрнест Уотсон Берджесс (1886 - 1996),
- Аббион Вудбери Смолл (1854 - 1926).

Улар ижтимоий тараққиёти (ўзаро боғлиқ) 4 тип ўзаро
ҳаракатдан иборат деб талқин қилишган:

- мусобақа,
- конфликт,
- мослашув,
- ассимиляция¹

Марксизм - конфликтларни тан олган, бироқ келажакда улар йўқ
бўлади дейиши утопик характерга эга бўлган, албатта.
Номарксистик анъана вакиллари - Макс Вебер (1864 - 1920)нинг
фикрича анъанавий ва ҳозирги замон капитализми ўртасидаги
зиддият асосий конфликтдир.

Вильфредо Парето (1848 - 1923) - итальян тадқиқотчиси, элита
назарияси асосчиларидан бири.

Жамият ижтимоий жиҳатдан турлича, шу боис элитанинг
алмашинуви ва улар ўртасидаги кураш - жамият асосини ташкил
этади, деган фикрни илгари сурган.

Гаэтано Моска (1858-1941)- итальян юристи, политология
асосчиларидан бири —«Жамият халқники бўла олмайди, реал
хокимият доимо сиёсий синф қўлида бўлади, халқ -хокимият, жуда
борса "халқнинг манфаатига хизмат қилиши мумкин", деган фикрни
илгари сурган.

¹ Дмитриев А.В. Конфликтология. М.: Гардарики.. 2000. С.15.

Хулоса:

1. конфликтлар нормал ижтимоий ходиса;
2. улар муайян позитив функцияларни бажаради;
3. конфликтлар жамиятнинг тузилиши билан боғлиқ;
4. ҳукмдор ва бўйсунувчи ўртасида конфликт муқаррар;
5. жамиятдаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда конфликтлар келиб чиқади;
6. конфликтлар ёрдамида мувозанат тикланади, аниқланади¹.

2. Юридик конфликтологиянинг бугунги аҳволи

Конфликтлар ҳақидаги ҳозирги замон концепциялари:

Толкотт Парсонс (1902-1979) - америкалик социолог назариётчи: - конфликт аномалия, ўзига хос касаллик ва уни йўқотмоқ керак деган фикрни илгари сурган. - **Элтон Мэйо (1880 - 1949)** - Гарвард Университети профессори – **саноат соҳасидаги** низоларга эътибор берган, конфликт - хавфли ижтимоий кассаллик деб таъкидлаб, ижтимоий мувозанатга эришиш зарур деб ҳисоблаган. **Роберт Мертон** - ижтимоий аномалияларни таҳлил этган.

Ижтимоий конфликтнинг ҳозирги замон концепциялари XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлган.

Льюис Козер - бу Америка тадқиқотчиси 1956 йилда "Ижтимоий конфликт функциялари" номли китоб чоп этган. У конфликтларнинг **позитив ролини таъкидлаган**.

Ральф Дарендорф - 1965 йили "Синфий тузилма ва синфий конфликт" деган китобини чиқарган. "Конфликтнинг йўқлиги - нономал ҳолатдир" деб таъкидлаган.

Кеннет Боулдинг америкалик социолог ва иқтисодчи "Конфликтлар умумий назарияси" китоби муаллифи. У ҳам табиат, ҳам жамиятдан конфликтларни таҳлил этган. **Алвин Гоулднер** - америкалик социолог, у низолар сабабини аниқлаб, уни йўқотиш - социологиянинг вазифасидир, деб ҳисоблаган.

Халқаро ноҳукумат ташкилоти «Рим клуби» (1968й) аъзолари давлатларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги кучаётган бир шароитда янги глобал тафаккурга эҳтиёж мавжуд, сайловдан сайловгача ишлайдиган ҳукуматлар фундаментал муаммоларни самарали ҳал этишга улгуриша олмайди, зеро бугунги кунда жамиятдаги муаммолар шунчалик мураккабки, уларни бирин-кетин ва алоҳида ҳал этиб ўтиришнинг имкони йўқ, зотан бу муаммолар

¹ Батафсил қаранг: Дмитриев А.В. Конфликтология. М.: Гардарики.. 2000. С.22.

ўртасида кутилмаган ва олдиндан кўриб бўлмайдиган мураккаб алоқалар, боғлиқлик мавжуд¹.

Фақат давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, дўстона муносабатлари ҳамда уларнинг уйғунлашган тарзда ривожига 1 орқалигина дунёда тинчлик ўрнатилишига эришиш мумкин.

3. Юридик конфликтлар тушунчаси

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётда конфликтлар тушунчаси масаласида яқдиллик кузатилмайди. Конфликтларнинг универсаллиги, кўп қирралиги ҳамда конфликтларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги “конфликтлар умумий назарияси”ни яратишга интилишни кучайтирмоқда. Бундай назария конфликтларнинг барча турларини тушенишга ёрдам бериши керак².

Айни пайтда конфликтсиз жамиятнинг ўзи бўлмаслиги, “ фақат қабристондагина конфликтлар бўлмаслиги” маълум ҳолатдир³.

Совет фанида конфликтология ман этилган эди, фалсафа фани эса фақат зиддиятларини ўрганиш билан чекланар эди, холос. Фақат 90 йилларнинг бошида "Юридик конфликтология" деган китоб чиққан. СССР барҳам топгандан сўнг, Россияда 1997 йили "Конфликт асослари" деган монография нашр этилган.

Россия олимлари ичидан ҳуқуқшуносларнинг тадқиқотлари анча кўзга кўринарли ҳисобланади. Йирик ҳуқуқшунос В.Н. Курдрявцев ҳуқуқий фанлар нуқтаи назариядан конфликтларни ўрганиб, бу масалалардан асосий ёндошувларни ишлаб чиққан⁴.

Юридик конфликтология - конфликтларни хусусиятларини, ҳуқуқ нуқтаи – назаридан умумлаштиради ва ўрганади.

Тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ва конфликт субъектлари ва уларнинг хатти - ҳаракати мотивацияси ёки низо объекти ҳуқуқий белгиларга эга бўлган ҳамда юридик оқибат келиб чиқарадиган ҳар қандай низо юридик конфликтдир.

"Юридик энциклопедия" таърифига кўра - **юридик конфликт** - бу тарафларнинг, давлатлар ва улар органларининг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ субъекларининг мақоми ва юридик

¹ Дмитриев А.В. Конфликтология. М.: Гардарики. 2000. С.31.

² қаранг: Дружинин В.В., Конторов Д.С., Конторов М.Д. Введение в теорию конфликта. М., 1989. С.9.

³ қаранг: Фельдман. Конфликты в мировой политике. М. Международный Университет Бизнеса и Управления. «Братя Карич». 1997. С.15.

⁴ "Юридический конфликт: сферы и механизмы." М.; 1994..С.5-9.; Юридические конфликты. М., 1995. С.3-5 1995.

ҳолатини ғайриҳуқуқий тарзда ўзгартириш мақсадида ўзаро бир - бирига қарши бориши, тўқнашувидир. Юқоридаги фикрдан хулоса шуки:

-юримдик конфликт – бу қачонки ҳуқуқ субъектларининг мақоми ва давлат тартибини ғайри - ҳуқуқий ўзгартиришга қаратилган конфликтлардир;

- конфликт - бу ман этилган ҳолат, давлатнинг конституциявий принципларини бузиш мақсадидаги қарама қаршилиқ ҳисобланади.

Юримдик конфликтология муаммоси И.А. Ильин томонидан кўтарилган: Юримдик конфликтология - **бу табиий ва ижобий ҳуқуқ ўртасидаги (кураш) конфликтдир.**

Жамиятда ҳуқуқий норматив қадриятлар тизими мавжуд бўлиб, у (у ёки) юримдик ва жисмоний шахсларнинг у ёки бу ҳаракатларини баҳолаш жараёни билан боғлиқ. Баҳолашни эса **конкрет субъект амалга оширади, ҳўш, у ким ўзи ва қандай баҳо беради, қандай тегишли ҳуқуқ нормативини қўллаиди, қонунчилиқка риоя этиладими?** - йўқми, - шунга қараб адолат ё тантана қилади ёки қарор топмаиди.

Шу тариқа, ҳуқуқда объективлик билан субъективлик ўртасида бирлик зиддиятли. Бу зиддиятлар диалектикаси қатор низолар, конфликтлар келиб чиқариш учун реал имкониятлар яратади. Шундай зиддиятлар сирасига қуйидагилар киради:

- ҳуқуқий онг ҳолати ва даражасининг ҳуқуқий муносабатлар реллигига, уларни яъни юримдик нормалари билан тартибга солишнинг объектив этиёжларига **мос келмаслиги;**

- одат билан қонун ўртасидаги зиддият;

- эски қонунлар ва амалиёт томонидан бевосита шаклланган, (қонун чиқарувчи фаолиятдан ташқарида) янги умуммажбурий қоидалар; -қонунлар мажмуаси;

- позитив ҳуқуқ билан бир қаторда диний характердаги ҳуқуқнинг мавжудлиги;

- Ушбу зиддиятнинг оқибатида шундай ҳолат вужудга келадики, бунда ҳар бир ҳуқуқ субъекти икки хил **ҳуқуқий тартиботнинг қатнашчисига айланиб қолади:**

- эски, бироқ ҳали амалдаги;

- эскининг ўрнига келаётган янги, бироқ ҳали давлат томонидан расмийлаштирилмаган.

Бундай зиддиятларда одат ва қонуннинг **консервативлиги катта роль ўйнаиди, Улар ижтимоий маанфатларнинг амалга**

ошишига ёрдам беришса, бу ҳолда регулятор ролини бажаришади, ва конфликтлар вужудга келмайди, одат ўз кучини йўқотаётганини сезганда одамлар ёзма қонунга мурожаат қилишади.

Ҳуқуқий онг ҳам муайян даражада консервативлик ҳолатига эга, у мавжуд ҳуқуқий тартибга, баъзан ҳуқуқий ақидага айланган ҳолда анча тез мослашиб олади. Айни пайтда у муайян **мустақиллика** эга, чунки унга диний қарашлар, ахлоқий нормалар, шунингдек, санъат таъсир этиши мумкин.

Ҳуқуқий онг консерватизмнинг яна бир сабаби - **у доимо ўрнатилган ҳуқуқий тартибот ва сиёсий ҳокимият тизими**га нисбатан қўриқловчилик функциясини бажаради ва шу аснода барқарорлик **омили** сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг билан ҳуқуқий борлик ўртасидаги **зиддият**, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқни янгилаш учун кураш қатор вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади.

1) мавжуд ҳуқуқ нормаларини ўзгартириш зарурати пишиб - етилганлигини объектив **мазмунини англаб етиш**;

2) янги ҳуқуқий ғояни шакллантириш;

3) мавжуд ҳуқуқий тартибнинг шаклланган ёки таркиб топаётган ижтимоий муносабатларга **нормунофиқлигини асослаш**.

Ҳуқуқ **тарихий характерга** эга, бир тўзумдан иккинчисига ўтишда албатта конфликтли вазият вужудга келади, яъни конституциявий жараён ва янги ҳуқуқий муносабатларни легитимлаш масаласи кун тартибида туради.

Давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлиши билан **давлатнинг, ҳокимиятнинг инсонга, индивидга** муносабати масаласи шаклланган. Бу масала ҳали ҳал бўлмаган ва конфликтлар **майдони** сифатида қолиб кетмоқда.

қонун билан аҳолининг оммавий хулқ - атвори ўртасидаги асрий конфликт, ҳуқуққа ишонмаслик, ҳуқуқий нормалар билан ҳокимият сақитлари хулқ ҳаракатларининг **номутаносиблиги** ҳамон мавжуддир.

Ҳуқуқий нигилизм ва унга боғлиқ **конфликтлар ўтиш даврида кучаяди ва кўпаяди**.

Маърифий - ҳуқуқий хулқ атвор ва ноҳуқуқий хулқ- атвор ўртасидаги **қарама -қаршиликнинг** энг муҳим сабабларидан бири - бу - **мавжуд давлат тузуми ва мавжуд ҳуқуқий тартибнинг** легитимлик даражаси, ҳолатидир. Айниқса, ўтиш даврида

легитимация муаммоси ўткир конфликт предметига айланиши мумкин.

Ҳуқуқий - конфликт доимо субъектнинг конкрет қилмишига **баҳо бериш билан тавсифланади**, баҳолаш эса шаклан субъективдир.

қонунлар давлат томонидан ўрнатилганлиги боис муҳим бўлмай, балки **уни ким қандай** қўллайди. Бу ҳолат ҳам жуда аҳамиятлидир. Бу ҳолат айнан конфликтли вазият билан боғлиқ.

қонунга бўйсуниш:

-хоҳламай, бироқ қўрқув остида-ўз ихтиёри билан, тушунган ҳолда амалга ошади. Биринчисидан - конфликт вужудга келиш хавфи сақланади.

4.Юридик конфликтларнинг турлари

Конфликтларнинг турли таснифлари мавжуд, аввало улар **икки гуруҳга** бўлинади:

1) айнан ҳуқуқий;

2) ифодалаш шакли, тартибга солиш усули ва ҳал этилиш усулига қараб бўлинadиган конфликтлар.

Биринчиси ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий мунособатларга хос бўлса, иккинчи ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан ўзаро **ҳаракати доирасида** вужудга келади. (аралашган). биринчисидан **мажбурлов** қўланилмайди.

Иккинчиси амалий - ҳаётий масалалар юзасидан вужудга келади, мас. ҳуқуқий -иқтисодий мунособатлар.

Конфликтларни яна:

1) конструктив - яратувчи конфликтлар

2) деструктив - бўзувчи конфликтлар гуруҳларига ажратиш мумкин¹.

Биринчисига ҳуқуқий тизимни амалга оширишга доир конфликтларни киритиш мумкин: қонунлар коллизияси, конституциянинг легитимлиги масаласи, ҳокимият тармоқлари коллизияси ва б.

Жиноятчиликни - аномал - конфликтлар деб гуруҳлаш мумкин. Қарама қарши турувчи субъектлар **судга** мурожат қилишади. Суд - махсус давлат институти сифатида **конфликтни мажбурий тарзда ҳал этади**.

¹ Конфликтлар таснифи ҳақида батафсил қаранг: Дмитриев А.В.Конфликтология. М.:Гардарики.. 2000.;"Юридический конфликт: сферы и механизмы." М.; 1994.. Юридические конфликты. М., 1995.; Д.К.Эргешева, М.К.Нажимов. Юридик конфликтология.Ўқув қўлланма. Т.:2005.

Юридик конфликтларнинг сони анча бўлиб, олимларнинг ҳисоблашича, **ҳуқуқда ва юридик амалиётда 200 дан ортиқ конфликтли зоналар мавжуд**. Улар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ қўллаш амалиётининг **жонли тўқимаси** ҳисобланади, ва улар фақат ҳуқуқбўзарликдан иборат эмас, улар кўп қиррали бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг яхлит тизимига мансуб ва уни бошқариш технологиясини ташкил этади.

5.Юридик конфликтларни ҳал этиш муаммолари

Ҳар қандай аҳамиятга молик конфликт у ёки бу тарзда юридик оқибат билан тугаши мумкин. Ҳар қандай юридик конфликтда учинчи тараф-суд иштирок этиб, низони ҳал этади ва тегишли қарор қабул қилади¹. Бундан ташқари, низоларни ҳал қилувчи бошқа давлат органлари ҳамда турли тузилмалар ҳам мавжуд.

Конфликтни ҳал этиш бир неча босқичдан иборат бўлишиш мумкин:

- 1) конфликт иштирокчисининг бирида юридик мазмундаги мотивнинг вужудга келиши;
- 2) конфликт иштирокчилари ўртасидаги муносабатнинг институтлашуви;
- 3) ишнинг судда кўрилиши муносабати билан ҳуқуқий муносабатнинг кейинги ривожланиши;
- 4) Конфликтни ҳал этувчи ҳуқуқий актнинг қабул қилиниши.

Конфликтларни суд орқали ҳал этишнинг устунликлари сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- конфликтларни кўриб. Ҳал этадиган суд органининг бошқа ҳокимият тармоғидан мустақиллиги, шу боис унинг ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра ишни адолатли ва қонунларга асосланган ҳолда кўришдан манфаатдорлиги;
- судда ишларни кўришда ишнинг фактик ҳолатини аниқлаш бўйича қоида-таомилларнинг аниқ ишлаб чиқилганлиги ва мавжудлиги;
- суд фаолиятнинг аниқ норматив базаси мавжудлиги ва унинг қонунга ва ўз ички ишончига асосланиб ишларни кўриши;
- конфликт юзасидан қабул қилинган қарорнинг конфликтдаги тарафлар ҳамда бошқа шахслар учун бажаришга мажбурийлиги².

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Д.К.Эргешова, М.К.Нажимов. Юридик конфликтология. Ўқув қўлланма. Т.:ТДЮИ нашриёти. 2005.

² Дмитриев А.В.Конфликтология. М.:Гардарики.. 2000.С.265-266.

Шундай қилиб, бугунги кунда юридик низоларни ҳал этишнинг самарали ташкилий шакли бўлиб одил судлов ҳисобланади.

Ўзбекистонда бугунги кунда конституциявий, жиноий, маъмурий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича суд ишларини юритиш мавжуд¹.

Таъкидлаш жоизки, юридик конфликтларни ҳал этиш усули конфликт характериға мос ҳолда бир-биридан фарқланади. Масалан, оилавий, айрим меҳнат, фуқаролик-ҳуқуқий низоларда суд тарафларни яраштиришни ҳам назарда тутса, жиноят-ҳуқуқий муносабатларда эса аксари ҳолларда айбдорни жазолаш ва жиноятни тўхтатиш мақсадини кўзлайди.

Шу ўринда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, жумладан, унинг муҳим бир йўналиши бўлган жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати айрим тоифа жиноий ишларини ҳал этишда ярашув институтини жорий этилганлигини таъкидлаш ўринли. Бу мамлакатимизда жиноий жазолар тизимининг инсонпарварлашувидан далолатдир.

Бундан ташқари аҳолида судларга нисбатан низоларни ҳал этувчи ва фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи орган сифатида қарашни кучайтириш ҳам муҳим.

Дарҳақиқат, суднинг ҳақиқий мустақил бўлиши жамиятимиз ҳаётини янги сифат жиҳатига кўтариши табиийдир, чунки яқин ўтмишимизда мавжуд бўлган бир ҳолат, яъни аҳолининг онгидаги судга жазо берувчи орган тарзида қараш, аста-секин, ўз ўрнини инсонларнинг судга ҳақ-ҳуқуқни тиклайдиган ва муҳофаза этадиган орган сифатида қарашга бўшатиб беришига эришиш долзарб масаладир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Конфликтлар тушунчаси
2. Ижтимоий конфликтлар ва улар тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиш тарихи
3. Ижтимоий конфликтларнинг турлари
4. Юридик конфликтлар табиати ва моҳияти
5. Юридик конфликтлар турлари
6. Юридик конфликтларнинг олдини олиш муаммолари
7. Юридик конфликтларни ҳал этиш масалалари
8. Юридик конфликтларни бартараф этишда суднинг ўрни

¹ «Судлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни (Янги таҳрири)» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001. 1-2-сон. 48-80 бетлар.

14-МАВЗУ: ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

РЕЖА:

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси, асосий белгилари.
2. Ҳуқуқий давлат ғоясининг шаклланиши.
3. Ҳуқуқий давлат белгилари.
4. Ҳозирги замон давлатининг ижтимоий ва ҳуқуқий моҳияти.
5. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат куриш

ҲОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон.2003.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ..1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.–Т.: Ўзбекистон.2002.. 76 б.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи, 2005 йил 29 январ.
6. Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан куриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 17 феврал
7. Исламов З.М.Общество. Государство. Право. Т.:Адолат 2001. 695 с.
8. Исламов З.М. Проблема власти:ее понимание, назначение, социальная ценность.Т.:2003.ТДЮ нашри. 245 б.
9. Исламов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари.Т.:Ўзбекистон.2005.264 б.
10. Проблемы общей теории права и государства. Учебник для вузов. Под ред. В. С.Нерсисянца. –М.: Изд. НОРМА, 2004.-832с.
11. Проблемы теории государства право: Учебное пособие. Г Под ред.М.Н.Марченко.—М:Юрист,2004. 656 с.
12. В.С. Нерсисянц. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. М: НОРМА. 2000.-233 с.

13. Алексеев С.С. Право: азбука, теория философия. М: Статут. 1999.-810 с.
14. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М.: Юрайт. 1999. С. 240
15. Марченко М.Н. Теория государства и права. 2-изд. М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004, -640 с.
16. 15. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. Т.: ТДЮИ. – 211 б.
17. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т.: ТДЮИ, 2002. – 46 б.
18. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: Шарқ, 2002. -318 б.
19. Чиркин В.Е. Государство социального капитализма. Государство и право. №5, с.54-60.

1. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва белгилари.

Маълумки ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун фуқаролик жамияти шаклланган бўлиши керак. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро боғлиқ, бир - бирини тақозо этувчи ижтимоий ҳодисалардир. Шу муносабат билан, аввало фуқаролик жамиятининг тушунчаси, унинг айрим хусусиятлари ҳақида бироз фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик жамияти тушунчаси тарихи қадимги даврга бориб тақалади, дейилса, муболаға бўлмайди. Чунки давлат пайдо бўлганидан бери фозил инсонлар адолатли, инсоннинг камолига шароит туғдирадиган, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларига катта эътибор берадиган жамият куриш ҳақида орзу қилиб келганлар.

Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим фуқаролик жамияти ҳақидаги илк фикрлар шаклланган заминдир¹. XVI -XVII асрларда фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлар, ғоялар ўша даврнинг буюк алломалари, олимлари бўлмиш Н. Макиавелли, Г. Гроций, Т. Гоббс, Дж. Локк, Ш. Монтескье, Ж.Ж. Руссолар томонидан ривожлантирилиб, янги мазмун касб этган.

Фуқаролик жамияти тушунчаси Гегелнинг машҳур “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида батафсил ишлаб чиқилган. Гегелнинг аниқлашича, давлат бу- умумий манфаатлар соҳаси, фуқаролик жамияти эса хусусий манфаатлар соҳасидир². Шунингдек, Гегель

¹ Бу ҳақда қаранг: Теория государства и право. М., - 2002.90 - 91 б.

² Бу ҳақда қаранг: Гегель Г.В. Философия права. М., 1990.

фуқаролик жамиятининг давлатга нисбатан муайян мустақиллигини таъкидлаган.

Маълумки фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий-маънавий асослари ғарбий Европада тахминан XV -XVI асрларда, яъни кечки ўрта асрлар даврида шаклланган. Бунга замин бўлиб, табақавий феодал жамиятига қарши кураш ҳисобланади, шунингдек, буржуа инқилоблари ҳам бу масалага ўзининг ижобий таъсирини ўтказган.

Фуқаролик жамиятининг бирон-бир давлатда шаклланганлиги масаласида илмий адабиётда унчалик аниқлик йўқ, олимларнинг фикрича, аслида, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва тараққиёти ўз ичига бир неча асрларни олган ва ҳозирги кунда “мана шу давлатда комил фуқаролик жамияти шаклланган” деб айтиш анча мушкул.

Худди шунингдек, ҳозирги кунда фуқаролик жамиятига аниқ-тиниқ, барча эътироф этадиган умумий таъриф бериш ҳам мушкул, чунки бу ҳодиса, бир жиҳатдан жуда мураккаб, иккинчи жиҳатдан эса, унинг амалиёти, ҳаётда рўёбга чиқиш жараёни давом этаётибди, демакки, бу ижтимоий ҳодисанинг яна янги-янги қирралари намоён бўлаверади.

Профессор Х.Одилқориевнинг фуқаролик жамиятига таърифи ҳам эътиборга молик: «Фуқаролик жамияти –ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик наҳорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият.»¹

Россиялик ҳуқуқшунос профессор В.Д. Переваловнинг таърифича, «Фуқаролик жамияти – бу конкрет инсонга ўз фаолиятини қаратадиган, ҳуқуқий анъана ва қонунларга, умуминсоний идеалларга ҳурмат муҳитини яратадиган, ижод ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлайдиган, фаровонликка эришиш ва инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган,

¹ Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.:Шарқ, 2002. –172 бет.

давлат фаолиятини чегаралаш ва назорат қилишнинг механизмини самарали ишлаб чиқадиган эркин демократик ҳуқуқий давлатдир».¹

Юқоридагиларга асосланиб, фуқаролик жамиятини қуйидагича тавсифлаш мумкин: Фуқаролик жамияти бу- эркин демократик ҳуқуқий давлатли жамият бўлиб, у инсоннинг камоли, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошириши учун реал шароитлар яратиладиган, ҳуқуқ ва қонунларга, инсоний фазилатларга юксак ҳурмат ҳисси шаклланадиган, хусусий ташаббус ва шахснинг бошқа ижодий жиҳатларининг юзага чиқишининг тўла имконияти вужудга келтириладиган, фуқароларнинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши таъминланадиган, жамиятнинг давлат фаолияти устидан оқилона назорати ўрнатиладиган, давлатнинг жамият ва хусусий шахс ҳаётига ортқча аралашуви истисно этиладиган жамиятдир.

Фуқаролик жамияти шаклланиши учун ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий замин яратилган ҳамда ахборот тизимларининг муайян даражаси шаклланган бўлиши керак.

Ижтимоий соҳада кишиларнинг турли бирлик ва бирлашмалари ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуи муҳим ўрин тутди. Бунда оила жамиятнинг энг кичик бўғини сифатида намоён бўлади.

Иқтисодий соҳада иқтисодий институтлар ва муносабатлар мажмуи муҳим аҳамият касб этади, бу муносабатларга индивидлар мулкга эгалик қилиш, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш юзасидан киришадилар.

Сиёсий тизим ўз ичига давлатни, сиёсий партияларни, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни, ва улар ўртасидаги муносабатларни олади.

Маънавий-маданий тизим инсонлар ўртасида маънавий ва маданий бойликлар ва уларга доир тузилмалар масаласи юзасидан вужудга келадиган муносабатларни олади. Бунда таълим бирламчи ўринни эгаллайди.

Ахборот тизими эса оммавий ахборот воситалари ва уларга доир одамлар ва ташкилотлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни олади.

Илмий адабиётлар таҳлили фуқаролик жамиятининг характерли белгиларини ажратиш имконини беради, жумладан:

- фуқаролик жамияти бу –
- жамиятнинг эркин аъзолари ҳамжамияти, уюшмасидир,

¹ Перевалов В.Д. Гражданское общество и правовое государство. // Теория государства и право. М.: Норма. 2002. 95 бет.

- очик ижтимоий тузилмадир,
- мураккаб тузилмаси плюралистик тизимдир,
- ўзини ўзи ривожлантирадиган ва ўзини ўзи бошқарадиган тизим,

- ҳуқуқий демократик жамиятдир.

Баъзи олимлар (мас. Одилқориев Х.) фуқаролик жамияти белгиларини қуйидагича кўрсатади:

- кўппартиявийлик,
- сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги,
- ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги,
- жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари аҳамиятининг катталиги.

Фуқаролик жамиятининг ички тизимини ташкил этади:-- иқтисодий соҳада:

- Фуқаролик жамиятида давлат имкон қадар жамиятнинг жамият аъзоларнинг ҳаётига камроқ аралашади, жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш асослари кенгайишига ва чуқурлашувига ҳар томонлама шароит туғдиради.

Жамиятда кўппартиявийлик, кўп фикрлилик, кўп эътиқодлилик, турлича қарашлар мавжуд бўлиши учун шароит яратилади, оммавий ахборот воситалари ошкораликни таъминлаш орқали жамият ҳаётида мутлоқ юқори ўринни эгаллай бошлашади, ва шу тариқа катта ижтимоий кучга айланади.

Жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, турли хил фуқароларнинг уюшмалари, иттифоқлари, ташкилотлари роли юксалиб, улар фаолияти орқали фуқаролар ўзларининг турли хил интилиш ва қобилиятларини намоён этадилар.

Фуқаролик жамияти шахснинг камол топиши учун барча шароитларни яратадиган жамият, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади.¹

¹ Каримов А. Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 173 б.

Бу эса ўз навбатида, фуқароларда юксак онг, фуқаролик бурчини чуқур англаш, ижтимоий ва сиёсий фаоллик, ҳуқуқий хулқ бўлишини тақозо ва талаб этади.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг иқтисодий тизимида иқтисодий эркинлик, мулкнинг турли шакллариининг мавжудлиги ва уларнинг давлат томонидан бирдек ҳимояланиши, ривожланган бозор муносабатлари шаклланган бўлиши керак. Фуқаролик жамияти асосини хусусий мулк ташкил этиб, у фуқаролик жамияти аъзоларига эркинлик ва инсоний қадр - қимматини сақлаш, иқтисодий жиҳатдан давлатга “боқиманда” бўлиб қолмасликка имкон беради.

Хусусий мулк, хусусий ташаббус, хусусий тадбиркорлик асосида ҳар бир шахс ўзининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаши, мустаҳкамлашининг реал имконияти вужудга келтирилади.

Бироқ, эркинлик бор жойда, албатта мажбурият ҳам бўлади, фуқаролар қонунга мувофиқ тартибда ва шаклда тадбиркорлик билан шуғулланмоғи, белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашлари лозим.

Ҳуқуқ муҳофаза қилувчи органлар, яъни прокуратура, суд, милиция, солиқ ва божхона органлари нафақат ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи органлар бўлмай, балки фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини муҳофаза этувчи кучли тузилмага айланиши лозим бўлади. Айниқса, суднинг фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя этишдаги роли бутунлай юқори бўлиши керак.

Маълумки, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамияти шаклланган заминда барпо этилади, шу боис ҳам ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир халқ, давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришни устувор вазифа деб билади.

Фуқаролик жамиятини моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш учун, унинг давлат билан ўзаро муносабатини аниқлаш жоиз. Масалан, ҳар қандай давлат ўзаро бўйсунуш ва давлат интизоми орқали бир-бири билан боғланган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бир марказдан бошқариладиган поғонавий, вертикал тизимидан иборатдир.

Давлатдан фарқ қилган ҳолда, фуқаролик жамияти фуқароларнинг ва уларнинг турли уюшмалари, тузилмалари ўртасидаги турли хил алоқадорлик, боғлиқлик муносабатлари тизимини ўз ичига олади, бу муносабатлар ўзаро тенгликка, шахсий ташаббусга асосланган.

Фуқаролик жамиятида фуқаролар қонунда ман этилган фаолият турларидан бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақли, яъни улар учун, “қонунда ман этилмаган ҳар қандай ҳаракатни содир этиш мумкин” деган тамойил амал қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун эса “фақат қонунда рухсат этилган ҳаракатларнигина содир этиш мумкин” деган тамойил амал қилади, яъни улар ўзларнинг компетенциясига кирадиган фаолиятнигина амалга ошира оладилар.

Фуқаролар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишлари мумкин, бироқ, ўз ҳоҳишига кўра айримлардан фойдаланмасликлари ҳам мумкин, масалан. сиёсий партияларга аъзо бўлиш, сайловда иштирок этиш каби ҳуқуқлардан фойдаланмаслиги ҳам мумкин. Фуқаролардан фарқ қилган ҳолда, давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз олдларига қўйган мақсадларига эришиш учун уларга берилган ваколатдан фойдаланишлари шарт.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасидаги муносабат вертикал, бўйсунуш муносабатларидир, яъни бу муносабатларнинг иштирокчилари тенг эмас, ҳар бир бўғин давлат органи ўзидан юқори турувчи органга ташкилий-ҳуқуқий бўйсунуш муносабатида бўлади.

Фуқаролик жамиятида фуқаролар ва уларнинг турли ташкилотлари, уюшмалари, бирлашмалари ўртасидаги муносабат горизонтал характерга эга бўлиб, тенглик, итиёрийлик асосига қурилади.

Юқорида таъкидланганидек, фуқаролик жамиятини шакллантириш анча узоқ давом этадиган, мураккаб жараён бўлиб, у иқтисод, сиёсат, ижтимоий ва маънавий соҳаларда юксак ривожланиш кўрсаткичларининг мавжудлигини, жамиятнинг юқори маданияти мавжудлигини тақозо этади.

2. Ҳуқуқий давлат ғоясининг шаклланиши.

Шу ўринда бир ҳолатни, яъни ҳуқуқий давлат ғоясининг шаклланишида, унинг назарий-фалсафий асосларининг ишлаб чиқилишида немис фалсафий - сиёсий, давлат - ҳуқуқий фикрининг ўрни ўзгача. Кант ва Гегель қарашларининг таъсири остида немис заминида кейинчалик ҳуқуқий давлат ғоясини узил -кесил ишлаб чиқишга ўз эътиборларини қаратган олимларнинг янги бир авлоди шаклланган: Роберт Фон Моль (1799-1875), Карл Теодор Велькер (1790-1869), Отто Бауэр (1817 - 1895), Фридрих Юлиус Шталь (1802 - 1861), Рудольф Фон Гнейст (1816 -1895) ва б.¹

¹ Каранг: Уша асар.286 б.

Кейинчалик Россияда ҳам ҳуқуқий давлат ғоясини шакллантириш борасида фаолият юргизган қатор олимлар гуруҳи таркиб топган, уларни умумлаштириб “рехтштатист”лар деб ҳам аташган. Бунинг боиси, Германияда биринчи бор “ҳуқуқий давлат” атамаси шаклланган. Бу ибора дастлаб 1813 йилда Карл Велькер ва 1824 йилда эса И.Х.Фрайхер Фон Аретиннинг ишларида учраган бўлса, 1832 йилда немис олими Роберт Фон Мольтомонидан биринчи бор бу атама илмий таҳлил этилиб, илмий муомалага ҳам бир йўла киритилган.

Бу атама -“Rechtstaat”- “ҳуқуқий давлат” Россияда XIX асрда кенг тарқалган, чунки Россия немис университетлари билан самарали илмий алоқа олиб борган, шу боис бўлса керак, у ҳатто таржимасиз рус илмий адабиётида қўлланган.

Россияда ҳуқуқий давлат ғоясининг издошлари қаторида Б.Н.Чичерин, П.И.Новгородцев, М.М.Ковалевский, Н.М.Коркунов, Б.А.Кистяковский ва б. бўлган.

Бу атама Европанинг бошқа давлатларига аста -секин тарқалган, хусусан, Англияда “ҳуқуқий давлат” атамаси инглиз тили хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда айнан бўлмасада, унга мазмунан мос келувчи эквивалент атама “Rule of Law” ишлатилган. Бу иборанинг маъноси ҳуқуқ бошқаруви, ҳуқуқ ҳукмронлиги маъноларига яқин. Бу иборанинг шу маънода қўлланилишини бошлаб берган шахс, Альбер Венн Дэйси ҳисобланади. У Оксфорд Университетининг профессори бўлган ва ўзининг 1855 йилда чиққан “Конституциявий ҳуқуқ асослари” номли асарида бу атамани биринчи бор илмий муомалага киритган¹.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда жаҳондаги қатор давлатлар Конституцияларида бевосита ёки билвосита ушбу давлатлар ҳуқуқий давлат эканлиги мустаҳкамланган, масалан, 1949 йилги ГФР Конституциясида (Асосий қонунида) бу давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий давлат эканлиги мустаҳкамланган, худди шундай ҳолатни 1978 йилги Испания Конституциясида кўриш мумкин, 1993 йилги Россия Федерацияси Конституцияси ҳам бундай қонидани ўзида ифодалаган. Бундан ташқари АҚШ, Франция, Англия, Австрия, Греция, Болгария, Туркия ва б. давлатларнинг конституцияларида ҳам бу қоида мавжуд.

¹ Бу ҳақда қаранг: Перевалов В.Д. Гражданское общество и правовое государство.//Теория государства и права. М., 2 нашр. 2002. 101-102 б.б.; Протасов В.Н. Уша асар. 286 б.

Ҳуқуқий давлат тўғрисида кўплаб тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамай, ҳозирги кунда илмий адабиётда ҳуқуқий давлатнинг таърифи, тушунчаси, унинг белгилари, принциплари, фуқаролик жамияти билан муносабати масалаларида умумийлик ҳамон қарор топмаган. Шу муносабат билан ҳуқуқий давлатга берилган тарифларни қиёсий нуқтаи - назардан қараб чиқиш муайян қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Таникли ҳуқуқшунос олим В.В. Лазаревнинг таърифича, ҳуқуқий давлат - бу нафақат инсонийлик ва адолатни қарор топтиришга қаратилган ижтимоий қадриятлардан бири бўлибгина қолмай, балки шахснинг эркинлигини, унинг қадр ва қимматини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг амалий институти, бюрократия, маҳаллийчилик ва идорачилик билан курашишнинг воситаси ҳамда халқ ҳокимиятчилигининг амал қилиш шакли ҳамдир¹. Бу тарифда ҳуқуқий давлат ғоясининг социал қадрият сифатидагина намоён бўлмай, балки жамият ҳаётини оқилона ташкил этишнинг амалий, реал шакли тарзида қарор топишига бўлган ишонч кўриниб турибди, албатта.

Профессор А.В.Мальконинг таърифича, ҳуқуқий давлат - бу шундай давлатки, унда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг тўла таъминлаш, ҳамда ҳокимият суиистеъмолликларига йўл қўймаслик мақсадида сиёсий ҳокимиятни ҳуқуқ билан аста-секин боғлаш учун шароит яратилган бўлади². Бу таърифда ҳуқуқий давлатда ҳокимиятлар бўлиниши принципи давлат органлари томонидан ваколатларни суиистеъмол қилишнинг олди олиниши, ҳуқуқий давлатни ташкил этишнинг принципларининг аниқ амалга ошиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла руёбга чиқишига имкон яратиши таъкидланади.

Таникли ҳуқуқшунос, давлат ва ҳуқуқга либерал ёндошув вакили В.С.Нерсисянцнинг талқинида, ҳуқуқий давлат бу - оммавий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этилишнинг ва бу ҳокимият фаолиятининг, ҳамда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг сохиблари бўлган ҳуқуқ субъектлари сифатидаги индивидлар билан ўзаро муносабатининг ҳуқуқий шакли тарзида таърифланади³. Бу таърифда ҳуқуқий давлатнинг жамият ҳаётини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакли эканлиги, ва у ҳам давлатнинг ташкил этилишига, ҳам

¹ Каранг: Общая теория права и государства. М., "Юрист".1994. 293 б.

² Каранг: Теория государства и права. М., "Юрист" 1997. 189 б.

³ Проблемы общей теории права и государства. М., Норма. 1999. 677 б.

унинг фаолиятига, ҳамда бу давлатнинг индивидлар билан бўлган муносабатига бирдек таалуқли эканлиги таъкидланади.

Профессор З.М.Исломов ҳуқуқий давлатни оммавий -сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг фаолиятининг, ҳамда инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари эгаси, ҳуқуқ субъектлари сифатидаги индивидлар билан ўзаро муносабатининг ҳуқуқий шакли сифатида таърифлайди¹.

Юқоридаги таърифлардаги турличаликка қарамай, уларда муайян умумийликни таъкидлаш ўринли. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат бу шундай давлатки, унда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланади, давлат фаолияти ҳокимиятлар бўлинишига асосланиб, ҳокимият суиистеъмоллиги ҳолатлари истисно этилади, давлат ва шахс ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган муносабат тизими ҳамда ҳуқуқ ҳукмронлиги таркиб топади.

3. Ҳуқуқий давлат белгилари.

Айтиш жоизки, ҳуқуқий давлат назарияси, ва унинг характерли жиҳатлари тўғрисидаги фикрлар ҳар бир давр нуктаи-назаридан, унинг реаллик ва мураккабликларидан келиб чиқилган ҳолда, янги ёндошувлар асосида талқин этилади. Бу жараён, бир жиҳатдан табиий ҳамдир, чунки ҳар бир назария ўзини тараққиётнинг ҳар бир янги босқичида бир имтиҳондан. ҳаёт мактабидан ўтади.

Ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини янада тўлиқ англаб етиш учун унинг белгилари ва принципларига, ҳамда хусусиятларига кенгрок тўхталиш зарур. Ҳуқуқий давлатга, юқорида берилган таърифлардан кўриниб турибдики, унга ҳар томонлама, кенг қамровли таъриф бериш қийин вазифа. Бу ҳолат, бизнингча таъриф объектининг жуда мураккаб ижтимоий - сиёсий ҳодиса эканлиги билан ҳам тавсифланса керак.

Ҳуқуқий давлатнинг бевосита белгилари масаласи таҳлилига ўтишдан олдин, умуман ҳуқуқий давлатни шакллантириш қатор масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ ва бу масалалар жумласига, энг аввало инсон ва фуқаро ҳуқуқларини максимал даражада таъминлаш, давлат ва фуқаронинг ўзаро, бир - бири олдида масъуллиги. жамият ҳаётида ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги асосида қонуннинг нуфузини юксак кўтариш, қонунга барча ҳуқуқ субъектларининг тўла ва оғишмай амал қилишига эришиш кабилар киради.

¹ Исломов З. Общество. Государство. Право. –Т.: 2001.119 б.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий давлат мазмун ва моҳиятига тоталитар ва авторитар давлатларнинг акси, уларнинг қарама - қаршиси ҳисобланади. Бундан хулоса шуки, ҳуқуқий давлатни қуриш, энг аввало чинакам демократияни шакллантириш ва уни юқори даражага кўтаришни тақозо этади. Давлатнинг қурилиши ва тузилиши фақат ҳуқуқий асосларга таяниши, давлатда ҳақиқий қонунчилик режими ва чинакам ҳуқуқий тартибот амал қилиши керак.

Ҳуқуқий давлат белгилари тўғрисида гап кетар экан, шу жойда бу белгиларнинг амал қилишида халқ суверенитети ғоясининг қарор топишини кўриш мумкин бўлади. Халқ суверенитети бу халқнинг давлат ҳокимиятининг ягона манбаси эканлиги билан тавсифланади.

Давлат суверенитети эса давлат ҳокимиятининг мустақиллигини, устуворлигини, умумий ва кенг қамровлилигини англатади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий давлатни қуришда давлат суверенитети билан ҳуқуқ ҳукмронлигини бирга, уйғунлашган ҳолда мустаҳкамлаш муҳимдир. Давлат суверенитети, бевосита давлат ҳокимиятининг олийлигини ҳуқуқий ташкил этиш, давлат органлари тизимининг иши ва ҳуқуқий мақомини аниқлаш, сиёсий тизимнинг барча бўғинлари ва фуқаролар ҳуқуқий ҳолатини аниқлашни талаб этади.

Ҳуқуқий давлатнинг юқорида кўрсатилган энг муқим, барча томонидан эътироф этилган белгиларидан ташқари яна қатор белгиларни ҳам кўрсатишади. Улар қаторидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) давлат ҳокимиятининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш юзасидан ваколатларининг фақат давлат органлари тизимида тўпланганлиги;

2) “ҳокимиятлар бўлиниши”. яъни бир тизим давлат органлари томонидан бошқасининг функцияси эгалланишига йўл қўйилмаслиги;

3) ривожланган фуқаролик жамияти шаклланганлиги;

4) давлат ҳокимиятининг бир институт ёки бир бўғин органда жамланиб қолишининг олдини оладиган механизмнинг ташкил этилиши;

5) конституциявий қонуннинг устунлиги ва бевосита ҳаракат қилиши;

6) давлат ҳокимиятининг суверенлигининг ҳам қонунда, ҳам амалда ўрнатиш;

7) сайлов ҳуқуқи нормалари асосида жамиятнинг қонун чиқарувчи органларни шакллантириши ва қонунларда қонун чиқарувчилик ироданинг шаклланиши ва ифодаланиши устидан назорат ўрнатиш;

8) ички миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига ва принципларига мос келиши;

9) барчанинг ҳар қандай ўзбошимча қарорлардан ҳимояланганлиги;

10) ҳуқуқий давлатчилиқни таъминлашнинг намунаси, модели ва воситаси сифатидаги суднинг нуфузининг ўсганлиги;

11) қонунларнинг ҳуқуқга мос келиши ва давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий ташкил этилганлиги;

12) фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги;

13) давлат ва шахснинг ўзаро бир - бирига масъулиги.¹

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари масаласида турли фикрлар мавжудлигини, биз юқорида кўрсатиб ўтган эдик. Шу муносабат билан. В.Н. Протасов томонидан кўрсатилган ҳуқуқий давлат белгилари ҳам эътиборга моликдир. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, бу икки тасниф бир-бирига зид бўлмай, балки бир - бирини тўлдиради, ҳуқуқий давлат белгиларини ўзига хос тарзда гуруҳлайди, холос. В.Н.Протасов ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгиларини ажратади:

- давлат ҳокимиятини инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан чеклаш (ҳокимият фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқларини тан олади);

- ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқ (ҳуқуқий қонун) устуворлиги;

- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципининг конституциявий - ҳуқуқий тартибга солиниши;

- ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;

- давлат ва фуқаро ўзаро муносабатининг (ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ўзаро масъулият) ҳуқуқий шакли;

- ҳуқуқ тизимида қонуннинг устуворлиги;

- ички қонунчилик нормаларининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларига мувофиқлиги;

- Конституциянинг тўғридан - тўғри ҳаракат қилиши;

- суднинг юқори нуфузга эгалиги.²

¹ Каранг: Общая теория права и государства. М., Юрист. 1994. 295 б.

² Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. М., "Юрайт". 2001. 287 б.

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари ҳақида гап кетганда, давлат томонидан аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси таъминлаш мажбурияти ҳақида ҳам гапириш зарур, чунки бусиз шахснинг тўла қонли яшаши ва ишлаши, маънавияти мустаҳкамланиши мушкул. Эҳтимол, юқоридаги муаллифлар бу жиҳатни, ҳуқуқий давлатнинг белгиси сифатида келтирилган ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги тушунчаси ичида назарда тутган бўлишлари мумкин, чунки ривожланган фуқаролик жамияти, албатта, юқори иқтисодий потенциални, ривожланиш даражасини назарда тутди.

Ҳуқуқий давлатнинг белгилари билан унинг принциплари¹ ўртасида боғлиқлик мавжуд десак, биз мутлақо муболаға қилган бўлмаймиз. Чунки, ҳуқуқий давлатнинг принциплари, унинг белгилари каби моҳиятга дахлдор тушунчалардир.

Ҳуқуқий давлатнинг принциплари ҳақида гапиришдан олдин умуман принциплар атамаси ҳар қандай фаолият асосланадиган, ёки шу фаолият замирида ётадиган умумий қоидалар, ғоялар тушунилишини таъкидлаш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий давлатнинг принциплари унинг фаолиятининг бош қоидалари деб кўрсатиш мумкин.

Ҳуқуқий давлатнинг принциплари - бу ҳуқуқий давлат деб номлана оладиган давлатнинг идеал конструкцияси (модел)ни белгилаб берувчи бош, асосий ғоялар, талаблар мажмуидир. Ҳуқуқий давлат фаолиятининг асосини ташкил этадиган бу бош ғояларнинг шаклланишига қатор омиллар таъсир этади, албатта, улар қуйидагилардир:

- жамиятнинг интеллектуал даражасини кўрсатадиган маданият, фан, таълим каби соҳаларнинг ривожланиш даражаси;

- мавжуд давлат тузумининг адолатли, демакки ҳуқуқий деб эътироф этишида намоён бўладиган, жамиятнинг ахлоқий - руҳий потенциалли;

- давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий асосларни қарор топтиришнинг барқарор механизмнинг бор ё йўқлиги;

- ҳар бир инсон томонидан ўзининг эркинлиги сифатидаги ҳуқуқни ўзлаштириши, ва бу ҳуқуқни керакли ҳолатларда, керакли ҳажмда чегаралаши.²

Маълумки ҳар қандай жамиятда ҳуқуқ давлат билан фуқаро ўртасида боғловчилик ролини ўтаб келган. Шунга мувофиқ ҳолда,

¹ Каранг: Проблемы общей теории права и государства. М., Норма. 1999. 104 б.

² Уша жойда.

мазмун- моҳиятига кўра икки хил бошқариш таркиб топган. Бу ҳақда қадимги мутафаккирлар ҳам кенг гапириб ўтишган. Хукмдорнинг манфаатига хизмат қилувчи жамиятда фуқароларга нима қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги қонунда аниқ, майдалаб белгилаб қўйилади ва “фақат қонунда рухсат берилган ҳаракатларнигина содир этиш мумкин” деган принцип амал қилади.

5. Ҳозирги замон давлатининг ижтимоий - ҳуқуқий моҳияти

Ҳуқуқий давлат тушунчаси ҳақида гапирганда бугунги кунда ижтимоий давлат тўғрисида ҳам гапириш даркор. Умуман социал давлатчилик ғояси XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган. Бу тушунча либерал ҳуқуқий давлатда ҳам бўлмаган янги жиҳатларнинг мавжудлигини англатади.

«Социал» (ижтимоий) – сўзи лотинчада умумий, ижтимоий, яъни жамиятдаги одамлар ҳаётига тегишли деган маънони англатади. Шу маънода барча давлатларни ижтимоий давлат дейиш мумкин, бироқ «ижтимоий давлат» деганда биз алоҳида сифат ва вазифаларга эга бўлган давлатни тушунамиз.

Ижтимоий давлат тушунчаси ҳуқуқий давлат ғоясидан кейинроқ шаклланди. Ижтимоий давлат ғоясининг шаклланишига туртки бўлиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришлар хизмат қилди, яъни ўша даврдаги буржуа жамиятида унинг икки принципи:

1.Эркинлик принципи.

2.Тенглик принципи, аниқроғи бу икки принцип ўртасидаги муайян зиддиятни йўқотиш зарурлиги хизмат қилган.

I. Индивидуал эркинлик тарафдорлари:

- Адам Смит,

- Милль (Джон Стюарт)

- Бенжамен Констан

- Джон Локклар давлатдан индивидуал эркинликни ҳимоя қилишни, ҳатто давлат аралашувидан ҳимоя қилишни талаб қилиш зарурлигини ёқлаб чиқишди, бироқ улар бундай эркинлик оқибат натижада нотенгликка олиб келишни яхши тушунишлари билан бирга, барибир эркинликни улар олий қадрият деб ҳисоблаганлар.

II.Тенглик принципи тарафдори бўлиб, Ж.-Ж.Руссо ҳисобланади, гарчи у индивидуал эркинликни ахамиятини инкор этмаса-да, бироқ ҳамма нарсга тенглик принципига бўйсунishiга керак деб ҳисобланган.

Индивидуал эркинлик натижасида XIX-асрнинг охирига келиб, жамиятнинг мулкӣ чуқурлашиб, ижтимоӣ портлаш хавфи, зиддиятлар таранглиги ҳолатини (ахволини) келтириб чиқарди, ва эркинлик принципи ўз аҳамиятини йўқота бошлади ва ижтимоӣ тенглик принципи аҳамият касб эта борди – давлатнинг ижтимоӣ-иқтисодӣ соҳага аралашуви талаб этила бошланди.

Худди мана шу шароитларда ижтимоӣ давлат ғояси шакллана борди, унинг алоҳида ўзига хос хусусиятлари англана борди.

Ижтимоӣ давлат ғояси кейинчалик кўпчилик томонидан тан олина борди ва ҳозирги замон давлатлари Конституцияларида ўзининг ифодасини топди.

Биринчи бор 1949 йилда ГФР Конституциясида немис давлати ижтимоӣ деб аталди. Ҳозирда у ёки бу тарзда ижтимоӣлик принципи кўп давлатлар Конституцияларида мустаҳкамланган:

Франция	Греция
Италия	Нидерландия
Португалия	Дания
Турция	Швеция
Испания	Япония

Ҳақиқӣ ижтимоӣ давлат демократия шароитида, фуқаролик жамиятидагина мавжуд бўла олади ва у албатта ҳуқуқӣ бўлиши керак. Ҳозирги кунда ҳуқуқӣ давлат албатта ижтимоӣ давлат бўлиши, ижтимоӣ давлат эса ҳуқуқӣ бўлмаслиги мумкин эмас.

Умуман давлатнинг социал сиёсати илдизлари қадимга бориб тақалади. Қадимги Рим ҳукмдорлари оддий халққа «нон ва томоша» бериш зарурлиги тўғрисида қайғурганлар. Бироқ, ҳақиқӣ социал давлатнинг вужудга келиши XX-асрнинг 60-йиллари ҳисобланади. Ҳар бир давлат ҳар бир ўз фуқаросига ҳеч бўлмаганда яшаш минимумини таъминлаши керак, кейин муносиб ҳаёт тарзини таъминлаши лозим. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида (26-модда) ҳар бир шахс ўзининг ва оиласининг фаровонлигини таъминловчи ҳаёт даражасига эга бўлишига ҳақли эканлиги мустаҳкамланган.

Ижтимоӣ давлатнинг шаклланиши – нафақат иқтисодӣ, сиёсий жараён, балки ахлоқӣ жараён ҳамдир.

Ижтимоӣ давлатнинг белгилари:

1. Давлат ҳокимиятининг демократик ташкил этилиши;

2. Фуқароларнинг, айниқса мансабдор шахсларнинг юксак ахлоқий даражаси;

3. Қудратли иқтисодий потенциалнинг мавжудлиги – мулкдорларнинг аҳволини жиддий ўзгартирмасдан даромадларини қайта тақсимлаш;

4. Иқтисоднинг ижтимоий йўналтирилган структураси шаклланганлиги;

5. Давлатнинг ҳуқуқий ривожланганлиги;

6. Фуқаролик жамиятининг шаклланганлиги;

7. Давлатнинг очиқ, аниқ ижтимоий йўналтирилган сиёсати;

8. Давлатнинг умумфаровонлик ўрнатиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш каби мақсадлари қўйилиши. Бунда ҳар бир фуқарога:

А) муносиб яшаш шароитини яратиш;

Б) ижтимоий ҳимоя

В) ривожланиш учун тенг бошланғич имкониятлар – таъминланиши керак.

9. Ривожланган ижтимоий конунчиликнинг мавжудлиги;

10. Мамлакат Конституциясида «ижтимоий давлат» формуласининг мустахкамланиши.

Ижтимоий давлат функциялари:

1. унга барча анъанавий давлат функциялари хос;

2. унинг барча функциялари ижтимоий аҳамият, мазмун касб этади – яъни умумий ижтимоий функцияси мавжуд дейиш ҳам мумкин;

3. айти пайтда унинг махсус, ўзига хос функциялари ҳам мавжуд:

- ижтимоий ҳимояланган аҳоли қатламларини қўллаш;

- одамлар меҳнати ва соғлигини муҳофаза этиш;

- оила, оналик, болалик, оталикни муҳофаза этиш;

- ижтимоий нотенгликни даромадларни қайта тақсимлаш билан (солиқ солиш, давлат бюджетининг махсус дастурлар орқали) камайитириш;

- хайрия фаолиятини рағбатлантириш;

- фундаментал илмий тадқиқот ишларини, маданий дастурларни молиялаштириш;

- ишсизликка қарши кураш, меҳнат таъминоти, ишсизлик нафақасини тулаш;

- эркин бозор иктисоди билан давлатнинг иктисодиётга таъсири доираси уртасидаги мувозанатни излаш;

- халқаро социал характердаги дастурларда қатнашиш;

- жамиятда тинчликни сақлаш ҳақида гамғўрлик.

МДХ давлатларида, хусусан Ўзбекистонда ижтимоий давлатни шакллантириш борасида айрим қийинчиликлар мавжуд ва улар ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун хосдир.

Бу давлатларни социал давлатга ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар деб кўрсатиш мумкин.

- агар Ғарб давлатлари аввал ҳуқуқий давлатни шакллантириб, кейин унинг янги босқичи сифатида социал давлатга айланаётган бўлса, МДХ давлатлари аввало ҳуқуқий давлатга айланиб олишлари ва шу асосда ижтимоийлик касб этишлари керак бўлади;

- ўрта ҳол мулкдорлар синфини шакллантириш керак;

- кучли иқтисодий потенциал шаклланиши ва шу асосда мулкдорлар манфаатига жиддий зарар етказмай даромадларни қайта тақсимлаш мумкин бўлиши керак;

- ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишда монополиялар тугатилиши керак;

- ривожланган, етук фуқаролик жамияти ҳали шаклланмаган;

- маънавият, жамиятнинг виждонийлик даражаси кучайиши керак;

- сиёсий партиялар реал сиёсий кучга айланиши лозим;

- жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий онгги юксалиши лозим.

Ижтимоий давлатлар – барча давлатлар қатори, Ўзбекистон учун ҳам эркин жамият куришнинг ягона йўлидир.

4. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат куриш масалалари.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жамияти ҳуқуқий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида келажак сари интилмоқда. Халқимизнинг бу эзгу интилиши Ўзбекистоннинг Асосий қонуни - Конституциямизда ўзининг ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов айтганларидек, халқимиз тарихимизнинг туб бурилиш нуктасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни - очик демократик ва ҳуқуқий давлат куриш йўлини танлади¹.

¹ Бу ҳақда қаранг: Каримов И. Ўзбекистонда демократик узғаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон”. 2002. - 6 б.

Ҳуқуқий давлат қуриш мураккаб, кенг қамровли ва кўп қиррали жараён эканлигини ривожланган давлатлар ва янги қарор топган давлатларнинг энг янги тарихи кўрсатиб турибди. Бу жараён Ўзбекистонликлар учун ҳам осон кечмаслиги, қатор қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келиши, шубҳасиздир.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб борилди.

Бироқ, шунга қарамасдан, юртимиздаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва янада демократлаштиришга эҳтиёж кучаймоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. давлат тузимини демократлаштириш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилишда давом этмоқда.

Жамиятимизда кечаётган яратувчилик жараёнларини, хусусан, ҳуқуқий давлат барпо этиш борасидаги саъй ҳаракатларимизнинг мазмунини янада чуқурроқ англаш учун, биз, аввало ҳуқуқий давлат барпо этишдаги вазифалар ҳақида фикр юритишимиз, мантиқан зарурдир.

Ҳуқуқий давлат, яъни фаолияти ҳуқуқга асосланган давлат ҳақида инсонлар қадимданоқ орзу қилиб келишган, жамиятда ҳуқуқ, қонун ҳукмрон ва устивор бўлиши зарурлигини англаб етишган, акс ҳолда жамиятда ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиш ҳоллари авж олишини билишган.

Ҳозирги кунда кўпчилик ривожланган давлатлар ҳуқуқий давлат ғоясини ҳаётга тадбиқ этиш йўлидан кетмоқда ва бу соҳада катта ютуқларга эришишмоқда. Кўпчилик давлатларнинг Конституцияларида у ёки бу шаклда ҳуқуқий давлат ғояси мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий давлат - бу ҳуқуқ ҳукмронлиги, қонун устуворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминланадиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этиладиган ва қафолатланадиган, ҳокимиятни ташкил этиш ҳокимиятлар бўлинишига асосланадиган демократик давлатдир.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаси жуда мураккаб жараён бўлиб, у қатор кўрсаткичларга, сифатий жиҳатларга эришишни тақозо этади, қуйида биз шуларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳуқуқ ҳукмронлиги - бу давлатнинг барча фуқаролари, яъни оддий фуқародан тортиб, то энг юқори мансабдор шахсларгача барчанинг бирдек ҳуқуқ билан боғлиқлиги, ҳуқуқ олдида бирдек жавобгарлигидир.

Бу - барча давлат органлари, идоралар ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, хусусий жамоалар, ўзини -ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқ асосида кечиши, уларнинг ҳуқуқ билан боғлиқлигидир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги - бу уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги билан чекланмасдан, балки уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ҳам кафолатланишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Унга кўра, инсон ва унинг кадр-қиммати, эрки ва ҳуқуқлари энг олий қадриятдир.

Жамиятимизда мулкнинг турли шакллариининг мавжудлиги, уларнинг бирдек ҳуқуқий мақомга ва ҳимояга эгаллиги, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг мавжудлиги, демократик институтларнинг фаолияти, сиёсий ва маънавий қарашларнинг турли шакллари мавжудлиги, мустақил суднинг шаклланиши юзасидан олиб борилаётган ишлар инсон ҳуқуқларининг реал кафолатланишига олиб бориши шубҳасиз.

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва амал қилишида ҳокимиятнинг моҳияти ва мазмуни масаласи ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи, яъни унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинганлиги - ҳокимият ваколатларининг суиистеъмол қилинишининг олдини олади. Бу уч ҳокимият тармоғи ўзаро бир- бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш асосида амал қилади, ҳамда бири бошқасининг ваколатини ўзлаштириб олмаслигини назорат қилиб туради.

Ҳуқуқий давлатни қарор топтириш учун етук фуқаролик жамияти шаклланган бўлиши керак. 2005 йил 28 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидақилган маърузада таъкидланганидек, «Бизнинг

асосий ва узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш. одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир»¹.

Бу мақсадга эришиш учун жамиятимизда ўз-ўзини бошқариш асосларини, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш зарур, “давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”².

Фуқаролик жамиятида турли жамоат бирлашмалари, ижтимоий ташкилотлар, сиёсий партиялар ўзаро биргаликда ҳаракат қилади, бунда биронта ҳам мафкура расмий мафкура сифатида ўрнатилмайди. Бунда жамиятнинг ўзини- ўзи бошқариш асослари кучаяди ва кенгаяди, аҳолининг ижтимоий фаоллиги юқори даражага кўтарилади, давлатнинг жамият, жамоат ва хусусий шахслар ҳаётига арилишиши оқилона чегара доирасида чекланади.

“Фуқаролик жамияти - ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан холи бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир”³.

Ҳуқуқий давлат қуришдаги муҳим бир ҳолат - давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро масъулият асосида қурилишидир. Давлат шахснинг камоли, унинг ўсиб-униши учун, ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошиши учун барча шароитларни яратиб бериши керак, айти пайтда, фуқаро ҳам давлат олдида масъул, яъни у қонунларга риоя этиши, ўзига юклатилган мажбуриятларни виждонан бажариши лозим.

Ҳуқуқ тизимида қонуннинг устуворлиги - ҳуқуқий давлатнинг белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг барча, ҳаммага таалукли ҳужжатлари ичида қонуннинг юқори ўрнини, нуфузини англатади. Бунинг маъноси шуки, Конституция ва қонунлар бошқа қонуности норматив ҳужжатларига асос, база бўлиб ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз –жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». ЎзР Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январ куни бўлган қўшма мажлисида маъруза. // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январ.;Т.:Шарқ.2005. 34-б.

² Каримов И.Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболларининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон. 1995. 14 б.

³ Каранг: Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т.: “Шарқ”. 2002. - 164 б.

Амалдаги қонунларга Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив характердаги актлари, маҳаллий ҳокимият қарорлари - барча-барчаси мос келиши керак, акс ҳолда улар бекор қилинади.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим яна бир муҳим жиҳати -бу ҳам бўлса, давлатнинг ички миллий қонунчилигининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мос келиши зарурлигидир. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида, ўз ҳудудида халқаро нормаларнинг устуворлигини эътироф этади ва таъминлайди, тегишли халқаро конвенцияларга қўшилади ва ҳоказо.

Ҳақиқий мустақил суднинг мавжудлиги ва суднинг юқори нуфузга эгалиги - ҳуқуқий давлатнинг ҳал қилувчи белгиларидан муҳими эканлиги, шубҳасиздир. Суд ҳар қандай ташқи таъсирлардан, ҳар қандай ижтимоий ва давлат тузилмаларининг аралашувидан холи, фақат қонунга бўйсунадиган мустақил ҳокимиятга айланиши керак. Бу албатта, жуда мураккаб вазифа.

Кейинги йилларда суд тизимини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. И.Каримов иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, “ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақат қонунга бўйсунишини кучайтириш борасида моҳият - эътиборига кўра мутлақо янги қадамлар қўйилди, десак, ҳеч муболаға бўлмайди”¹.

Суднинг жамиятдаги мавқеини кўтариш борасидаги тадбирлардан бири, бу - прокуратура тизими устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, унинг айрим ҳуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу ҳуқуқларнинг кўпини суд органларига олиб бериш масаласига аниқлик киритилганлигидир.

Бу ўзгаришларнинг мақсади, одамларда суд идораларига жазоловчи органларга қарагандай эмас, балки инсоннинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимояловчи тузилма сифатида қарашларига эришмоқдир.²

Ҳуқуқий давлат барпо этишда эришиш лозим бўлган кўрсаткич ва омилларнинг тўла амал қилиши учун жамият ва унинг аъзолари юксак умумий маданиятга, юқори ҳуқуқий онг ва тафаккурга,

¹ Каримов И. Ўша асар. 12-13 б.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Исламов З.М. Проблема власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. Т.: ТДЮИ.2003.225-241 с.; Ўша муаллиф: Фукаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. Т.:ТДЮИ.2002.46 б

ахлоқий кадриятларга эга бўлган, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлиши лозим, буларсиз юқоридаги ҳолатларнинг амалга оширилиши мавҳум ва мушкулдир.

Ўзбекистондаги ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги сайъи ҳаракатларни янада чуқурлаштириш, уларга ҳозирги кун реалликларига мос суръат бахш этиш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий ишлар амалга оширилиши зарур. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси, ўзида жаҳон давлатлари бу масалада эришган тажриба ва сабоқлари ҳамда ўзимизнинг тараққиётимиз хусусиятларини мужассамлаштирган ҳолда амалга ошмоқда ва бу жараёнлар орқага қайтмас, муқаррарлик характериға эга бўлиб бормоқда. Сиёсий соҳада энг муҳим вазифалардан бири, реал, кафолатланган сўз, матбуот эркинлигига эришиш, жамият ва давлат ҳаётини ошкораликка асослантириш, шу мақсадда хусусий оммавий ахборот воситалари тизимини тез шакллантириш, сиёсий эркинликларни тыла кафолатланишиға эришмоғимиз керак. Мамлакатдаги мавжуд кўппартиявийликни амалда, реал, ишловчи кўппартиявий тизимға айлантириш, бу вазифанинг амалға ошиши учун аввало жамиятда ошқоролик, ҳақиқий сўз ва матбуот эркинлиги қарор топиши керак.

Айтиш керакки, ҳуқуқий давлат ғояси ва унинг Ўзбекистондаги амалиёти, жамиятимиз олдинға илгарилаб боргани сари, тараққиётнинг ҳар бир янги босқичи бошлангани сари, янги мазмун ва моҳият касб эта боради. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Содда қилиб айтганда муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртаға қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобға олинишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Бу - ҳаёт қонуни биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишға ҳаққимиз йўқ“¹.

¹ Каранг: Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон.2002. 15 б.

НАЗОРAT САВОЛЛАРИ:

1. Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги илк қарашларнинг шаклланиши
2. Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги назариянинг шаклланиши
3. Ҳуқуқий давлат белгилари
4. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти
5. Фуқаролик жамияти таркиби ва белгилари
6. Ижтимоий давлат ва унинг ҳуқуқий табиати
7. Ижтимоий давлатнинг белгилари
8. Ўзбекистон давлатининг ижтимоий характери
9. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий-ҳуқуқий масалалари.
10. И.А.Каримов асарларида ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари.

РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
4. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
5. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
6. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
7. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
8. Каримов И. А. Биз келажагимизни Ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
9. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
11. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
12. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
13. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
14. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
15. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
16. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.

7.2. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АКТЛАР

1) **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.—1997.—№ 9.

2) **"Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"**ги қонун (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 30.08.2001 й. N 265-II N 9-10, 176 м. Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзгартириш киритилган 03.12.2004 й. N 714-II Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2005, № 1, 18 м.

3) **"Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида"**ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 213 м. Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 б.

4) **"Ўзбекистон Республикаси қонунчилик Палатаси тўғрисида"**ги Конституциявий қонун. 12.12.2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2002, N 12, 215 м. Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 м.

5) **"Прокуратура тўғрисида"**ги қонун (Янги таҳрири). 29.08.2001 й. N 257-II Ўзбекистон Республикаси қонуни билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 9-10, 168 м. Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзгартириш киритилган 25.04.2003 й. N 482-II, 03.12.2004 й. N 714-II қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2003, N 5, 67 м., 2005, № 1, 18 м.

6) **"Норматив ҳуқуқий актлар тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001, N 1-2, 8 м. 12.12.2003 й. N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзгартириш киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2004, N 1-2, 18 м.; 2005, № 1, 18 м.

7) **"Судлар тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (Янги таҳрири). N 162-II 14.12.2000 йилдаги қонун билан тасдиқланган 2001, N 1-2, ст. 10 07.12.2001 й. N 320-II, 12.12.2003 й.

N 568-II; 03.12.2004 й. N 714-II Ўзбекистон Республикаси қонуни билан Ўзгартириш киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномалари 2002, N 1, 20 м.; 2004, N 1-2, 18 м.; 2005, № 1.

8) **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги қонун. 26.12.1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 1997, N 2, 36 м. 20.08.1999 й. N 832-I, 12.12.2003 й. N 568-II, 30.04.2004 г. N 621-II, от 03.12.2004 г. N 714-II Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан Ўзгартириш киритилган, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномалари 1999, N 9, 229 м.; 2004, N 1-2, 18 м.; 2004, N 5, 90 м., 2005, № 1, 1 м.

9) **"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"**ги қонуни. 30.08. 1995 йилда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 1995, N 9, ст. 178. 13.12.2002 г. N 447-II, 30.08.2003 г. N 535-II Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан Ўзгартириш киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномалари 2003, N 1, ст. 8; N 9-10, ст.149

10) **"Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида"**ги қонун. 15.02. 1991 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ахборотномалари 1991, N 4, 76 м. 03.07.1992 й. N 664-XII, 25.04.1997 й. N 421-I, 26.12.1997 й. N 549-I, 12.12.2003 й. N 568-II, 30.04. 2004 й. N 621-II; 03.12.2004 г. N 714-II Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан Ўзгартириш киритилган 1992, N 9, 363 м. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Ахборотномалари; Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси 1997, N 4-5, 126 м.; 1998, N 3, 38 м.; 2004, N 1-2, 18 м.; N 5, 90 м.; 2005, № 1 18 м.

11) Ўзбекистон республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 1 август Фармони. Халқ сўзи.2005 йил 2 август.

12) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида ги 2005 йил 8 август Фармони. Халқ сўзи. 2005 йил 9 август.

7.3.ДАРСЛИКЛАР

1) Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев.-Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2000.-286.

2) Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.

3) Теория государства и права: Учебник.Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Перевалова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.

4) М.Н.Марченко. Теория государства и права.Учебник. Изд. втор. перераб. и допол. М,: “Проспект”, 2004.

5) Проблемы общей теории права и государства.Учебник Под редакцией проф.В.С.Нерсисянца. М.: Норма-Инфра М. 2004. - 832 с.

7.4. ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

1. Ахмедшаева М., Нажимов М. Ҳуқуқ нима? Т.: ТДЮИ, 2003.-35 б.

2. Ахмедшаева М., Давлат механизми ва ҳокимиятлар бўлиниши. Кирилл ва лотин алифбосида. Ўқув қўлланма Т.:2005 - 66б.

3. Саидов А., Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. I-жилд. Давлат назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –336 б.

4. Саидов А., Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –560 б.

5. Сабуров Н. Қонунга итоаткор шахс (шахсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фазилатлари). Т.:ТДЮИ,2003.-60б.

6. Таджиҳанов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томли. Т.1. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 316 б.

7. Таджиҳанов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томли. Т.2. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – 447 б.

8. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т.: Адолат, 2000. –272 б.

9. Эргешова Д.Қ., Нажимов М.К. “Юридик конфликтология”. Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ. 2005. – 128б.

10. Исламов З. Общество. Государство. Право.–Т.: Адолат, 2001. 695б.

11. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Т.:ТДЮИ, 2004. –138б.

12. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.: ТДЮИ,2005. –187 б.

13.Холмўминов Қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Т.: 2000. -116 б

14. Нажимов М. Давлат ва унинг экологик функцияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. -34 б.
15. Григонис Э.П. Теория государства и права: Курс лекций.-СПб.: Питер, 2002. -320 с.
16. Проблемы теории государства и права. Учебное пособие. (под ред. М.Н. Марченко). М.: “Проспект”,2004.
17. Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах. Под ред. М.Н. Марченко. Том 2. Теория права. -М.: Зерцало, 1998. –640 с
18. Григонис Э.П. Теория государства и права: Курс лекций.-СПб.: Питер, 2002. -320 с.
19. Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах. Под ред. М.Н. Марченко. Том 2. Теория права. -М.: Зерцало, 1998. –640 с.
20. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. 2-е изд. перераб. и доп. –М.: Юрайт, 2001. -346 с.
21. Проблемы теории государства и права. Учебное пособие. (под ред. М.Н. Марченко). М.: “Проспект”,2004.

7.5. УЧЕБНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОСОБИЯ

1. Сабуров Н.Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар)-Т.:ТДЮИ,2005. –95 б.
2. Сабуров Н. Курс иши ёзиш ва уни ҳимоя қилиш бўйича услубий қўлланма.ТДЮИ, 2005. –14 б.
3. Малько А.В. Экзамен по теории государства и права: 100 ответов на 100 возможных вопросов. Учебно-методическое пособия. –М.: Гардарика, 1996. -128 с
4. Нажимов М.К., Хусанбоев ОО. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан сиртки факультет талабалари учун Ўқув-услубий қўлланма. Т.:ТДЮИ, 2004. –44 б.

7.6. WEB РЕСУРСЛАР

<http://www.yuridlit.ru>
<http://www.allpravo.ru>
<http://www.troek.netfzazkaz.htm.ru>
<http://www.lawbook.ru>
<http://www.books.ru>

7.7. ДОПОЛНИТЕЛЬНАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Агзамходжаев А. Правовые основы государственной независимости Республики Ўзбекистан. Ғ Отв.ред. А.Х.Саидов. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -93 с.
2. Бобоев Ҳ.Б., қаҳҳоров А. Демократик конституциянинг ижтимоий-ҳуқуқий қирралари. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -77 б.
3. Болтаев А.Р., Юлдашева З.А. Концепция разделения властей и ее воздействие на реформирование вўсших органов власти Ўзбекистана. – Т.: ТҒЮИ, 2002. –32 с.
4. Джумабоев К.Н. Теория разделения властей: история и современность. –Т.: Академия МВД, 1997. -С. 19.
5. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. - Т.: Шарқ, 1998. -143 б.
6. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон” 2005. 262б.
7. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: ТДЮИ, 2002, -87 б.
8. Исламов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность.-Т.: ТҒЮИ, 2003. –244 с
9. Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат Ғ Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 1995. –232 б.
10. Конституция ва қонунларнинг устунлиги- Ўзбекистон, тараққиётининг қафолати (илмий-амалий конференция материаллари). –Т.: Адолат, 2000.
11. Мухамедов Х. Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асослари. –Т.: Адолат, 1999. –52 б.
12. Мирхамидов М. Государственный суверенитет и становление современной Ўзбекской национальной правовой государственности. –Т.: Фан, 1994, -44 с.
13. Одиқориев Х., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Т., 2005. –344 б.
14. Одиқориев Х. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ва Ўзбекистон давлат органлари тизимининг такомиллашуви. Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. -Т.: Адолат, 1995. –232 б.
15. Одиқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. -Т.: Ўзбекистон, 1995. –208 б.

16. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002.-320 б.
17. Право XX века: Идеи и ценности: Сб. обзоров и рефератов.РАН. ИНИОН. Отв. ред. Пивоваров Ю.С.-М., 2001. –328 с.
18. Правовое государство, личность, законность. Кол. авторов.-М., 1997. –138 с.
19. Ражабова М. Ҳуқуқий давлатчилик сари.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
20. Саидов А. Общеизвестные права человека.-М.: МЗ Пресс, 2002. -267 с.
21. Саидов А.Х. Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари.-Т.: Адолат, 2001. –279 б
22. Саидов А.Х., Таджиханов У., Тошқулов Ж.Ў. Мустақиллик ва ҳуқуқий мафкура. –Т.: 1995. -117 б.
23. Уразаев Ш.З. Модель закона: Какой ей быть? –Т.:Фан, 1990.-48 с.
24. Уразаев Ш.З. Власть и закон. –Т.: Фан, 1992. -52 с.
25. Файзиев М.М. Законодательство Республики Ўзбекистан в человеческом измерении. –Т..Фан, 1996.
26. Файзиев М.М. Ўзбекистон Конституцияси – мустақиллик қомуси.—Т.: 1995.
- 27.Файзиев М.М. Мустақиллик нима? –Т.: Адолат, 1992. –60 б.
28. Халилов Э.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар.-Т.: Ўзбекистон, 2001. –384 б.
29. Халилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгинг ўрни. Правосознание в структуре общественной жизни.-Т.: Ўзбекистон, 1997. –48 б.
30. Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. Ўзбекистан на пути к гражданскому обществу. Отв. ред. Р.Алимов. –Т.: Шарқ, 2003. -304 с.
31. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. -Т.: Адолат, 1994. –112 б.
32. Ўзбекистон Республикаси Парламенти: бугуни ва истиқболи, халқаро илмий-амалий анжуман конференция материаллари. –Т.: 2002. -215 б.
33. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-давлат ва жамият ислохотининг ҳуқуқий асоси. Илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, -328 б.
34. Қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикридан

фойдаланиш. I фасл. -Т.: Адолат, 1998. –28 б.

35. Алексеев

36. Общая теория права. Под общ. ред. А.С.Пиголкина. М., МГТУ, 1995. –384

37. Матызов Н.И. Правовые отношения Теория государства и права. Курс лекций. Саратов, 1995.

38. Марченко М.Н. Проблема теория государства и права. М.Проспект. 2004. С.640.

39. М.Н.Марченко. Теория государства и права. Изд. втор. перераб. и допол. М.: “Проспект”, 2004.

40. Теория государства и права. Курс лекций. Под.ред. Н.И.Матызова, А.В.Малько. -М.: Юристь, 1999. -672 с.

41. Алексеев С.С. Избранное: наука права, обхесоциальнѳе Проблемы, публицистика.-М.:Статут.2003.-480 с.

42. Книпер Р., Назарян В. Очерки к проблеме законодательной техники. Эшборн, 1999. -62 с.

43. Матузов Н.И. Правовые отношения Теория государства и права. Курс лекций. Саратов, 1995.

44. Марченко М.Н. Проблема теория государства и права. М.Проспект. 2004. С.640.

45. М.Н.Марченко. Теория государства и права. Изд. втор. перераб. и допол. М.: “Проспект”, 2004.